

ГУЛНОЗА ЖУРАЕВА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ
(XX–XXI аср материаллари асосида)**

Тошкент – 2021

Масъул муҳаррир:

**Қурдош Қаҳрамонов,
филология фанлари доктори, профессор**

Тақризчилар:

**Сафо Матчонов
педагогика фанлари доктори, профессор**

**Эркин Мусурманов
филология фанлари доктори (DSc)**

Мазкур монографиядан ўзбек болалар ҳажвий шеърятининг тараққиёт такомилли атрофлича тадқиқ этилиб, болалар шеърятига хос бўлган ҳажвиянинг бадий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти, жанр такомилидаги ўрни аниқланиб, болалар шоирларининг сатирик ва юмористик кулги воситасида ҳажвий образ яратиш маҳорати илмий тадқиқ этилган.

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида умумадабиётнинг муҳим узви саналган болалар адабиётининг яратилиш тарихи, таркиб топиши, жанр хусусиятлари, бадиияти, адабий-эстетик ҳодиса сифатидаги ўзига хос хусусиятларига катта эътибор қаратилмоқда. Болалар адабиётида жанр имкониятларининг кенгайиши, мавзу янгиланиши зарурати мумтоз анъаналарни техника тараққиёти билан уйғун ҳолда акс эттиришга асос бўлмоқда. Бадиий ижоднинг қизиқарли қисми бўлган ҳажвия жанрининг фош қилиш санъати сифатида намоён бўлиш шакллари, образлилиги, дидактик аҳамияти, шунингдек, структурал-семантик ваструктурал-композицион хусусиятларини ўрганиш масалалари атрофлича ёритилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида глобал ижтимоий муаммоларни бадиий талқин этиш, миллий ва умуминсоний ғояларга зид иллатларни ҳажвий йўсинда акс эттириш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу тенденция болалар шеъриятида ҳажвий-юмористик йўналишнинг қадим анъаналаридан озикланиши баробарида ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Хусусан, мазкур жиҳатлар болаликнинг рангин манзараларини поэтик штрихларда акс эттириш, кичкинтойларнинг дунёни ўз “мен”и доирасида идрок этишга қаратилган услубий-шаклий изланишлар, ижодкорларнинг бадиий маҳорат сари интилишларида намоён бўлмоқда.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослиги ҳам жаҳонга юз тутиб, шўро даврига хос ижтимоий-мафкуравий қарашлардан воз кечилди. Бадиий асарларга, биринчидан, бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш, таҳлил ва талқинларда ижодкор шахси, унинг поэтик олами ва маҳоратини очишга асосий эътибор қаратилмоқда. Болалар шеъриятида ҳажвиянинг аҳамияти, сатирик ва юмористик асарларнинг кичкинтойлар маънавий-эстетик диди шаклланишида, жамият учун муносиб ворислар бўлиб вояга етишларида муҳим ўрин тутишини бунёдкор ғоялар асосида ёритиш ижтимоий заруратга айланди. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун...”¹ миллий маданиятимиз ва умумий тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларни бадиий сўз воситасида фош этиш санъатини илмий тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутди. Қолаверса, муайян бир давр болалар адабиётининг ўзига хос индивидуал хусусиятларига илмий-назарий баҳо бериш ҳамда адабий жамоатчиликда аниқ ва теран тасаввур пайдо қилиш мавзунинг долзарблигини оширади.

Жаҳон адабиётшунослигида болалар шоирлари ижодий лабораториясини янгичатамойиллар асосида тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 65-б.

борилмоқда: дунё халқлари шоирлари ижодининг мавзу йўналиши, бадиий талқин ва адабий таъсир, ифодадаги ўзгачалик ва муштаракликларни ўрганиш, шунингдек, маълум бир давр болалар адабиётидаги бадиий маҳорат, тасвирдаги рамзийлик ва миллий ўзига хослик масалаларини мумтоз ва замонавий шеърятга хос поэтик анъаналар синтези уйғунлигида ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек болалар шеърятда ҳажвийлик муаммосига бағишланган биргина тадқиқот иши олиб борилган бўлса-да², масалага у ёки бу даражада муносабат билдирилган бир қатор диссертация³, монография⁴ ва рисоалар⁵ ҳам кам эмас. Уларда ўзбек болалар шеърятда қаҳрамон, бадиий тил ва услуб, сатира ва юмор масалалари ижодкор маҳорати нуқтаи назаридан маълум даражада ўрганилганини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда, гарчи бадиий ижодга давр билан боғлиқ бирёқлама ёндашиш ҳолатлари мавжуд бўлса ҳам, болалар

² Адылова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70 годы): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 22 с.

³ Сафаров А. Шукур Саъдулла – детский писатель: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Самарканд, 1971. – 19 с.; Ирисходжаева С. Специфические особенности узбекской детской поэзии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 21 с.; Эгамов Х. Язык и стиль узбекских детских поэм: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 25 с.; Азимов И.У. Мастерство создания художественного образа в современной узбекской детской поэзии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 с.

⁴ Жумабаев М. Проблема положительного героя в узбекских детских поэмах: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 22 с.; Қаҳраманов К.Я. Роль литературной критики в развитии реалистических принципов в узбекской детской литературе: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 20 с.; Баракаев Р. XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 32 б.; Турдиева К. Ҳозирги замон болалар шеърятда маънавий масаласи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 26 б.; Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърятда поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.; Ашуров Б.Т. Адашбоев шеърлари поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 156 б.; Тўраева Д. Қудрат Ҳикматнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 53 б.; Тўхтаева Н. Истиқлол даври ўзбек болалар шеърятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 56 б.; Маматалимов З. Анвар Обиджон шеърятининг бадиий-маърифий хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 56 б.

⁵ Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки. – Тошкент: Фан, 1978. – 280 б.; Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. – Тошкент: Фан, 1989. – 312 б.; Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 1991. – 212 б.; Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К. 1. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 112 б.; Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К. 2. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 120 б.; Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 2004. – 158 б. Қўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. – Тошкент, 1969. – 30 б.; Шарипов М. Шукур Саъдулла. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 96 б.; Кобулов Н. Кичкинтойларнинг катта шоири (Султон Жўра). – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 71 б.; Шермухамедов П. Ижод дарди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 163 б.; Яна ўша: Она сутидек покиза. – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – 80 б.; Яна ўша. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 135 б.; Эгамов Х. Дидактика ва услуб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 42 б.; Яна ўша. Болалар дунёси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 47 б.; Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1978. – 168 б.; Имомов Б. Пўлат Мўмин. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 96 б.; Ирисхўжаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Тошкент: Фан, 1977. – 48 б.; Яна ўша: Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 31 б.; Яна ўша: Кичкинтойлар олами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 32 б.; Хўжаева Р. Қуддус Муҳаммадий. – Тошкент: Фан, 1980. – 56 б.; Матжонов С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 176 б.; Яна ўша: Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 144 б.; Баракаев Р. Жонажоним, шеърят (80-йиллар ўзбек болалар шеърятини ҳақида баъзи қайдлар). – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 120 б.; Яна ўша: Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2005. – 32 б.; Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 228 б.; Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 137-216-б.; Яна ўша: Ўзликни англаш. – Тошкент: Адиб, 2012. – 39 б.

адабиётининг китобхонлар ёш хусусиятлари билан боғлиқ тасвирнинг шартлилиги, адабий танқиднинг ушбу муаммога муносабати хусусида эътиборли кузатишлар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, З.Одилованинг “Ўзбек болалар шеъриятида юмор ва сатира (60–70-йиллар)” номли диссертациясида ўтган асрнинг 60–70-йиллари болалар шеърияти материаллари асосида сатира ва юмордан фойдаланиш маҳорати ҳамда юморнинг кичкинтойлар адабиётидаги ўрни белгиланган. Тадқиқотчи томонидан Қуддус Муҳаммадий, Шукур Саъдулла, Зафар Диёр, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин каби болалар шоирлари яратган ҳажвий асарлар таҳлилга тортилиб, сатира ва юморнинг тарбиявий аҳамияти, кулги асосида фош қилиш ва образ яратиш муаммоларига муносабат билдирилган.

С.Ирисхўжаеванинг “Ўзбек болалар шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари” номли тадқиқот ишида 60–70 йиллар ўзбек болалар шеъриятининг ғоявий-тематик ўзига хослиги ва дидактик хусусиятлари ўрганилган. Ишдаасосий эътибор болалар шеъриятининг бош вазифаси кичкинтойларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш эканлигига қаратилган бўлиб, дидактика, бадиий тил, кичик қаҳрамонлар образини яратиш муаммолари таҳлил марказига қўйилган.

Юқорида қайд этилган изланишлар ўтган асрнинг 60–70 йиллари материаллари асосида олиб борилган бўлса, Д.Ражабов ҳамда К.Турдиеванинг диссертацион ишларида 80–90 йиллар болалар шоирларининг бадиий маҳорати ва лирик қаҳрамон образини яратиш муаммоси ёритилган. Бироқ бу тадқиқотларда ҳажвий шеърлар алоҳида поэтик ҳодиса сифатида махсус ўрганилмаган. Ваҳоланки, шу давр болалар шеъриятида Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толипов, А.Кўчимов, Х.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражабов, А.Акбар каби истеъдодли шоирлар ижодининг каттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил этади.

Хусусан, профессор Қ.Қаҳрамоновнинг “Болалар адабиётида реалистик принципларнинг шаклланишида адабий танқиднинг роли” мавзусидаги диссертациясида адабий танқиднинг болалар адабиётида реалистик тамойилларнинг шаклланишидаги ўрни ҳақида фикр юритилса, Р.Баракаевнинг “XX аср бошларидаги ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди” номли тадқиқотида аср бошидаги адабий муҳит, болалар адабиётининг вужудга келиши ва шаклланишида Абдулла Авлоний яратган асарларнинг аҳамияти масаласи тадқиқ этилади. Б.Ашуровнинг “Турсунбой Адашбоев шеърияти поэтикаси”, Ҳ.Нусратованинг “Сафар Барноевнинг бадиий маҳорати”, Д.Тўраеванинг “Қудрат Ҳикматнинг бадиий маҳорати”, Н. Тўхтаева “Истиқлол даври ўзбек болалар шеъриятининг етакчи хусусиятлари” ҳамда З. Маматалимов “Анвар Обиджон шеъриятининг бадиий-маърифий хусусиятлари” каби филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) каби диссертацияларида муайян ижодкорнинг бадиий ва образ яратишдаги маҳорати масалалари тадқиқ этилади. Уларда кичкинтойлар хулқ-атворидаги камчиликлардан тортиб янгиланаётган жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларгача қаламга олинади. Шунингдек, истиқлол даври болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш муаммоси ҳалигача тадқиқотчилар

эътиборидан четда қолиб келмоқда. Даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалардагина бу масала хусусида баъзи фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган, аммо монографик йўсинда таҳлил қилинмаган.

Биобарин, истиқлол даври ўзбек болалар шеърятининг етакчи тенденцияларини адабий жараён контекстида яхлит ижодий тизим сифатида тадқиқ этиш ва тараққиётининг етакчи хусусиятларини, жанрий-услубий тақомилини белгилаш муаммолари адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб масалалардан бўлиб келмоқда.

Мазкур монографияда ўзбек болалар ҳажвий шеърятининг тараққиёт тақомили, ҳажвиянинг бадиий-эстетик ва тарбиявий аҳамияти ва жанрий хусусиятларини аниқлаш ҳамда сатирик ва юмористик кулги воситасида ҳажвий образ яратиш маҳоратини кўрсатишга катта эътибор қаратилди. Монографиядаги асосий вазифалар:

ўзбек болалар шеърятида ҳажвиётнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ўзбек болалар шеърятида шаклий ва мазмуний янгиланишлар асосида ҳажвиянинг янгича моҳият касб этганлигини кўрсатиш;

ҳажвий образ яратиш усуллари ва йўналишларини белгилаш;

ҳажвий образ яратишдаги бадиий-поэтик маҳорат қирраларини очиб бериш;

ҳажвий образлар талқинидаги муштараклик ва ўзига хосликларни тадқиқ этиш, кулги ҳосил қилувчи бадиий унсурларни аниқлаш;

ҳажвий шеърларнинг болалар маънавияти ва эстетик дидини шакллантиришдаги ўрнини белгилаш.

Ушбу тадқиқотнинг объекти сифатида ўтган бир аср мобайнида ўзбек болалар ҳажвий шеърятининг шаклланиш тарихи, тараққиёт тенденциялари, бадиий-эстетик ва дидактик-тарбиявий моҳиятининг етакчи хусусиятлари ўз аксини топган шўро ва истиқлол даври намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети болалар шеърятида ҳажвиянинг тақомилида поэтик янгиланишларга асос бўлган бадиий тил ва тафаккур, сатирик ва юмористик тасвир воситалари, шакл, мазмун ва мантиқ уйғунлиги, ҳажвий образ яратиш маҳорати муаммоларини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида тарихий-маданий, тарихий-қиёсий, биографик, психологик ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳажвиянинг XX–XXI бошлари ўзбек болалар шеъряти тараққиётидаги ўрни, ижодкор концепцияси ва образ яратиш орқали намоён бўладиган бадиий вазифалари, жумладан, фош қилиш санъати орқали юзага келадиган тарбиявий асослари келтирилган;

ҳажвиянинг болалар шеъряти бадиий-эстетик ва жанрий тақомилини юзага келтиришдаги аҳамияти, кулги ҳосил қилиши, сатирик ва юмористик табиати ўрганилган;

Ўзбек болалар шеърларида ҳажвиянинг тараққиёт такомиллини белгилашда даврлаштириб ўрганишнинг аҳамияти таҳлиллар асосида очиқ берилган;

ҳажвиянинг болалар шеърлари тараққиётидаги поэтик қиммати ҳар бир давр, хусусан, жаҳидчилик даврида маърифий-тарбиявий, шўро даврида синфий-мафкуравий ва бадиий ҳамда истиқлол йилларида ахлоқий-эстетик хусусиятлари етакчилик қилганига урғубериш билан белгиланган;

Қ.Муҳаммадий, П.Мўмин, Т.Адашбоев, А.Обиджон, К.Ўтаев, Р.Толипов, А.Қўчимов, Х.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражабов, А.Акбар каби шоирлар томонидан турли даврларда яратилган ҳажвий шеърларда образ ва манзара яратиш орқали кулгининг табиати ҳамда юмор ҳосил қилувчи бадиий тасвир воситалар қиёсий аспектда тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. .

БИРИНЧИ БОБ.

XX–XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Болалар шеъриятида ҳажвиянинг ўрни ва бадиияти

Ҳажвий ҳолатларбарча миллат халқлари турмуш тарзининг ажралмас қисмидир. Зеро, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади. Инсоният турмуш тарзида турфа хил воқеа-ҳодисалар мужассам бўлиб, улар жиддий, фожиавий, ҳажвий, кулгили ва бошқа кўринишларда ўзини намоён этади. Воқеликка муносабат тарзида яраладиган бадий асарларда инсонларга хос дард-алам, қувонч ва ташвишлар турли образли воситалар орқали акс эттиради. Булар орасида ҳажвий руҳда битилганлари ҳам алоҳида туркумни ташкил этади. Адабиётшуносликда ҳажвий асарлар деб таърифланадиган бундай асарларнинг асосини фош қилувчи кулги ташкил этади.

Ҳажв сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай таъриф берилган: “бировдан кулиш; масхара, мазах қилиш; сатира. Айрим шахс ёки ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олиб, масхаралаб айтилган (ёзилган) гап, жумла, байт, асар”; ҳажвия эса “...кулгили, сатирик асар. Ҳажв билан айтилган, ёзилган шеър ва ш.к.”⁶.

Келтирилган таърифда ҳажвиянинг асосини кулги ташкил этиши тўғри таъкидланган, бироқ сатира ҳақида фикр билдирилгани ҳолда, юмор масаласи эътибордан четда қолган. Ваҳоланки, кулгининг беғараз, қувноқ оҳангга эгалиги, фақат масхаралаб эмас, енгил танбеҳли, эркаловчи шакллари ҳам борки, шу боис ҳажвий асарлар иккига – сатирик ва юмористик асарларга ажратиб ўрганилади. Албатта, сатира ва юморнинг орасига “хитой девори” қўйиш шарт эмас. Уларнинг муштарак жиҳатлари жуда кўп. Айни пайтда ўзига хослиги борлигини ҳам таҳлил жараёнида ёдда тутиш зарур. Шунга кўра, ҳажвия дейилганда сатирик ва юмористик руҳда битилган асарлар мажмуи назарда тутилади.

“Адабиётшунослик луғати”да сатира ва юморнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қуйидагича шарҳлар берилади: “Сатиранинг юмордан фарқи шундаки, у ўз объектида айрим нуқсонлар, тузатса бўладиган камчиликларни эмас, балки бутунлай танқид ва инкор этиладиган моҳиятни – жамият ва унинг тараққиёти учун жиддий зарар келтирадиган, ижтимоий ҳавфли иллатларни кўради. Шунга кўра, сатира тузатишни эмас, бутунлай йўқотиш мақсадини қўяди”⁷.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 477-б.

⁷ Курунов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010. – 272-б.

Юмор эса “Бадиий асарда кишилар, воқеа-ҳодисалар устидан енгил, дўстона, беғараз кулиш. Юморда кулгилик очик-ошқора намоён бўлади, аммо ошқор кулги остида енгил-елпи ҳазил, кўнгилхушлик мақсади эмас, жиддийлик мавжуд”⁸, деб таърифланади. Бундан ташқари, луғатда сатира ва юморнинг бадиийлик модули сифатидаги бадиий-эстетик қимматига ҳам алоҳида изоҳ берилади.

Кулгили ва кулги ташиш вазифасини бажарувчи образлар юмористик образ, воқеаларнинг кулгили, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари ва нутқидаги муайян комик белгилар воситасида ифодаланган асар юмористик асар номи билан юритилади.

Таниқли рус психологи А.Н.Лукнинг ёзишича, “Юмор кўпинча шафқатсиз масхара деб таърифланади. Биз бундай таърифга эътироз билдирмаймиз, лекин фақат ҳазил туйғуси ҳар қандай таърифдан кенгрок эканлигини кўшимча қилмоқчимиз, чунки бу ўта мураккаб ақлий сифат саналади”⁹.

В.Пропп ва бир қатор рус олимлари томонидан кулгининг бадиий тафаккурга таъсири борасида тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, М.М.Бахтин, В.Я.Пропп, О.М.Фрейденоберг каби олимларнинг илмий тадқиқотларида кулгининг асослари ва бадиий тафаккурга таъсири ўрганилган¹⁰.

В.Я.Пропп томонидан комик ҳолат ва кулги муаммолари борасида олиб борилган кузатишларда юмористик кулгининг ички типлари алоҳида таснифланган¹¹.

Д.П.Николаев тадқиқотларида кулги сатиранинг муҳим қуроли эканлиги атрафлича тадқиқ этилган¹².

Ўзбек ва жаҳон болалар адабиётида мавжуд ҳажвий образлар мантиқан кулги ташувчи ва кулгига асосланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Болалар адабиётида ҳам ҳажвия умуми адабиётга хос тарзда шаклланган. Кичкинтойлар адабиётининг ўзига хослиги унинг беғуборлигида намоён бўлади. Унда болаларга хос турфа туйғулар, орзу-умидлар, идеаллар ўз аксини топади. Таъкидлаш жоизки, кичкинтойлар шеъриятида комиклик ва бошқа хусусиятларнинг “бола” кўринишларини учратиш мумкин. Болаларга аталган шеърий намуналарда ҳам ҳажв бошқа асарлардаги кулгидан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу жиҳатлар самимийлик, беғуборлик ва соддаликка асосланишида акс этади.

Ҳажвий асарлар танқидий руҳда бўлади. Бу жиҳат ўтмишда Шарк халқлари, шу жумладан, ўзбек адабиётида, асосан, шеърият ва фольклорда ўзини кўпроқ намоён этган. Халқ оғзаки ижодининг латифа, лоф, аския каби

⁸ Ўша манба. – 372-б.

⁹ Лук А.Н. О чувстве юмора и остроумии. – Москва: Издательский дом: Искусство, 1968. – С. 39.

¹⁰ Алексеев В.Л. Оружие политической сатиры. – Москва: “Мысль”, 1979; Буишин А.С. М.Е.Салтыков-Щедрин. – Ленинград, “Мысль”, 1970; Луначарский А.В. О смехе // Советский фельетон. – Москва, “Мысль”, 1959. – С. 439–442; Николаев Д.П. Смех – оружие сатиры. – Москва: “Мысль”, 1962; Эльсберг Я.Е. Вопросы теории сатиры. – Москва: “Мысль”, 1957; Бахтин Л.А. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – Москва: “Мысль”, 1990; Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. – Москва: “Мысль”, 1999; Фрейденоберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. – Москва: “Мысль”, 1997.

¹¹ Пропп В.Я. Проблемы комизма и смеха. – Москва: “Мысль”, 1999.

¹² Николаев Д.П. Смех – оружие сатиры. – Москва: “Мысль”, 1962.

жуда қадимий жанрларида ҳам, асосан, кулги етакчилик қилиши характерлидир. Уларда жамият, шунингдек, айрим гуруҳ ёки шахсларнинг салбий жиҳатлари, муайян ижтимоий мазмунга эга иллатлар, баъзи шахслар хулқ-атворидаги камчиликлар фош этилади. Ҳажвияда танқид қилинувчи объектга қаратилган киноявий масхараловчи ёки фош этувчи кулги асарнинг ғоявий мундарижасини ва бадиий воситаларини белгилайди. Ҳажвияга хос хусусиятлар турли жанрларда ўзини кўрсатиши мумкин. Масалан, “Ўлик жонлар” (Н.В.Гогол) ҳажвий роман шаклида, “Майсаранинг иши” (Ҳамза), “Сўнгги нусхалар” (А.Қаҳҳор) ҳажвий пьеса шаклида, “Ёвуз ниятли кишилар” (А.Чехов), “Судхўрнинг ўлими” (С.Айний), “Тобутдан товуш” (А.Қаҳҳор) ҳажвий ҳикоя шаклида, “Тўйи Иқонбачча” (Муқимий), “Ҳажви йикчи эшон” (Завқий) ҳажвий шеър шаклида, “Бизнинг мулоҳазаларимиз” (А.Қаҳҳор) ҳажвий фелъетон шаклида ёзилган. Ҳажвий асарларда воқеани бўрттириб тасвирлаш, муболаға ва фантазиядан кенг фойдаланиш характерли. Ҳажвияжамият ҳаётидаги айрим иллатларни йўқотишга, камчиликларни тузатишга ва уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бу ҳажвияларнинг кўпчилиги, жумладан, “Танобчилар”, “Тўйи Иқонбачча”, “Масковчи бой таърифида”, “Воқеаи Виктор” каби асарлар мумтоз шеърятнинг маснавий жанрида ёзилган. “Сайлов”, “Дар шикояти Лахтин”, “Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи” ҳажвиялари ғазал шаклида қофияланган. “Ҳажви Виктор”, “Ҳажви Викторбой” асарлари мухаммас шаклида ёзилган. Қизиғи шундаки, Муқимийнинг айрим сатирик шеърлари ҳам куйга солинган. Масалан, “Ҳажви Викторбой” мухаммасининг матнини Н.Остроумов ашулачилар оғзидан ёзиб олгани маълум¹³.

Муқимийнинг қатор шеърларида қулоқларни тарақа-туруғи билан батанг қилувчи, шалағи чиққан аравалар (“Ароба”), “фақир бош”, “зоҳиду обид” демасдан, оёқдан олиб ерга йикитадиган “полвон”, “лой” (“Лой”) образлари сатирик нишонга олинади. Бунда нафақат одам табиатига хос иллатлар, балки унинг жисмини қамраб олувчи турли хасталиклар ҳам метафорик образ сифатида сатирик бўёқларда чизилади. Чунончи, жияни Р.Дўстматовнинг 1898 йили Қўқонга келганида безгакка чалиниб хасталанишимуносабати билан ёзилган “Безгак” радибли шеърида шундай ҳолатни кўрамиз. Шоир безгакни одамга хос хусусиятлар билан тасвирлайди. Уни жонлантириб, “номусулмон” дея қарғайди, мезбонликни ўрнига қўймаганликда айблайди:

Демаским: “Тутмайин, қавму-қариндошини кўрмакка,

Келибдур мунда Масковдан неча қун меҳмон, безгак”¹⁴.

“Пашшалар” шеърида эса кечаси оқи, кундузи қораси ором бермайдиган пашшаларнинг “бир-бирини қувлашиб”, доимо “ғавғо” қўтаришини, “жанжали” битмаяжагини хабар қилади. Улар устидан “судясига арз этмоқчи” бўлади.

“Кўса” туркумидаги тўрт шеъри машҳур найчи Исмоил ота ҳақида шоир ўз дўстининг камсуханлигига ишора этгани ҳолда унинг касб-кори, ётиш-

¹³ Остроумов Н.П. Автобиография кокандского поэта. // ru-oldrussia.livejournal.com

¹⁴ Муқимий. Безгак // <https://shosh.uz/muqimiy/>

туриши билан боғлиқ ҳар хил қочиримлар қилади. Хуллас, Муқимий турмушнинг хилма-хил манзараларини, замондошлари ва уларнинг феълларини қулгили, эсда қоладиган лавҳалар, ифодалар билан бизга етказди. Бу шеърлар оҳангига кўра ҳам енгил ва равон.

Шу ўринда ҳажвия билан боғлиқ бир масалага ойдинлик киритиш зарурати сезилади: баъзи манбаларда ҳажвияга жанр сифатида қарашга мойиллик ҳолатлари учраб туради. Жумладан, Д.Қарабаеванинг “Ўзбек адабиёти тарихи” номли ўқув қўлланмасида Муқимий ижодига берган тавсифида шоир ижодини жанрлар кесимида таҳлил қилиш асносида ҳажвияни жанр атамаси билан номлайди¹⁵.

Адабиётшунос Д.Қуроновиқнинг фикрича, ҳажв тарихан мустақил жанр бўлган, аммо мазкур тушунчага берилган таърифга талаб ўзгарганлиги сабабли унга жанр сифатида қаралмайди¹⁶.

Юқорида номлари тилга олинган асарларда ҳажвийлик фақат услуби жиҳатидангина эмас, балки муайян воқелиқни қулги остига олиш, танқид қилиш ҳамда ўқувчига қулги йўли билан завқ бағишлаш каби белгилари асосида кўзга ташланади. Бундан ҳажвия атамасини болалар шеъриятида ҳам жанр сифатида эмас, балки шеърий асарларнинг эстетик белгиси сифатида тушуниш лозим деган хулосага келинди.

З.Аҳмедованиқ болалар шеъриятида сатира ва юморнинг майдонга келиш омиллари ёритилган тадқиқот ишида масхаралаш воситасида қулги остига олиш услубиниқ етакчилиқ қилиши таъкидланган¹⁷.

Болалар шеърияти ҳам уларнинг ўзлари каби содда ва беғубор самимиятга йўғрилган. Бу олам турли-туман зиддиятлар, бухронлар, мураккаблиқлар дегани эмас. Ушбу маънавий ҳудуд инсониятнинг бир парчаси сифатида унинг кечмишида учрайдиған бутун мураккаблиқ ва зиддиятларни ўзига хос тарзда намоён қилади. Шу боис болалар, бир томондан, ақлли, мард, жасур, кўркмас, адолатпарвар, виждонли, ватанпарвар бўлишса, иккинчи томондан, шўх, ўйинқароқ, ерга урса кўкка сапчийдиған, тўполончи, дангаса, ялқовлиги, баъзан эса нафсини тиёлмаслиги, ширинлиқка ўчлиги, очофатлиги билан диққатни тортади. Болалиқ олами айни шу жиҳатлари билан катталар оламидан фарқланади. Демак, болалар характерида учрайдиған эзгу сифатлар ва салбий одатлар ҳам ўз маъносида “бола”лиғича қолади. Кичкинтойлар табиатиға хос фазилатларнинг ўсиш зарурати ва иллатларнинг танқид остига олиниши болалар адабиётида ўз аксини топади.

Маълумки, ёши катта инсонларда характер хусусиятлари тўлиқ шаклланган бўлиб, улар ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисаға ақл-мушоҳада орқали ёндашади. Катталар орасида учрайдиған салбий типлар ўзига хос барқарор табиати билан фарқланиб туради ва уларнинг адабиётдаги тасвири ҳам алоҳида ҳажвий бўёқларни тақозо этади. Кичкинтойлар оламида нисбатан

¹⁵ Қарабаева Д. Ўзбек адабиёти тарихи. Санъат олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: нашриёти, 2017. – 280-б.

¹⁶ Қуроновиқ Д. Адабиётшунослиққа кириш. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004. – 45 б.

¹⁷ Аҳмедова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70-х годов). Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С. 35.

беқарорлик мавжуд. Улар табиатида учрайдиган баъзи бир нуқсонлар, қусурлар вақт ўтиши билан ақлнинг қуюлиши, фикрнинг тиниқлашуви, ўқиш, билим олиш ва турли тарбиявий воситалар натижасида ижобий томонга ўзгариши мумкин. Мана шу тарбиявий воситалар орасида бадиий адабиёт – сўз санъати ҳам бор.

Ўзбек адабиётида ҳажвийнинг вужудга келиши ҳақида фикр юритилганда бу ижтимоий ҳодиса, аввало, вақтли матбуот ҳамда ҳажвий адабиёт шаклланмаган даврларда оғзаки тарзда пайдо бўлганлигини таъкидламоқчимиз. Ўзбек ҳажвий адабиётининг шаклланиши узоқ тарихга эга. “Ҳажв, сатира – воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадиий мезони сифатида, – деб ёзади бу ҳақда адабиётшунос олим Д.Қуронов, – барча ривожланган халқлар адабиёти, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин эгаллаб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира даставвал ўзбек халқ ижодида кенг тарқалган эди”¹⁸.

Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликнинг алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар яратган. Бундай мазмундаги асарларда Кал, Насриддин Афанди, Алдар Кўса каби тўқима ҳажвий образлар воситаси билан ижтимоий иллат ва нуқсонлар мазах қилиниб, танқид остига олинган. Халқ ҳажвий сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. Ўзбек ёзма адабиётида ҳам сатира ва юмор дастлабки даврлардан бошлабқол салмоқли ўринга эга бўлган. Биринчи адабий ёдгорликлар намунаси бўлмиш “Девону луғотит-турк”¹⁹да ҳам ҳажвий-ҳазил кўшиқлар кўп учраши маълум.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа шоирлар ҳам ҳажв-сатира бобида ўлмас асарлар яратиб, ўз даврларидаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатларустидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтмишдаги илғор, тараққийпарвар ўзбек ҳажвий адабиёти ҳали матбуот вужудга келмаган даврларда ўз вазифасини бажариб келган. Ўзбек ҳажвий адабиёти намуналари, хусусан, ўзбек демократик адабиёти сатирасида ҳажвий публицистиканинг ғоявий-бадиий унсурлари, айрим хусусиятлари мавжуддирки, бу ҳол, ўз навбатида, ҳажвий адабиёт ва ҳажвий публицистиканинг ўзаро муштараклиги тўғрисидаги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Иккинчи томондан, ўзбексатираси намояндаларининг бир қатор асарлари дастлабки ўзбек матбуотинашрларида босилиб, ўзбек ҳажвий публицистикасининг пайдо бўлишига бевосита хизмат қилди.

Адабиётшунос Ҳ.Умурувнинг таъкидлашича, “Ҳажвий асарларда юқоридаги каби аниқ-умумлашма ва умумлашма-тўқима образлар билан

¹⁸ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ҳаёт, нашр йили. – 210-б.

¹⁹ Кошғарий М. Девону луғотит-турк. – Тошкент: нашриёти, нашр йили. – 32–35-б.

бирликда бадиий ижоднинг мукаммал унсури бўлган ҳажвий типларни ҳам кузатиш мумкин. Ҳажвий тип юқоридаги образ турларидан шу билан фарқ қиладики, унда маълум бир синф, ижтимоийтабақа ёки гуруҳ кишиларига тегишли бўлган белгилар билан бир қаторда бу образнинг ўзига тегишли бўлган шахсий хусусиятлар ҳам кенг ифода этилади”²⁰.

Ўқувчининг кўз олдида ҳамбутун бир ижтимоий табақага мансуб хусусиятларни ташувчи, ҳам жонли одамга хос бўлган феъл-атворли инсон образи гавдаланади. Бунда икки томонлама шахсий ва умумий сифатлар уйғунлашган бўлади, яъни умумийликяккалик орқали очилади. Ҳажвий характер яратиш хийла мураккабабадий-ижодий муаммо бўлиб, ёзувчидан ҳаётни чуқур билишни, катта маҳоратни талаб қилади. У бирор ижтимоий табақа ёки гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг феъл-атвори, одатва турмуш тарзини ўрганиб, характерли томонларини йиғиб, шунингдек, бир образгагина хос бўлган жонли ва индивидуал хусусиятларини ҳам топиб, “тирилтириши” лозим. Ёзма адабиётда бундай йиғма ҳажвий типларга мисоллар жуда кўп.

“Болалар адабиётидаги ахлоқийлик сўқмоқлари ниҳоятда турли-туман ва ўзига хос турфа хусусиятларга эга бўлса-да, ҳайратланарли жиҳати шундаки, уларнинг барчаси шоирни ҳажвиёт йўлига олиб чиқади. Чунки биз мурожаат қилаётган китобхон ёхуд тингловчининг ўзи ҳам табиатан шундай”²¹. Демак, ҳажвиёт муаллиф ва китобхонни боғловчи ўзига хос кўприк вазифасини ҳам бажаради. Болалар табиатида кўп учрайдиган мактанчоқлик, дангасалик, ёлғончилик, ўйинқароқлик, чақимчилик, очофатлик иллатлари болалар шеъриятидаги асосий ҳажвий тасвир унсурлари вазифасини бажаради. Сабаби адабиёт ўзининг дидактик хусусияти билан уларни “даволашга” хизмат қилади. Даволаш ва ўзини ислоҳ қилиш жараёнида ҳажв муаллиф ва китобхон ўртасида адабий мулоқот ҳосил қилади. Шу боис болалар шеъриятининг каттагина қисмини ҳажвий асарлар ташкил қилади. Уларда юмористик ва сатирик хусусиятларни ҳам учратиш мумкин. Буларнинг барчаси бошланғич даража ҳисобланади ва ҳажвиянинг бош мақсади – тарбиялаш бўлиб қолади.

Табиийки, болалар адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин оладиган асарларни чин истеъдод эгалари яратади. Профессор А.Расулов тўғри таъкидлаганидек: “Кулиш, кулдириш ҳажвиянинг етакчи белгиси. Истеъдодли кишиларгина кулдирадилар, куйдирадилар, лозим бўлса, йиғлатадилар. Моҳир санъаткорлар сатира, ҳажвияни тўлақонли тимсол орқали китобхонга ҳавола қиладилар”²².

Юқоридаги фикрлар асосида ҳажвий асар яратиш жараёнини даражалаш мумкин. Биринчи даражада, асар муаллифи бу кулгини ўз “бошидан ўтказган” бўлиши муҳим саналади. Бунда муаллифнинг кузатувчилик мақоми олдинга чиқади. Шоир ёки ёзувчи болаларни кузатади, уларнинг характеридаги ҳажв деб ҳисоблаган ҳолатларни танлайди. Муаллиф томонидан танланган ва болалар табиатига хос бўлган ҳолатлар аввал ўзини кулдира олсагина уни ёш китобхонларга тақдим этади. Содда тил билан айтганда, ўзига раво кўрганини

²⁰ Умутов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 25-б.

²¹ Бегак Б. Дети смеются. – Москва: Детская литература, 1979. – С. 114.

²² Rasulov A. Betakror o'zlik. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2009. – 191-b.

бошқаларга ҳам илинади. Бу жараён кузатувчанлик билан қоришувда табиийликни таъминлаб беради. Асарни сохталиқдан узоқлаштиради. Зеро, болалар сохталиқни тез фарқлаб оладилар, улар табиий ҳодисалар, табиий жараёнларнигина ўзиники деб қабул қиладилар.

Иккинчи босқичда муаллиф кулдиради. У тақдим этган асар китобхон-ўқувчиларни кулдира олади. Бу кулдиришда ҳам икки хил маъно бўлиб, у аччиқ кулги ва соф юмор характериға эға бўлади. Модомики, шоир биринчи даража – кулиш босқичидан ўтмас экан, иккинчи даража томон қадам ташланмайди. Муаллифнинг ўзини кулдира олмаган вазият, ҳолат ёки образларға хос хатти-ҳаракатлар бошқаларға ҳам таъсир ўтказа олмайди.

Сўнгида “лозим бўлса, йиғлатмоқ” даражаси юксак босқич бўлиб, бунга кулги пишиб етилган замон дуч келиш мумкин. Йиғлатиш кулишнинг энг юқори даражасини ҳам ифодалайди. Ана шундағина ҳажв тўлақонли саналади. Юмор ҳам сатира каби болалар адабиётининг ажралмас бир қисми бўлиб, ўзига хос бадиий тасвир элементлари, турли поэтик воситаларига эға. Болалар табиатиға хос бўлган қувноқлик, топқирлик, шўхлик, ўйинқароқлик ва қувлик каби хусусиятлар кўпроқ юмористик тасвир усуллари воситасидағина ўзининг ҳаққоний бадиий ифодасини топиши мумкин. Бошқача айтганда, “Ижодкор томонидан қаламға олинаятган воқеалар айрим жиҳатлари билан унинг идеалиға зид бўлмаса ҳам, бироқ унда айрим нуқсонлар бўлиши мумкин. Ана шу нуқсонлар устидан енгил, дўстона кулиш юморнинг моҳиятини ташкил этади”²³.

Муаллиф кулгининг меъёрини билиши керак. Аслида вазият унинг идеалиға зид эмас, лекин нуқсонлар учраши табиий эканлиғини инобатға олган холис кузатувчи сифатида уларни қаламға олишға ҳаракат қилади. Қолаверса, ижодкор ҳажв мувозанатини ҳам ушлай билиши керакки, бунга уларнинг устидан енгил, дўстона кулиш орқали эришса бўлади. Дўстона кулишдағи яна бир ўзига хослик шундан иборатки, муаллиф ўзи тасвирлаган мазкур нуқсонни тузатиш мақсадида кўлиға қалам олган. Ижодкорнинг бадиий нияти мана шундай камчиликларни оммага кўрсатиб, образларни уятға кўйиш орқали енгил-елпи кулги кўзғатиш бўлмайди, балки ниятининг бадиийлик хусусиятини унутмаган ҳолда уни тузатиш, сўз ёрдамида даволаш хисобланади.

Юмористик кулгиға хос хусусиятлардан бири бу – беғаразлик. Шоирнинг бадиий ниятида заррача ғараз йўқ. У болалар рухий олами чин маънода беғубор бўлишини истайди ва бу йўлда ўз қуроли бўлган сўзни, юморни ишға солади. Бу жиҳатларни турли услуб ва ёндашувлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, “Қуддус Муҳаммадий нима ҳақида ёзмасин, унинг сеҳрли қалами остида ҳамма нарсa жонланади, одамларға ўхшаб ҳаракат қилади ва гапиреди. Баҳор тилға кириб: “Бормайсанми далаға, Баҳор сайли лолага?” – дейди. Кўз, кулоқ, бурун, қўл, оёқ каби аъзолар йиғилишиб, ўзларини озода сақламайдиган “дангаса, ялқов, саёқ”лардан шикоят қиладилар. Ҳарфлар ёзда бўш қолиб,

²³ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 373-б.

юраги қизиб ўйинга тушиб кетадилар (“Ҳарфлар ўйини”). Колхоз боғидаги турли-туман мевалар суҳбатлашиб, ўз фазилатларини намоиш этадилар (“Дарахтлар суҳбати”) ва ҳоказо. Агар бу мевалар одам тили билан сўзлаб, унинг қиёфасига кирмаганда, албатта, қизиқарли ва узоқ эсда сақланадиган бўлмасди”.

Дарҳақиқат, болалар учун яратилган асарларда жонлантириш орқали образлар яратиш етакчилик қилади. Шундай асарларда болалар ўзларига таниш бўлган табиатнинг тиллашишини, жониворлар тилга киришини, ўйинчоқлар шивирлашини ҳис қила бошлайдилар. Жонлантириш орқали ҳажвий образлар яратишни ҳам болалар шеъриятида кўп учрайдиган ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Адабиётшунос М.Юнусовнинг “Болалар қалбининг байрами” номли мақолалар тўпламида Қуддус Муҳаммадийдан ташқари Шокир Сулаймоннинг юмористик асарларига ҳам қизгин муносабат билдирилиб, уларда поэтик маҳорат билан тарбиявий руҳ уйғунлашиб кетганлиги алоҳида таъкидланади. Бинобарин, болаларга аталган юмористик шеърлар талқини доимо адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг диққат марказида бўлиб келган. Чунки улардаги шаклий изланишлар билан бир қаторда мазмун кўламининг кенглиги, турфа хиллиги тадқиқотлар учун яхши объект бўлиб хизмат қилади. Бунинг яна бир сабаби юмор болалар шоирлари ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллаганидир.

Юморнинг назарий қирралари хусусида Д.Қуронов қуйидаги муҳим бир мулоҳазани ўринли келтиради: “...Юмор ўз объектида қисман бўлса-да, идеалга мувофиқ жиҳатларни кўради, уни мукаммаллаштириш, нуқсонларини бартараф қилиш, ундаги умуминсоний қимматга молик жиҳатларни юзага чиқариш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам юморда танқид, нуқсонлар устидан кулиш билан бирга хайрихоҳлик, ачиниш ҳам мавжуд”²⁴.

Маълум бадиий ниятни кўзлаган ижодкорда уни амалга оширишга сабаблар ҳам турлича бўлади. Ўз адабий изланишларини олиб бораётган шоир-ёзувчилар болаларни кузатадилар. Тадқиқоти давомида “даволаниш”га эҳтиёж сезган барча нуқталарни аниқлаган ижодкор уларни кузата туриб, ачиниш қўйгани ва уни тузатишга хайрихоҳлик билдиргани бадиий ниятининг софлигини исботлайди. Табиийки, бундай хусусиятлар болалар адабиётидаги юмористик асарларга ҳам хосдир. Айни чоқда болалар адабиётидаги юмор ўз табиатига кўра, умумадабиётдаги юмordan маълум даражада фарқ қилувчи ўзига хосликларга эга бўлади. Бу фарқ, аввало, болалар адабиётида кулги ҳосил қилувчи тасвирий воситаларнинг индивидуал шаклда намоён бўлишида ва кичик китобхонлар ёш хусусиятларининг ҳисобга олинишида кўзга ташланади. Болалар табиатига хос фавқулodда топқирлик, зукколик, кутилмаган воқеаларга ўчлик, шўхлик, ҳазил-мутойибага мойиллик ва бошқа омиллар юмористик тасвири ҳосил қилувчи воситалар бўлиб, бу хусусиятлар бола табиатидаги номутаносиблик асосида кулги ҳосил қилади.

²⁴ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 372-б.

Юмористик асарларда ҳаётий фактларни қайта ишлаш сатирик асарларга нисбатан ўзига хосликка эга. Кескин танқидий руҳда ёзилган асарларда ҳажв тўғридан-тўғри тасвир объектига қаратилса, юмористик асарларда кулги воситасида камчиликларни тузатишга йўналиш берилади. Болалар адабиётида ҳар икки йўналишдаги асарларда ҳам бадиий-эстетик тарбия етакчилик қилади.

Сатирик асарларда қаламга олинган нуқсон уиллатларга нисбатан салбий ҳиссиёт майли устун турса, юмористик асарларда камчилик ва нуқсонлар ижобийлик фонида ёритилади. Сатира болалар адабиётида нисбатан кам қўлланилади. Қўлланган тақдирида ҳам бундай асарлар айнан болалар учун яратилмаган, балки болалар адабиёти намуналари шаклида ёзилган, лекин ўзида катта ижтимоий юк ташувчи ёки бошқа мақсадларга хизмат қилувчи асарлар ҳисобланади. "...Сатиранинг ўзига хос хусусиятлари унинг ижтимоий ҳаётда бажарадиган вазифаси билан белгиланганидек, сатирик тасвирлаш воситаларининг хилива характери унинг йўналиши, объектив мақсади ва вазифаси билан белгиланади. Демак, сатирик восита сатирик объектга ва мақсадга қараб танланади. Сатирик воситаларнинг хилиҳам анчагина бўлиб, улар сатиранинг асосий қуролидир"²⁵.

Юмористик шеърларда шоирларнинг воқеликка нисбатан ижобий ва кулгили муносабати акс этади. Бу муносабат ғазаб ва нафрат тарзида эмас, балки ҳамдардлик, ачиниш ва беозорлик туйғулари орқали бўй кўрсатади. Ёзувчи мана шу нуқсонлар тузатилишига хайрихоҳ эканлигини билдиради. Хулосалар орқали ўз ниятини тасвирлайди. Ўзи орзу қилган болалар қандай бўлиши кераклигини хулоса қисмида беради. Айрим асарларда хулоса қисми ўқувчининг ўзига қолдирилади, сабаби муаллиф шеърнинг юқори қисмларида деярли ўз бадиий ниятини амалга оширган бўлади. Ўқувчи учун буни англаш ва хулоса қилиш қийинчилик туғдирмайди.

Болалар шеърларида юмор турли хил вазифаларни бажаради. Жумладан, шоирнинг воқеликка муносабатини билдирувчи восита ролини ўтайди, тарбия қуроли сифатида лирик қаҳрамон табиатидаги индивидуаллик, қувноқлик вашумлик хусусиятларини очади, асарни ўқишли қилади, кичкинтойларни ҳар хил иллатлардан халос бўлишга даъват этади; турли нуқсонларга дучор бўлишдан сақлайди, юмор ҳисси билан бирга тўғри танқид қилиш маданиятини ўстиради.

Биринчи вазифа ўлароқ, юмор индивидуалликни ўзида намоён этса, у омма эътиборига ҳавола қилинган, бутун бир жамиятга тегишли умуммазмун касб этади. Муаллиф шу орқали ўзининг муносабатини ифодалашда кузатади, таҳлил қилади ва шундан сўнг "истеъмол" учун тақдим этади. Мана шу жараён асарнинг бадиий савиясини таъминлайди.

Юмор тарбия қуроли сифатида болалар ҳулқидаги нуқсонларни тузатишга ҳамда катталашиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади. У

²⁵Рахимов Н. Ўзбек совет сатираси тарихидан. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1962. –28–29-б.

болаларни яхши инсон бўлишга чорлайди, танқидий фикрлашини ўстиришга ёрдам беради. Тўғри танланган юмористик образлар орқали болаларга танқид мувозанатини сақлашга ўргатади, дунёқарашини бойитади.

Маълумки, юмор билан сатира ҳажвиянинг муайян қисмлари бўлсаларда, улар орасидаги муштаракликдан ташқари фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу фарқ, энг аввало, бадиий асардаги комиклик даражаси ёхуд кулгининг ифода шакли ва ўрни билан белгиланади. Кулги – сатира ва юморнинг асосий ифода курули. Кулгининг қандай кулги эканлиги захарханда ёки нафратли, беғараз ё дўстона, ҳазиломуз кўринишлари фарқни кўрсатувчи мезондир. Чунки кулгининг мазмун-моҳияти унинг яратилиш усули ва услубий ўзига хослигида ўз аксини топади.

“Юморнинг сатирадан фарқи шундаки, у маълум ижтимоий ҳодисага бутунлай барҳам беришни тарғиб қилмасдан, балки ундаги камчиликларни йўқотиш, тугатиш, шу йўл билан уни такомиллаштириб боришга ундайди. Юмор билан инсонлар ғзабни равишда масхара қилинмайди, улар руҳан ўлдирадиган кулгига дучор бўлмайдилар. Жиддий салбий характерга эга бўлмаган, жиноий ишларга йўл қўймаган шахсларни фош қиладиган, тузалиши осон бўлган, чуқур илдиз отиб кетмаган нуқсонларни йўқотишга қаратилган кулги юмордир”²⁶.

“Юмор” инглизчасўз бўлиб, “хушмуомала кулги” деган маънони англатади. Рус лингвисти С.И.Ожиговнинг изоҳлашича, юмор бир неча маъноларни ифодалайди: “1. Кулгили ҳолда кўриш ва кўрсатаолиш, комик тушуниш орқали бирор бир нарсага муносабат билдириш. 2. Бирор нарсани комик ҳолатда тавирлаш санъати. 3. Кулги кўзғовчи ҳазил-мutoйбага асосланган нутқ”²⁷.Келтирилган изоҳлар асосида юмор санъатнинг кулгига асосланган тури эканлиги ҳақидаги тўхтамга келиш мумкин.

Адабиётда ҳам санъатнинг бошқа турларида бўлгани сингариюморнингўрни бекиёс. Бадиий адабиётда юмор фикрни шўхлик, зукколик ва ҳазил асосида умумлаштириб тасвирлаш санъатидир. Ижодкор томонидан асар мазмунига сингдирилган юмор ҳеч кимнинг шахсиятига ва кўнглига тегмайдиган ҳазил орқали кулгили воқелик тасвирини яратади.

Юморни ақл-идрок ҳамда интеллектуал соҳадаги комик тушунча билан таққослаш ҳоллари кўп кўзга ташланади.У “ақл, сўзлар, тушунчалар, далилларга асосланган, аслида узоқ, лекин уюшма ёки яқинларнинг ички овозига асосланган. Юморда, аксинча, сиртдан, ўз-ўзидан кулгили, худди шу объектнинг ички қисми интуитив равишда тушунилади”²⁸.Бадиий адабиётда, хусусан, болалар шеъриятида юмор самимий кулги, соддадиллик, болаларча муғомбирлик, қизиқувчанлик, довдирлик каби хусусиятлар мужассам бўлган образлар хатти-ҳаракатларида кўзга ташланади.

²⁶ Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1979. II том. – 312–313-б.

²⁷Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. 4-е изд., дополненное. – Москва: Азбуковник, 1999. – С. 56

²⁸Пропп В. Я. Проблемы комизма и смеха. – Москва: нашірети, 1976. – С. 98.

Аён бўладики, юмор болалар табиатидаги тузалувчан ва енгил нуқсонларни беғараз фош этувчи, маълум тарбиявий мақсадларни кўзловчи кулгидир. Кичкинтойлар табиатида бундай хусусиятларнинг бениҳоя кўплиги болалар адабиётида юмор мавжудлигининг муҳим шартларидан бири. Шу ўринда хулоса қилиш ўринли: соф болалар адабиёти, яъни айнан болалар ўқиши учун мўлжалланган шеърий асарларда ҳажвнинг асосан мана шу тури – юморни учратишимиз мумкин. Бунинг сабаби болаларнинг жиддий салбий характерга эга эмаслиги ёки тузалиши мумкин бўлган нуқсонларга эгаллиги билан изоҳланади.

Хуллас, ҳажвия болалар шеъриятида кичкинтойларга хос ҳаёт тарзи, табиатидаги турли хусусиятлар, энг муҳими, болаларча фикрлаш натижасининг поэтик ифодаси орқали ўз аксини топади. У кайфиятни кўтариш, сабоқ чиқариш, одам ва олам бирлиги тўғрисида болалар дунёқарашининг шаклланиши учун муҳим восита вазифасини бажаради. Ҳажвия болалар шеъриятида ҳам поэтик, ҳам дидактик вазифаларни тенг адо этадиган бадиий эстетик белгидир.

Болалар шеърияти поэтикаси ва тадрижий такомилли

XX–XXI аср бошлари ўзбек болалар шеърияти ҳажвиётининг тадрижий такомиллини ўрганиш уни маълум даражада даврлаштиришни тақозо этади. Зотан, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари уни фақат ижтимоий ёки сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар фонида эмас, балки шу ўзгаришлар сабаб вужудга келадиган ва янгиланган дунёқараш – тафаккур тарзи билан ҳам белгиланади. Ҳар бир давр шеърияти ўзида давр хусусияти, уларнинг тафаккури, ўй-хаёлларидаги янгиланишларни акс эттириб боради. Шу маънода, адабий ҳодисаларни баҳолаганда ҳар бир даврга хос бадиий тафаккур тарзидаги ўзига хосликлар ҳам назарда тутилади. Шу маънода ўзбек болалар шеъриятининг XX–XXI аср намуналарини ўзига хос бўлган умумий хусусиятларига кўра қуйидагича даврлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Миллий уйғониш даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия.
2. Шўро даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия. Бу даврнинг ўзини ҳам иккига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.
 - а) 20–50 йиллар ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия;
 - б) 60–80 йиллар ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия.
3. Истиклол даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия.

Миллий уйғониш даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия. Маълумки, жаҳид адабиёти намуналарининг асосиймазмунини маърифатпарварлик ғоялари ташкил этади. Уларда илм-маърифатни тарғиб қилиш, шу асосда халқни аянчли аҳволдан, жаҳолат ботқоғидан қутқариш мумкин деган ғоявий хулосалар етакчилик қилади. Халқни саводли қилиш, мактаблар ташкил этиш ва дарсликлар яратиш жаҳид адабиётининг энг катта ислоҳоти ҳисобланади. Бу жиҳатларни ўша даврда бирин-кетин ижод майдонига кириб келган М.Беҳбудий, А.Авлоний, Тавалло, М.Сўфизода, А.Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий

каби мутафаккирлар ижодида яққол кўриш мумкин. Улар ўз асарлари ва дарсликлари орқали оналарни саводли қилишга уринганлар. Шу асосда болаларнинг таълим олишларини таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилувчи саъй-ҳаракатлар катта ёшдагилар билан бирга ёш болаларда ҳам яхши натижа берди. Улар тез савод чиқариб, ўқиш-ёзишни ўрганиб олишди. Бу эса, ўз навбатида, китобларга эҳтиёжни кучайтирди. Болаларга бағишланган дарслик ва қўлланмалар, турли мавзудаги китобларни нашр этишга киришилди. Натижада бу даврга келиб гарчи дарсликлар таркибида бўлса ҳам болаларга аталган шеър ва ҳикоятлар, масаллар яратила бошланди. Бунда, айниқса, А.Авлоний ва Ҳ.Ҳ.Ниёзий каби ижодкорларнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбек адабиётининг етук намоёндаларидан бири А.Авлонийнинг болалар адабиёти шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс. У 1878 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Дастлаб диний мактаб ва мадрасада таҳсил олган Авлоний 14 ёшиданоқ илм-маърифатни қўлаб шеърлар ёза бошлади. Унинг илк шеърлари ўша вақтдаги вақтли матбуот саҳифаларида ёритилди. Шоир ижодининг етакчи мотивларини юксак ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ташкил этади.

У 1904 йилда Мирободда янги усулдаги мактаб очади ва ўзи ўша мактабда дарс беради. Авлоний беш китобдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” деб номланган шеъррий тўпламини чоп эттирди. Бундан ташқари, адабнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби дарсликлари Октябрь тўнтаришигача бир неча марта чоп этилди ва янги усулда очилган мактабларда асосий қўлланма сифатида фойдаланилди.

А.Авлоний умрининг охиригача муаллимлик қилди. Дарсликлардан ташқари ўнлаб илм-маърифатни улуғловчи шеърлар, “Адвокатлик осонми?”, “Биз ва сиз”, “Пинак” каби драматик асарлар яратди. Унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли дидактик асари болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар сирасига киради.

Шоир, драматург, педагог ва жамоат арбоби сифатида А.Авлоний ўзбек адабиёти ривожига муҳим ўрин тутди. Шоир илмсизлик, тарбиясизлик миллатни жаҳолат ботқоғига ботирувчи иллатлар эканлигини таъкидлаб, халқни фақатгина маърифат орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин, деган концепцияни илгари суради. Жумладан, шоирнинг “Аҳволи оламдан бир намуна” деб номланувчи шеърида ўша даврдаги миллат фожиасини қуйидагича тасвирлайди:

*“Бало тоши ёғилди бошимизга хоби гафлотдан,
Мижози суст ўлуб авлод, миллат тушдуқувватдан,
Билимсизлик туширди, йиқди бизни қадруқимматдан,
Жаҳолат қувди бизни хонумону молу сарватдан”.*

(“Тошкент тонги”, 36-б.)

Кўринадикки, шоир миллат фожиасининг бош сабабчиси сифатида илмсизлик ва жаҳолатни қораламоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, шоир бу типдаги аксарият шеълари якунида илм-маърифат орқали миллат истиқболига

ишонч билдиради. Шоирнинг “Миллатимиздан бир манзара” шеърида ҳам илм-маърифат миллатни ғафлат уйқусидан уйғотувчи куч сифатида тарғиб-ташвиқ қилинади:

*“Қўп вақтлар ухладук, энди турайлук,
Тонг отди, уйқудан кўзни йирайлук
Ўтмасун вақтимиз илма юрайлук
Тезгина илм(н)инг уйига кирайлук
Эй миллот, ухлама илм, илм олур чоғи,
Ҳар миллот илм олдиёнди чироғи...”*

(Ўша манба, 53-б.)

А.Авлонийнинг “Истиклолдан орзуларим”, “Ўз маишатимиздан”, “Миллатга хитоб”, “Ғафлат”, “Миллат ҳайкалига хитоб”, “Ҳақиқат ўлсун бу хаёл” каби шеърларида ҳам илмсизлик ва жаҳолат миллатнинг заволи эканлиги у ёки бу шаклда ташвиқий характерда ўз ифодасини топгандир. Унинг “Оила мунозараси” номли ҳажвий шеърида эса ота ва онанинг баҳс-мунозаралари орқали илм-маърифатни эгаллашнинг аҳамияти соддава самимийравишда поэтиклаштирилади:

*“Ўғул ўқуса сигирни ким боқадур?”
Қиз ўқуса оловни ким ёқадур?
Ўқуғонлар бўлади беихлос,
Оламунчоқ туморни ким тақадур?”
Бунга жавобан ота қуйидагича дейди:
“Ўғул-қиз ўқуса бўлур олим,
Жоғил одамлар бўладур золим.
Бахтуиқбол илма боглиқдур,
Илм ўқитмоқ аҳсан-аъмолим”.*

(“Оила мунозараси”, 87-б.)

Ушбу шеърда Авлонийнинг маърифат ҳақидаги тушунчалари ўзини тўла намоён қилади. Илм-маърифат миллатни, ватанни жоҳилликдан, золимликдан халос қилади, деб ҳисоблайди шоир. Шунга кўра илм-маърифат мавзусидаги шеърларимиллатпарварлик ва ватанпарварлик мотивлари билан уйғунлашиб яхлит тушунчага айланади. Жумладан, “Фигони булбул”, “Туркистон туфроғина хитоб”, “Ўз миллатимдан рижойи ожизанам”, “Истикболдан орзуларим” каби бир туркум шеърларида миллат ва ватан ҳақидаги орзу-умидлари етакчи поэтик образга айланганини кўрамиз. Шоир ушбу образлар орқали миллат ва ватаннинг ўзига хос тимсолини яратади. Чунончи, “Фигони булбул” шеърида анъанавий булбул ва гулзор образларига мурожаат қилар экан, уни мазмунан янгилайди. Мумтоз шеъриятда муҳаббат мотивини ифода этган мазкур образлар ижтимоий мазмун билан бойитилиб, ватан тимсоли ифодасига хизмат қилади. Гулзор ва фарёд этаётган булбулнинг гули – Ватандир. Ватаннинг мажрухлиги булбулнинг фарёдидир:

*Нечун билмам, сарупо шўриши ғафлатдур
Адашкон хонумондин ҳар сўзи бир дарси ибратдур,
Ватан маҳжур экан ҳар назмаси гўё шикоятдур,
Боқиб сўйи Самога дард аврод этди бир булбул.*

(“Фигони булбул”, 38-б.)

А.Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарсликлари таркибига кирган айрим намуналар болалар шеъриятининг дастлабки намуналари сифатида ёзма болалар адабиётининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади. Р.Баракаев ўзининг “Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти” номли монографиясида шоир дарсликларидаги шеърларни “дастлабки намуналар” деб атайдиган²⁹.

Дарсликка киритилган “Булбул билан эшак”, “Ақлсиз бола”, “Илмсизлик балоси” каби шеърларда фаросатсизлик (Эшак, ақлсиз бола), илмсизлик (бола), ёмонлик (чаён) каби образлар ҳажв тифига олинган.

“Илмсизлик балоси” шеърида шоир илм инсон ҳаётида қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини нозик бўёқларда акс эттиради. Бунда илмнинг илк кўриниши бўлган саводхонлик масаласи ўртага ташланади. Илдизидан яраланган дарахт каби бўлган, илмсизликнинг энг паст даражаси, ҳатто ёзиш-ўқишни билмайдиган халқ аҳволи ачинарлилиги оддий бир ҳолат мисолида очиб берилади. Унда табиб бетоб бўлган отага дори ёзиб берган. Бири ичиш учун, иккинчиси эса “суртора”. Бемор отанинг ўғли иккисини ҳам харид қилган, фақат дориларнинг таърифи устига ёзиб қўйилгану, бола илмсизлиги – саводсизлиги сабабли уларни ўқий олмайди. Дорилардан бири шеърга кўра, шарбат, иккинчиси эса оғу эди. Уларни ўқий билмаган саводсиз ота-боланинг ҳолига вой. Билмай оғуни ичган ота вафот этади. Шу тарзда саводсиз бўлган ота-боланинг ҳолати очиб берилади. Шеърни бир сўз билан илмсизлик фожиаси қаламга олинган асар деб баҳолаш мумкин. Чунки унда отанинг вафоти бу биргина қазо фожиаси эмас, унга етаклаб келган сабаблар илмсизлик, саводсизлик ҳисобланади. Якунда шоир илмсиз боланинг қўшнисини тилидан насиҳат қилади:

*Ўқумоқ, ёзмоқи билсайди отанг, эй ўғлон,
Бошига балки газо келмас эди ушбу замон.
Қувватинг борида хат билмоқ учун қил ҳаракат.
Сен жадал қилсанг, Аллоҳ ўзи бергуси баракат.
Ибрат ол отангдан ўғлим, бўлмагил сен ярамас.
Қилмагил умрингни зое, дема куз-қиш, ўқи, ёз.*

(“Илмсизлик балоси”, 27-б.)

Шоирнинг навбатдаги асарида ҳам илмсизлик ҳажв тифига олинган. Шеър Булбул билан Эшакнинг ўртоқ бўлиб қолгани, улар айланиб бирга вақт ўтказганлари айтилиши билан бошланади. Эшак булбулдан сайраб кўнгишлардаги доғларни кетказишини сўрайди. Булбулнинг хонишидан барча жониворлар роҳат оладилар. Қилаётган ишларини ҳам ташлаб келиб, унинглайдилар. Шу замон Эшак ҳам ханграшга тушиб кетади ва барча жониворлар яна ортларига қочиб кетадилар. Мана шу жараёнда эшакнинг айтган гаплари билан шоир ҳажвни авж нуқталарга кўтариб беради. Шеър якунда ҳам ажойиб хулоса билан тугайди.

²⁹ Баракаев Р. Жонажоним, шеърият (80-йиллар ўзбек болалар шеърияти ҳақида баъзи қайдлар). – Тошкент: нашриёти, нашр йили. – 23–26-б.

*Сайрашинг ишсиз кишиларга эшитмоқ яхшидур,
Мен бақирсам ишларига қилдилар кетмоғлар.
Кўйлаги йўқлар тизи йиртиқ учун кишилардин кулар,
Хоҳ ҳайвон, хоҳ инсон – ўзини соғлар.*

(“Булбул билан эшак”, 15-б.)

Шеърда илмсиз бўлатуриб ўзини оқлашга уринадиган чала олимлар ҳолати ҳам очиб берилгандек гўё. Инсон ҳам, ҳайвон ҳам ўзини оқлашга уринади мисрасида айнан шу жиҳатга урғу қаратилган. Болалар учун ёзилган ушбу шеър аслида ёш ва давр танламаслиги билан аҳамиятга молик.

“Ақлсиз бола” шеъри юқоридаги асарларнинг мантикий давомидир. Боланинг илмсизлиги уни нимага ишлатишни билмаслигида. Шеърда бир киши ўз фарзандига теша бериб, уни ишлатишини айтади. Бола эса тешани олиб, масжидга боради ва у ердаги бир жойни ковлаб келади. Бунда танланган жойнинг ўрнига диққат қаратиш ҳам муҳим саналади. Шеър ҳар бир буюмдан қандай фойдаланиш зарурлигини, уни тўғри ишлатишни билмаслик ҳам фожиа эканлиги билан якунланади. Асарда инсоннинг ўз билимини тўғри йўналтира олмаслиги илмсизлик эканлигига ишора қилинади:

*Ҳар бирин ишлатур ери бордур,
Ишлатур билмаган киши хордур.
Ўйламай миллат уйини бузсак,
Йиқилур уйимиз ипини узсак.*

(“Ақлсиз бола”, 20-б.)

Жадид адабиётининг етакчи намояндаларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. 1906 йилгача эски мадрасада таҳсил олган. Ҳамза ўзи очган мактабларида ёшларга дунёвий фанларни ўқитиш, ақлий, ахлоқий тарбия бериш, ҳунар ўргатиш каби бир қатор тарбиявий-педагогик ишларни амалга оширади. Бироқ янги усулдаги мактабларнинг фаолият юритиши руҳонийлар томонидан тақиқланади. Аммо Ҳамза болаларни тарбия қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини асло тўхтатмайди. У 1915 йили Марғилонга бориб, камбағал болалар учун мактаб очади. 1918 йилда эса Фарғонада ўқитувчиликни давом эттиради ва у ердагиёш санъткорларни тўплаб, “Сайёр драм труппа” ташкил қилади. 1919 йилда Қўқондаги 1-сон болалар уйига мудири этиб тайинланади. Бу ерда уч синфдан иборат мактаб очиб, ўзи ўқитувчилик қилади. 1922–1924 йилларда шоир Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районидаги 1-болалар уйи мудири ва ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Ҳамзанинг тарбиячилик фаолиятини унинг шу мавзуда ёзган асарлари янада тўлдиради. Унинг тарбиявий мавзуда яратган “Илм иста”, “Мактаб”, “Ўқи”, “Қалам”, “Ҳикоя”, “Тўғри сўз бола”, “Китоб”, “Ҳикоят”, “Тошбақа билан чаён”, “Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси” каби ҳажвий шеърларихарактерлидир. Шоир “Иккинчи синф учун қироат китоби”, “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби” кабидарсликлариорқали педагогика ривожига катта ҳисса қўшди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг маърифатпарвар ижодкор сифатидагидарсликлари таркибида болаларга аталган бир туркум шеър ва

хикоятлар ҳам мавжуд. Хусусан, “Енгил адабиёт” дарслигига кирган “Мактаб хусусида”, “Илм ва жаҳл”, “Олим ва жоҳил ҳақида”, “Қиморнинг боши” каби шеърларида; “Ўқиш китоби”дан жой олган “Ҳикоят”, “Тошбақа билан чаён” каби масалларида илмсизлик оқибатлари илм ва маърифат, жаҳолат каби тушунчаларни қаршилантириш орқали болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда талқин қилинади.

Ҳамзанинг болалар учун аталган шеърлари мазмун-мундарижаси хилма-хил. Унда тўғрисўзлик ҳам (“Тўғри сўз бола”), ўғрилиқ ҳам (“Ўғри” хикояси), бола тарбиясида ота-онанинг ўрни ҳам қаламга олинган. Энг муҳими, ушбу мавзуларбадий жиҳатдан болалар дунёқарашига мос деталлар, манзаралар, ташбеҳлар орқали ифода этилади. Бу типдаги шеърларнинг тили содда ва рагон. Шу жиҳатлари билан Ҳамза ўзбек болалар адабиётининг вужудга келиши ва шаклланишида муносиб ҳисса қўшганижодкорлардан биридир.

Шўро даври ўзбек болалар шеъриятида ҳажвия. Ўтган асрнинг 30-йиллари ўзбек болалар адабиётида шеърият анча ривож топди. Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ғайратий, З.Диёр, С.Жўра, А.Раҳмат, М.Оқилова, Қ.Муҳаммадий каби шоирлар томонидан яратилган шеър ва достонлар болалар адабиётининг шаклланиши ва мавзу доирасининг кенгайишида муҳим ўрин тутади.

Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-достони ҳам болаларнинг сеvimли асарига айланиб улгурди. Унда тараннум этилган озодлик, меҳр-муҳаббат туйғулари халқимизнинг орзуларини ўзида акс эттиргани учун ҳам юксак аҳамият касб этди. Бу давр болалар поэзиясида иккита муҳим хусусият кўзга ташланади. Биринчиси, классик ёзма адабиёт ва фольклордан ижодий илҳомланиш бўлса, иккинчиси, жаҳон ва қардош халқлар адабиётидан, биринчи галда рус болалар адабиётининг илғор анъаналарини ўзбек болалар адабиётига сингдириш ҳолларидир. Хусусан, Қ.Муҳаммадийнинг “Сандал ва печка”, “Қўнғизой ва Сичқонбой” каби сатирик шеърларида даврнинг мафкуравий таъсири сезилади. Уларда эскилик сарқити сифатида тасвирланган сандал ва урф-одатлар янгилик тимсоли билан қарама-қарши қўйилади. “Дум” сатирик шеърида “икки” баҳо думга ўхшатилади.

“Қўнғизой ва Сичқонбой” шеърида шоир ёмонлик қилишнинг зарари ҳақида фикр юритади. Ушбу асарда Қўнғизой тимсолида минглаб ўзбек аёллари тимсолини, ўша давр муаммоси бўлган кўпхотинлик масаласи қаламга олинганини кўриш мумкин. Қўнғизойнинг қисмати Зеби, Кумуш, Унсинларнинг вазиятини ҳам эслатиб юборади. Сичқоннинг кемирувчи эканлиги унинг асар учун мос образ эканлигини билдиради. Ўша даврдаги оталар фожиаси ҳам шеърда Қўнғизойнинг отаси мисолида очиб берилади. Оналар ҳоли “қизига кучи етишидан” нарига ўтмаслиги ҳам таъкидланади. Кўплаб шундай ҳолатлар умумадабиётда фожа билан якунланганига қарамай, шоир мазкур шеър болалар учун ёзилгани ва кичкинтойларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уни яхшилик билан тугатади. Бу анъанавий эртақларга ҳам хос хусусият саналади.

Сичқон образи ҳам Олим додхоҳ, Акбаралини эсга туширади. Уларнинг қилган ишлари: оталари орқали қизларини тортиб олишга уринишлари айнан бир хил вазият асосига қурилган. Образларнинг тўғри танлагани ҳам асарни

кимматли қилади. Асар якунида Қўнғизойга унинг дўстлари ёрдам беради. Уларнинг кўмаги билан Қўнғизой золим Сичқон зулмидан озод бўлиб, ўз бахти – болаларини топади. Шундай қилиб, асарда бирдамликка асосий урғу берилади. Қўнғизойнинг муаммосини ўзиники каби деб билган дўстлари унинг эрки учун биргаликда курашадилар.

Мазкур сатирик асарда худди 30-йиллардаги шўро мафкураси таъсирида ёзилган бошқа асарлардаги сингари масалага синфий позициядан туриб ёндашиш сезилади. Албатта, бу ўша давр хусусиятларини бор бўйи билан очиб беришга уринилгани билан ҳам боғлиқ. Қуддус Муҳаммадий ҳам давр фожиасини шўро мафкураси талаб қилганидек тушунади ва якуни ибрат учун шу тариқа тугатади. Сичқон охирида мушукка ем бўлгани билан ёмонликнинг жазосиз қолмаслиги бадиий гавдалантирилган:

*Ҳар ким экканин ўрар,
Ёмон ҳоли шу бўлар.*

(“Қўнғизой ва Сичқонбой”, 28-б.)

Танқидчилар Ҳ.Олимжон, С.Айний, З.Диёр, Ш.Саъдулла, М.Файзий, М.Оқиловаларнинг асарларини, чунончи, З.Диёрнинг “Кел учайлик шимолга”, А.Раҳматнинг “Дум”, М.Оқиллованинг “Қуёнчам” каби асарлари характерли белгиларини ихчам, содда ва ўйноқи, тушунарли ва равон ўқиладиган халқ жонли тилига яқинлигида деб билади.

Шўро даврига хос иккинчи йўналишни 60–80 йиллар ўзбек болалар шеърлярида Қ.Муҳаммадий, Қ.Ҳикмат, П.Мўминнинг ҳажвий шеърлари ташкил этади. Уларда маълум даражада поэтик маҳоратга эътибор қаратилгани ойдинлашади. Қ.Муҳаммадийнинг “Темирлар ўйини”, П.Мўминнинг “Салимжон – нимжон, Т.Адашбоевнинг “Аҳил дўстлар”, А.Обиджонинг “Фатхулланинг куркаси”, Қ.Ўтаевнинг “Қандингни ур” шеърлари поэтик маҳоратини намоён этиши билан ибратли. Ушбу давр адабиётидаги изланишларни кузатганда унда ярим сифат ўзгаришларни, янги анъаналарюз берганлигини, айтиш чокда турғунлик даврига хос бўлган нуқсонларнинг юзага чиққанлигини пайқаш қийин эмас.

“Темирлар ўйини” шеърида шоирнинг жонлантириш санъатидан фойдаланиш маҳорати темирларнинг ҳам ҳаётда худди инсонлардек ўз ўрнига эга эканлигини кулгили тарзда тасвирлаб беришида кўринади. Иккинчи томондан, шеър ботинида темирлар тараққиёт туфайли барча соҳада инсоннинг ўрнини эгаллаётгани ҳақида ҳам талқинлар юзага келиши мумкин. Унда ҳаётда юз бераётган айрим ўзгаришлар давр хусусиятлари сифатида очиб бериладики, темирлар ҳам жонли эканлиги айтилиб, шеърнинг бир мисраси таҳлилнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилади:

Қонимиз ҳам темирдан.

Демак, шу ўринда темир нафақат инсоннинг жамиятда тутган ўрнини эгаллаётганига, балки унинг ичига ҳам кириб бораётганига ишора қилинмоқда. Бунда глобаллашаётган ахборот даврида инсонларнинг ҳиссизлашиши, туйғулар ҳалокатини ҳам кўриш мумкин. Темирларнинг ўйини қанча давом этиши эса, албатта, инсоннинг ўзига боғлиқ бўлиб қолади:

Темирларжаранг-журунг,

*Ўйнашардиринг-диринг,
Дейишар: “Юринг, юринг!”*

(М.Жумабоев. “Болалар адабиёти”, 89-б.)

“Дум” шеърида кўзга ташланадиган асосий хусусият “иккичи” лақаби ортидан думдек эргашиб юрадиган болаларга тааллуқли. Шеърда болакайнинг “икки” отли думи борлиги айтилиб, у жониворларнинг аъзоси билан қиёсланади. Ҳайвонларнинг думи ўзига хос вазифани бажариб, улар учун фойдали ҳисобланади, лекин сенинг думингдан нима фойда, деган бир саволни ўртага ташлайди. Шу билан асар якунида болакайга ундан қутулиш кераклиги уқтирилади:

*Эй, Турғунжон, кўзингоч,
Дум– “икки” нггақилилож!*

(Ўша манба, 90-б.)

Кичкинтойлар руҳиятини яхши биладиган ижодкорлар нима ҳақда ёзмасин, тасвир услубини қаҳрамон феъл-атворидаги одатда бошқалар назарига кўп ҳам ташланавермайдиган бирор нуқтага қаратади. Агар шеър болалар характеридаги бирор камчиликни танқид қилиш мақсадини кўзда тутса, катталар адабиётидаги сингари ўткир сатирага эмас, енгил ва қувноқ юморга мурожаат қилади. Бу эса ўқувчи ўша камчилик ва нуқсоннинг нималарга сабаб бўлиши, қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини осонгина фаҳмлаб олишига ёрдам беради. Болалар севиб ўқийдиган ва куйлайдиган “Салимжон – нимжон”, “Икки қўйманг, ўқитувчим”, “Бетайин мақтанади”, “Кимки бўлса йиғлоқи”, “Уч баҳо – пуч баҳо”, “Жовдирайди – довдирайди”, “Уйғониб қолди”, “Нажимнинг дафтари нега ўн икки варақ эмас?” шеърлари фикримиз далилидир.

Бадий асарларда ялқовлик ва унинг оқибатлари ҳақида жуда кўп ёзилган бўлса ҳам, уларнинг ичида “Салимжон – нимжон” шеъри алоҳида ажралиб туради. Шеърда ялқовлик кескин танқид остига олинади. Матнга мос куйнинг яратилиб, қўшиқ қилиб айтилиши ва оммалашиши ҳамбунинг исботидир. Шоирнинг ўзига хос топилмалари ҳам шеърга ўзига хос жило бахш этади. Муаллиф Салимжоннинг ташқи кўриниши коптокка ўхшаб семириши, баданининг хамирдай юмшоқлиги, рангининг синиқлиги, кўзини доим уйку босиши каби ҳолатларни келтириб ўқувчи-болалар олдида ялқовлиги сабаб “уялтириб” қўяди. Ҳар бир банддан кейин “Салимжон – нимжон”нинг такрорланиши эса шеърнинг оҳангдорлигини таъминлаб берган:

*Салим, Салим, Салимжон,
Бунча бўлдинг сен нимжон?
Копток мисол семирдинг,
Гўё танинг хамиржон.
Салимжон – нимжон!*

(“Салимжон – нимжон”, 34-б.)

Шеърни ўқиган китобхон, шубҳасиз, қаҳрамоннинг устидан кулади. Айни пайтда ўзида ҳам шундай иллат бор-йўқлигига бир назар ташлайди. Асарнинг тарбиявий қиймати ҳам шунда.

П.Мўмин “Қутқарилган Баҳодир”, “Ланж бола”, “Қўнимсиз”, “Ҳафсала деган

китоб”, “Сулайтирди ўзини”, “Қурбақалар мусобақаси” каби талай шеърларида қаҳрамонларнинг кечмиш-кечиримларини тасвирлаш орқали айрим болалар характеридаги бўлмағур одатлар ва тушунчаларни фош этади. Болалар табиатан шон-шуҳратга ўч бўлиши яхши маълум. “Қутқарилган Баҳодир” шеърининг қаҳрамони ҳам шундай болалардан. У қандай бўлмасин, бирор қаҳрамонлик кўрсатиб, ном қозониш устида бош қотиради. Баҳодирнинг хатти-ҳаракатларидан, орзу-ўйидан маълум бўладики, у қаҳрамонликни нотўғри тушунар экан. Шу сабабли у бошлаган ножўя иш ўз бошига ташвиш келтиради. “Сулайтирди ўзини” шеърининг қаҳрамони ноўрин қилмиши туфайли ундан ҳам баттар кулгили ҳолатга тушади. У кўзичоғини гиж-гижлаб сузишга ўргатади. Натижада:

Зўр сузангич бўлибчиқди

Кўзичоғи.

Қочиб қолар кичкинтойлар

Кўрган чоғи.

Ўргатгани учун, қаранг

Кўзини у

Энг биринчи сулайтирди

Ўзини у.

(“Сулайтирди ўзини”, 21-б.)

Шунингдек, ўша даврда бирмунча орқада қолаётган поэзияда ҳам янги йўналишлар, янгича ифода усуллари юзага кела бошладики, бу болалар шеърияти тривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу жиҳатлар Қ.Муҳаммадийнинг беш китобдан иборат “Табиат алифбоси”нинг чоп этилиши, П.Мўминнинг касб-ҳунарга бағишланган туркум асарлари, шунингдек, И.Муслим ва Т.Йўлдош ижод намуналарида ҳам кўзга ташланади.

Болалар поэзияси, айниқса, 80-йилларда тез тараққий эта бошлади. С.Барноев, Р.Толипов, Қ.Ўтаев, А.Обиджон, А.Кўчимов, Қ.Саидмуродов, М.Раҳмон, Ҳ.Имонбердиев, К.Турдиева каби ёшлар катталар анъаналарини ривожлантириш билан бир қаторда ўзбек болалар шеъриятига янгича руҳни олиб кирдилар. Бу руҳ, энг аввало, кичкинтойлар шеъриятида ижтимоий мазмуннинг кучайиши, уларга даврнинг долзарб масалалари юзасидан бадий шаклда ҳикоя қилишга уриниш билан белгиланади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда юз бера бошлаган демократик ўзгаришлар одамлар онгу шуурида, тафаккурида акс-садо бера бошлади. Бу кайфият уларнинг миллий ўзлигини англашга, шўро даврига хос бўлган манқуртлик психологиясидан қутулишга бўлган интилишларини кучайтирди. Натижада жамият ҳаётига хос бўлган иллатлар кескин фош этила бошланди. Бу ҳол адабиётда ўз ифодасини топиб, янгиланаётган бадий тафаккурдавр психологиясига хос бўлган фожиаларни акс эттирди. Болалар шеъриятида ҳам собиқ тузумдаги каби “алдагани бола яхши” қабилидаги эмас, балки ижтимоий-маънавий фожиаларга сабаб бўлган инқирозларнинг бадий лавҳалари акс этган асарлар яратила бошлади. Бу жараён болалар адабиётининг мавзу кўлами кенгайиб, янги босқичга кўтарилганидан дарак беради.

Истиклол даври ўзбек болалар шеърлятида ҳажвия. Будавр болалар шеърлятида майдонга келган асарлар алоҳида йўналишни ташкил этадики, бир қатор жиҳатлари билан аввалгиларидан фарқланади. Бу жиҳатлар тадқиқотчи Н.Тўхтаева томонидан қуйидагича таснифланади:

1. Болаларнинг руҳий оламини реалистик тасвирлар орқали акс эттирувчи шеър ва дostonлар.

2. Бола руҳиятини ҳажвий тарздаги тасвирларда ифодаловчи асарлар.

3. Болалик оламини рамзий-мажозий образлар орқали тасвирловчи шеър асарлар”³⁰.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда айтиш мумкинки, истиклол даври болалар шеърлятида умумшеърлятга хос бўлган сифат ўзгаришлари ҳам характерлидир. Бу давр ўзбек адабиётида муҳим ўтиш – янгиланаётган бадий тафаккур ва поэтик изланишлар даври ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур даврни бадий тафаккурдаги янгиланиш даври деб аташ мумкин. Айнан ушбу давр адабиётида инсон руҳияти, унинг маънавий оламини ўзига хос изланишлар – янгича поэтик образлар, рамз ва символлар воситасида ифодалашга эътибор кучая бошлади. Ижодкор концепцияси, воқелик ва бадий сўзга муносабат сезиларли даражада ўзгарди. Бадий сўз инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва фаолиятининг эмас, балки унинг руҳий олами, қалб эврилишларини ҳам кашф эта бошлади. Бу юксалишлар, табиийки, болалар шеърлятида ҳам ўз аксини топди. Мана шу жиҳатдан болалар поэзияси умумшеърлят даражасига кўтарила олди.

Истиклол даври ўзбек болалар адабиётидаги юмористик шеърлар ўзининг кенг қамровлиги, бадий мазмундан ташқари ижтимоий мазмунни ҳам ифодалаш билан ажралиб туради. Шунингдек, мавжуд анъананинг муваффақиятли тарзда давом эттирилгани билан бирга ижодий бойитилгани ҳам кузатиш мумкин. Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Р.Толибов, А.Кўчимов, Ҳ.Имонбердиев, К.Турдиева, Д.Ражаб, А.Акбар каби кўплаб ижодкорлар шеърлятида юмористик образлар галереясининг яратилгани шундан далолат беради. Жумладан, Т.Адашбоев шеър ва эртаклари қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, болалик оламининг бетақрор кашфиётларига айлана борди. Шоир ижоди ҳақида профессор А.Расулов “Болаликнинг беғубор осмони” мақоласида: “Унинг шеърларида бола табиатига ўхшаш самимийлик, ботиний пўртана, вулқоний шиддат бор. У бола кўзи билан кўради, кўрганини қувониб тасвирлайди”³¹, деб алоҳида таъкидлайди.

Шоирнинг юмористик шеърларида ҳам болаларга бўлган жуда катта меҳр-муҳаббат, самимият яққол сезилиб туради. Унинг болалар оламини бевосита юмористик руҳда акс эттирувчи “Ҳали ёш-да”, “Муҳаррамнинг машғулоти”, “Бурни қонаб”, “Аҳил дўстлар”, “Дилмуроднинг вақти йўқ”, “Ошхўрак”, “Ўн икки варақ дафтар”, “Тўрт амалдан – бир амал”, “Алғов-далғов аралаш”, шунингдек, мактублар туркумига кирувчи бир қатор

³⁰Тўхтаева Н. Истиклол даври ўзбек болалар шеърлятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 14-б.

³¹ Расулов А. Бетақрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 214-б.

шеърлари, “Уч бўталоқ ва сирли қовоқ” каби эртакларида самимият нафаси уфуриб туради. Уларда болалар табиатида учрайдиган айрим қусурлар ўзига хос поэтик бўёқларда кулги воситасида фош этилади. Шоир болалар табиатидаги у ёки бу нуқсонни реал манзараларда тасвирлар экан, кўпинча унинг қандай оқибатларга олиб келишини шарҳлаб ўтирмайди, балки қиссадан ҳисса чиқаришни китобхоннинг ўзига қолдиради. Бу китобхон билан муаллифнинг ўзига хос суҳбати бўла олади. Шоир болаларда хулоса чиқара олиш кўникмасини шакллантиришга интилади.

Дарҳақиқат, Т. Адашбоев болалар руҳиятига хос зукколик ва топқирлик, хаёлпарастлик ва бой фантазияни, орзу-умид ва интилишларни моҳирлик билан юмористик оҳангларда ифодалай олади. Зеро, фақат болаларгинакун ботиш манзараларини:

*–Дада, қуёш думалаб,
Тог бошига етибди.
Йиқилибди шекилли,
Бурни қонаб кетибди.*

(“Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, 17-б.)

дея тасаввур қилиши ва айта олиши мумкин. Мазкур шеърда ҳажв фақат танқид воситаси эмас, балки чин кулги – болалар тасаввуридаги қувноқлик тимсоли бўлиб келиши мумкинлигини ҳам кўриш мумкин. Ушбу мисраларни ўқиган китобхон оҳиста жилмайиб қўйиши, табиий, лекин унда на бирор ижтимоий муаммо танқид қилинган, на боладаги иллатларни тузатишга уринилган. Бу кулги боланинг тасаввурлари чизгиси, холос. Унинг бу дунёга қараган беғубор қарашлари, тасаввурининг кенглиги мазкур шеърда бир шодиёна кулгига уланиб кетади.

“Аҳил дўстлар” номли шеърда эса Сухроб билан Жаҳонгирнинг доим бирга ўйнаши, боғчага ҳам бирга бориб, бирга қайтишлари, музқаймоқни ҳам тенг бўлиб ейишлари ҳикоя қилинар экан, баъзан мана шундай аҳиллик кулгили ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкинлиги қуйидагича тасвирланади:

*Совғага келган тўпни
Ётсирамай олишиди.
Тенг шерикка бўлишиди
Шарт иккига ёришиб.*

(“Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, 21-б.)

Шеърда икки ўртоқнинг чунонам аҳиллигидан содда ва беғубор, самимий руҳияти тасвири орқали хабар топамиз. Лекин уларнинг аҳиллиги тўпни тенг иккига бўлишлари тасвири орқали қутилмаган ҳолатларга олиб келади. Лекин шеърда бу танқид остига олинмаган, болаларни тарбиялашга ҳам ҳаракатни сезмайсиз, шунчаки енгил кулги уйғотган, тўп ёрилса ҳам шундай дўсти борлиги ҳар бир инсон учун, болалар учун ҳам қувончли, албатта.

Кўринадики, Т.Адашбоев ижодида қаҳрамон дуч келган фавқулудда ҳолатлардан кулги яратиш анъанаси муҳим ўрин тутди. У баъзан ўз тасаввуридаги қувноқлик билан кулги уйғотса, баъзан шунчаки ҳаракатлари билан кулгига сабаб бўлади.

Кичик қаҳрамонлар тушган вазиятлардан кулги яратиш усули Қ.Ўтаев ижодига ҳам хос хусусиятдир. У кўплаб ҳажвий характердаги шеърларида китобхонлар учун оддий ҳаётий вазиятларда қаҳрамонларнинг кутилмаган ҳолатларга тушишидан ўзига хос мантиқ излайди. Бунда кўпроқ сўз ўйинларига мурожаат қилади.

Шоир “Қандингни ур” шеърида болалар руҳиятига хос бўлганишонувчанлик, соддадиллик, уларнинг ҳар бир жумлани ўз маъносида тўғри тушунишларини сўз ўйинлари орқали ним табассум билан бадиийлаштиради. Лирик қаҳрамон “Қандингни ур” деган мақтовдан қуйидагича хулоса чиқаради ва бу болаларнинг қувноқ кулгисига сабаб бўлади:

*Қандингни ур дедингизми,
Қандни нега ураман?
Яхшиси, мен қандми, новвот –
Қолмагунча сўраман.*

(“Ширин сўз”, 34-б.)

Шоирнинг маҳорати шундаки, ушбу қисқа сатрларда болалар табиатига хос бўлган муайян соддалик, ишонувчанлик, биров анқовлик ҳолатини ҳазиломуз, беғараз кулги воситасида тасвирлай олган. Бу типдаги шеърларни ўқиган китобхонда лирик қаҳрамоннинг анқовлигига нисбатан аччиқ истеҳзоли муносабат юзага келмайди, аксинча, улар дуч келган вазият болалар табиатида тез-тез учраб турадиган ва ўткинчи бир жараён сифатида қабул қилинади.

Болалар шеъриятида сўз ўйинларидан фойдаланиш орқали кулги ҳосил қилиш анъанаси мавжуд. Бундан ижодкорлар болалар учун ҳали нотаниш бўлган иборалар, мазмунини тўлиқ англаб етмаган мақоллар ёки турғун бирикмалардан фойдаланган ҳолда кулги ҳосил қиладилар. Бу ерда ҳам истеҳзоли ҳолатлар юзага келмайди. Беғараз кулги ҳосил бўлади ва шу орқали болалар мақоллар, иборалар мазмунини сўраб, тушуниб олишларига ҳам имконият яратилади.

“Кечирдим” шеърида ўртоғининг уй вазифасини кўчириб “3” баҳо олган боланинг руҳий ҳолати, воқеликка муносабати қуйидагича тасвирланади:

*Уй ишини
Дафтарингдан кўчирдим.
“Уч” олсам ҳам,
Майли сени кечирдим.*

(“Ширин сўз”, 37-б.)

Ўртоғининг дафтаридан уй ишини кўчираётган ва бунинг учун заррача хижолат чекмай, “уч” баҳо олган бўлса ҳам, гўёки олижаноблик қилиб ўртоғини кечириётган лирик қаҳрамон руҳиятидаги ушбу номуносиб ҳолат ўзига хос кулги ҳосил қилиб, асарга юмористик руҳ бағишлайди. Бундан кўчирмачи болалар ўзлари учун сабоқ олишлари ҳам мумкин. Фақат лирик қаҳрамон каби кўчириш орқали эмас, балки келаси сафар ўз кучи билан аъло баҳо олиш билан буни тузатишса бўлади.

“Ҳайронлик” шеърида эса ота-оналарнинг шахсий гигиенага риоя қилиш зарурлиги ҳақидаги насиҳатларига қаҳрамоннинг ўзига хос топқирлик билан баҳона топиши болаларбоп сатрларда ихчам тасвирланади:

*Юзимни кўп юваверсам,
Соқол ўсиб кетса-я.
Ювмай десам, кир-чир қилиб
Яра босиб кетса-я?*

(“Ширин сўз”, 37-б.)

Аслида ҳар қанча ювингани билан соқол ўсиб кетмаслигини, яра босмаслигини китобхон яхши билади. Шу туфайли лирик қаҳрамоннинг билиб туриб ўзини билмасликка олиши ўқувчида кулги кўзғайди. Таъкидлаш жоизки, ижодкорлар юмористик мазмундаги шеърларида кўпроқ муболағали тасвирлардан, шунингдек, шартлилик асосидаги бадий деталлар ва мажозий образлардан ўринли фойдаланадилар. Тадқиқотчи Р.Хўжаеванинг “Кулги кулгили воқеадан, ҳодисадан, ҳолатдан келиб чиқади, шунингдек, кулги болалар табиатида, фаолиятида ва характерида ҳам мавжуд. Демак, ижодкор воқеа ва ҳодисадаги кулгили ҳолатни илғаб олади ва ундан кулги келтириб чиқаради”³² тарзидаги фикрларида ҳам айтиш мумкин. Таъкидланган хусусиятни Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Абдурахмон Акбар, Дилшод Ражаб, Рустам Назар каби кўплаб шоирлар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида болалар адабиёти, хусусан, шеърлятида ҳамўзига хос услубий изланишлар юзага келди. Бунда “...кенг маънодаги услубий изланишлар ҳам (яъни бу давр болалар адабиётига хос бўлган бадийлик тамойилларидаги ўзига хослик), тор маънода, яъни ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби ҳам назарда тутилади... Истиқлол даври адабиётининг ўзига хослиги анъанавий мавзуларда ёзилган асарларнинг ҳам поэтик мазмунига, ҳам бадий ифодасига кўра янгиланганлигида кўзга ташланади”³³.

Истиқлол даврида яратилган кўплаб ҳажвий асарларда болалар феъл-атворидаги нуқсонларни очишда шоирлар улар тушган нотабий ҳолатлардан, ўз-ўзини фош этиш усулидан, халқ жонли тилидаги образли ифодалар ва иборалардан ҳам унумли фойдаланганини кузатиш мумкин. Бироқ бу типдаги шеърларда муаллиф нутқи фаол иштирок этишининг бир қатор ижобий жиҳатлари бўлишига қарамасдан, маълум даражада баёнчиликка олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Чунончи, Рустам Назар “Циркда” шеърида Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги илмий хулосаларни назмий йўсинда ифода этмоқчи бўлади. Шеърнинг биринчи тўртлиги муаллиф тилидан қуйидагича баён этилади:

*Қуёш аро думалаб
Айланади улкан шар.
Чунки устида энчил*

³² Хўжаева Р. Қуддус Муҳаммадий. – Тошкент: Фан, 1980. – 42-б.

³³ Тўхтаева Н. Истиқлол даври ўзбек болалар шеърлятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 19–20-б.

*Артист ҳаракат қилар*³⁴.

Ушбу мисраларда сахнадаги ҳолат манзараси ўзининг образли ифодасини тўла топган эмас. “Шар” билан “қилар” сўзлари сунъий қофияланиши ҳам, шар устидаги артистнинг “эпчил”лиги “ҳаракат” сўзи билан мувофик эмаслиги ҳам поэтик мазмунни хиралаштиради. Айни пайтда ушбу ҳолат асосида вужудга келган кулгили вазият – боланинг топқирлиги тасвирида ҳам сунъийликка йўл кўйилган:

*– Ойижон, энди билдим, –
Деб шивирлар Бойсари,
Одамлар юргани-чун
Айланаркан Ер шари!*

“Ким катта” шеърида эса булутли кўкда туғилган капалак (аслида капалак туғилмайди, балки уруғдан кўпаяди) эртаси куни нур сочган Қуёшга: “Мен сендан каттаман!” деб мақтанади. Ушбу шеърдаги кулги ҳосил қилувчи номувофиклик сунъий бўлгани учун ҳам ёш китобхонга эстетик завқ бермайди. Бироқ бу каби камчиликларга қарамай, сўнгги даврдаги ҳажвий шеърларда кулги бевосита қаҳрамон руҳиятидан, улар табиатининг ўзини ўзи фош қилувчи тасвирлардан келиб чиқаётганини таъкидлаш зарур. Бунда шоир бетараф, холис кузатувчи бўлиб, кулги ҳосил қилишда қаҳрамоннинг ўзини “ишга солади”. Бу хилдаги шеърларда муаллифнинг воқеликда иштирок этмаслиги ўқувчини бадиий мушоҳадага ва мулоҳазага ундайди. Айни шу ижодий усул шеърнинг композицион жиҳатдан ихчамлигига, қофиялар зиммасидаги юкнинг залворли бўлишига, тасвирнинг аниқ-тиниқлигига, фавқулодда вазиятлардан кулги туғилишига олиб келади.

Қ.Ўтаевнинг “Ҳайронлик”, “Нима дейман”, “Тешиккулча”, “Аввал узат” каби шеърлари ҳам ҳажвий образ яратиш жиҳатидан диққатга сазовор. “Тешиккулча” шеърида болалар табиатига хос бўлган ширинликка ўчлик ва уларни ўзиники қилиб олишга интилишларидаги топқирлик кулгили тарзда маҳорат билан ифодаланади:

*Қўлингдаги кулчани
Тенг иккига бўлақол.
Кулчасини менга бер,
Тешигини олақол.*

(“Ширин сўз”, 36-б.)

Шеърда лирик қаҳрамоннинг ўзини гапиртириб “ишга солиш” орқали кулгили вазият яратилади. Шоирнинг маҳорати бу ўринда фақат лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини чизиш, унинг беғубор табиатига хос хусусиятларни “мен” орқали тасвирлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, шу ҳолатни рўёбга чиқариш учун мос бадиий детални топа олиши билан ҳам белгиланади. Бу ўринда тешиккулча айнан шундай бадиий деталь вазифасини бажариб, боланинг фавқулодда топқирлик ҳолатини очишга имконият яратади. Шоирнинг “Аввал узат” шеърида ҳам шу хусусиятни кўриш мумкин.

³⁴ Рустам Назар. Рангли фаввора. У.Шукуров. Болари ва чумоли. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 78-82-б.

*Қуруқ қўйма
Қўлимни.
– Аввал узат
Пулингни.*

(“Ширин сўз”, 36-б.)

Бу шеърда халқимизнинг “Мушук текинга офтобга чиқмас” мақоли мазмунининг болаларбоп шаклда ифода этилаётганини кузатиш мумкин. Хулоса чиқариш бунда ҳам болаларнинг ўзига қолдирилиб, ҳар бир шахс ўзи учун тўғри деб билган ҳиссани чиқариб олиши мумкин. Болаларга хос фавқулудда топқирлик ва шумлик хусусиятини тасвирлаш орқали қувноқ кулги яратилади.

“Болалар адабиётининг ўзига хослигини белгилайдиган қирралардан бири мажозийликда акс этишини тадқиқотчилар кўп марталаб қайд этганлар. Аслида бу ҳам ёш бола табиатидан келиб чиқадиган жиҳат. Ёш қизалоқнинг кўғирчоғи билан жонли одамдай суҳбатлашганини кузатмаган одам бўлмаса керак. Худди шунингдек, табиатдаги турли мавжудотларнинг “тилга кириши”ни ҳам ёш бола табиий ҳол деб ҳисоблайди, ундан ўзига хос завқ олади. Шоир эса, мажозий қаҳрамонлар асар марказида турадиган асарларини яратиш билан, бир томондан, ҳаётда бўлиб турадиган турли воқеа-ҳодисаларни мажоз йўли билан ифодаласа, иккинчидан, мажоздан мақсад ибратдир. Мажозий асар шу маънода кўзгу вазифасини ҳам бажаради. Чунки камчилигини ўзига айтсангиз, хафа бўладиган бола мана шу нуқсоннинг бадиий асарда қайсидир бир ҳайвонда намоён бўлишини кўриб, аввал маза қилиб кулади, ундан кейин эса “кўзгу”да ўзини кўриб, ўзидаги ўша нуқсонни тузатишга ҳаракат қилади”³⁵.

Хулоса ўрнида болалар учун яратилган асарларнинг аксариятида ҳажв объектини улар характерида учрайдиган нуқсонлар, тасаввурларидаги ўзига хос чизгилар, ҳаракатларидаги ўзгачаликлар ташкил қилишини таъкидлаш мумкин. Рамзий шеърларда учрайдиган тимсоллар ҳақида гап кетганда улардан ижтимоий умумлашмалар чиқариш хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай асарлар кўп қатламли ҳисобланади. Кўп қатламли асарлар болалар учун ўқилиши ва ёдда қолиши осон, лекин уларнинг аксариятида мазмун чуқур, барча ёшдаги китобхонлар ўқиши учун мўлжалланган ва умумидадабиётга тегишли мулк ҳисобланади. Бундай асарларда, асосан, болалар характеридаги нуқсонлар фонида жамиятдаги иллатлар танқид остига олинади.

Ҳажвия – болалар руҳиятидаги нуқсонларни фош қилиш санъати сифатида

³⁵ Ашуров Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати. – Тошкент: Фан, 2009. – 43-б.

Катталар табиатидаги нуқсонлар бирданига юзага келмасдан болаликдан илдиз отиши ва инсоннинг бутун ҳаёти давомида қай даражададир шакллана бориши назарда тутилса, унга умрининг дастлабки дамларидан бошлаб тўғри йўналиш бериш, тегишли муносабатда бўлиш халқ педагогикасида, демакки, тарбиявий моҳиятига кўра болалар адабиётида катта ўрин тутади. Хусусан, болалар ҳажвий шеърятининг туб моҳиятини белгилайди. Ғ.Ғуломнинг “Нортожининг курак тиши”, “Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо”, “Ш.Саъдулланинг “Инжиқ қиз”, “Ивирсиқ”, Қ.Ҳикматнинг “Эшак нега ханграйди?”, Султон Жўранинг “Чўнтақ”, “Маматнинг кечирмиши”, П.Мўминнинг “Салимжон нимжон”, Қ.Муҳаммадийнинг “Сандал ва печка”, Й.Сулаймоннинг “Раҳима-чи ваҳимачи” каби шеърларида ҳажвий юмористик руҳ болалар табиатида очиқ-ошкора намоён бўладиган, ҳаёли тўла шаклланиб улгурмаган, ўйинқароқлик, ялқовлик, ишёқмаслик, кир-чир бўлиб юриш, қизғанчиқлик, мақтанчоқлик каби талай ёқимсиз одату иллатларини фош қилишга қаратилади. Жумладан, С.Жўранинг “Чўнтақ” шеърида Додаш исмли боланинг чўнтагигасоққа, хўрозқанд, значок, туршак, қаламтарош солиб кир-чир юриши, “Маматнинг кечирмиши”да дарсда ёмон баҳо олган Маматнинг руҳий изтирблари орқали ўз-ўзини фош қилиш санъати ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ ҳажвий юмористик тасвир услубининг ҳаётий зарурат сифатида юзага келганини вабу борада муайян ютуқларга эришилганини ҳам кўрсатади.

Қани гапир, Мамат

Ким айбдор.

Ё миямда борми кам-кўст?

Гапир! Ўз-ўзингдан қилмагин ор

Ранжитдимми ёки ёр-дўст?

Барвастасан, ақлинг жойида

Лаёқатинг бор, тузуксан.

Ростин айтсам, Мамат, ўзинг айбдор

Сен ўзингни ўзинг бузибсан.

(“Маматнинг кечирмиши”, 45-б.)

Маматнинг ўз-ўзини фош қилиши, руҳий изтироблари натижаси сифатида табиийлик шоир хулосаси билан уйғунлик касб этади.

Қуддус Муҳаммадийнинг “Сандал ва печка” шеъри улардан қайси бирининг ҳаётий аҳамияти муҳимлиги тўғрисидаги баҳс билан бошланади. Маълум бўладики, сандал анча қўпол ва калондимоғ. Баҳсга ундан жабр кўрган стол, стул, каравот, тошойна, думи чўлтоқ Мошларнинг аралашуви билан кеккаймачоқ сандалнинг сири фош бўлиб, ҳақиқат қарор топади.

Шоирнинг “Бир ўзбошимча чумчуқ ҳақида” шеърий эртаги ҳақида фикр билдирган профессор С.Матжоннинг қайд этишича, мазкур асар “халқ оғзаки ижоди анъаналари услубида яратилган бўлиб, айрим кишилар феъл-атворидаги ишёқмаслик, ялқовлик, манманлик иллатларини фош этишга қаратилиши жиҳатидан Шукур Саъдулланинг “Лақма ит”, “Айёр чумчуқ”

асарлари билан бир қаторда туради”³⁶.

“Лақма ит” эртагининг қаҳрамони ёз бўйи кўча чангитиб, шаталоқ отиб юради. Ўйинқароқлик билан қиш ғамини емайди. Унинг қаҳратон қишда бошпана сўраб сигир, мушук, эчкиларга қилган мурожаати наф бермайди.

Оёғига тикан кирган айёр чумчук ҳам (“Айёр чумчук”) ўз мақсадига эришиш учун эса, бўри, мерган, сичқон, мушук, кампир, шамол билан суҳбатлашади. Улар ўртасида чақимчилик қилиб иш тутлади.

Қ.Муҳаммадий эртагининг қаҳрамони ўзбошимча чумчук текинхўрлиги, манманлиги ва ўзбошимчалиги билан уларга яқин туради.

Чумчуқлар эрта баҳорда ин куриб биргаликда яшаш тўғрисида мурожаат қилишганида, у чор-атрофда тайёр уйлар кўплигини, меҳнат қилишни истамаслигини айтиб, ўз қавмларига қўшилмайди. Ўзбошимчалик билан зағизғоннинг уйига кириб таъзирини ейди. Тайёр ин – мўрконга жойлашганида печкага ёқилган ўтда патлари жизғанақ бўлиб, аранг қочиб қутулади. Таъвия чумчуқни

*Кўрганлар ҳеч танимас,
Ҳеч бир қушига ўхшамас.
На ола-ю, на қора,
На чипор-у қашқамас.*

(“Айёр чумчук”, 45-б.)

Шоир ижодида енгил юмор воситасида фош қилувчи ҳажвий руҳ муҳим тарбиявий моҳият касб этади.

“Яхши-ёмон деганларидек, баъзи бир ўқувчиларнинг бадфеъллиги ва жаҳлдорлиги, ғофиллиги, ўз-ўзидан огоҳ эмаслиги, ўз-ўзини қўлга олмаслиги ва тўғри йўлга солмаслиги, ўқиб ўқмаслиги, ўққани ҳам юқмаслиги, ҳаддан оша томошахўрлиги, меҳнатга берилмаслиги, меҳнаткаш бўлмаслиги мени анча ўйлантиради, қалбимни ранжитиб, қийнайди”, деб ёзади шоир.

“Ўз-ўзини танқид”, “Дум”, “Аҳмаджонга уят”, Ўткиржон ва вақт”, “Тугмача”, “Дўнаншер нега иккичи?”, “Тешанинг бузоғи нега сузағон бўлди?” каби машҳур шеърлар яна шундай руҳий кечинмалар асосида юзага келган.

Мустақиллик даври болалар шеърлятидакичкинтой қаҳрамонлар феъл-атворидаги ноқисликларнинг юмористик талқини Анвар Обиджон ижодида алоҳида ўрин тутлади. Шоирнинг “Ака-укалар”, “Велосипед бузилганда”, “Лагерда”, “Ҳа, ҳуркмайсан-а”, “Кумуш ковушча”, “Ғамхўрлик”, “Оймомони ўғирлаш”, “Пуфакфуруш”, “Фатхулланинг куркаси” каби шеърлари шу жиҳатдан характерлидир.

Шоир ҳар бир шеърида болалар руҳий-маънавий дунёсига хос бирор-бир кулгили детални топади. Уни бадиийлаштириб, бола руҳиятининг юмористик тасвирини ифодаловчи манзарага айлантиради. Бола руҳияти билан ушбу манзараўртасидаги номутаносиблик эса қувноқ, беғараз ва самимий кулгини ҳосил қилади. Масалан, “Велосипед бузилганда” шеърида юз-қўлини мой қилиб гайка бураётган Сотимбойнинг аҳволи қуйидагича чизилади:

³⁶ Сафо Матжон. Болалар адабиёти ижодий-услубий изланишлар. Ўқув қўланма. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 26-б.

*Юз қўлини
Қилиб мой,
Гайка бурар
Сотимбой.
Кулиб боқар
Сотимга
Таги кўчган
Ботинка.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 8-б.)

Сотимнинг ўйинқароқлиги, велосипедни тиндирмасдан миниши оқибатида унинг бузилиши-ю, Сотимбойнинг мойга ботиб уни тузатиши – булар барчаси “таги кўчган ботинканинг Сотимга кулиб қараши” характерли манзара детали орқали ҳажвий мазмун билан бойитилган. Бу ўринда таги кўчган ботинканинг гўё “кулиб” қараганга ўхшатилиб жонлантирилиши шеърнинг поэтик мазмунини кучайтиришга хизмат қилади. Ботинканинг кулиб қарашиёқ китобхоннинг кўз ўнгига кулгили вазиятни келтиради. “Сотимга” – “ботинка” тарзидаги оригинал қофиялар эса шеърнинг шакл жиҳатдан ҳам пухталигини билдиради.

“Исёнкорлик, чорловчанлик, олишқоқ фалсафа, теран мушоҳада шеърият кемасининг елкани учун йўлчи шамол вазифасини ўтайди, шиддатига шиддат кўшади, – деб ёзади Анвар Обиджон бадийи маҳорат тўғрисида. – Аммо бу шиддат кўп сонли “оддий шеърхонларни ўзига элтувчи унсурлар – сўзлар шираси, тасвир нафосати, ифода назокати ила уйғунлаша олмас экан, шеър куруқшоқланиб қофиялаштирилган наср тусига киради, таъсир доираси тораяди”³⁷.

Шоирнинг бу эътирофи бевосита ўз ижодига ҳам тааллуқли бўлиб, “Сўзлар шираси, тасвир нафосати, ифода назокати” лирик қаҳрамон тушган вазият билан реал воқелик ўртасидаги номутаносибликдан кулги яратишга қаратилган “Ҳа, кўркмайсан-а” шеърига ҳам хос хусусиятдир. Шеър бир-бирини юмдалашган иккита боланинг суҳбати асосига қурилган бўлиб, кулги қаҳрамонларнинг ўзлари тушган вазиятга муносабатлари орқали юзага келади:

*– Нега юлдинг
Бетимни?
Чақирайми
Итимни.
– Хафа бўлма,
Сулаймон,
Ҳозир сени
Силайман.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 9-б.)

Диалогик нутқ, шеърнинг ихчамлиги, қофияларнинг мазмунан бир-бирига ҳажвий оҳанглар билан боғланиши (“бетимни – итимни”, “Сулаймон – силайман”) шоирнинг индивидуал услубини намоён қилади. Шоир

³⁷ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2006 йил 8 декабрь.

шеърларига ном танлашда ҳам шошқалоқлик қилмайди. Ҳар бир сарлавҳа болаларнинг хусусиятларидан, улар нутқида кенг қўллайдиган сўзлардан танланади. “Ҳа, кўркмайсан-а” шеърида ҳам айнан шу хусусиятни кўришимиз мумкин.

“Ғамхўрлик” шеърида Нор укаси Рустамнинг: “Ёмғир тинди, энди хўтикчани минайлик”, деб қилган илтимосига шундай жавоб беради.

– *Аввал топиб кел
Тўрт пой эски этикни.
Лойда минии яхшимас
Ялангоёқ хўтикни.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 9-б.)

Анвар Обиджон бу шеърда ҳам асосий урғуни болалар руҳиятини акс эттирувчи ҳажвий жавобга қаратмоқда. Бунда “Тўрт пой эски этик” ва “ялангоёқ хўтик” деталлари шеърнинг ҳажвий қувватини таъминлашга хизмат қилиши баробарида болаларни ҳайвонларни севишга ҳам ўргатади. Лойда хўтикчанинг ялангоёқ юришини хоҳламаган болакайнинг ғамхўрлиги китобхонда енгил кулги уйғотади.

Анвар Обиджон шўх, қувноқ болалар руҳиятини теран ҳис этадиган ва энг муҳими, ушбу ҳолатни поэтик маҳорат билан тасвирлаш салоҳиятига эга шоир. “Фатҳулланинг куркаси” шеърида шу хусусият яққол сезилиб туради. Шеърда укасининг: “Фатҳулланинг куркаси қувди”,— деган шикоятини эшитган Нор шундай хулосага келади:

*Ғижиниб мушт тугди Нор:
– Боплаб қасос оламиз.
Куркани ...
Йўқ, яхшиси,
Фатҳуллани соламиз.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 10-б.)

Анвар Обиджон ижодидаги изланишларни инкишоф этган олим Нусратулла Жумахўжа ўзининг “Мағзи тўқ шеърлар” номли мақоласида шундай ёзади: “Анвар Обиджоннинг китобида “Уччаноқлар” деб номланган туркум ҳам бор. Унда икки юзга яқин уч мисрали шеър ўрин олган. Маълумки, бир қанча истеъдодли шоирлар миллий шеъриятимиз ва қардош халқлар поэзиясидаги анъаналарни ривожлантириш билан бирга, чет эл адабиёти бойликларини ҳам ўзлаштираётирлар. Учликлар япон шеъриятига мансуб жанр ҳисобланади. Унинг хосияти шундаки, шоир уч сатрда ё чиройли бир манзара яратиши, ёлаҳзалик лирик кечинмани тасвирлаши ёки теран фалсафий фикрларни ифодалаши зарур. Анвар Обиджон учликларига ҳаётий кузатишлари, мушоҳадаларини сингдиришга ҳаракат қилади. У табиатан мўъжаз шеърлар шайдоси бўлгани учун доим ихчамликка интилади. Бу фазилат унинг мисраларига аниқлик, табиийлик, равонлик бағишлайди. Шоир уч сатрдаёқ такаббур амалдор қиёфасини ярата олди:

*Кўндир амалнинг тури,
Амалдорнинг энг зўри*

Фақат алик олади”³⁸.

Юқоридаги шеърда Нор табиатига хос бўлган уришқоқлик иллоти унинг ўз тилидан фош қилинган бўлса, уччаноқда кенг мавзу қаламга олинади. У қаратилган нуқта болаларга эмас, балки катта ёшлиларга ҳам дахлдордир. Ҳажв бу ерда фош қилиш вазифасини аъло даражада бажарган. Анвар Обиджон ўз шеърларида ихчамликка интилади.

Қ.Ўтаев ва А.Обиджон услубига хос бўлган бундай ихчамлик, тасвирда юмор ҳосил қилувчи бадий детал, диалогик нутқ ва образлардан фойдаланиш маҳорати С.Иноятлов, З.Исомиддинов, Н.Абдусаломов, Н.Душаев каби ёшлар ижодида ҳам бўй кўрсатиб, асосий ифода усулига айланиб бораётгани истиклол даври болалар шеъриятининг камолотидан далолат беради. Жумладан, С.Иноятловнинг “Футбол тўпи”, “Ҳашарчи-ошарчилар”, “Ҳол” шеърларида болалар табиатида учраб турадиган айрим қусурларнинг бадий деталлар орқали очиб берилганини кузатиш мумкин.

“Ҳашарчи-ошарчилар” шеърида болалар Нури бувининг уйини лойсувок қилиб беришлари, бунинг эвазига буви ҳолва, майиз, Ҳол бува эса олма билан меҳмон қилгани тасвирланади. Шоир бу ўринда “ҳашар” деталини маҳорат билан қўллаб, болаларга хос қитмирлик, мазахўраклик хусусиятларини кулги воситасида ёритишга эришади ва ҳашарчи болаларнинг “ошарчи” юмористик образларини қуйидагича бадий гавдалантиради:

*Мазахўрак бўпқолдик
Шундоқ совга-сийловга.
Текин ёрдам бериш йўқ
Маҳаллада бировга.
Десалар энди агар:
– Бир юмуш бор сизларга!
– Деймиз: – Ҳўш, эвазига,
Не берасиз бизларга?³⁹*

(“Ҳашарчи-ошарчилар”, 26-б.)

Шоир танқид остига олган болалар характериға хос бўлган нуқсон ҳали катталашмаган, уни бугун тузатса бўлади. Муаллиф шу мақсадда болаларни беминнат ёрдам беришга ўргатмоқчи.

“Ҳол” шеърида футбол ўйинига унча уста бўлмаса-да, болаларнинг Ҳолни хушомадгўйлик билан гол капитан, гол дарвозабон, гол ҳужумчи қилиб сайлашлари хусусида сўз боради. Китобхон хайрон: Ҳолга бу қадар ҳурмат-эътиборнинг сабаби нимада? У футбол ўйнашни деярли билмаса... Сирнинг ечими асар якунидаги диалогда маълум бўлади:

*– Ҳа, тушундим Ҳол кучли,
Ҳам зўравон чамаси...
– Янглишдингиз,
У коптокнинг эгаси.*

(“Ҳовли тўла болалар”, 25-б.)

³⁸ Нусратилла Жумахўжа. Мағзи тўқ шеърлар. – Тошкент: ... 2016. – Б. 81.

³⁹ Ҳовли тўла болалар. Шеърлар ва эртаклар. – Тошкент, Юлдузча. 1988. – 19-б. (кейинги мисолларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади)

Болалар коптоксиз футбол ўйнай олмайдилар. Шу сабаб ҳам Ҳолни тинимсиз мактай бошлайдилар. Уларнинг бу иши эса китобхон кулгисига сабаб бўлади.

Демак, болалар шеъриятида қаҳрамонларнинг юмористик образини яратишда шоирлар кўпроқ диалогга мурожаат этишлари бундай хилдаги шеърларда кулгига асос бўлган юмористик ҳолатлар қаҳрамонларнинг нутқи орқали ўзини ўзи фoš қилиши тарзида ўз ифодасини топади. Кулгининг ҳосил бўлиши эса, кўпинча шеър якунида келиши ҳам унинг қимматини маълум даражада оширишга хизмат қилади.

3.Исомиддиновнинг “Ҳашарда” шеърида ҳам шу йўлдан борилганини кўриш мумкин. Шеърда С.Иноятовнинг “Ҳашарчи-ошарчилар”идаги каби болаларнинг ҳашар воситасидаги манфаатдорлик туйғулари юмористик тарзда акс эттирилади. Ҳаким, Ортиқбой, Соли каби болаларнинг бештадан ғишт ташиб дам олиб ўтирган пайтларида Баширнинг одатдагидек кечикиб келиши ва ташилган ҳар ўнта ғиштга иккитадан ёнғоқ олиш шарти маълум бўлади. Унинг қуйидагича таклиф киритиши китобхонда енгил кулги кўзғайди:

– Ташисак-чи, бирга биз,
Тез фурсатда қиламиз.
Берасиз тенг ярмин –
Биттадан ёнғоқ, хўпми?!
– Уял!
– Вой-бу, гапини,
Бу бир кишига кўп-ку!

Баширнинг ўз фойдасини кўзлаб қилган таклифига Ҳакимнинг жавоби юмористик ҳолатни янада ойдинлаштиради:

Ҳаким: – Яхши, – деди-да,
Битта ёнғоқ берди: – Ма.
Сенга, ол, ташийдиган
Ғиштимнинг тенг ярмини.

Ҳакимнинг таклифини Ортиқ ва Солилар ҳам айнан такрорлашади ва биттадан ёнғоқ бериб, қолган бештадан ғиштни Баширга ташлаб кетишади.

– Башир, енгни шимариб,
Таши энди ғиштларни.
Биз кетдик, яхши қол, Ф...
Ана шунда-чи, Башир:
Йўқ – деди шошиб, –
Бир кишига бўлар кўп.

(“Ҳовли тўла болалар”, 33-б.)

Шеърда ўртоқларини чув туширмоқчи бўлган Баширжоннинг тамагирлиги шу тарика фoš этилади. Бироқ бу шеърда болалар хатти-ҳаракатларининг ортиқча изоҳу тафсилотлар орқали ҳижжалаб тасвирланиши, яъни кўпсўзлилиқ бадий мукамалликка путур етказган ва кулгининг таъсир кучини камайтирган. Зеро, диалог шаклидаги ҳажвий шеърлар саккиз

мисрадан ошмаса, бадий теранлик касб этиши кўпгина намуналарда ўз тасдиғини топганлигини кузатиш мумкин.

Шоирнинг “Уйқучи” шеърида акаси Толибнинг ҳар куни эрталаб кеч туриши оқибатида дарсдан кеч қолиши-ю, ўзининг дарсдан бир соат бурун туришини айтиб мақтанган боланинг ҳажвий образи яратилади. Бу шеърда ҳам кулгили ҳолат шеърнинг сўнгги сатрларига юкланади. Мақтанчоқ қаҳрамоннинг уйқучилиги унинг ўз тилидан қуйидагича фош этилади:

*Уйғонаман ҳар куни
Дарсдан бир соат бурун
Бошланади дарс бизда
Ўн икки-ю ўттизда...*

(“Ҳовли тўла болалар”, 34-б.)

Дастлабки икки мисрада болалар дасрдан бир соат олдин уйғониш ёмонми деб ўйлашлари мумкин. Шеърнинг қолган икки мисрасида барчаси ойдинлашади.

Тўхтаҳон Раҳимованинг юмористик шеърларида эса қувноқ оҳанг етакчилик қилади. Унинг қаҳрамонлари хаёлпараст, орзу-умидларга бой, бобо-бувиларига меҳрибон, кулгига мойил болалардир. Шоира уларнинг шу фазилатларини қувноқ ва самимий мисраларда тасвирлайди. Жумладан, “Хаёл” шеърида кичик қаҳрамон сеҳргар бобо ўзига ручка берса-ю у биланёзганда “қилмаса сира хато” деб орзу қилади. “Орзу” шеърида эса улғайганда бувисига ўхшашни ният қилган қизалоқнинг орзуси қуйидагича самимий ва юморга бой тарзда ифодаланади:

*Қолмаса бирор тишим,
Ювиб ўтирмас эдим,
Боғчагаям бормасам,
Бувимга ўхшасам...*

(“Ҳовли тўла болалар”, 45-б.)

Кичик қаҳрамоннинг бундай ўзига хос хаёлотли бир томондан, китобхоннинг тасаввурига зид келгани, иккинчи томондан, танбаллиги ва шўхлиги (тиш ювишга эриниши, боғчага боргиси келмаслиги) билан беғараз кулги қўзғатади. Унинг мана шу тасаввурлари ортида барибир бувисига ҳавас ҳисси ётади. Лекин ҳавас қилинаётган тушунчалар болаларга хос содда ва беғубор. Ўз доирасида яхшидек кўринадиган хаёллар суради қизча.

“Ҳамшира қизча” шеъридаги “ҳамшира” қизчанинг ҳам орзулари бир дунё. У касал бўлиб қолган бувижонисига парвона бўлади. Нега касал бўлганини вижирлаб сўрайди. Унинг ҳар бир саволи, ҳар бир хатти-ҳаракати китобхонда самимий ва меҳрли кулги ҳосил қилади. Бу шоиранинг кичкинтойлар руҳиятини яхши ҳис эта олишидан далолат беради. Қизчанинг наздида бувиси касал бўлишининг асосий сабаби, ё асални кўпроқ еб қўйган, ёки эрталаб музқаймоқ ялаган. Ёки бўлмаса:

*Холодилникдаги
Сутни шопириб,
Ичдингизмикан
Биздан яшириб?*

(“Ҳамшира қиз”, 34-б.)

Қизалоқ шу тариқа бувисини “тергов” қилади. Шоира шеърда бундай “тергов”ни болаларча самимий ва ҳаётӣ, ниҳоятда қувноқ сатрларда тасвирлашга эриша олган. Болалар серсавол бўлишади. Шоира болаларга хос шу хусусиятни яққол кўра олган. Бу ижодкорнинг ютуғи ҳисобланади. Қизчанинг бувисини даволовчи ҳамшира сифатида айтган қуйидаги сўзлари ҳам кичкинтойлар руҳиятига жуда мос:

*Ўзим даволай,
Сизни, бувижон!
Гимнастикага
Қатнашинг шу он!
Бир, икки, уч, – денг,
Қани, уч денг!
Энди бувижон,
Табассум қилинг!
Касалликни мен
Қочирай сиздан!
Хурсанд бўласиз
Ҳамшира қиздан!*

(“Ҳовли тўла болалар”, 46-б.)

Кўринадики, шеърда кичкинтойларнинг руҳий олами ғоят нозиклик ва табиий соддалик билан тасвирланган.

Юқоридаги кузатишларда шоирларимиз томонидан болаларнинг юмористик образларини яратишга оид изланишлари таҳлилга тортилди. Бироқ бу борада ўзига хос ютуқлар билан бирга, болалар руҳиятини юмористик оҳангларда тўлақонли очиб беролмайдиган шеърлар ҳам оз эмас.

Болалар эсини танигандан бошлаб, теварак-атрофдаги муҳитга қизиқиб қарайди. Унинг сирларини, умуман, ҳаёт ҳақиқатини билишга интилади. Турли муҳит таъсирида ўзини топишга ҳаракат қилади. Ўзини жамиятда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Бу интилиш бора-бора тақлидчиликни туғдиради. Дарҳақиқат, яхшиликка тақлид қилиш фойдали. Аммо тасвирда шартлиликка етарли эътибор бермаслик лирик қаҳрамон хатти-ҳаракатига китобхонни ишонтирмайди. Бу борада Қўзи Исмоилнинг қуйидаги шеъри фикримиз далилидир:

*Бог оралаб борар эдик,
Омон, Қўзи,
Бир олмага Қўзивойнинг
Тушди кўзи.
– Богбон кўрса хафа бўлар,
Йўқ-йўқ десак,
Ғатимизга қулоқ солмай
Отди кесак
Қўзининг бу қилган иши
Чакки эди.*

“Пақ” деб олма бошга тушгач,

Шеърда Қўзи боғбон парвариш қилган мевадан унинг рухсатисиз олмоқчи бўлганлиги, натижада ўз жазосини олганлиги тасвирланади. Бу сюжет билан шоир болаларни бировнинг меҳнатини қадрлашга, рухсатсиз бошқа инсонлар мулкига тегмасликка ўргатмоқчи бўлади. Сабаб ва оқибат занжири узилмай келади. Шунга қарамасдан шеърдаги поэтик ғоянинг бироз заиф эканлиги, юмор ҳосил қилувчи ҳолатнинг сунъийлиги бадиийликка путур етказган, шеърнинг таъсир кучини йўққа чиқарган.

Умуман олганда, истиқлол даври болалар шеърлятида юмористик образ яратишда муайян ютуқларга эришилди. Камчиликлардан хулосалар чиқарилди. Болаларнинг маънавий-руҳий оламини юксалтирадиган, эстетик дидини шакллантиришга хизмат қиладиган кўплаб ҳажвийшеърлар яратилди.

Мазкур боб юзасидан олиб борилган кузатишлардан қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Болалар адабиётининг муайян бир қисмини ташкил қилувчи ҳажвий асарлар ўзининг поэтик хусусиятларига кўра жамиятдаги иллатлар билан бир қаторда, болалар табиатида учраб турувчи қусурларни кулги воситасида фош қилишорқали муҳим тарбивий воситани бажаради. Хусусан, болалар ҳажвий адабиётининг асосий бўғинларидан бири бўлган шеърлятдаги ўзига хослик катталар ҳажвий шеърлятидан маълум жиҳатдан фарқ қилувчи хусусиятга эга. Чунончи, катталар адабиётида ҳажв жамият ва инсонлар табиатидаги ярамас иллатларни таг-туғи билан йўқ қилишга қаратилган бўлса, кичкинтойлар шеърлятида бошқачароқ шаклда, болалар табиатига хос бўлган очофатлик, мақтанчоқлик, манманлик, шошқалоқлик, ўйинқароқлик, ялқовлик, қизғанчиқлик, бахиллик ва бошқа шу қаби қусурларни фош қилиш орқали тўғри тарбия беришга диққат қилинади.

2. Болалар ҳажвийшеърлятида айрим болалар феъл-атворидаги нуқсонларнинг кундалик турмушда мавжуд бўлган баъзи бир иллатлар билан уйғун тарзда кулги воситасида фош қилиниши кичик китобхонни кичкинтойлар табиатида кузатиладиган мазкур иллатларнинг зарарли оқибатларидан огоҳликка чақиради. Мазкур типдаги шеърлар болалар характеридаги айрим нуқсонларни тузатишга хайрихоҳлик билдирилиши билан тарбиявий аҳамиятга эга. Айни чоқда ўзбек болалар сатирик шеърлятида ҳажв тифини ижтимоий-маънавий ҳаётдаги муаммоларга қаратиш орқали ижодкорлар сатирик образ қиёфасини, унинг яшаш фалсафаси моҳиятини очишга ҳаракат қилганларки, бу хусусият ўзига хос эстетик тамойилга айланган. Шунга кўра, болалар шеърлятида ҳажвнинг ижтимоий умумлашмалар чиқариш характери вужудга келди.

3. Болалар шоирлари иллатларни фош этишда реалистик тасвир билан бир қаторда рамзий-мажозий образларга ҳам мурожаат қилиш билан ҳаётдаги иллатларнинг туб моҳиятини очишга интилдилар. Реал ҳаётда учрайдиган айрим иллатлар жонсиз нарсалар, табиат ҳодисаларига кўчиб ўтди. Бу типдаги шеърларда реал ҳаёт манзаралари билан боғлиқ поэтик кўчимлар ўзаро уйғунлашиб, бетақрор бадиий топилмалар яратилди.

4. Болалар феъл-атворидаги иллатларни фош этишда кичкинтойлар адабиётининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ уларнинг ўзини-ўзи фош этиш ҳамда кулгига қўйиш санъатидан фойдаланилиши болалар ҳажвий шеърятининг таъсирчанлигини таъминлаган омиллардандир.

5. Ш.Саъдулла, С.Жўра, П.Мўмин, Т.Адашбоев, А.Обиджон каби шоирларнинг мумтоз адабиёт, жаҳон болалар шеъряти ҳамда халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсирида яратган ҳажвий-юмористик асарларида китобхон диққати болалар табиатидаги ножўя ҳолатларни келтириб чиқарган сабабларга қаратилади. Кўп ҳолларда ҳукм-хулоса чиқаришни китобхонга ҳавола этиш эстетик тамойили ўзбек болалар шеъряти равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

6. Истиқлол даврида яратилган ҳажвий-юмористик шеърларда болалар феъл-атворидаги нуқсонларни очишда шоирлар улар дуч келган табиий ҳолат ва вазиятлар тасвиридан, ўз-ўзини фош этиш санъатидан, халқ жонли тилидаги образли ифода ва иборалардан унумли фойдаланилиши мазкур ижодий услубларнинг ҳар бири алоҳида типик гуруҳларга мансублигини кўрсатади.

7. Бу даврда яратилган сатирик ва юмористик шеърларда шоирлар ўзлари тасвирлаётган манзарага гўё “бетараф” туриб, ҳолис кузатувчи сифатида қаҳрамонларнинг табиий хатти-ҳаракатларидан кулги ҳосил қилишга эришсалар-да, уларга муаллифларнинг муносабати фаол, очиқ-равшан кўзга ташланади. Кулгили ҳолатга тушиб қолган қаҳрамон ўқувчини ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Шу тариқа муаллиф-китобхон муносабатида мантиқийлик занжири узилмаган ҳолда болаларни танқидий фикрлашга ўргатиш мўлжалланади. Болалар шеърятида қўлланган ихчам диалогик нутқ, пухта композиция, халқона қофия – буларнинг барчаси ҳажвий образлар яратишда самарали натижалар бергани кузатилади. Шаклий мукамаллик ҳамда унсурларига амал қилиниши болалар ҳажвий шеърятига мансуб кўплаб намуналар ютуғини таъминлаган. Аксинча, тасвирда шартлиликка етарли эътибор бермаслик, кулги ҳосил қилаётган жараёнларнинг сунъийлиги айрим ижодкорлар яратган лирик қаҳрамоннинг ҳаётийлигига путур етказган.

ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНИНГ ФАЛСАФИЙ- ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Болалар шеъриятида шакл ва мазмун уйғунлиги

Маълумки, янгиланиш зарурати инсон ва унинг онгу тафаккури ўсиши билан баравар пайдо бўлади. Башар ўзининг турли эҳтиёжларини қондиришда адабиёт ва санъатдан тўғри маънода фойдаланади. Шу жиҳатдан, адабиёт, айниқса, болалар адабиёти кичкинтойларнинг эҳтиёжини қондириши керак бўлган асл заруратга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Шеърият майдонида ҳам у яралганидан буён бир қанча шаклий, мазмуний тадрижий янгиланишлар бўлган ва улар ҳам маълум зарурат асосида юзага келгани табиий. Битиктошлар даврида инсоннинг келажакка ўз кечмишларини етказиб бериш эҳтиёжи бу давр адабиётини шакллантирган бўлса, ислом оламида инсон қандай яшаши керак деган саволга жавоб зарурати ўлароқ мумтоз адабиёт ва такрор инсоннинг эҳтиёжи сабаб насрий асарлар яратила бошлаган. Шеъриятдаги шаклий изланишлар билан тенгма-тенг мазмуний изланишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,

Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур,

деб ёзади. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаши баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар “асл анга маъни” эканини ҳам алоҳида таъкидлаган. Бугунги шеъриятимизда айниқса, кузатилаётган ана шундай шаклий янгиланишлар эътиборга лойиқ⁴⁰.

Ҳақиқатан ҳам, мазмун бор бўлсагина у қай шаклда бўлмасин адабий асар мақомига лойиқ. Навоий таъбири билан айтганда, унга қанча либос кийдирилса ҳам арзирли. Лекин мазмунни рад этган ҳолда қилинган шаклий изланишлар ўзини оқламайди. Шу давргача болалар учун яратилган асарларда ҳам шаклий ва мазмуний изланишлар бўлган. Дастлабки даврларда мазмун дидактик характерда бўлган бўлса, кейинчалик “одобни одобсиздан ўрган” қабилидаги тарбиявий характердаги, сўнгра бир қадар асарларга мазмундаги кескин ўзгариш – ижтимоий маъно бериш бошланди. Бундан ташқари, болалар адабиётида бир қанча шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланган. Бу шаклий изланишлар структурал-композицион йўналишга йўл берди. Муҳими, улар мазмун қиёмига етган даврда янги тажриба майдони сифатида пайдо бўлди.

Болалар ҳажвий шеърияти маълум бир воқеа-ҳодиса таъсирида йўл-йўлакай яратилмасдан болалар шеърияти тараққиётида ўзига хос ўрин тутиши хусусида адабиётшунос Н.Тўхтаеванинг қуйидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида эътиборга лойиқ: “...истиклол даври болалар адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида фикр юритганда, унинг аввалги болалар адабиётидан фарқ қилувчи бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу фарқ, энг аввало, юқорида қайд этилганидек, ижодкорларнинг ўз асарларида ижтимоий-тарбиявий мазмундан кўра, болаларнинг эстетик дидини шакллантиришга кўпроқ эътибор бера бошлаганида кўринади. Зеро, истиқлол даврида яратилган адабиёт намуналарида болаларнинг меҳнат фаолияти эмас, балки уларнинг руҳий олами, қалб кечинмаларини тасвирлаш бирламчи аҳамият касб эта бошлади.

Иккинчидан эса, бадийликка қўйиладиган талабларда ҳам сифат ўзгаришлари, янгиланишларга интилиш яққол кўрина бошлади. Бу даврда яратилган бадиият намуналарида, айниқса, шеъриятда мазмунни поэтик образ ва рамзларга сингдириш, бадий тасвир усул ва унсур (деталь)ларидан самарали фойдаланиш, шу асосда, образлиликни таъминлашга жиддий эътибор берилди”⁴¹.

Шаклий изланишлар борасида сўз юритилар экан, Абдурахмон Акбар ижодини ёдга олмай иложи йўқ. Унинг ижодида шаклга хос янгиланишлар яққол кўзга ташланади. Шоир изланишларида асосий янгилик сифатида ҳам мазкур нуктага урғу берилади. “Хато шеърлар”, “Тескари сарлавҳали шеърлар”, “Рақамли шеърлар” номли туркумлари шулар жумласидандир. “Хато шеърлар” туркумидаги баъзи шеърлар атайин хато ёзилади. Ўқувчи уни матндаги маънога қараб ўзи тўғрилаб ўқиши керакбўлади (хато сўз алоҳида

⁴⁰ Ozod Vatan saodati. – Toshkent: Adib, 2013. –5-6.

⁴¹Тўхтаева Н. Истиклол даври ўзбек болалар шеъриятининг етакчи хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 11–12-б.

ажратиб ёзилади). Иккинчи туркум шеърлардаги шаклий изланишларда эса баъзи сўзларнинг тескари тартибда ёзилишига асосланилган. Аслида бунда ҳам сўз бошқа бир маъно англатади. Масалан, “калит” сўзини тескарисига “тилак” деб ўқиймиз. Ана шундай сўзлар тескари сарлавҳали шеърлар ёзилишига туртки бўлди”, – деб ёзади шоирнинг ўзи. “Рақамли шеърлар”да эса баъзи бир сўзларни ёзишда математик рақамлар қатнашади:

*Col, Bol, Омонбой
Мен, Салом ҳамда Тоҳир
10дан зиёд дўконга
Кириб чиқдик 1ма-1⁴².*

(“Бозорда”, 27-б.)

Келтирилган топилдиқлардан болалар яққол шаклий ўзгаришларни англаб олишлари мумкин бўлади.

“Хато сўзлар” туркумига киритилган шеърларда шаклий изланишлардан кўзланган мақсад (мазмун плани назарда тутилмоқда) маърифий характерга эга. Муаллиф мақсади ўқувчиларнинг имловий саводхонлигини ошириш, мазкур хатоларни ўз кўзлари билан кўриб, қайта такрорламасликка ўргатишдан иборат. Унинг яна бир кенг кўламли маъноси ҳам борки, ўқувчикитобхон бу ҳаёт майдонида хато қилувчи инсон сифатида гавдаланиб, камчиликларини тузатишга имкон берилаётганига ишора қилинади. Чунки хато ёзилган сўзлар мазмунига қараб ўқувчи уларнинг тўғри вариантини англаб етиши керак бўлади. Шундай экан, ушбу шаклий изланишлар ортида мазмунга дахл қилувчи тушунчалар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш мумкин. Мана шу жиҳатлари билан шоир шеърларини “кутилмаган”, “ноанъанавий” деб баҳолаш мумкин. Бу шаклий изланишларнинг барчаси мазмунга дахлдорлиги моҳият инкор қилинмаганини эслатиб туради.

“Тескари сарлавҳали шеърлар” туркумига киритилган ижод намуналарида учрайдиган янгиликларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, шоир унда сўзларни шунчаки тескари тарзда айтиш ўйинини маълум поғона баландга кўтариб, ундан “калит – тилак” каби хусусиятли сўзларни ахтаради. Бу усул, албатта, бошқа ижодкорлар асарларида ҳам учрайди. Мазкур йўналишда ёзилган Икром Искандарнинг кўйидаги шеъри анча машҳур ва унда кўйилган мавзу ҳам долзарб:

*Мен “йўқ” дан “қўй” қилдим,
“йўқ” сўзини тескари ўқиб.
“Овсар” “расво” бўлди.
“Нодон” эса...
Барибир “нодон” лигича қолди.*

(“Ихтиро”, 14-б.)

Албатта, Абдурахмон Акбар шеърларида ҳам айнан шу каби мазмунни учратмасак-да, ўзидаги шаклий изланишлар билан мазкур асар ҳам янгилик саналади. Болалар учун мана шундай сўзларни топиш уларни зукколикка ўргатади. Янгиланишлар борасида шаклдан мазмунга қараб бориш ҳам яхши

⁴² Adashboyev T., Rajabov D. Satrlardan taralgan mehr. – Toshkent: Turon zamon ziyo, 2017. – 31-б.

йўналиш ҳосил қилган. Аввал шаклий изланишларда кўзга ташланаётган новаторлик, кейинчалик мазмунга кўчиши, албатта, қувонарли ҳол. Абдурахмон Акбар шеърларидан ҳам ижтимоий мазмун топиш мумкин. Зеро, “Шеър мазмуни ижодкорда эмас, балки уни тушунадиган одамда ривожланади”⁴³, деганда Потебнянақадар ҳақ эди. Баъзан ўқувчи талқини ижодкор кўзлаган мақсадга яқинлашмай, пастлаб қолса, айрим китобхонлар борки, улар ҳатто ижодкор назарда тутмаган қирраларни ҳам оча биладилар. Шу орқали шеър ёки асар мазмуни янада ривожлантиради, унга янгича мазмун бахш этадилар. Болаларнинг зеҳни ҳам шундай, улар дунёни катталар кўрган кўздан бошқачароқ, беғуборроқ нигоҳ билан кўрадилар. Улар англаган нарсалар балки катталар оламида мутлақ қабул қилинмайдиган тушунчалар бўлиши мумкин. Шунингдек, Абдурахмон Акбар шеърларидаги шаклий изланишлар ўқувчини ўзига жалб қилувчи восита вазифасини ҳам ўтайди. Буни қайсидир маънода болаларни китобхонликка, шеърятга ошуфта бўлишга бир чорлов сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Айниқса, бу хусусият “Рақамли шеърлар” туркумида аёнлашади.

“Рақамли шеърлар” туркумига қайтадиган бўлсак, мазкур туркумдан жой олган барча шеърларда ўқувчилар рақамли сўзлар билан танишадилар:

*Зли ўткир ўроққа
Ўхшар бу тун ой.
Осмон гоят серюлдуз,
Зқунларга бой.*

(“Эртакчи”, 32-б.)

“Сўзларнинг бу тахлит ғалати шакли ўқувчини ҳайрон қолдиради. Бундай шаклий изланишлар шеърларнинг қизиқарлилиги ва ўқишлилигини таъминлайди. Ёш шеърхон учун бундай кутилмаган, ноанъанавий “ҳодисалар” гоят ҳайратланарли, албатта. Шунингдек, бу шеърлар болаларни ўйлашга, фикрлашга, изланишга ундайди, ўргатади”⁴⁴, – деб ёзади мазкур шеърлар ҳақида болалар шоири Турсунбой Адашбоев.

Юқорида ҳар бир изланиш маълум зарурат юзасидан вужудга келиши ҳақида фикр билдирилди. Хўш, мазкур изланишларга ҳам маълум зарурат бор эдими? Ҳа, чунки инсонлар бу даврда бадий адабиётдан узоқлашаётган эди. Айниқса, болалар китобхонлиги масаласи шундай бир муаммо саналардики, уларни китобга чорлаш, китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш қийин масалага айланиб қолганди. Шаклпарастлик урчиган бир паллада болаларни шаклий изланишлар орқали бадий адабиётга қайтариш, қолаверса, уларни шунчаки шеър ўқишга эмас, энди у билан “мулоқот қилишга” – ундаги хатоларни топиш, тескари сўзларни топиш ёки рақамли сўзларни ўқишга ундаш орқали адабиётнинг янги бир хусусияти кашф этилди. Энди бу каби шеърлар болаларни бироз бўлса-да меҳнат қилишга мажбур қилди. Шунинг унутмаслик керакки, шеърда ҳамма нарсаси тўғридан-тўғри айтилавермайди, унинг тағзаминида юксак мазмун яширинган бўлиши мумкин. Юқорида мисол

⁴³Потебня

⁴⁴ Adashboyev T., Rajabov D. Satrlardan taralgan mehr. – Toshkent: Turon zamon ziyo, 2017. – 31-б.

тариқасида келтирилган шеърларда рақамлар шунчаки яширилган бўлса, бошқаларида бутун бир мазмун беркитилган бўлиши мумкин. Шунини ҳисобга олган ҳолда болаларни асардаги туб моҳиятни аниқлашга ўргатувчи воситалар сифатида шаклий изланишларни олишимиз мақсадга мувофиқ саналади.

Шаклий изланишларнинг энг йирик кўринишлари мумтоз адабиёт намуналарида ҳам учрайди. Бу шаклни ҳам буткул рад этмаслик кераклигини эслатиб туради. Масалан, шеърий шаклдан насрий шаклга ўтилиши, оддий халқ учун тушунарли, равон, тили содда асарлар яратилиши – оммани ҳам бадиий адабиёт билан таништириш зарурати орқали вужудга келган бўлса, шеърий жанрларнинг ўзида учровчи шаклий ўзгаришларга ҳам маълум омиллар таъсир кўрсатган. Шеърий вазнлар ҳам шаклий изланишларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлиши мумкин. Аруз, бармоқ, оқ шеър, насрий шеърлар ҳам маълум бир эҳтиёж, адабий эҳтиёж сифатидавужудга келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур янгиланишлар замон оралаб, яна адабиётга қайтиши шубҳасиз. Улар ҳам маълум давр ёки ўша даврда яшовчи ўқирман талаби билан юзага келган.

Шаклдаги изланишларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, мазмун бироз ортда юради, қай маънодаки, мазмун тез кўзга ташланмайди. Аммо шакл “манаман” дея ўзини тез кўрсатади. Шу жиҳатдан у ташқи ва бирламчи бўлмаган восита ҳисобланади. Бирламчи бўлмаган деган тушунча ундан тамоман воз кечишни англатмайди. Балки ундан тўғри фойдаланиш кераклигини эслатади, чунки бола онги ташқи таъсирларга нисбатан анча сезувчан. У борлиқни дастлаб кўзлари билан идрок қила бошлайди. Ноодатий, ғайриоддий бўлган нарсалар ёдида тезроқ қолади. Шеърнинг мазмун томонига ҳам бевосита таъсир этади. Янги-янги маънолар ташишда восита вазифасини бажаради. Воситанинг кучи шундаки, у асосга элтувчи йўл. Усиз асосга етиш мураккаб бўлади.

“Поэтик жанр ва шакллардаги изланишлар қанчалик кўп бўлса, бадиий-эстетик маънони ифодалаш усуллари, йўлларининг шунчалик кенглигини шоирларимиз салоҳиятининг даража миқёсларини кўрсатади. Зеро, жанр ва шаклий изланишлар бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мазмунни бериш баробарида, истеъдоднинг имкониятларини ҳам кўрсатади”⁴⁵.

Юқорида ўзбек болалар шеъриятининг сўнгги даврларидаги шаклий изланишлар шоир Абдурахмон Акбар ижоди мисолида кўриб чиқилди. Албатта, бу каби асарларни болалар адабиётида кўплаб учратиш мумкин. Бугунги кунда ўзбек болалар шеъриятида шундай бир зарурат борки, у шаклни ҳам, мазмунни ҳам ўзига жо этган ҳолда янги адабиёт ясай олиши ва кичик китобхонлар учун уларнинг эҳтиёжини чин маънода қондирадиган, тўйинтирадиган бўлиши керак. Сўз санъатининг имкониятлари ҳақидаги қарашларида К.Ҳамроевнинг“Ёзиш оддий ҳодиса эмас. Тўғри, ёзувчиликни анчайин кишилар ҳам уддалаши мумкин. Аммо сўз санъатини яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ижод, ижодкорлик ҳақидаги қарашлар

⁴⁵ Озод Ватан саодати. –Тошкент: Адиб, 2013. – 5-б.

ўзининг тугал таърифига эга бўлган эмас. Зотан, мавжуд қолиплардан ўтилгандагина ҳақиқий санъат асари яратилади”⁴⁶ деб таъкидлаши бежиз эмас.

Мазкур мавжуд қолиплар гоҳ шаклда, гоҳ мазмунда кўзга ташланади. Шу давргача бўлган ўзбек болалар адабиёти ёхуд болалар учун яратилган асарларда мазмуний тадрижийлик бўлган, албатта. Ундаги мазмун эврилишлари замон силсиласида яққол кўзга ташланди. Болалар шоирлари ва ёзувчилари баъзан образлардаги, баъзан бош ғоядаги ўзгаришлар билан маълум маънода янгилик қилдилар. Ўзбек мумтоз адабиётида Навоий “Ҳамса”сига киритилган айрим ҳикоятлар, хусусан, “Ҳайрат ул-аброр”даги мақолатларга илова қилинган ҳикоятлар бугунги кунда болалар учун мосланган ҳолда китобча шаклида чоп этилган. Қолаверса, мактаб ўқувчиларининг 5-синфлари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарсликларида ҳам Ҳазрат Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан олинган “Ростлик бобида” мақолатига илова қилинган “Шер билан дуррож” ҳикояти ҳам сўзимизга исбот бўла олади. Мумтоз адабиётда болалар учун мўлжалланган деб ҳисобланиши мумкин бўлган асарларда яққол кўзга ташланган мавзу бу – дидактика. Мазкур асарлар орқали инсониятни тарбиялаш, унга насиҳат қилиш, тўғри йўлга бошлаш кўзда тутилган. Уларнинг аксариятида инсон реал ҳаётда қандай эканлиги эмас, балки аслида қандай бўлиши кераклиги ҳақида панд-насиҳатлар, ибратли ҳикоятларни учратишимиз мумкин. Шу жиҳатдан мазкур даврда яратилган асарларга панднома руҳидадеб сифат бериш ўринли. “Шер билан дуррож” ҳикоятида ҳам тўғрилиқ, рост сўзлаш зарурлиги уқтирилади. Бу анъана, яъни болалар адабиётининг дидактик хусусияти ҳалигача сақланиб қолган. Бугунги кунда ҳам тарбиявий характерга эга бўлган асарлар салмоғи болалар адабиётида етакчилик қилиб келмоқда.

“Шер билан дуррож” ҳикоятида кўзга ташланадиган яна бир муҳим жиҳат мазмуннинг бир кўриниши сифатида аксланишидир. Яъни образлар тизими. “Шеърнинг поэтик ўзига хослигини таъминлайдиган етакчи бадиий восита бу – образдир. Шу боис чинакам истеъдод эгаси ёрқин ва бетакрор образлар яратишга алоҳида диққат қаратади. Шеърятдаги мавжуд образларга янгича бадиий либос кийдиради, уни оҳорли мазмун билан бойитади. Ҳар бир давр ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, адабиёт олдиға, шеърят олдиға янгидан янги вазифаларни кўяди. Бу эса, поэтик тафаккурда эврилишларни юзага келтиради. Бу мақбул ҳодисадир”⁴⁷.

Ҳикоятдаги образларни бугунги кун асарларида учрайдиган образлар билан таққослайдиган бўлсак, уларда ўхшашликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, мажоз орқали инсонлардаги характерларни турли жониворларга кўчириш ўша даврларда ҳам бўлган бўлса, ҳозирда ҳам бундай хусусиятли асарлар минглаб топилади. Демак, ўша даврларда инсонларда дидактикага эҳтиёж бўлган. Уларга тарбия берувчи, турли қинғир йўللарга кириб кетишларининг олдини олишга қаратилган асарлар яратиш башар ва замон эҳтиёжи бўлган ва шу эҳтиёж ўлароқ улар майдонга келган. “Қутадғу билиг”,

⁴⁶ Ҳамроев К. Шукур Холмирзаев ҳикояларида композиция. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – 61-б.

⁴⁷ Ozod Vatan saodati. – Toshkent: Adib, 2013. – 4-b.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” каби бир қанча асарларнинг ҳам айнан шу характерда эканлиги фикримизнинг далилидир. Бу давр адабиётидаги ўзига хосликлардан яна бири уларнинг ислом билан озиқлантирилгани саналади. Барча асарларда тарбия диний кўринишга эга бўлган. Аслида тарбия сўзи ҳам бевосита дин билан боғлиқ эканлиги инобатга олинса, мазкур йўналиш энг тўғри ҳисобланади. Бадиий асарлар орқали ёзувчи, шоирлар ислом аҳкомлари, у буюрган амаллар билан халқни таништира бошлаган. Асарлар ҳамд ва наът қисмлари билан бошланган ва улардан кейинги боблар ҳам ислом ҳақида бўлган. Бошқа томондан, бу ҳам давр талаби, ҳам адабиёт олдига қўйилган вазифалардан бири эди. Абдулла Қаҳҳор “Адабиёт атомдан кучли” деган фикрлари билан у қандай вазифаларни бажара олишига ишора қилган.

Навоий замонидан то жадид адабиётигача бўлган даврда юқорида тилга олинган дидактик характер умумий мавзу кўламида етакчилик қилиб келган. Жадид адабиётида ҳам дидактик характерли асарлар ёзилмади, дейиш мутлақ хато бўладики, “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот” деган чақириқлар айна шу даврда юзага чиққан. Бу даврда кўзга ташланган асосий хусусият маърифий мавзудаги асарлар яратилиши бўлди. Жадидлар энди болаларни тарбиялаш билан бир қаторда уларга таълим бериш ҳам ҳаётини зарурат эканлигини қайд этдилар. Улар нафақат бадиий адабиёт орқали, балки дарсликлар яратиш, ўқув китоблари нашр қилиш билан мақсадлари сари интилдилар. Бехбудийнинг “Китоб ул-атфол” (“Болалар учун ёзув китоби”), Абдурауф Фитратнинг “Ўқув”, “Она тили” дарслик китоблари шулар жумласидандир.

Миллатни маърифатли қилишга бўлган ҳаракатлар ҳам ўша даврлар учун улкан зарурат эдики, бу ўша даврда миллатнинг зиёлилари кўпаймаслигига қаратилган тадбирларга қарата бир исён эди. Шоир ва адиб Асқад Мухтор айтганидек: “Кундалик сиёсий амалиёт билан чамбарчас боғланган, тўғрироғи, унга тўлалигича қарам бўлган, унинг моҳиятидан туғилиб, итоаткор хизматкорга айланган бу услуб аслида бадиий ижодимизни умуминсоният маънавий қадриятлар шуъласидан маҳрум этди. Ижодий тафаккурни чегаралаб, ахлоқий асосларимизни, маънавий бойликларимизни емиришда сталинизмга анча қўл келди. Социологик догмалар туфайли партиявийлик, синфийлик, халқчилик принциплари мавзувийсхемаларга айланади, бадиий маҳорат ва индивидуал ўзига хосликлар қадрсизланади эди”⁴⁸.

Аёлларнинг маърифатли бўлишига қаратилган ишларнинг барчаси адабиётда, шеъриятда ва насрда акс этди. Болалар учун яратилган ўқув китоблари бир вақтнинг ўзида оналар учун ҳам эди. Чунки ўша даврларда миллат оналари таълим кўрмаган эди. Умуман олганда, маърифатпарварлик даври адабиёти янгиланиш, изланиш, ҳақиқатга қаратилган ғоялар жамланмаси эди. Бугунги болалар адабиёти ворис сифатида ҳам дидактик, ҳам маърифий анъаналарни давом эттириб келмоқда. Ўша даврларда болалар учун яратилган асарлар, асосан, таълимий характер касб этиб, болаларни ўқитиш, уларни саводли қилишга қаратилган эди. Зиёлиларининг ўз олдига қўйган

⁴⁸ Оқар сув. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор билан суҳбат. “Совет Ўзбекистони” газетаси. 1989йил 27 апрель.

миллатни илмли қилиш мақсадига адабиёт, таълим ва матбуот қўшқанот бўлиб хизмат қилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” асарида ҳам бош ғоя айнан ўқимаган, маърифатдан бебаҳра одамнинг ҳолати ҳисобланади. Бундан ташқари, Туркистон мусибатидан олинган мазкур фожиа (уч парда, тўрт манзарали)да фарзанди таълимига эътиборсиз бўлган ота-она ҳолатига ҳам баҳо берилиб, уларнинг оқибатларига кўзгу тутилади. Зеро, фожиада домла тилидан айтилган куйидаги сўзлар аслида муаллифнинг ўкинчи, исёни, халқига қаратилган даъвати эди: “Ажойиб, сабаби надурки, ўқутмайсиз? Ваҳоланки, ўқумоқ қарз ва ҳам илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур; Ўқумоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотун бўлсун, фарз энди”⁴⁹.

Гарчи мазкур асарлар болалар адабиётининг намуналари ҳисобланмаса-да, жадид адабиёти намояндалари яратган дарслик ва қўлланмалар, уларнинг халқ учун ёзган бошқа асарларида маърифатпарварлик руҳи етакчилик қилади.

Кейинги даврларда болалар адабиётида ҳам ижтимоий масалалар бўй кўрсатди. Хусусан, мустақилликка эришишга бўлган интилиш собиқ иттифок даври адабиёти намуналарининг етакчи хусусияти ҳисобланди. Бу даврда айниқса, ўз сўзини тўғридан-тўғри катталар адабиётида етказиб беришга қийналган ижодкорлар болалар адабиётидан фойдаландилар. Умуман олганда, мазкур кетма-кетликда хусусийлашишни кўришимиз мумкин. Яъни болалар учун яратилган асарларда дастлаб умумий мавзулар қамраб олинган бўлса, кейинчаликаста-секинлик билан хусусийлашиб борган. Исломга йўғрилган дидактик характердаги асарлардан маърифатпарварлик руҳидаги, улардан ижтимоий юк ортилган асарларга ўтилди. Хусусийлашиш ҳақида гап борар экан, асарларнинг ижтимоийлашувида ҳам маълум хусусийлашиш жараёни мавжудки, уни шахсийлашиш деб атайдилар. Яъни даврнинг ижтимоий муаммолари инсон сари бориб,бунда унинг шахсий дардига айланиш жараёни назарда тутилади.

Адабиётшуносликда “Адабиёт ижтимоий бўлиши керакми ёки у кўнғил ишими?” деган савол анча муҳокамали ҳисобланади. Бу борада ҳар давр адабиётшунослари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, гоҳ у, гоҳ бу томонни ёқлаб келадилар. Лекин ҳар нарсада меъёр бўлгани каби адабиёт тарозининг икки палласини мувозанатда тутиб туриши: ҳам кўнғил кечинмалари, ҳам даврнинг ижтимоий муаммолари қаламга олиниши керак бўлади. Бу Озод Шарафиддиновнинг “Чўлпонни англаш” мақоласида айтилганидек, адабиётни янги тузумнинг маддоҳига айлантириш, уни сиёсатнинг муте бир оқсочи қилиш”⁵⁰ дегани эмас.

Албатта, юқоридаги жумлалар тамоман бошқа вазиятда айтилгани аён. Яъни адабиётни бутунлай ижтимоийликнинг хизматкорига айлантирмай туриб, ундан ижтимоий муаммоларга қарши курашишда восита сифатида фойдаланиш мумкин. Бунда ижодкордан юксак маҳорат талаб этилади. У

⁴⁹ To‘xliyev B., Shermurodov T., Isayeva Sh. Adabiyot (majmua). Akademik litseylarning III bosqich o‘quvchilari uchun darslik. – Toshkent: Bayoz, 2015. – 8–10-b.

⁵⁰ Sharafiddinov O. Cho‘lponni anglash. – Toshkent: Yozuvchi, 1994. – 19-b.

ижтимоий муаммоларни ўз қийинчиликлари сифатида баҳолаши, ўз дарди сифатида қабул қилиши керак. “Албатта, чинакамига шахсийланиш учун ижтимоий дард қалб қозонида обдан қайнаши керакки, оловининг тафтидан шоирнинг юрак-бағри жизғанақ бўлиши тайин. Фақат бунинг учун улкан ҳароратли қалб, беқиёс ижодий матонат, бир сўз билан айтганда, чинакам санъаткорлик истеъдоди тақозо қилинади. Аён бўляптики, ижтимоий дарднинг том маънодаги шахсийланиши ҳамма ижодкорликда ёки бир ижодкорнинг барча асарларида бирдек кузатилиши мумкин эмас. Қиёмига етмаган ижтимоий дард акс этган асар эса шоир, дастуриламал, ташвиқ ё чақириқ, хуллас, ҳар не бўлиши мумкину, бадииятдан йироқ тушади”⁵¹.

Ўзбек болалар шеърлятида ҳам худди шу сифатларни ўзида жамлаган асарлар қатори турли ижтимоий мавзулар қиёмига етган, ижодкор қалбида шахсийлашиб улгурган муаммоларни акс эттирган асарлар ҳам вужудга келди. Бу асарлар билан адабиёт давр жиҳатдан олдиға қўйган вазифаларни бажара олди. Ижтимоий мавзулар кўлами жиҳатдан кенг ёки тор маъно касб этиши мумкин. Ижтимоий муаммо бирдан кўзға ташланмаслиги асарнинг ички ва ташқи маъно касб этишини англатади. Бундай асарларға юқорида кўпқатламли дея баҳо берилиб, уларнинг умумадабиёт мулки экани айтилди. Масалан, Худойберди Комиловнинг “Ёнғоқнинг шикояти” номли шеъри шу жиҳатдан аҳамиятлидир:

*Кимға айтай
Фигоним,
Кимға айтайин
Оҳим?
Калтаклади
Богбоним
Калтак—
Ўзимнинг шохим.*

“Оддий ҳаётий ҳақиқат — ёнғоқ пишгандан сўнг калтак-таёқ билан қоқадилар. Шеърда калтакланган ёнғоқ дарахтининг арзи-ноласи келтирилар экан, унинг асосий дард-шикояти калтакланганидагина эмас, балки у калтак ўз шохи новдасидан ясалганида. Ўзида униб-ўсиб, камол топган шох-новда энди гўё душманға айланиб, богбон кўлидаги калтак ҳолида ўз она дарахтиға зарба бўлиб тегмоқда. Кичик шеърда катта бир фалсафий маъно-фикр мужассамки, калтак — ўз туғилган ери, Ватаниға хиёнат қилувчи кимсаларнинг умумлашма образидир”⁵².

Ижтимоий ҳамда интим лирика таҳлилида бир шеърни тамоман интим, ёки аксинча, тамоман ижтимоий деб аташ нотўғри бўлади. Бир шеърда ҳар икки маъно юзаға чиқиши мумкин. Масалан, мазкур шеърда ҳам икки маънони англаш мумкин. Интим лирик кечинмалар ўлароқ шеърда инсоннинг баъзан ўз яқинлари ёки дўстларидан олган зарбалари назарда тутилмоқда деб тушуниш мумкин, албатта. Ҳаётий ҳақиқат шуки, инсонға баъзан ўз яқинлари — ўз

⁵¹ Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018. – 48-b.

⁵² Adashboyev T., Rajabov D. Satrlardan taralgan mehr. – Toshkent: Turon zamon ziyo, 2017. – 24-b.

шоҳларидан ҳам озор етади. Юқоридаги шеър китобхон вазияти, кечинмалари таҳлилидан келиб чиқиб шундай талқин қилинса ҳам бўлади. Буни шеърнинг ташқи маъноси деб аташ ўринли саналади. Бу бевосита ижтимоийлашув билан боғлиқ эканлиги юқоридаги интим ва ижтимоий лирикани бир-биридан айро тасаввур қилиш мумкин эмаслигининг исботидир. Шунингдек, ҳолат ҳам тўғри танланганки, бадиий мантиқ, яъни ўз новдасидан ясалган калтак билан дарахтнинг саваланиши ҳаётиқ мантиқни рад этмаган, уни тўлдирган ва бу шоир томонидан бадиийлаштирилган.

Асарда эътиборни тортувчи яна бир тағмаъно бор. Дарахт қачон калтакланади? Албатта, пишиб етилгандан сўнгмевалари калтак билан қоқиб олинади. Шундай экан, шоир яна бир нарсага ишора қилмоқда: мевали дарахтга тош отадилар ва якуний ҳулосада унга отилган тошлар ўзидан, ўз танасидан эканлиги янада аянчли бўлганини кўриш мумкин. Бу билан шоир мевали дарахтга тош отилади, деган маънони ҳам яширин бериб кетган. Шеърдаги ғоя китобхон дунёқараши, унинг бадиий қуввати билан таҳлил қилинганда янада ойдинлашади. Асарда тасвир қисқа ва тугал, образлар ниҳоятда теран маъно касб эта олган. Бугунги болалар адабиёти ҳам айнан шу каби шеърларга эҳтиёж сезмоқда. Худойберди Комилов, қолаверса, шоир замондош бўлган қатор шоирлар ижодида шу каби ижтимоий муаммолар акс этган пишиқ асарларни учратишимиз мумкин. Албатта, бу даврда фақат ижтимоий мавзудаги асарлар яратилган деган ҳулосадан йироқмиз. Дидактик, маърифий, соф юмористик ва бошқа турфа характердаги шеърлар ҳам яратилган, аммо мазкур йўналишдаги асарлар етакчи ўринни эгаллаб келганини эътироф этиш мумкин. Бинобарин, шаклий ва мазмуний изланишлар бир-бирини тўлдиради. Йиллар давомида шакл ва мазмун янгиланишлари сайқалланиб, давр ва башарият эҳтиёжи ўлароқ янги маъно касб этди. Бугун ҳам болалар адабиёти том маънода янгиланишга эҳтиёж сезмоқда.

Болалар шеъриятида янгиланиш ва рамзийликнинг концептуал асослари

Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқи унинг фикрлаши ва тафаккур қилишидадир. Адабиётда образли тафаккур орқали бадиий образлар дунёга келади. Сўздан сўзнинг фарқи бор деганларидек, фикрлаш ва образли фикрлаш ўртасида ҳам айричалик мавжуд. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, фикрлаш бутун инсониятга тегишли хусусият, шу жиҳатдан у умумий. Образли фикрлаш эса кўпроқ санъатшунос ёки адабиётшунос каби маълум соҳа вакилларига хос. Улар мазкур тушунчанинг олий кўринишларини ярата оладилар.

Иккинчидан, бу икки тушунча бошқа-бошқа соҳаларга тегишли эканлиги билан ҳам фарқланади. “Фан нима бўлганини, адабиёт эса қандай бўлганини тушунтиради”, – деган эди Белинский. Дарҳақиқат, фан кишиси ҳисобланган

олим тафаккур қилиб нима бўлганини аниқ, лўнда тушунтирса, шоир ва ёзувчилар қандай бўлганини бадиий тафаккур, образли фикрлаш орқали ифодалашга уринади.

Учинчидан, фикрлаш – ақлий жараён. Бунда инсон ақлига таянади. Борлиқдаги нарса-ҳодисаларни ақл воситасида идрок этади, шунингдек, ортиқча ҳис-туйғуга берилишга ҳожат ҳам қолмайди. Образли тафаккур тарзига келсак, бу унинг акси. Гастет таъбири билан айтганда, у инсоннинг ички дунёсига қаратилади, кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-хаёллари образлар мисолида гўзал тасвирланади. Жараёнда инсон туйғуларининг нозик торлари чертиб ўтилади.

Юқоридаги тушунчалар болалар адабиётига ҳам қисман тегишли. Лирик кечинмаларга деярли ўрин берилмаса-да, таъкидланган икки хусусиятни умумий деб аташ мумкин бўлади. Масалан, болаларнинг барчаси маълум маънода тафаккур қилади, билим олади. Бу уларнинг барчасига бирдек тегишли ҳисобланади. Лекин улар орасида образли фикрловчилар ҳам учраб туради. Болаларга образли фикрлашни ўргатувчи энг яқин воситалардан бири бу адабиёт, яъни сўз санъати ҳисобланади. Сўз санъати билан бир қаторда болаларга куй, қўшиқ, тасвирий воситалар билан ҳам образли фикрлаш, образлар яратишни ўргатиш мумкин. Бу билан ўқувчида ижодий тафаккур ҳам ривожланиб боради.

Образга берилган бадиийлик мақоми, яъни бадиий образ тушунчаси ёзувчи, шоирнинг билан бевосита боғлиқ. Айниқса, адабиётда бу яққол кўзга ташланади. Бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва б.) санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланиб, ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган шаклда ифодаланган аксидир⁵³.

Бадиий образ остида санъаткор кўрган воқеа-ҳодисалар ётадики, агар ижодкор ўзи ҳис қилмаган ёки дуч келмаган воқеалар ҳақида ёзса, бу образ тугал бўлмай қолади. У ҳали пишмаган ҳисобланади. Болалар адабиётида, айниқса, бу жиҳат аҳамиятли саналади, негаки бола ёпишмаган, реал ҳаётда мавжуд бўлмаган воқеа-ҳодисаларни тез англайди. У адолатли, беғубор бўлгани учун ҳам кулгили бўлмаган воқеа учун кулмайди, рост бўлмаган, ёпишмаган ҳодисаларни тез ажратиш олади. Уларни теран англайди. Балки шу сабаб болалар адабиётида ижод қилиш мураккаб, шу сабаб болалар учун яратилган асарлар ҳамиша баракали бўлмай келади. Санъаткор ўзи кўрган воқеа-ҳодисаларни худди шу тарзда баён қилмайди. Ушбу ҳодисаларга бадиийлик сингдиради, кўплаб воқеалар орасидан типик бўлганини топади ва ундан умумлашма сифатида фойдаланиб, образ даражасига олиб чиқади. Мазкур жараёндан ҳиссийликка асосий эътибор қаратилади.

Образ ёрдамида минглаб, миллионлаб китобхонларга ҳиссий таъсир ўтказилади. Образ яратилишига ҳам маълум давр, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади. Адабий турларда образга муносабат нуктаи назаридан бир қанча фарқлар кўзга ташланади. Насрий асарлардаги образларда қоришиқ

⁵³ Qurunov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Navoiy universiteti, 2018. –90-b.

хусусиятни кўриш мумкин. Эпик асарларда воқеа-ҳодисаларга муносабатда муаллиф мени кўзга ташланиб туради. Драматик асарларда образлар ҳаракатига асосланилади. Албатта, бу хусусиятлар доимий ва мутлақ эмас, улар синтезлашиб туради. Фақат етакчи хусусиятлар кўзга ташланиши мумкин. Лирик асарларда образ яратишнинг қийинлиги унинг шаклий кўринишларига дахлдорлигидадир. Лирик асарлардан талаб этиладиган шаклий мезонлар баъзан унинг мазмун томонига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Аммо бу ижодкорнинг маҳорати, ижодий қуввати билан боғланади. Образ яратиш тизимида асарнинг қай адабий тур доирасида яратилгани ҳам маълум аҳамият касб этади.

Ўзбек болалар шеъриятида шаклий ва мазмуний изланишлар билан бир қаторда образлар тизимида ҳам бир қанча босқичлардан ўтилди. Бадиий асарларда учраётган образларга бир қанча омиллар таъсир қилади. Биринчидан, давр ёки ижтимоий муҳит таъсири катта аҳамият касб этади. Ёзувчи ёки шоир бадиий образларни яратишда ижтимоий муҳитда акс этаётган муаммолар ва шулар билан бирга ўз давридаги долзарб янгиликлар, ислохотлардан ҳам фойдаланади. Кўп асарларда даврнинг ижтимоий муаммолари акс этади, деган фикрда бўлади. Аммо мана шу қаторда ёзувчи, шоир, ижодкорлар давр ислохотларини ҳам асарларига муҳрлайдилар.

Мустақиллик даврида яратилган аксар асарларда, хусусан, шеърларда Ватан васфи, озодликка эришилганидан шукроналик туйғуси жамлангани фикрларимизга исбот бўла олади. Мумтоз адабиётда ҳам шоҳлар васфига бағишланган асарларайнан ташқи таъсир – уларнинг буйруқлари, вазият билан боғлиқ ҳолда яратилган.

Бундан ташқари, муаллиф шахсиятига юқорида айтилганидек, шундай ташқи таъсирлар, муаммолар тегиб кетадики, бу жараёнда бевосита иштирок этган ижодкор бу дардларни шахсийлаштиради, худди ўзиникидек қабул қилади. Мана шу икки ижтимоий таъсир образ яратилишига сабабчи бўлади. Ижтимоий муаммолар ҳажмига кўра ҳам турлича аҳамият касб этиши мумкин. Кимдир асари орқали бутун башариятни ўйлантирган, ўзини қийнаб келаётган муаммони қаламга олиб, уни танқид қилса, бошқа бир ижодкор маълум бир жамиятга оид бўлган мунозара, ижтимоий иллатлар ҳақида ёзади. Дейлик, бугунги кунда пандемияга оид муаммолар бутун сайёрани ўйлантирган масала ҳисобланса, уни рассомлар ўз асарларида тасвирлаш орқали гўзал образлар яратмоқдалар. Аммо болалар шеъриятида бугунги кунда ўқувчиларнинг кўчирмакашлик қилиши, дарсларни ўз вақтида тайёрламаган болаларни тарбиялашга қаратилган ижод намуналари ҳам борки, бу кўламикичик бўлса-да ўзига хос янги образлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Болалар руҳиятининг қирраларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Давр таъсири билан биргаликда ижодкор ва бутун инсониятга тегишли бўлган бир мулк борки, уни кўнгил дейдилар. Бу неча асрки, бетакрор образлар яралишига асос бўлаётган мулк. Зеро, кўнгилнинг ўзи Яратганнинг мулки. Унга алоқадор ҳар қандай кечинма ва образлар ҳам гўзал бўлиши табиийдир. Ушбу омил ўлароқ дунёга келган шеърий асарларга интим лирика намуналари деб таъриф берамиз. Интим лирика инсоннинг ўй-хаёллари,

кечинмалари, ҳислари билан ҳисоблашади. Лекин шундай шоир ва ёзувчилар ҳам борки, бу икки омилни бирлаштирган ҳолда асарлар яратадилар. Яъни бир образ мисолида ҳам ижтимоий муаммоларни кўриш мумкин, ҳам бу образ инсон ҳис-туйғуларига тегиб ўтади.

Образ яратишнинг маълум усуллари мавжуд бўлиб, ижодкорлар улардан кенг фойдаланиб келадилар. Мазкур усулларга қуйидагилар мансуб:

- а) жамлаш йўли билан образ яратиш;
- б) прототип асосида образ яратиш.

Жамлаш йўли билан образ яратиш умумлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳақда адабиётшунос олим Т.Бобоев томонидан Чернишевскийнинг “Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати” асарида келтирган қуйидаги фикрларини ўринли деб биламиз: “ёзувчи кўпгина индивидуал шахсларни кузатади, уларнинг ҳеч қайсиси тип бўлиб хизмат қила олмайди, лекин у ҳар биридан умумий типик хусусиятларини сақлайди, барча тасодифий ҳислатларни чиқариб ташлаб, ҳар хил кишиларга хос бўлган хусусиятларни бадиий бир бутунликка бирлаштириш йўли билан характер яратади”⁵⁴. Бу турдаги образлар типик образлар ҳисобланади. Типик образ ўзида бутун бир қатламга мансуб характер-хусусиятни жамлай олиши билан алоҳида аҳамиятга молик.

Ўзбек болалар шеъриятида образ яратишда типиклаштиришдан кенг фойдаланилади. Типик образ жонли шахс, жонсиз предмет ёки ҳодиса бўлиши ҳам мумкин. Бунда кенг кўлам қамраб олинган адабиёт ихлосмандларини кизиқтиради, чунки мазкур типик образда ҳар ким ўз характерини кўриши мумкин бўлади. Болалар шеъриятида учрайдиган типик образлар ҳам кичик китобхонларни янги хулосалар чиқаришга чорлайди. Улардаги даъват этиш хусусияти умумийлиги билан ажралиб туради.

Прототип асосида бадиий образ яратишда ҳаётдан намуна олинади, яъни бунда образнинг ҳаётда прототипи мавжуд бўлади. Унинг исм-шарифи образлилик нуқтаи назаридан ўзгарган бўлиши мумкин, лекин мазкур образ айнан ҳаётдан, бир кишидан олинган нусха ҳисобланади. Болалар адабиётида ушбу усулда образ яратиш кам учрайди. Лекин тарбиявий характердаги шеърларни оладиган бўлсак, унда ахлоқий нуқсонларга эга болалар ҳаётда ҳам учрайди, аслида. Мана шу жиҳатлар билан болалар шеъриятида ҳам прототип асосида бадиий образ яратишдан фойдаланилади, дейиш мумкин. Замонамизда болакайлар эришаётган ютуқлардан илҳомланиб янги асарлар яратилса, улардаги образларни прототип асосида яратилган дейиш мумкин бўлади.

Бадиий образ яратиш шундай улкан тушунчаки, унда Масих нафаси бор. Ривоятларда Масих нафаси билан жон киришига ишора қилинади. Бадиий образ яратиш бирикмасидаги яратувчанлик тушунчаси ҳам айнан шунга яқиндир. Масалан, шоир-ёзувчилар ўзларининг маълум асари билан предмет, жонивор, табиат ҳодисалари, табиатдаги деталларга жон “беради”, яъни улар сўзлай бошлайди, ҳаракат қилади, бевосита мулоқотга киришади. Албатта,

⁵⁴Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 52–53-б.

уларнинг асарда ўз айтадиган сўзи, “миссияси” бўлади. Бошқа бир асарда образ сифатида реал шахс тасвирланади, у ҳам умумлаштирувчи ҳисобланиб, жамиятдаги у ёки бу қатламнинг типик образи ҳисобланади. Ижодкор шу орқали бутун бошли башар қисматини ҳам ифодалаши мумкин. Шу ва бошқа катор хусусиятларига кўра, болалар адабиётида яратилган образларни қуйидаги кичик гуруҳларда таснифлаш мақсадга мувофиқ:

- реалистик образлар,
- рамзий-мажозий образлар;
- фантастик образлар;
- афсонавий образлар.

Бундан ташқари, образлар салбий ва ижобий каби турларга ҳам бўлинади. Ижобий образлар орқали болаларда идеаллар шаклланади: ижобий қаҳрамонларга ҳавас қилиб, улардек бўлишга интиладилар. Бундай образлар болалар адабиётида намуна кўрсатиш вазифасини бажаради. Салбий образлар билан эса аксинча хусусиятни кўриш мумкин. Болалар бундай қаҳрамонлар феъл-атворидаги инсонийликка зид хусусиятларни кўриб, қандай бўлиш кераклигидарсини оладилар. Ўзларидаги айрим нуқсонларни тузатишга ҳаракат қиладилар.

Ҳажвий асарларнинг характер хусусиятидан келиб чиқиб, болалар шеъриятида уларни сатирик ҳамда юмористик образлар каби турларга ҳам ажратиш мумкин. Ўзбек болалар шеъриятида ҳам юқоридаги каби образлар кенг учрайди. Адабиётда рамзий образлар ўрнини кенг маънода романтик образлар тушунчаси эгаллайди. Кейинги даврларда образ танлашда ўзига хос яна бир хусусият кўзга ташланмоқда: бу агар образ шахс бўлса, унга исм танланиши масаласидир. Албатта, бу анъана Навоийнинг Фарҳод, Мажнун, Ширин каби образлари; кейинчалик эса Қодирий асарларида Отабек – бекларнинг отаси; уста Алим – олимлар устаси ёки Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз” ҳикоясида келтирилган Сарсонбой ота – омонатини эгасига топшира олмай икки дунё ўртасида сарсон қаҳрамон; Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасидаги Мўмин чол – мўмин-қобил чол каби образларда яққол кўзга ташланган бўлса, ўзбек болалар шеъриятида ҳам аста-секин мазкур тушунчаларга эътибор қаратилди. Юқорида мазмун ва шаклий изланишларни мумтоз адабиётдаги намуналар яратилган давр (Навоий замонасидан то жадид адабиётигача бўлган давр), миллий уйғониш даври адабиёти ва ўзбек замонавий болалар шеърияти даври тарзида шартли даврлаштириб олган эдик. Мазкур хронологик тартибда ушбу даврда яратилган образлар ўзгаришларини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мумтоз адабиётда қўлланилган образлар таснифида юқоридаги каби ҳолатни кўриш мумкин. Улар сафида реалистик образлар ҳам, рамзий образлар ҳам учрайди. Бундан ташқари, танланган образлар орасида нарса, шахс ва жониворлар ҳам бор. Реалистик образ айнан ҳаётдаги прототип эмас. Бунда образнинг характер хусусиятлари реал ҳаётда учровчи инсонлар табиатига мос келади. Реализм даври адабиётига хос хусусиятлар аввалдан мавжуд бўлган. Масалан, Навоий, Бобур ижодида учровчи реалистик характер хусусиятлари билан ҳаётга яқин турган қаҳрамонларни кўплаб учратиш

мумкин. Бобур ижодидаги реалистик образлар прототиплар билан боғлиқ. Умуман, унинг ижодидаги реаллик мемуарликка уйқаш. Лекин Навоий асарларидаги айрим образлар ўз хусусиятлари билан реал инсонларга ўхшаш. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”даги Шопур образини олайлик. У ўзининг содик дўстлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа қатор хусусиятлари билан тамоман реалистик бўлмаса-да, шунга яқин туради.

Мазкур давр адабиётида учровчи фантастик қаҳрамонларни тавсифлашда яна Навоий ижодига мурожаат қилиш мумкин. Фантастик қаҳрамонларни яратишда Навоийнинг башоратчилик қобилиятига ҳам тан бермай илож йўқ. Унинг тасаввур оламидаги нарсалар бугунги кунда реал ҳаётда мавжуд. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”да ойна деталли ўша давр учун ақлбодар қилмас тушунча, фантастик бўлиши мумкин. Аммо у бугун кундалик ҳаётимизда ойнайижаҳон кўринишида аллақачон мавжуд. “Садди Искандарий” асарида учровчи Маллу образи ҳам ўзида бир қанча мўъжизакор, тилсимли ҳаракатлари билан фантастик образнинг илк кўриниши сифатида намоён бўлади. Фантастик образлар реалистик образларнинг зидди ҳисобланиб, уларда ҳаётда учрамайдиган, ҳаёлий характер эгаларини кўрамиз. Мазкур образлар болалар ҳаёлотини бойитиб, уларнинг ижодий тафаккурини кенгайтиради, ижодкорликка ўргатади, шунингдек, санъатга қизиқишларини оширади.

Ҳажвий образлар ўз ўрнида икки турда таснифланади:

- сатирик образлар;
- юмористик образлар.

Ҳажвий образлар болалар адабиётининг ажралмас қисми саналади. Бу восита ўзининг жуда катта кучга эгаллиги билан аҳамиятли. Шу ўринда ҳажвий образларни яратишдан кўзланган мақсад ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Жадид адабиётигача бўлган даврда ёзувчи ва шоирлар ҳажвий образлардан ўз сўзларини ифодалашда унумли ва ўринли фойдаланиб келганлар. Булар орасида болалар учун ёзилган асарлар сони кўп эмас. Лекин бола ёшида бўлган 6-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслигида Муқимийнинг “Танобчилар” ҳажвияси келтирилади⁵⁵. Ушбу асарни бола ҳажвий образни қабул қила оладиган намуна сифатида баҳолаш мумкин. Асарда Алихўжа билан Ҳакимжон образлари орқали ҳажвий қаҳрамонлар жонлантирилган. Мазкур қаҳрамонлар орқали адиб жамиятда учрайдиган нуқсонлар устидан аччиқ кулади. Уларни танқид қилади. Бу шундай танқид, шундай кулгики, шунчаки эмас, у бир ўқ, ўз нишонини кўзлаб олға борар экан, жамиятдаги қайсидир иллатни йўқ қилиши мумкин.

Мазкур ҳажвий образлар болалар учун қандай аҳамиятга эга? Болалар бу образлар орқали ўзларини кўрса, хатти-ҳаракатлари кулги кўзғатаётганини билса, ўша ишни қилмаслиги кераклигини, салбий одатлари бошқаларунинг устидан кулишига олиб келишини англаб етади.

Султон Алихўжа, Ҳакимжон икав,

⁵⁵Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. –Toshkent: Ma'naviyat, 2017. – 106-b.

*Бири хотун, бири си бўлди куяв*⁵⁶.

Асардаги икки образнинг келин-куёвга ўхшатилиши китобхонда аччиқ кулги уйғотади. Инсон бу каби адабиёт намуналаридан керакли хулосалар чиқариб олади, уларни ҳаётга боғлайди. Ҳажвий образларнинг энг кучли томони шундаки, у фожиалар ҳақида сўзлайди. Аммо мазкур фожиаларни ҳис эта билган, кўзгуда чин маънода ўзини кўриб, ислоҳ қилишга қуввати етганларгагина фойда қилиши мумкин.

Тамоманмажозий образлар асосига қурилган намуна сифатида Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарини келтириш мумкин. Асарда қушлар тимсолида инсонларга хос хусусиятлар очиб берилади. Қолаверса, мазкур асарнинг ўзайтариб ўлиб, адибшуасосда ўз даврининг маълум нуқсонларини кўрсатиб берган. Образлар тимсолида қушлар танланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Қушларнинг турларива уларга ўтазийраклик билан танланган ном ҳам ижодкор маҳорати дандалолатдир.

Бундан ташқари, “Зарбулмасал” дидактик характер ҳам касб этади. Унда тасвирланган воқеалар ибрат ва намуна сифатида китобхонга тегишли хулоса чиқариш имконини беради.

Асар тамоман размий характердаги ҳикоялардан ташкил топган. Рамзий образлар яратилган асарга мисол сифатида келтиришимизнинг сабаби ундан афакат қушлар, балки бошқа жониворлар ёки одамлар образини ҳам учратиш мумкин. Танланган исмларга маълум маънода юк берилган бўлиб, Бойқуш ўз номи билан бойлиги, шубилан бир гахасилиги, Кўрқуш эса кўрлиги, Куйкана қушининг куйкана ёки куюнча эканлиги гаурғу берилади. Исм танлаш аниқ асоси ота-оналарга улкан масъулият бўлиб, унда фарзандларга тўғри исм танлаш ўргатилади, десак муболағабўлмайди. Қолаверса, Гунашбон уисмида ҳам юқоридаги хусусият қолқўзгаташланади. “Гунеш” сўзи туркий халқларда “қуёш” маъносини англатади. Гулханий берган таърифга кўра, қизнинг тўзаллиги қуёш каби кўзларни қамаштирадиган. Бу образларга юкланган ижтимоий юк ҳаманча оғир тош босади. Зеро, ижодкор мазкур ёндашув орқали мавжуд хонликлар тузумини олиб чиқмоқчи бўлган.

“Зарбулмасал” да келтирилган қушлар эса ўша даврдаги шахсларга ишора қилади. У рамзий образлар яратилган асарларнинг етук намунаси ҳисобланади. Негаки ижодкор ўз гоёсини образлар орқали тўзалватугали фодолаб бера олган.

Мумтоза адабиёт дарамзийлик, айниқса, ғазалларда кўзгаташланган. Алоҳида тасаввуфий тимсоллар мавжуд эканлиги ҳам шундан дарак беради. Лекин буларнинг аксарияти болалар учун мураккаблик қилади. Уларнинг илк кўринишларини соддалаштириб, болаларга зарур ўринларда ўргатиб бориш катта аҳамиятга эга. Зеро,

⁵⁶ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. – Toshkent: Ma'naviyat, 2017. – 106-b.

болалартафаккуридатасаввуфга шу асосдапойдеворқўйибборилади.
Буэсаўшаиморатнингасосимустаҳкамбўлишигахизматқилади.

Шу ўринда
жадидадабиётигачабўлгандаврдаяратилганобразларнингумумийтавсифиҳақи
дагапирилганафсонавийқаҳрамонларгаҳамтўхталибўтишкерак.

Афсонавийқаҳрамонларҳалқоғзакиижодиданқўчибўтганобразларҳисобланади.
. Бунга шахс, нарса, қолаверса, жониворлар ва кушларҳам мисол
бўлишимумкин. Улар асосига қурилган алоҳида бир жанр – афсона жанрининг
борлиги ҳам мазкур образларнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.
Афсонавийобразларрамзийлаштирилиши,
типикобразсифатидакелишиҳолатларикўпкузатилади.

Чункиуодатдахалқнингорзу-умидлариниамалгаоширувчи,
қаҳрамонликларкўрсатиб,

уларнитурлиофатларданомонсақловчийўлбошчисифатидавужудгакелган.

Навоийнинг “Лисонут-тайр”

асариданомикелтирилганСимурғкушиафсонавийсаналади.

Анқо,

Ҳумоқушлариҳамафсоналардамавжудбўлганкушлардир.

Қақнускушиҳамшундайхарактерда.

“АлишерНавоийасарларилуғати”даҚақнусга қўйидагичатаърифберилган:
“...мавҳумбирқуш, афсонагақўра, тумшуғидажудакўптешикларбўлиб,
бутешикларданчикқановозлардангўёмусиқаўйлабчиқариларэмиш”⁵⁷.

Букабиобразларафсоналарнихалққадриятлариўлароқасрабқолишгаўргатишби
ланбирқатордаболаларгаҳалқимизнингорзу-умидлари, ўй-
хаёллариқанчаликгўзалбўлганинианглатади.

Болаорзуларигаталпинибяшарэкан, унга
қанчаликяқинлашганисарируёбинихаёлидагавдалантиради.

Мазкуробразларҳам айнанманашундайжараёндаяратилганкелган дейиш
мумкин. Мумтоз адабиётимиздан кўчиб ўтган бу афсонавий образлардан
жаҳон болалар адабиёти дурдоналарида ҳам фойдаланилган. Афсонавий
образларга бой бўлган, болаларнинг севимли асари ҳисобланган Жоан
Роулингнинг “Ҳарри Поттер” туркум асарларида учрайдиган Пҳеоних қуши,
яъни қақнус қуши ҳам айнан мумтоз адабиётимизда учраган қушнинг ўзи.
Албатта, асарда мазкур образга катта аҳамият қаратилган. Асарнинг 2-
қисмида бу қуш халоскор вазифасини ўташи бунинг исботи бўла олади.

Айтиш мумкинки, жадидадабиётигачабўлгандаврдақисманболалар,
умуман,адабиётучуняратилганюқоридагиқаби образларижтимоийдавр,
шароитданкелибчиқиб, маълуммақсадларгахизматқилган.
Будаврдаинтимтуйғуларқаламгаолинганшеърлардашунгахособразларҳамярат
илган.

Адабиётқўнгилкуйчисибўлганиучунҳамбудаврадабиётидаайнаншундайҳисси
йобразларҳаметакчиликқилганваҳалигачауларпешқадамбўлибкелмоқда.
Образларянгилалишибиланбирқатордамумтозадабиётдаяратилгананъаналарк
ейингидаврлардаҳамдавомэттирилди.

⁵⁷ Алишер Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 198-б.

Уларкейинчаликяратилганобразларучунпойдеворвазифасиниўтабкелди.

Мумтозадабиётнамуналаридаҳажвий, рамзий-мажозий, реалистик ваафсонавийобразларниучратишмумкин. Уларни эса битта сетор бирлаштириб туради. У ҳам бўлса, даврдир. Ижтимоийлик маълум маънода адабиётда ўз изини қолдиради.

Маърифатпарварлик даври ўзбек адабиёти намуналарида болаларни, умумий маънода инсонларни маърифатга, илм олишга чорлаш ғояси етакчилик қилгани кўзга ташланади. Шунга кўра образлар ҳам айнан шу мазмун-моҳиятни ифодалашга хизмат қилган. Шу жиҳатдан улар яратган образларни янги атама билан, умумий маънода маърифий образлар деб аташ мумкин. Маърифий образлар ўзидаги бир қанча хусусиятларига кўра, реалистик, рамзий-мажозий, ҳажвий каби турларга бўлинади. Улар ҳам маълум ижтимоий мазмун ёки тарбиявий аҳамият касб этган, албатта. Мазкур давр адабиётида фантастик ҳамда афсонавий образлардан кам фойдаланилган.

Маърифатпарварлик даврида болаларни илм олишга чорлашда ўзига хос образлардан фойдаланилган. Масалан, она – болаларнинг илм олишига сабабчи бўлувчи образ. Қачонки миллат оналари саводли, зиёли бўлиб, ўзлари намуна кўрсатар экан, шундагина болалар илм ола бошлайди. Оналарнинг намуна кўрсатиши ҳам бежиз эмас. Болалар улардан ўрнатқилишлари, аввал ҳаракатларида илму амал мутаносиблигини кўришлари керак бўлади. Ана шундай шеърлардан бири Муҳаммад Шариф Сўфизоданинг “Ўқинг, оналар” шеъри ҳисобланади:

*Мунча ёмон шўрлари пешоналар,
Қизларимиз жорийи хоналар*⁵⁸.

Мана шундай ўқинч билан бошланган мазкур шеърда оналар вақизларнинг таълим олишларига катта даъват бор. Улар билимли бўлса, келажак авлод илм олишга қизиқади, шундагина муносиб тарбияга замин яратилади. Жаҳид адабиёти вакиллари болаларнинг илмсиз бўлишидаги асл сабабларни қидиради. Уларнинг оқибатлари билангина қизиқиб қолмасдан, келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга ва даволашга киришади. Демак, уларнинг фикрича, болаларнинг илмсизлиги оналарга боғлиқ. Маърифатпарварлик даври адабиёти намояндалари нишонни тўғри олган ҳолда, диққат марказини шунга қаратганлар. Улар бир вақтнинг ўзида реалистик образлар яратганлар, чунки ўша қаҳрамонлар даврнинг мавжуд инсонлари бўлган. Бу қаҳрамонларнинг характер хусусиятлари типик, бутун ўзбек оналарига тегишлидир. Келтирилган мисолларда образлардаги хусусиятлараро синтезлашувни ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, Сўфизоданинг бошқа бир шеърида кузатилган газета образи миллатни илм олишга чорлаши ва даъват этиши билан характерлидир. Юқорида оналар образи реалистик саналган бўлса, газета мажозий-рамзий характерга эга:

Яшнатиб дил гунчасин, фасли баҳор айлар газет,

⁵⁸ To‘xliyev B., Shermurodov T., Isayeva Sh. Adabiyot (majmua). Akademik litseylarning III bosqich o‘quvchilari uchun darslik. – Toshkent: Bayoz, 2015. – 64-b.

*Сув бериб кўнгил боғини, сабзавор айлар газет*⁵⁹.

Ўткир муболаға билан ёзилган мазкур ғазалда таърифи келтирилган газетанинг “дилларни яшнатиши-ю, фасли баҳор айлаши” сабаби унинг миллатга кириб келаётган илм-зиё тимсоли эканлигидир. Бу эса газета рамзи воситасида очиб берилмоқда. Илк марта ушбу ғазални ўқиганда газета қандай қилиб дилларни яшнатиб юбориши мумкин, деган савол туғилади. Чуқурроқ ёндашилганда эса унинг тимсол эканлиги, маърифат рамзи сифатида танлангани аёнлашади. Илм миллат йўллариини ёритиши, қолаверса, бутун бошли халқнинг янги бир олам очишига сабаб бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган шахс ванарса-предмет образлари орқали маърифий мақсад кўзга ташланмоқда.

Абдулла Авлониё айнаан болалар таълимига бағишланган “Хурус ила бўри” ҳикоясида жониворларга нутқ бериб, гўзал образлар яратган. Ҳикоятдаги хурус юксак ақл тимсоли, у бўрининг сулҳ ҳақидаги гапларига ишонмагани ва унга муносиб жавоб қайтара олгани учун ҳам мана шу мақомга кўтарилган. Мазкур асар дидактик-маърифий характерда бўлиб, ундаги икки образ орқали болаларни одоб ва ақл билан турли масалаларни ижобий ҳал қилишга ўргатиш мумкин. Бўри ҳийлагарлик, айёрлик тимсоли, унинг якунда пушаймон бўлиб қочиб қолгани ҳам болаларга бу йўлни танламасликни эслатиб қўяди. Ҳикоятга илова қилинган шеър ҳам асар мазмунини бойитиб, қиссадан ҳисса шаклида келади:

*Ақл эгаси ҳийлага алданмагай,
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.*

Авлониё ижодига мурожаат қилишда давом этсак, унинг “Адвокатлик осонми?” асаридаги Абдужаббор ҳажвий образ сифатида гавдаланади. Унинг ҳажвийлиги аслида катта фожиа. Мазкур образда илмни шунчаки пул орттириш воситаси деб ўйлайдиган инсон фожиаси яширинган. Минг афсуски, ушбу кулги ёзувчи ўзи айтганидек, “Туркистон турмушидан олинуб ёзилмишдир”. Бу шундай аччиқ кулгики, Давронбекдек зиёлилар миллат муаммоларини ҳал қилишдан толиқиб тургани ҳолда, Абдужабборлар сахнага чиқа бошлайди. Ҳажвий образ сифатида Абдужаббор илмсизлиги, фаросатсизлиги билан ҳам аччиқ кулги кўзгатади.

Маърифатпарварлик даври адабиёти намуналарида учрайдиган маърифий образлар икки турга бўлинади:

- намуна сифатида кўрсатилиб, шундай бўлиши керак дейиш мумкин бўлган образлар;
- одобни одобсиздан ўрган қабилидаги, кўриб туриб фикр қилиб, уларга ўхшамаслик зарурлигига урғу берилган образлар.

Юқорида исми келтирилган Абдужаббор ҳажвий-маърифий образи иккинчи турга мансуб ҳисобланади. Мазкур давр адабиёти намуналарида

⁵⁹ To‘xliyev B., Shermurodov T., Isayeva Sh. Adabiyot (majmua). Akademik litseylarning III bosqich o‘quvchilari uchun darslik. – Toshkent: Bayoz, 2015. – 65-b.

учровчи Зиёли, Домла, Давронбек образлари эса намуна сифатида кўрсатилган маърифий образлар сирасига киради.

Замонавий ўзбек болалар адабиётида образлар хилма-хиллиги кўзга ташланади. Бу даврда яратилган образлар орасида ҳажвий, реалистик, рамзий-мажозий, афсонавий ва фантастик каби турли образларни учратиш мумкин. Айниқса, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” асари мавзу жиҳатидан ҳам, образлар хилма-хиллиги билан ҳам бошқаларидан алоҳида ажралиб туради. Насрдаги бу ўзгаришлар шеъриятда ҳам аста-секин бўй кўрсатади.

Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романида Ҳошимжон реалистик образ сифатида ҳам, рамзий-мажозий образ сифатида ҳам намоён бўла олади. Унда образлар синтезлашувини кўриш мумкин. У бир вақтнинг ўзида дангасалик, ўзбилармонлик, илмсизлик каби сифатлари билан бугунги кундаги айрим болаларнинг реал образи ҳисобланади. Айнан шу жиҳатлари билан тимсолга ҳам айланади, яъни ана шундай болалар тимсоли сифатида ҳам тасаввур уйғотади. Асар фантастик руҳда ёзилган бўлиб, ундаги сеҳрли қалпоқча фантастик образ ҳисобланади. Кўз кўриб, кулоқ эшитмайдиган, тасаввуримиздагина мавжуд бўлган ишларни амалга ошира оладиган бу сеҳрли қалпоқча билан Ҳошимжон бир қанча саргузаштларни бошидан ўтказади.

Шу жараёнда яна бир нарс аҳамиятлики, болалар адабиётида анъана ва замонавийлик уйғунлигини айнан мана шу икки образ мисолида кўришимиз мумкин. Сеҳрли қалпоқча, ҳақиқатан ҳам, барча мўъжизакор ишларни қила олади. Лекин жаҳон адабиётидаги сеҳрли эртакларда учрайдиган жодугарлар, афсунгарлар ҳам бир ишни қила олмайдилар: уларнинг ўзлари бу ҳақда кўнгил ишига аралаша олмаймиз, дея таъкидлаб ўтадилар. Шундай экан, болалар адабиётида бу қилиб бўлмас иш – асарда илм бериш бўлади. Ҳа, сеҳрли қалпоқча ҳамма ишни қила олади-ю, лекин инсонни илмли қилиб қўя олмас экан. Шу ўринда икки тушунча алоҳида эътиборга лойиқ. Булардан биринчиси, жаҳон болалар адабиёти ва ўзбек болалар адабиётининг фарқли хусусияти ўзбек болалар адабиётида боланинг ёш хусусиятлари, миллийлик томонига жиддий эътибор қаратилишида бўлса, бундан ташқари, юқорида келтирилган маърифатпарварлик даври ўзбек адабиётида шаклланган маърифий образ шу ерда замонавий талқинда кўзга кўринади. Сеҳрли қалпоқча чиндан ҳам маърифий образ, у болаларга сеҳр билан ҳеч ким илмли бўлиб қолмаслиги, бунинг учун меҳнат қилиш кераклигини ўргатади.

Ҳошимжон ва сеҳрли қалпоқча болалар учун яхши таниш бўлгани, уларнинг ҳаётидан олингани учун ҳам болалар қалбига чуқур кириб бора олган. Чунки улар ўзиники бўлган нарсаларни аниқ таний олади, сохталикини тез ажратади ва буни асло ўз оламига қабул қилмайди.

Шеъриятда эса насрдан фарқли ҳолда образ танлашда мажозийликка алоҳида эътибор берилди. Инсонларга хос хусусиятларнинг турли жониворларга кўчирилиши орқали мавжуд образлар тизими янада бойиди. Биргина Анвар Обиджоннинг “Бўрининг доктор бўлгани ҳақида эртак” шеърида кўплаб образларни кўриш мумкин. Аслида, инсонларнинг характер

хусусиятлари очиб берилган мазкур шеърда ижтимоий дард ётибди. Ўрмонга жониворларни даволовчи эмас, балки уларни паққос туширувчи доктор тайинлагани сўнгги пайтларда учраётган айрим коррупцион ҳолатларга ҳам ишора қилади.

“Анвар Обиджон эртагида занжирли бадий қурилма усулидан фойдаланилганлиги сезилади. Бу усул ҳам халқ оғзаки ижодида анъанавий ворисликнинг бош усуллари (гипербола, сўз ўйини) ҳам, бўрига хос бўлган ярамас хислатларни янада ёрқинроқ очишга хизмат қилади. Шу билан бирга, шоир асарда ўз услубига хос бўлган парадокс ва тўқнашув комизмини ҳам шу мақсадда қўллайди, яъни бир-бирига мос бўлмаган бўри ва доктор, шум ва шифокор тушунчаларини бир характер қиёфасида ифодалайди. Бу ердаги маънавий-ахлоқий жиҳатдан бир-бирини инкор қилиши, табиийки, кулгили ҳолатни келтирибчиқаради. Докторликкаҳеч бир уқуви йўқ бўрининг ўз касалларига шу қадар қатъият билан насихат бериши образнинг комизмини янада кучайтиради. Ўз фойдасини кўзлаган доктор охири ўзи ҳам ем бўлиши бу комизми – трагикомизм (фожиавий кулгили) нуқтасига етказди. Муаллифнинг образ яратишда ахлоқий нуқтаи назари анъанавий усулдан чекинмайди. Унда яна бир муҳим нарсаси – образнинг замонавийлашувидир”⁶⁰.

Бугун жамиятимизда бу каби ҳолатларнинг кичик-кичик кўринишлари кўплаб учрамоқда. Ҳажвий йўсинда ёзилган мазкур шеър аслида жамиятдаги фожиалар ҳақида ўқинч билан сўзламоқда. Образлар хилма-хиллиги ҳам ўқувчини зериктирмайди, уларнинг тўғри танлангани эса мантиқийликни юзага келтирган.

Болалар насри бир қадам олдинда бориб бу борада, фантастик асарлар яратишга қайта қўл урилди. Саъдулла Қуроновнинг “Галактикада бир кун” асари коинотда кечувчи воқеалар ҳақида баён қилиб, ўқувчининг дунёқараши ва тасаввурларини кенгайтиради. Фантастик асарларда учровчи образлар, асосан, ижтимоий мазмун касб этмасида, болага эстетик завқ беради, унинг орзулар оламини бойитади. Шундай экан, болалар адабиётида фантастик образларнинг аҳамияти катта. Ўқувчи бу орқали ижодий тафаккур қилишни ўрганади. Асардан ёзувчининг юксак кузатувчилик маҳоратини ҳам кўриш мумкин.

Болалар шеъриятида ҳажвиянинг жанр имкониятлари

Янгилашни эҳтиёжи инсоннинг улғайиши, унинг фаолияти ривожланиши ҳамда ҳаёт тарзидаги эврилишлар билан боғлиқ бўлади. Қадим замонлардан буён инсоннинг гўзалликка эҳтиёжи мавжуд. Адабиёт ҳам мазкур эҳтиёж сабаб вужудга келгандир, балки. Бугунги кунда башарият турмуш тарзи, иш фаолияти, ўй-кечинмалари, фикрлаши тубдан ўзгарди. Бунга, албатта, ички таъсирлар билан бир қаторда ташқи омиллар ҳам сабаб бўлди. Инсон

⁶⁰ Анвар Обиджон. Она ер. – Тошкент: Ёш гвардия, 1974. – 33-б.

кўнглидаги кечинмалар ўзгариши билан бирга унинг атрофида бўлаётган ўзгаришлар ҳам янгиланиш, бошқача айтганда, замонавийлашиш эҳтиёжини туғдирди. Бу ерда замонавийлашиш эҳтиёжи замон талаблари билан бирга ҳаракатланишни англатадики, мазкур жараёнда кўзга ташланадиган энг биринчи тушунча техника-технология тушунчасидир. Техника, технологияга нисбатан инсоннинг мослашишини табиий тушуниш мумкин, лекин адабиёт бу янгиланишни ўзида қандай акс эттириши керак деган саволга жавоб қандай?

Ҳозирги вақтда ҳар бир боланинг қўлида гаджет, бўлмади деганда улар смартфон, компьютердан қандай фойдаланишни яхши билишади. Глобаллашув даврида бадиий китоблар болаларнинг қўлидаги техника ўрнини эгаллаши учун ана шу ўзгаришларни ўзида намоён этиши керак бўлади. Бу адабиёт бутунлай замонавийликка хизмат қилиб қолиши керак дегани эмас, албатта. Шундай бир “адабий муроса” йўлини танлаш керакки, унда анъана замонавийлик билан қоришиб кетиши керак. Болалар ахборот асрида бадиий адабиётни рад этмаган ҳолда қўлларидаги смартфонлардан фойдаланишлари зарур. Бунинг учун улар ўқийдиган асар чиндан ҳам ўзига тортувчи бўлиши талаб этилади. Ана шундай шеърлар, асарлар бугунги адабиётимиз намуналарида учрамайди дея олмаймиз. Улар орқали болалар ўзлари муқкасидан кетган техника оламининг янгиликларини кашф этишлари мумкин бўлади. Масалан, Худойберди Комиловнинг “Замонавий шолғом эртаги” шеъри айнан шундай характерда:

Бобом бошлади

Чиқазолмади.

Бувим ишлади

Чиқазолмади.

Шу тариқа шеърда болакайнинг дадаси, ойиси, опаси, акаси киришиб, тиришиб чиқазолмагани айтилади. Нимани, шолғомними? Йўқ, ечим охирда маълум бўлади:

Масала оғир,

Уриндик қанча.

Компютерда охир

Ечди сичқонча.

(“Замонавий шолғом”, 30-б.)

Машҳур “Шолғом” эртагида ҳам энг охирида сичқонкелиб ёрдам берганда, шолғомердан чиқади. Худди шу ҳолатни шоир масала ечиш ҳолатига кўчириб, охири бунда ҳам сичқонча, яъни компьютернинг “сичқонча”си орқали иш ҳал бўлганини айтар экан, бу ғалати ўхшашлик – шоирнинг кашфиётидан ўқувчи ҳам оғир масалани ечган боладай енгил тортиб, хурсанд бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда айтиш керакки, “айниқса, болалар адабиётида, шеъриятда ана шундай кашфиётчилик, янгича назар билан оҳорли, оригинал фикрлар айтиб, гўзал тасвирлар яратиб, ёш китобхонда ҳайрат ва завқ ҳиссини уйғотиш, эстетик дидини тарбиялаш мумкин”⁶¹.

⁶¹ Adashboyev T., Rajabov D. Satrlardan taralgan mehr. – Toshkent: Turon zamon ziyo, 2017. – 25-b.

Бундан ташқари, мазкур шеър асосида айнан халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланган “Шолғом” эртаги ётгани асарнинг ютуғидир. Замоनावийликнинг анъанавийликка уйғунлиги катта аҳамият касб этади. Яъни техника ютуқлари адабиётда анъаналарни рад этмаган ҳолда юзага келиши мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай бадиий асарнинг пойдеворида миллийлик, анъаналар бўлиши унинг ҳаётийлигини ҳам таъминлаб беради. Албатта, мазкур шеър яратилганига ҳам анча бўлди. Бугунги яратилаётган асарлар орасида шунга ўхшашлари кам топилади. Ўхшашлик дейилганда айнан такрорлар назарда тутилмаётир, албатта. Бу асарлар гаджетларнинг шундай томонларини очиб бериши керакки, болаларнинг кўлидан технологиялар тушмай келаётган бўлса, асарда акс этган хусусиятлар тилларидан тушмай қолсин. Умуман олганда, улар кашфиётларнинг кашфиёти – сўз кашфиёти бўлиб хизмат қилиши зарур. Ана шундай асарлар болалар адабиёти учун жуда муҳим. Қачонки, болалар қизиқаётганнарсалар шеърда жонланса, шунчалик туйғуларига кучли таъсир кўрсатади. Бугун болалар учун тўптош, беркинмачоқ каби ўйинлар бир қадар зерикарли. Улар катта ёшли инсонлар учун ширин хотиралар бўлиб хизмат қилиши, болаликни эслатиши мумкин. Бу ўйинларнинг бугунги болалар ўйнайдиган ўйинлар билан ўхшашлигини топиш эса муаллиф ижодий қувватига боғлиқ масала бўлиб қолади.

Ўзбек болалар шеърляти намуналарида мавзу кўламининг анча саёзлашиб кетгани ҳам тўғри. Булар жиддий танқид қилинмайди. Қуруқ кулгидан иборат шеърлар кўпайиб, болалаб кетди. Теран мазмун касб этувчи шеърларни учратиш анча мушкул масала бўлиб қолди. Китобхоннинг мазкур масалада анча изланишига тўғри келмоқда. Бунинг олдини олиш, қуруқ васавиясиз шеър ёзаётган ижодкорларни савалаш ўрнига болалар нашрларида шундай шеърларга алоҳида ўрин берилмоқда. Катталар учун ижод қилишга маҳорати етмаган кўплаб қаламкашларнинг бугун “осонроқ” ёзиш мумкин бўлган болалар адабиётига “ўтиб олаётгани”ни ҳазм қилиш қийин. Бир вақтлар катта адабиёт вакиллари ҳам болалар учун ижод қилганлар. Жаҳон адабиётида Пушкин, Толстой каби адиблар томонидан ҳам болалар учун кўплаб асарлар яратилган. Ўзбек адабиётида жадид адабиёти намояндаларидан бошланган бу анъанани Эркин Воҳидов ҳам давом эттириб, болалар учун бир-биридан чиройли шеърлар ёзган эди. Негадир сўнгги пайтларда бундай ҳолат кузатилмаяпти. Аслида, ўзини ижодга дахлдорман деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс адабиётнинг юкини кўтаришни болалар учун асарлар яратишдан бошлаши керак. Чунки инсонни адабиётга ошно қилиш болаликдан бошланмас экан, уни кейинчалик уйғотиш мураккаб масалага айланиб қолиши мумкин.

Болалар адабиётининг кучи ва имкониятларига тўғри баҳо бериш, унга алоҳида аҳамият қаратиш барча даврларда долзарб масалаларданбири ҳисобланади. Болалар шеърлятинингмавзу кўлами шу қадар кенг бўлиши керакки, балки бола уни бугун ўқиб тушунмас, аммо кун келиб, албатта, ўқиганлари моҳиятини англаб етади. Муборак ҳадисда “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир”, деб бежиз айтилмаган. Мумтоз адабиёт анъаналари мазмунини болаларга кичик ёшидан бошлаб, улар учун яратилган

адабиётлардан бошлаб сингдириш керак. Комил инсон ғояси, ўзликни англаш каби қатор тушунчаларни содда, нисбатан оғир бўлмаган атамалар, ўзларига аён ҳақиқатлар билан англаштириш керакки, келгусида янги авлод Навоийни тушунмаймиз баҳонаси остида уни ўқишдан воз кечмасин. Навоийни ўқиркан, болаликда ёд олган шеърларидаги теран маъно эсига келсин. Бугун болалар адабиёти ана шундай асарларга муҳтож. Болалар адабиёти болалар учун махсус яратилиши ва унда ўз олдига қўйган мақсадлари аён бўлгани ҳолда янги қадамлар учун пойдевор ясаб бериши керак бўлади.

Албатта, шундай мазмун касб этувчи асарлар адабиётимизда топилади. Масалан, ижодкор Рустам Назарнинг “Рангли фаввора” шеърига диққат қилайлик:

*Сохталиқдан наф йўқ-да,
Хатосини англарми?
Кўз-кўз айлаш лозимдир,
Ўзингда бор рангларни*⁶².

Шеърбир қарашда ўқувчига мақтанчоқликни, кўз-кўз қилишни ўргатаётгандек туюлади ғўё. Лекин аҳамият берилса, юқоридаги икки мисрада айтилмоқдаки, “сохталиқдан наф йўқ”, хатони англаб етиш зарур. Яъни фаввора хатосини тушуниб, сохталиқни бас қилиши жоиз. Кўз-кўз қилиш ҳам керак, аммо нимани? Ўзингда бор нарсаларнигина! Сохталиқ қилиш эса бу хато. У кейинчалик одатга айланиб қолиши, боланинг самимийликдан узоқ бўлиб шаклланишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундай инсонлар ўзлигини топиш ўрнига тақлид ортидан кимнингдир умрини яшаб қўйганини билмай қоладилар. Шунинг учун ҳам муаллиф фаввора тимсолида инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзлигини сақлаб қолиши муҳимлигини назарда тутди. Бу ғоя ўша мумтоз адабиётимизда тилга олинган “Ҳар не истарсен ўзингдан излагил” ёки “Аслингдек кўрин ё кўринганинг каби бўл” мазмунидаги асарларни эслатиб юборади. Албатта, болага ўзлигини англашни кичиклигидан тушунтириш керак. Бу борада Н.Ф.Познанский томонидан В.Г.Белинскийнинг қуйидаги фикрларига мурожаатини келтириш ўринли саналади: “Бола қанчалик кичик бўлса, унинг маънавий тарбияси ҳам шунчалик бевосита бўлиши керак, яъни уни номигагина ўқитиш эмас, яхши ҳис-туйғу, хулқ, ҳавасларга ўргатиш керак. Бу ўргатиш вақтдан олдин бўлмай, табиий ҳолатларда бўлиши зарур”⁶³.

Юқоридаги шеърда келтирилган образ ҳам чиройли ва тўғри танланган. Чунки фаввора турлича товланиши, рангларининг кўплиги ва беғуборлиги билан ягона. Шеърда унинг бошқаларга тақлид қилишга ҳожати йўқлиги таъкидланади. Шунингдек, ҳар бир инсон ягона яратилган, унга ўхшаши топилмаслигига ишора сезилади.

Болалар шеърлярида ўзликни англаш, комил инсон бўлишга интилиш ғоялари тараннумига эҳтиёж катта. Унинг ўрнини тўлдириш зарурати алоҳида ёндашувларни тақозо этади. Агар эътиборсиз қолдирилса, кейинчалик

⁶² Adashboyev T., Rajabov D. Satrlardan taralgan mehr. – Toshkent. “Turon zamon ziyo”, 2017. – 8-b.

⁶³ Познанский Н.Ф. Белинский о воспитании. Учпедгиз. – Москва: нашриёти, 1949. – С. 66.

катталашиб, савиясиз асарлар кўпайишига сабаб бўлади. Балки бу ҳаракатларни бугун Навоий, Румий ижод намуналарини болаларга тушунарли тарзда, насрий тарзда ишлаб чиқишдан ҳам бошлаш ўринли бўлар. Уларнинг ҳикматларида учрайдиган гўзал хулосаларни шеърӣй шаклга солиб болаларга етказиб бериш ҳам анча самарали.

Шу ўринда мумтоз адабиёт билан бир қаторда тасаввуф ғояларини ҳам айтиб ўтиш керак. Аслида, бу иккиси бир-биридан буткул айро тушунчалар эмас, улар бир-бирини тинимсиз тўлдириб боради. Шундай экан, болалар адабиётида бу икки мавзунӣ ажратмаган ҳолда, кичкинтойларга етказиш муҳим ҳисобланади. Болаларга мураккаб тушунчаларни беришдан кўркмаслик, бу йўлда шаклий режани соддалаштириш орқали мазмунга юк ортиш керак. Яъни болалар осон ёд олишлари учун шеър шаклини соддалаштириб, унинг маъносини кучайтириш талаб этилади.

Бадиий

асарларда техникатараққиётӣ аксэтиши керак деган масала ўртагаташланар экан, бунда халқоғзаки ижодианъаналари уйғунликда жонланиши диққатмарказида туриш лозим. Зеро, халқ дostonлари нафақат адабиётимиз, балки миллийлигимизнинг ҳам ажралмас қисми. Ўзбек адабиёти тараққиётӣда фольклорнинг ролини махсус ўрганган адабиётшунос Ғаффор Мўминов бу ҳақда ҳақли равишда шундай деб ёзади: "...фольклор ёзувчи онги ва тушунчасига фақат ижодий ўзлаштирилган бадиий материалгина бўлиб қирмай, айнаи чоғда ёзувчининг тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи, ранг-баранг ассоциациялар туғдирувчи, турли мураккаб таассуротлар яратувчи бой бадиий хазина ҳамдир. Шу вaждaн ҳам буюк санъаткорлар фольклор асарларини қоришиқ ҳолда ўрганиб, улардаги энг зарур моментларини ўз асарларига сингдирганлар ва катта ижодий натижага эришганлар.

Агар Ҳамид Олимжон "Ойгул билан Бахтиёр" достонида, асосан, "Маликаи Ҳуснобод" эртаги сюжетиға асосланган ва яқин халқларнинг шу мотивдаги эртакларига суянган бўлса, "Семурғ" достонида халқимизнинг мардлик, жасорат, дўстлик каби эзгу фазилатлари тараннум этилган халқ эртаклари ва эпосларидаги кўп воқеа ва ситуациялар, шунингдек, ўткир тигли сербўёқ халқ сўз ва иборалари бир мақсадға – мардлик ва ростгўйликни улуғлаш, бебурдлик ва тубанликни, жоҳиллик ва худбинликни лаънатлашға қаратилади"⁶⁴.

Болалар шеърӣяти бир қанча хусусиятлари билан фольклорға яқин туради. Масалан, шакл жиҳатдан қисқа мисралардан иборат бўлиши, оҳангнинг ўйноқи, равон ва куйчанлиги. Халқ оғзаки ижоди намуналари ёш авлод учун узоқ ўтмиш бўлиб қолиши керак эмас, балки уни бадиий асарлар мисолида ҳаётға татбиқ қилиш асоси бўлиши керак. "Чунки бола учун эртак воқеликнинг айнаи ўзидир. У шунчаки китобхон эмас, балки ҳикояда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси. Унинг "қўллари қичийди", оёқлари бир жойда туролмайди – у шу зумдаёқ жангға отланишға,

⁶⁴ Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиётининг тараққиётӣда фольклорнинг роли. – Тошкент: Фан, 1986. – 38-б.

адолат учун жанг қилишга, ўлимга маҳкум этилганларни қутқаришга, золимларни фош қилишга, поймол қилинган ҳақиқатни тиклашга ҳозир у нозир туради”⁶⁵.

Оғзаки ижод намуналарида халқимизнинг инъикос топган истак-хоҳишлари ва интилишлари, қаҳрамонларнинг орзулари гавдалантирилиши ахборот асри болаларига қизиқ бўлиши баробарида ўзларида мавжуд неъматларга шукроналик туйғусини уйғотади. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарини бойитиб турувчи тасвирий воситалар, муболаға, сажъ кабилардан болалар шеъриятида ҳам фойдаланиш лозимки, улар асарларга халқчиллик бахш этиши аниқ.

Сўнгги пайтларда ижодкларфольклорнинг жонли қоришмалари орасида сақланиб ётган тарбиявий таъсирини, маънавий муқаддимасини ўқувчиларига етказиб беришда турли усуллардан фойдаланмоқдалар. Ўз услубини сақланган ҳолда фольклордаги йўл ва воситалардан фойдаланиш 80-йиллар ўзбек ўзбек болалар шеъриятини янада юқорироқ ахлоқий поғонага кўтарди. Бу ҳақда таниқли рус болалар шоираси И.Токмакованинг куйидаги фикрлари аҳамиятлидир:

“Одам ва унинг буюклигининг ўзига хослиги ҳозирги замонда унинг эзгу ниятига қараб ифодаланиши керак, бу эса, ўз навбатида, уни таҳқирлаш эмас, балки янада юқорироқ ахлоқий поғонага кўтарилишига ёрдам беради. Бу халқ эртаги болалар учун ҳозирги болалар адабиёти ўрнини боса олади деганими? Албатта, йўқ. Мазкур фикрни таъкидлаш беъманиликнинг ўзи бўлиб чиқар эди. Аммо ҳозирги даврда болаларимиз учун халқнинг ахлоқий таассуротини адабиёт билан бирга синтез қилинишининг умумлаштирилиши бошланганлиги менга маъқул”⁶⁶.

Албатта, фольклор таъсирида битилган асарлар ҳам бугунгача яратилган ижод намуналари ичида кўплаб топилади. Масалан, Анвар Обиджоннинг “Мешполвон жангга отланди” дoston-қиссаси ёзувчи ўзи айтганидек, “ўзбекнинг доно бахшиларига шогирд тушиб, ушбу дostonга қўл”⁶⁷ ургани ҳам сўзларимиз исботи бўла олади. Асардаги халқ оғзаки ижоди оҳанглари, қўлланилган бадий тасвир воситалари болалар учун ўта қизиқарли. Мешполвон эса болаларни ўзи билан олисларга олиб кетаверади. Унинг саргузаштлари, ташқи кўриниши, асардаги воқеалар занжири барчаси болалар учун қизиқарли. Сюжет чизигидаги баъзан шиддаткор, баъзан ғамнокликлар ўқувчининг қалбидан чуқур жой эгаллайди. Ёзувчининг ўзи ёзганидек, “ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб, номи тарихда қолишини ҳали билмаган чоғларидаёқ, ташқи қиёфаси билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: икки лунжи ноғора, жағида эшак тепкиси нақлаган чандиқ, қорни нақ қирқ пудлик сандиқ, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчуқ, бўйни олдинга энкайган, қулоқлари динкайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгапу

⁶⁵ Маршак С.Я. Право на взаимность. – Москва: Сов. Россия, 1973. – С. 93.

⁶⁶ Токмакова И. Непроходящая ценность // Дошкольное воспитание. – Москва: 1985. – № 9. – С. 53.

⁶⁷ Obidjon A. Meshpolvon jangga otlandi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. –4-b.

анқов, аслида маҳмадона-ю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола...хуллас, росаям қизиқ бола экан”⁶⁸.

Мана шундай тасвири гўзал анъанадан озикланган асарлар бугунги кун болалари учун ҳам қизиқ бўлиши, шубҳасиз. Болалар учун яратиладиган асарлар сафига кирувчи жанрлар орасида эртақ-достонлар ҳам учрайди. Улардаги хусусиятларнинг халқ достонлари билан ўхшашликларидан мазмунда ҳам унумли фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, замонавий болалар шеъриятида ҳам фантастик асарларга ташналик руҳи сезилмоқда. Албатта, бу тўғри маънодаги ташналик ҳисси бўлиб, ёш китобхонларда бундай асарларга қизиқиш кучлилигининг белгисидир. Болалардаги хаёлпарастлик, орзуларга берилиш ҳоллари ёки турли ўй-хаёллар оғушида сайр қилиш табиатан фантастиклиги сабабдир. Болалар шеъриятида аксарият туш мотиви билан боғлиқ шеърӣ асарлар фантастик ҳисобланади. Чунки болалар тушларида гоҳ турли сайёралар бўйлаб саёҳатга отлансалар, гоҳ оламшумул саргузаштларни бошдан кечириб, қаҳрамонга айланадилар. Аммо буларнинг бари рўё экани асар якунида аён бўлади-қўяди. Бугун миттивойлар бошдан охир саргузаштга йўғрилган асарларни ўқишни истайдилар. Улар якунда оддийгина туш бўлиб чиқиши керак эмас, балки давомли бўлиши талаб этилади.

Қолаверса, ижод намуналари болалар учун яратилар экан, уларни таълим-тарбияга чорлаши ҳам керак. Дидактик характерда яратилган асарлар кўплаб топилади, лекин маърифий хусусиятга эга асарларни ҳам кўпайтириш ва бу йўлда жаҳид боболаримиз анъаналарига суяниш мумкин. Бугунги дидактик қаҳрамонлар бир вақтнинг ўзида ҳам илмли, ҳам тарбияли, қолаверса, ўтмиш анъаналари билан бир қаторда замон янгиликларидан яхши хабардор бўлиши керак. Ана шунда улар кичкинтойлар учун муносиб ўрнат бўла оладилар.

Юқоридаги мазмунга эга асарларгина болалар “истеъмоли”га яроқлидир. Шундагина эҳтиёж ижобий маънода қондирилади. Моҳият ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам теранлашиб, ҳам кенгайиб боради. Уларни болаларга тутиш ва улардан буюк ишларни кутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбек болалар шеъриятидаги мавзулар даврлар мобайнида замон талаблари асосида ўзгариб бормоқда. “Ҳайрат ул-аброр” достонига киритилган ҳикоятларнинг айримларини болалар учун ўқишга тавсия қилиш мумкин. Улардаги мазмун кўлами эса дидактикага алоқадор. Шу орқали болаларни инсон қандай бўлиш кераклигига ўргатиш мумкин. Жаҳид адабиёти намояндалари ижодида эса болаларни саводли қилишга интилиш юқорига олиб чиқилган. Сабаби – бу давр эҳтиёжи, хусусан, болаларнинг эҳтиёжи эди. Адабиётга кириб келган мавзу янгилашишлари айнан мана шу эҳтиёжлар негизида пайдо бўлди. Уларни давр ва инсон эҳтиёжлари шакллантириб берди ва унинг ўзи мана шу муҳтожликларни қондира бошлади. Болаларнинг ёш хусусиятларига диққат қаратилганда ҳам улар учун муҳим бўлган нарса бу

⁶⁸ Obidjon A. Meshpolvon jangga otlandi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. –4-b.

таълим ва тарбия бўлган. Шундай экан, болалар адабиётида дастлабки даврларда таълим ва тарбияга алоҳида аҳамият қаратилган.

Кейинги йилларда ҳам бу икки тушунча болалар учун ҳаёт давомида керак бўлган унсурлар сифатида ва анъаналарни сақлаган ҳолда кичик китобхонларга аталганасарлар мазмунининг катта қисмини ташкил қилиб келди. Аммо инсонларнинг эҳтиёжлари ўларок, бу мавзу ўз атрофига янги ғоя ва мавзуларни йиғди. Шундай қилиб болалар адабиёти мавзу кўлами кенгайиб аста-секинлик билан янги-янги мазвуларни қамраб олди. Болаларча қизиқиш ваорзу-интилишлар акс этган асарлар уларни янада ўқишли қилишга омил саналади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, болалар адабиётидаги давр янгиланишларини замон хусусиятлари, инсонлар тафаккури, ўй-хаёлларидаги эврилишлар ва мана шу эҳтиёжлар негизида содир бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Болалар шеъриятидаги шаклий изланишлар даврлар мобайнида мазмун билан биргаликда ўзида новаторлик касб этиб борди. Аслан мазмун нисбатан турғун, шакл ўзи ўзгарувчан ҳисоланади. Азалий мавзулар ҳисобланган ишқ-муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш кабилар минг йиллардан буён турли шаклларда адабий маҳсулот ўларок шеърият ихлосмандлари кўлига етиб бораётгани ҳам шунга исбот бўла олади. Болалар адабиётидаги мавзу кўламининг ёритилиши ўзига хос шаклни тақозо этади. Шакл ва мазмун бирлашган нуқтада асар мукаммаллашади. Унинг қиймати ортади. Болалар учун яратилган асарларда ифода лўндалик, ихчамлик, фикрнинг аниқлигини тақозо этади. Зеро, болалар тафаккури шундай асарларни қабул қилишни тақозо этиши сир эмас.

Боб якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек болалар ҳажвий шеъриятида жанр имкониятларининг кенгайиши ҳамда мавзу янгиланиши заруратини адабий эҳтиёж натижаси ўларок қисман қуйидаги мавзуларда кўришимиз мумкин:

– юксак техника тараққиётини миллий анъаналар билан қоришиқ ҳолда акс эттириш;

– мумтоз адабиёт ғояларига қисқа ва болаларга тушунарли тарзда қайта мурожаат қилиш;

– халқ оғзаки ижоди анъаналарини истифода этиш ва фантастика.

2. Минг йиллар давомида шаклланган қолиплар парчаланиши, яъни шаклий изланишларнинг адабиёт майдонига чиқишига ҳам инсон тафаккуридаги янгиланишлар сабаб бўлган, албатта. Инсоният онгу шуурига тааллуқли бўлган янгиланиш эҳтиёжи болалар ҳажвий шеъриятининг фалсафий-поэтик талқинига ҳам тегишлидир. Болалар диққатини жамлаш, уларни жалб қилиш, осон иш эмас. Шакл мазмунга етаклаб боровчи воситалардан бири ҳисобланади. Шакл билан ўзига жалб қилган асар мазмунан ҳам қизиқарли бўлади. Мазмуннинг аҳамияти, унинг етказиб берилиши ва муаллифнинг мақсадини очиб беришда шаклнинг ўрни беқиёс. Юқоридаги мисоллар билан шаклий изланишларнинг аҳамияти очиб берилди. Уларнинг болалар онги ва тасаввурини бойитишдаги ўрни, қолаверса, жалб қилувчи характерга эга эканлиги изоҳланди. Шаклий изланишлар ҳақида

гапирилганда, албатта, унинг мазмун билан ҳамоҳанглигини унутмаслик керак. Яъни шаклий изланишлар шунчаки шакл учун эмас, том маънода мазмунни ташқи жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши талаб этилади.

Тасаввуфий мазмун касб этувчи ҳажвий шеърлар, пандномалар фалсафий характери билан кичкинтойларни ўзликни англашга даъват этади.

3. Фантастик руҳдаги ҳажвий асарлар болаларнинг тасаввурини бойитади, уларнинг санъатга бўлган қизиқишларини оширади, ижодий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, болалар ҳажвий шеърятининг жанр имкониятлариникенгайтиришга замин яратади.

УЧИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА МАЖОЗИЙ-ҲАЖВИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Ҳажвий образ яратиш усуллари

Ўзбек адабиёти тарихида ҳажвий образларнинг кўплаб намуналари яратилган. Зеро, мажозийлик ва мажозий-ҳажвий образлар яратиш анъанаси халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ эртаклари ва ҳикоятларида, ривоят ва афсоналарида ҳар хил табиат ҳодисалари, предметлар, ҳайвонот олами, паррандалару даррандаларнинг турли сатирик образлари тасвирланади. Уларда шер – ҳайвонлар шоҳи, бўри – баковул, тулки – ясовул, тошбақа – тарозибон, қарға – қақимчи, чумчуқ – чақимчи сифатида кўрсатилади. Халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайдиган ушбу образлар болалар адабиёти учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Чунки инсон қалбига, онгу шуурига адабиёт эртаклар орқали кириб боради. Улардаги образлар йиллар ўтса ҳам инсонлар ёдидан чиқмайди. Айниқса, эртаклар болалар қалбидан ўзига хос ўрин эгаллайди.

Болалар адабиётида учрайдиган бадий образларнинг илдизи мумтоз адабиётга бориб тақалади. Мумтоз анъаналар асосида шаклланган образлар замонавий адабиётда янгича кўриниш касб этгани қанчалик рост бўлса, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Халқимизда қадим-қадимдан болалар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинган. Шу сабаб сўнгги давр болалар адабиётидаги аксарият образларни мумтоз адабиёт намуналаридан ибрат олиб яратилганлигини таъкидлаш мумкин. Мумтоз анъаналар билан суғорилган образларнинг бугунги адабиётимизда ҳам қўлланишини айнан олинганлик маъносида эмас, балки уларнинг айрим шакл ва мазмун ўзгаришларига учрагани ва тақомилини ҳам кўриш мумкин. Образлар, қўлланилган бадий тасвир воситалари ўртасида мумтоз адабиётимиз анъаналари ва бугунги шеъриятда муайян ўхшашликлар бор. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб қуйидаги мисраларга диққат қилайлик:

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кунинга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Ота-онага ҳурмат кўрсатиш, уларни эъзозлаш масаласи илгари сурилган юқоридаги мисраларда бу улуғ зотлар номи осмонларга кўтарилиб, ой билан қуёшга қиёсланмоқда. Болаларга тарбия бериш, катталарга ҳурмат-эҳтиромда бўлишни ўргатишга хизмат қилувчи бу асарда ота-оналар фарзанди учун бири ой бўлиб тунларини ёритса, иккинчиси қуёш бўлиб кундузларини нурафшон айлаши айтилади.

Ота-онани ой ва қуёшга менгзаш замонавий болалар шеъриятида ҳам учрайди. Хусусан, шоир Одил Абдурахмоннинг “Ой алласи” номли шеърда юқоридаги саф яна бир образ билан бойитилади. Бу юлдуз образи бўлиб, фарзанд маъносини англатади:

*Ой она эмиш,
Боласи – юлдуз.
Алла айтармиш:
“Оппоғим, қундуз,
Кўзим нуруни
Сенга тутдим-о,
Отангдай бўл деб
Йўлинг кутдим-о.
Отам қайда деб
Сўрама, болам,
Отанг – қуёшдан
Баҳраманд олам⁶⁹.*

Шеърда ота-онақуёш ва ойга ўхшатилмоқда. Шоир мумтоз адабиёт анъаналаридан унумли фойдаланган ҳолда образларга янгилик киритиб, болалар учун қизиқарли бўлган табиатдаги жараённи тасвирлайди. Халқона руҳ ва замонавийлик уйғунлашган мазкур шеърда ой фарзандлари бўлмиш юлдузларга қарата алласида бир нидо қилади:

*Отангдай бўл деб
Йўлинг кутдим-о.*

Юлдузларнинг қуёш бўлишига умид қилишда фан тасдиқлаган бир маълумот борки, бу шеърнинг мантикийлигига исбот бўла олади: Қуёш аслида энг катта юлдуз ҳисобланади. Халқ донишмандлиги доим фан тараққиётидан олдинда боради. Мумтоз анъаналаримиз замонавий шеърятдан доим бир қадам олдинда. Аммо юқоридаги шеърдаги каби мумтоз образларни янада гўзаллаштириш, уларни кичик китобхонлар эҳтиёжига мос тарзда қайта ишлаш мумкин. Мазкур мисолларда болалар адабиётида учрайдиган образларнинг ўтмиш ва бугунги кундаги ўхшашликларини кўриш мумкин. Хусусан, само жисмлари образланишининг болалар шеъриятидаги талқини тафаккуримизда қадимий эътиқодий қарашларнинг қайта тикланишидан дарак беради. Таниқли фольклоршунос М.Жўраевнинг фикрича, “шеърый асарларда самовий жисмларни жонлантириш анъанаси ва уларни жонли мавжудот сифатида талқин қилиш қадимги аجدодларимизнинг космогоник мифлар билан боғлиқ мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Ипак йўли

⁶⁹ Одил Абдурахмон. Салом қуёш. – Тошкент: нашриёти, 1996. – 24-б.

минтақаси халқларининг қадимги мифологиясида юлдузлар билан алоқадор астраль культлар ва асотирий сюжетлар кенг ёйилган”⁷⁰.

Шеърдаги образлар тўлалигича ҳажвий эмас, лекин ундаги тасвирлар боланинг кўз олдида якқол гавдаланади ва беихтиёр соф табассум уйғотади. Унинг тасаввур дунёсини бойитади, кўкдаги ой ва юлдузларга, қуёшга болакай энди ўзгача нигоҳ билан қарай бошлайди. Бу унда юксак туйғулар шаклланаётганидан дарак беради. Зеро, қадимги фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланиб, осмон жисмларининг жонлантирилиши ҳажвий образлар таъсирчанлигини омиллардандир.

Қолаверса, ҳар икки асарда ҳам кўзланган мақсад муштараклиги – уйғунлашув учун яна бир исбот бўла олади. Навоий ўз асари билан фарзандларни ота-оналарига меҳрибон бўлишга, уларни кўкка кўтаришга ундаса, иккинчи шеърда ой ўз алласи билан фарзандларига отани эъзозлаш юзасидан сабоқ бермоқда. Демак, мумтоз ва замонавий ўзбек болалар адабиёти асарларида нафақат образлар, бадий тасвир воситалари, жараён ўхшашлиги, балки мақсадлар муштараклигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Болалар шеъриятининг дидактик аҳамияти ҳақида сўз кетганда, Ҳ.Имонбердиевнинг бир қатор шеърлари ҳам ниҳоятда ибратлидир. Бу борада профессор С.Матчонов тўғри таъкидлаганидек, “Нозик юмор ҳамда ҳазил-хузул асосига қурилган шеърлар болаларни тарбиялашда муҳим дидактик восита эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Бадий асарларнинг болалар қалбига, руҳига кўрсатадиган эстетик таъсирини чуқур англаган Ҳамза Имонбердиев (1954–1997) ана шу воситадан унумли фойдалана олган шоир эди. Унинг шеърларида дидактика янада янги қирралари билан намоён бўлади”⁷¹.

Шоир “Ўқ” ва “Оҳу” номли шеърларида ёвузликни қоралаб, унинг охири-оқибат ҳалокатга маҳкум эканини қаламга олади. Маълумки, ўқ салбий мазмунга эга бўлиб, кўпчиликнинг тасаввурида рақибларни маҳв этиш учун қўлланади. Бироқ у эзгу ва ёвуз мақсадларга ҳам хизмат қилиши мумкин. Бу ўқ кимнинг қўлида бўлишига боғлиқ. “Ўқ” шеъридаги ўқ мажозий тимсол. Унинг ёвуз мақсадда ишлатилиши тасвири айнан ёвузликнинг ўзини маҳв этишига қаратилган. Қайд этилган асарларда бугунги кун болалари учун яратилаётган асарлар мазмунан мумтоз анаъаналар йўналишига уйғунликда кечаётганини кўраимиз.

Ёвуз кимса камондан ўқ узади. У қора ажал тимсолида нишон излаб учиб бораркан, йўлда она жайрон рўбарў келади. Она жайрон уйда болалари кутаётганини айтиб, ўзига тегмаслигини сўраб ёлворади. Ўқ нишондан воз кечиб, жайроннинг ёнидан ўтиб кетади. Унинг йўлида дуч келган чинор ҳам бағридаги инларда полопонлар борлигини айтиб додлайди. Шунда ўқ бу нишондан ҳам воз кечиб, ерга – она заминга юзланади. Она замин эса шусиз ҳам юрак-бағри ўчмас доғ, юз минглаб яра-чақаси борлигини айтиб, унга

⁷⁰ Жўраев М. Астраль мифлар ва уларнинг ипак йўли халқлари моддий маданиятидаги талкини // “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали, 2020. – № 2. – Б. 34.

⁷¹ Матжон С., Қурбонниёзов М. Болалар адабиёти. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 115-б.

танбеҳ беради. Чорасиз қолиб ҳолдан тойган ўқ яна отилган жойига қайтиб келади. Шеър қуйидаги ибратли хулоса билан якунланади:

*Худди шу пайт шум киши
Бошқа ўқни жойларди.
Алам-ла қайраб тишин,
Кимларнидир пойларди.
У ҳеч қулоқ қоқмади
Ажалнинг шарпасига.
Учиб келиб санчилди
Ўқ шундоқ орқасига...*⁷²

Геометрия фанида ўз ўқига параллел равишда ҳаракатланаётган предмет охир-оқибат ҳаракат бошланган жойга қайтиб келиши ҳақидаги қонуният бор. Шоир шеърни мактаб ўқувчиси, яъни ёш бола яхши ўзлаштирган ушбу қонунга мос тарзда яратган. Демак, камон ўқининг ер атрофини бир марта айланиб, яна ўзи отилган жойга қайтиб келиши ва уни ёмон ният билан отган ёвуз ниятли одамнинг орқасига санчилиши ҳам рамзий йўсинда ишонарли тарзда тасвирланган. Бундан ташқари, асар психологик тадқиқотлардаги “Бумеранг қонунияти”га ҳам ишора қилади. Яъни кимгадир берганимиз, у хоҳ эзгу бўлсин, хоҳ ёвуз, ўзимизга яна қайтиб келади. Шу билан асар болаларни берувчи қўл бўлишда огоҳликка даъват этади. Асарни ўқиган ёш китобхон “Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг тушасан”, деган ўзбек халқ мақолини эслаши ва унинг нақадар тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Бундан ташқари, шеър ўқувчини кимнингдир қўлида “ўқ” бўлиб қолмасликка ўргатади. Шу моҳиятнинг ўзи болалар учун улкан тарбия мактаби бўла олади. Уларда ҳеч нарса бир вақтнинг ўзида буткул ёвуз ёки буткул эзгу бўлмаслиги ҳақидаги тасаввурларни уйғотади. Бола бирёқлама фикрлашни тўхтатади, энди ҳар бир нарсага турли томондан қарашга ўргана бошлайди. Юқоридаги каби шеърлар бола онгини тозалаб, бирёқлама тасаввурлар уйғотмайди ва бу – болалар адабиёти бугунги кунда муҳтож бўлиб турган мотивлардан бири. Шеър моҳиятан тағдор эканлиги, шаклан мукамаллиги, оҳанг соддалиги билан муаллиф бадиий маҳорати юксаклигидан дарак беради. Асар дидактик характердалиги билан Шарқ мумтоз адабиётининг панднома намуналарига яқин туради. Зеро, Шарқ адабиётида дидактик руҳда ёзилган асарларнинг барчасини болалар учун яратилган деб ҳисоблаш мумкин.

“Оҳу” шеърида ёвуз кучларнинг қилмишлари “Қора қути” мажозий образи орқали тасвирланади. Шеърда “Қора қути” машина миниб олган браконьерлар йўлда учраган жониворларни қўлларидаги милтиқ билан отиб, ов қилиб юришади. Йўлда учраган она жайронни ҳам отиб ярадор қилишади ва бу билан ҳам чекланмай, пичоқ тортишади. Онасининг ёвузлар қўлида нобуд бўлганини кўрган Оҳунинг боласи – улоқчанинг кўзларидан оққан ёш

⁷² Imonberdiyev H. G'aro'yibkent hangomalari. – Toshkent: Cho'lpon, 1994. – 63-b. (кейинги мисоллар саҳифаси қавч ичида кўрсатилади)

қизил гулга томади. Гул эса ердан бош кўтариб, улоқчадан ўзини ҳидлашини сўрайди. Гулни ҳидлаб, дадилланиб кучга тўлган улоқча браконьерлар олдидан югуриб ўтиб, уларни тубсиз жарга бошлаб боради. Шеърдаги кетма-кетлик занжирида узилиш йўқ, воқеалар бир-бирини тўлдириб боради. Айни шу ҳолат шеърда қуйидагича тасвирланади:

*Оҳу шиддат билан келиб,
Туман сойдан учади.
Фарзандини она каби
Қирғоқ енгил қучади.
Ўқирганча “Қора қути”
Изма-из келиб тикка,
Англаёлмай не бўлганин
Шўнғиб кетар жарликка...*

(“Ғаройибкент хангомалари”, 59-б.)

Шеърда ёвузлик рўпарасида чорасиз қолган оҳунинг кўз ёшлари гулга томиши ва уни ҳидлаб мадад олиш мотиви бевосита халқ эртакларидаги тасвирлаш аъъанаси бўлиб, бу ўринда шоир ўз бадиий ниятини ифодалашда шу йўлдан боради. Шунингдек, мазкур шеър кейинги пайтда табиатга нисбатан шафқатсизликнинг авж олиши, одамлар қалбидаги ёвузлик иллатларининг очик-ойдин тус олиши ва улар келтирадиган оқибатлар ҳақида ижодкор тафаккури маҳсулидир. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий кураш ва табиатга шафқатсизлик қилган ёвуз кучлар эзгулик тимсоллари томонидан маҳв этилиши, айниқса, ёш китобхоннинг келажакка ишончини мустаҳкамлаши нуқтаи назаридан эътиборга сазовордир. Бола бировга ёмонлик қилгувчилар – ўзгаларга чоҳ қазиган тубан кимсалар, охир-оқибат ўша чоҳга ўзлари бориб тушишларини аниқ тасаввур этади. Фожиавий тасвир етакчи усулга айланган ҳар иккала шеърда ёвузлик кучлари ёш китобхоннинг нафратига, қаҳр-ғазабига дучор бўлишади. Аниқки, бола ҳеч қачон ўзи нафратланган инсонга ўхшашни истамайди. Шеър ўзининг тарбиявий вазифасини тўла бажарган. Бу болалар шеъриятида ҳам жуда катта ижтимоий-маънавий муаммолар юксак бадиийлик билан ифодаланиши мумкинлигини тасдиқлайди. Бинобарин, бундай асарларнинг маърифий қиммати, бадиий-эстетик таъсир қуввати қуруқ насихатомуз йўсинда ёзилган шеърлардан ўн чандон ортиқроқдир.

Мазкур асар ўзида жаҳон тажрибаси аъъаналари билан уйғунлик ҳосил қилган. У ёш ўқувчига “Эзоп масаллари” таркибига кирувчи “Кийик билан токзор” масалини эслатиб юборади. Сюжет икки чизиқда боришига қарамай асарлардаги образлар тизими бир-бирига жуда ўхшаш. Юқоридаги шеър ўзининг давр билан мослиги, техника тараққиёти ютуқларини ўзида жамлагани билан ажралиб туради. Воқеалар якуни ҳам бир-биридан фарқ қилади. Юқоридаги шеърда оҳуга қизил гул ёрдам беради ва гулнинг ёрдамини оҳу қадрлайди. Аммо “Кийик билан токзор” масалида келтирилган кийик образи ўзини овчилардан қутқариб қолган ток баргидан еб, унга ёмонлик қилади. Шу сабаб охирида овчилар қўлига тушиб қолади. Образлар

тизимидаги ўхшашлик ва тафовутлар анъана ва замонавийлик чизиғида ҳаракат қилади.

Кузатишларга қараганда, болалар учун яратилган шеърӣ асарларнинг каттақисмиуларнингхарактерини очиш баробарида табиат ва одоб-ахлоқ мавзусига бағишланади. Азал-азалдан Шарқ халқлари тарбияни муҳим деб билганлар ва уни турли воситалар ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилганлар. Болалар учун яратилган асарларнинг кўпинча тарбиявий характерга эга бўлишининг асосий сабаби улар кичкинтойларнинг “бу нима?”, “нима яхши-ю нима ёмон?” тарзидаги тизгинсиз саволларига ўзига хос жавоб тарзида яратилишидир. Айни шу ҳолат болаларга аталган дostonларда ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Бундай дostonлар яратилиши ва шакли жиҳатидан ҳам халқ дostonларини эслатиб юборади. Улардаги сюжет чизиқлари, мотивлар ва тарбиявий аҳамияти алоҳида бир мавзу бўлса, болалар адабиётидаги асарларнинг шаклий жиҳатдан халқ дostonларига ўхшашлиги ҳам ўрганилиши керак бўлган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ҳозирги ўзбек болалар шеърӣяти бадииятида қадимги аждодларимизнинг архаик поэтик тафаккури изларининг қайта жонланиши ҳодисасини ҳам алоҳида текшириш лозим.

Бундан ташқари, кичкинтойлар адабиётининг илк кўринишлари айнан кўшиқлар тарзида шакллангани ҳам бугунги болалар шеърӣятининг халқ оғзаки ижоди намуналари билан уйғунлигини таъминлаб беради. Фольклорнинг лирик турига мансуб асарларда болаларнинг ўйин кўшиқлари алоҳида аҳамият касб этган. “Бекинмачоқ”, “Тўп тош”, “Дурра солди” сингари қатор ўйин номлари билан боғлиқ халқ кўшиқлари болалар қалбига адабиётнинг оғзаки шаклдаги илк кўринишлари ўлароқ кириб келган. Улардаги оҳанг равонлиги, соддалиги, қолаверса, қисқа бўғинлар – умуман шаклий хусусиятлар сўнгги пайтларда болалар учун яратилган асарларда ҳам кўзга ташланади. Уларда такрорлар кўп қўлланилади, бу оҳангдорликнинг сифатини таъминлаб беради. Шунинг учун ҳам болаларнинг уларни ёдлаб олиши осон кечади.

Рустам Назарнинг “Ҳамён” шеърӣи – воқеий, сюжетли асар. Дастлаб унда воқеа ҳақида хабар берилади. Маълум бўлишича, мактабдан қайтаётганқизчанинг кўзи йўл четида ётган ҳамёнга тушади. Лекин эгаси излаб юргандир деб унга тегинмайди. Уйда эса воқеадан хабардор бўлган онаси: “Эси паст, югур, дарров олиб кел!” деб жеркиб беради. Шеърда қаҳрамоннинг шундан сўнг чор-ночор изига қайтиб, ҳамённи излаётгани ва унинг топилмаганидан ҳам хурсанд, ҳам хафа бўлаётган пайтдаги руҳий кечинмалари ишонарли тасвирланади. Бунда бола қалбининг қанчалик беғубор эканлигини, қолаверса, унинг мурғак қалби ҳам зиддиятлардан ҳоли эмаслигини кўриш мумкин. Ахир, қизча бир вақтнинг ўзида ҳамён топилиб, уни олиб кетмаганидан хурсанд ва у тўғри йўлда. Аммо онаси буни эшитгач, уни қойишидан, яъни яхши бўлишнинг жажжи қийинчиликларидан чўчиб ҳам турибди.

Асарда она очкўзлик тимсоли сифатида тасвирланган. У манфаат йўлида қизчасини “эси паст”, дейди ва қинғир йўлга бошлайди. Қизча орқага қайтиб

ҳамённи топа олмайди. Борди-ю топиб, онасига келтириб берганида, унинг жажжи юрагига қинғирлик ва бир ҳаром уруғ қадалган бўлар эди. Албатта, ҳамённи бошқа биров топиб олади. Эҳтимол, ҳамён ўз эгасига насиб этгандир. Қизча табиатидаги гўзал фазилат шуки, у ҳамённи эгаси топиб олганига ўзини ишонтиради. Мана шу ишонч туйғуси унинг қалбига бир олам қувонч бағишлайди. Кичик китобхон шеър хулосасидан ўзича маъно излаши табиий:

*Ҳўнграб-инграб йиғлади, қизча
Дилидаги аламлар енгди.
Ҳамён ётган йўлаклардан у
Сира-сира юрмайди энди!*⁷³

Сўнгги икки мисра эътиборга лойиқ. Энди қизча ҳамён ётган йўлаклардан – қинғир йўллардан асло юрмайди. Нега? Чунки у энг биринчи синовдан ўта олди. У тўғри йўлни танлади.

Мазкур шеърда она ва қиз образининг гавдалантирилиши халқ оғзаки ижодининг лирик турига мансуб “Ойижон” кўшиғини эслатади.

Ойижон, ойижон, Бошгинам оғрийди, дея бошланадиган мазкур лапар-кўшиқда юқоридаги шеърдан фарқли ўлароқ қизалоқнинг болаларча эркалиги гувоҳи бўламиз. Унинг тана аъзолари оғришига нималар сабаб бўлаётгани болаларда кулги кўзғатади. Халқ кўшиқлари ва ёзма болалар адабиёти намуналари ўртасидаги фарқ уларнинг мазмуни билан боғлиқ тарзда гавдаланади. Масалан, юқоридаги шеърда қизалоқнинг қалбидаги кичик пўртаналар, унинг ички дунёсида кечган эзгулик ва ёвузлик кураши тасвирланган бўлса, лапар бу каби мураккабликлардан холи. Унда қизалоқ тинимсиз эркаланаётгани, онаси ҳам эркалатаётганини ўқиш мумкин. Шу жиҳатдан ёзма адабиёт намуналарида образлар тасвирида реаллик устунлик қилади.

Ҳ.Имонбердиевнинг худди шу номдаги “Ҳамён” шеърида эса бошқача манзара кузатилади. Шоир ҳамён топиб олган боланинг руҳиятини куйидагича тасвирлайди:

*Келиб-келиб ўша ҳамённи
Қайдан кўра олди бу кўзим ҳам.
– Бу кимники? – дердим шекилли,
Эшитмадим ҳатто ўзим ҳам.*

(“Ғаройибкент ҳангомалари”, 30-б.)

Мазкур шеърдаги ҳамён топган боланинг маънавий олами Рустам Назар шеъри қаҳрамони маънавиятидан тубдан фарқ қилади – улар бир-бирига қарама-қарши. Биринчи шеър қаҳрамонининг руҳияти содда, беғубор, самимий бўлса, кейинги шеърдаги боланинг характерида ўзига хос китмирликлар бор. У гўё қоидага риоя қилиб, ҳамённи топганда кимники деб, сўраган бўлади-ю, дарров ўзини ўзи фош қилади. Лекин шеърда бола сатирик образ ҳолатида қолиб кетмайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, қаҳрамоннинг пушаймонлигини фақат музқаймоқ еб, касал бўлиб ётиши билан боғлаб эмас,

⁷³ Рустам Назар. Рангли фаввора. У.Шукуров. Болари ва чумоли. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 40-б. (кейинги мисоллар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади)

балки худди юқоридаги шеърдаги каби катталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар талқини орқали ифодалайди. Бунда болалар катта ёшли инсонларнинг кўзгуси сифатида талқин қилинади.

Маълум бўлишича, касал бўлиб ётган боланинг онаси шифокордан касалликнинг асл сабабини яширади. Шу орқали ўғлининг кўз олдида виждонига зид иш қилган она қиёфасида гавдаланади. Шеърда она врачнинг саволларига тўғри жавоб бера олмай хижолатда қолади:

– Нима болага, – дерди,
Айтолмади гапнинг тўғриси.
Ёлгон сабаб айтди қизариб
Яширди у “ҳамён” ўғриси,
– Узр, Доктор, болам сал оч-ку,
Сал-пал ўғри, – дея олмади.
– Мана унда, – дея врач ҳам
Игнасини санча қолмади.

(“Ғаройибкент хангомалари”, 30-б.)

Аён бўладики, асар қаҳрамонининг пушаймонлик туйғуси онанинг боласи учун иложсиз ёлгон айтишидан туғилган пушаймонликка ҳамоҳанг. Эҳтиётсизлик, нафс йўлида қилган хатоси қандай оғир фожиаларга олиб келиши мумкинлигини лирик қаҳрамон ич-ичидан ҳис қилиб, руҳий изтиробда қолади. Ҳамёндаги пулнинг бунчалик қимматга тушишини билмабман, дея изтироб чекади. Муҳими шундаки, шоир шеърларида ҳажв тигига олинган айрим иллатлар фақат ўша қаҳрамонларгагина тааллуқли бўлмасдан, инсоннинг имон-эътиқоди билан боғлиқ ижтимоий иллат даражасига кўтарилади. Натижада шу хилдаги асарларни ўқиган китобхон ҳаётда нима яхши-ю нима ёмонлиги хусусида муайян хулосага келади. Айни чоқда мазкур шеърлар катталар ва болалар ўртасидаги муносабатнинг, айниқса, она ва бола муносабатларининг ниҳоятда нозик ва масъулият талаб этадиган жараён эканидан далолат беради.

Ҳар иккала шеърни ўқиган китобхон улардаги она образининг икки хил тасвирига дуч келиб, уларни қиёслаши орқали муайян хулосаларга келади. Бола маънавий олами шаклланишида оналарнинг катта ўрин тутишига яна бир қарра амин бўлади. Ахир, қалби оппоқ қоғоз каби тиниқ бўлган болаларга ёзувчи қўлининг таъсири катта эмас, тўлиқ бўлади. Шеърда уят ўлимдан қаттиқ эканлигига ҳам ишора мавжуд. Она боласининг “ҳамён ўғриси” эканлигини яширмоқда. Болалар шеърни ўқиркан, ўз оналарини уялтирмаслик ҳақида ҳам ўйлай бошлайдилар, юзларини қизартирмасликка ҳаракат қиладилар. Кимники деб айтганини ўзи ҳам эшитмаганлиги ҳам аччиқ кулги, аслида. Шеърда ҳажвнинг бир қанча хусусиятларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Ҳ.Имонбердиев сўнгги давр болалар шеърятининг истеъдодли намояндаларидан бири эди. Афсуски, у ижодининг айни гуллаган бир пайтида оламдан кўз юмди. Лекин ундан қолган адабий мерос ўзбек болалар шеърятининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган

намуналаридан бўлиб қолди. Ана шундай ижодий анъаналардан бири болаларнинг сатирик образини яратишда шартлиликдан фойдаланишдир.

Ҳ.Имонбердиев ушбу анъанадан ижодий фойдаланиб, бир туркум ҳажвий шеърларида мажозий образ ва деталлар орқали болаларнинг сатирик образини яратди. Аслида, болалар шеъриятига юмористик кулги хос. Лекин шоир юморни шу даражага олиб чиқадики, энди ундан сатира унсурларини ҳам топиш мумкин бўлади. Шоирнинг “Ширинликлар ороли”, “Эшиклар исёни”, “Ноёб мол”, “Ул”, “Турди, ўғри ва кетмон”, “Таъмсиз олмалар”, “Олабўжи” каби шеърлари, “Аждарҳо комида”, “Адолатнинг калити” каби эртақ-достонлари шулар жумласидандир. Ижодкор мазкур асарларида хаёлот, фантазияга эрк беради, болаларнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб, шартлилик асосида худбинлик, ёвузлик, очофатлик каби кўплаб иллатларни сатира тиғи остига олади, заҳарханда кулги билан аёвсиз фош қилади.

“Ширинликлар ороли” шеърида жуғрофия фанидан бўлаётган дарсда 5-синф ўқувчиси Холвойнинг хом хаёллари баён этилади. Дарс жараёнида Холвой: “Қани энди, ширинликлар ороли бўлса-ю Робинзонни ҳам йўлда қолдириб, маза қилиб яшар эдим”, деб орзу қилади. Шу чоғ уни ҳанг-манг қолдириб, жарчилар кема ширинликлар оролига жўнаётганини эълон қилади. Бу оролда болаларни шоколадли пальма, “пепси-кола” кутармиш. Лекин кемага ўтиришнинг кичкинагина шарти бор – “имтиҳон” топшириш керак. Ҳар бир бола ярим пақир асал, “обидандон, пашмак, парвардадан уч товоқ, беш-олти торт ҳам юз дона музқаймоқ” еса бас. Холвой учун бу имтиҳон ҳеч гап эмас:

*Имтиҳонни зумда Хол
Қойиллатиб топширди.
“Тўймадим” деб тамшаниб,
Ҳакамларни шоширди.*

(“Ғаройибкент хангомалари”, 71-б.)

Холвойнинг номақбул ва кулгили хатти-ҳаракатларига нисбатан ўқувчида заҳарханда кулги уйғонади. Шоир ширинликка ўч болаларнинг палубада у ёқдан бу ёққа бетоқат юришларини тасвирлар экан, баднафс Холвойнинг очкўзлигини авж нукталарга кўтаради. У шу даражада бетоқатки, ҳатто дўсти Нор ҳам кўзига шоколад бўлиб кўринади. Шу пайт кеманинг ширинликдан ясалгани хусусида хабар тарқалиб қолади. Нафси устунлик қилган болаларнинг барчаси ўзлари сузиб кетаётган кемага ташланишади. Аввал елканни, кейин мачта, каюта, штурвал, кутқарув чамбараги, хуллас, барчасини бир зумда талашиб-тортишиб еб тугатишади. “Ирис”дан ясалган лангар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди. Шоир Холвойнинг шу жараёндаги сатирик қиёфасини шундай чизади:

*Холвойнинг жағи тинмас ҳеч,
Канор қондай шишса ҳам.
Юраги қонмас сира
Ўн челақ сув ичса ҳам.*

(“Ғаройибкент хангомалари”, 73-б.)

Бешинчи “Б” синфда жуғрофия дарси борарди. Холвойнинг: “Дод-вой, кутқаринг”, – деган қичқириғидан болалар олдинига чўчиб тушишади, масаланинг асл сабабини англашгач эса хандон отиб кулишади ва уни юпата бошлашади. Кўринадики, Холвой ширинликхўр, нафсини тиёлмайдиган суқатой болаларнинг сатирик тимсолидир. Бу образни яратишда шоир ширинликлар ороли мажозий образидан моҳирлик билан фойдаланади. Бу болалар учун яхши таниш бўлган қаҳрамон Робинзон образини ҳам эслатиб ўтади. Шу тариқа шеърда реалистик тасвир билан мажозийлик, муболаға ўзаро уйғунлашиб, шартлиликка асосланган заҳарханда кулги ҳосил қилинади. Агар болаларнинг ширинликка ўч бўлиши назарда тутилса, мазкур шеърнинг ҳаётий моҳияти нечоғлик муҳим эканлигини сезиш қийин эмас. Буни ҳажв орқали тасвирлаш ва болаларга етказиш эса анъанавий панд-насихат усулидан анча самарали бўлади.

Шоир “Турди, ўғри ва кетмонвой” шеърда ҳам очкўзликни қоралайди. Шеър Турдининг “ўғри урди” деб додлаш ҳолати тасвири билан бошланади. Маълум бўлишича, Турдининг иштаҳасини ўғирлаб кетишган. У илгарилари тушида ҳам овқат еб тўймас эди. Ота-онаси ўттизта милиционер ва кўплаб докторлар билан унинг иштаҳасини топиш учун оёққа туради. Иштаҳасини очиш учун ҳар хил дорилар билан муолажа қилишади, бироқ фойдаси бўлмайди. Турдининг ушбу ҳолатидан жаҳли чиққан занг босган кетмон ўғрини топишга ваъда қилади. Бунинг учун дарахтнинг тагини юмшатиб, гулзорни текислаш шартини кўяди. Турди кетмонни олиб ишга киришади ва ер чопган сари кўнгли кўтарилиб, бош оғриғи ҳам қолади:

*Иштаҳа очилди ланг,
Турди ҳайрон турар ҳангу манг.
Гулзорни ҳам чопиб
Йўқотганин олди топиб.
Дўстлар, айтинг, Очиқ, тўғри,
Сездингизми, ким у Ўғри?*

(“Ғаройибкент ҳангомалари”, 44-б.)

Шеърда тасвир аниқ, муаммо ва ифода йўсини ҳам тўғри танланган. Иштаҳанинг қидирилиши болаларда кулги уйғотади. Унга милиционерлар, ҳамширалар жалб қилиниши кулгини янада оширади. Ўқувчини кулдириш орқали бошланган шеър якуни ҳам масала моҳияти очиқ-ойдин – “меҳнат қилсанг топасан” кўринишидаги мисралар билан тугамайди. Шеърда шу тахлит Турди характериға хос бўлган ялқовлик, дангасалик, очкўзлик иллатлари кулги воситасида фош этилади. Шеърни ўқиган китобхон ўғрилиқ, кетмоннинг шарти, Турдини муолажа қилиш эпизодлари билан танишар экан, гарчи бундай воқеаларнинг реал ҳаётда содир бўлмаслигини билиб турса-да, иштаҳанинг топилишига чин кўнгилдан ишонади. Бу билан болалар меҳнатсеварликка ҳам ўрганадилар. Иштаҳа ўғриси ким экани ҳам барча болаларнинг ўзига аён бўлиб қолади. Қолаверса, ижодкор шеърни риторик сўроқ билан якунлар экан, болалар билан мулоқотга киришади. Улар билан ўзи ўртасида бир кўприк бунёд қилади.

Ҳ.Имонбердиевнинг кичкинтойлар феъл-атворидаги шу типдаги иллатларни фош қилувчи “Таъмсиз олма”, “Ўқ” ва “Оҳу” каби шеърларида ҳам ижодкор нуқтаи назари ўзига хос ўйин воситасида акс этади. Мазкур асарларда инсон ва табиат муносабатлари етакчи муаммо даражасига кўтарилиб, сатира тифи экологик бузилишлар, яъни инсонларнинг она табиатга нисбатан ёвузлигига қаратилади. Болалар адабиётида ҳам мавзу кўлами кенг эканлиги мана шу жойда бўй кўрсатиб, унга кўплаб катта муаммоларни ҳам сиғдириш мумкинлиги ойдинлашади. Экологик муаммолар болалар характерида ва ҳаётида мавжуд ва у жуда кичик кўринишда бўлиши мумкин. Аммо ушбу кичик муаммолар катта масалаларнинг илдизи эканлигини унутмаган ҳолда муаллиф уларни бирма-бир қаламга олади.

“Таъмсиз олма” шеърида кўпчиликка таниш манзара – катталарнинг табиатга, дов-дарахтларга нисбатан эътиборсизлиги ва беписандлиги келтириб чиқарган оқибатлар хусусида сўз боради. Жараён бола нигоҳи билан кузатиб борилади ва умумий хулосалар ҳам шунга муносиб тарзда тақдим этилади.

Челак кўтарган аёл мағзавани олма дарахти тагига ағдаради. Ўша йили олма қора рангда гуллайди, одамлар бунга парво ҳам қилишмайди. Ёзда дарахт таъмсиз олма тугади. Буфетчи аёл уни компот қилиб одамларга пуллайди. Бу компотдан ичганларнинг ҳаммасига худбинлик деган касаллик юқади. Натижада турли касб эгалари, жумладан, трамвай ҳайдовчиси, шахмат устаси, аълочи ўқувчилар ҳам, болалар етакчиси ҳам – барча-барчаси ўзим бўлсам бўлди, бошқаси билан ишим йўқ қабилида иш тута бошлайди. Трамвайчи фақат ўз ўғлини мактабга ташийди, шахматчи ўзига ўзи мот кўяди, ҳатто компот юқини ялаган мушук ҳам: “Сичқонларни эгам ўзи қилсин ов”, дейди эринчоқлик билан. Шеърда худбинлик ботқоғига ботган болалар етакчиси ва аълочи ўқувчилар психологияси куйидагича тасвирланади:

*“Вожатий” билганларин
Болалардан яширар.
Горн чалиб ўзининг
Малакасин оширар.
Компотдан ичиб кейин
Баъзи аълочи бахил
Дер: – Ҳеч кимга ёрдам йўқ.
Ўзимга керак ул.*

(“Ғаройибкент хангомалари”, 65-б.)

Шоир оддийгина бепарволик катта фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигига урғу беради. Одамларни огоҳликка чорлайди. Шеърда худбинлик ботқоғига ботган катталар ва болалар, ҳатто ҳайвонларнинг ўзига хос сатирик образи кичик китобхонлар ёши ва тушунчасига мос тарзда бадиий тасвирга эга. Бу касаллик олдида докторлар ҳам шошиб чора тополмай қолишлари ҳажвий бўёкни янада кучайтиради. Шеърнинг Ёзувчига: “Ичиб тўймадингизми? Сиз ҳам ўша компотдан”, дея риторик сўроқ билан яқунланиши эса уни болалар руҳиятига янада яқинлаштиради. Саволга жавоб, диалог ҳаёлда давом этади. Шеър воқелиги қайта идрок этилади.

Контекстнинг таъсир кўлами тубдан кенгаяди. Одамлар табиатидаги лоқайдлик, бепарволик иллатлари, табиатнинг ўзгариши, экологик бузилишларнинг барчаси биргаликда худбинлик “вирус”ининг тарқалишидаги асосий омиллардир. Бундай ғоя шеърнинг асосий пафосини ташкил этади. Яна бир томони билан шеър занжир қонуниятини ўзида акс эттиради. Болаларда мана шу занжирнинг узилиш нуқтаси кимгадир боғлиқ эканлиги ҳақида ҳаёллар пайдо бўлади.

Шоирнинг “Эшиклар исёни” шеърида ижтимоий-маиший турмушда учраб турадиган ёлғончилик ва уятсизлик, фирибгарлик иллатлари шартлилик воситасида тасвирланади. Шеър эшикларнинг одамлардаги турли иллатларга қарши исёни тасвири билан бошланади. Салбий иллатларга дучор бўлган, ёлғон сўзлаб одамларни алдаган, фирибгарлик қилган одамларнинг барчасига эшиклар тақа-тақ бекилади. Кўплаб ярамас одамлар кўчада қолади, сирлари очилиб, эл-юрт олдида шарманда бўлади.

Шеър халқ оғзаки ижоди оҳангида содда, самимий ёзилгани, қофияларининг табиийлиги билан ажралиб туради. Образлар ва мазмун жиҳатдан болалар адабиёти намуналари мумтоз адабиётимизга яқин туришини қайд этган эдик. Шу ўринда болалар адабиётидаги шаклий хусусиятлар, улардаги оҳанг, қофияларнинг соддалиги, осон ўқилиши ва бўғинлар миқдори ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарига уйғун эканлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур шеърда, айниқса, хон саройидаги ножўя аҳвол аёвсиз сатирик кулги билан фош этилганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат шеърда қуйидагича тасвирланади:

*Хон саройига қараб
Одамлар кулар қотиб.
Чунки саройнинг бирон
Амалдори соғ-омон
Ўтолмайин эшикдан,
Кириб-чиқар тешикдан...
Кулар кўрган, эшитинг...*

(“Ғаройибкент хангомалари”, 19-б.)

Маълумки, ҳар қандай иллат болаликдан куртак отади. Бир қарашда болалар учун ёзилгандек туюлган ушбу шеър аслида катта ёшли инсонлар учун ҳам аҳамиятли. Шоир ушбу шеърида ёлғончилик, фирибгарлик каби иллатларнинг келиб чиқишини эмас, балки қандай оқибатларга олиб келишини тасвирлаш билан катталарни ҳам огоҳликка чақиргандай бўлади. Ёмон ишлар кун келиб фош бўлиши ва уларни қилган одамлар эл орасида уялиб, кулгига қолиши мумкинлиги тасвирланади. Айниқса, амалдорлар билан боғлиқ лавҳалар долзарблиги жиҳатдан анча юқори туради. Шеър шаклига тўхталадиган бўлсак, ундаги шиддат оҳанги халқ дostonларидаги жанг сахналари тасвирланган мисраларни ёдга солади.

Болалар учун яратилган асарларнинг мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижоди анъаналарини ўзида жамлаши, уларни ривожлантириб бориши натижасида бугунги кун болалари ўтмиш тажрибасини ўзида жамлаган замон талабларига жавоб бера оладиган асарларни мутолаа қиладилар. Уларнинг

тасаввур олами кенгаяди, бу асарлардаги дидактик сюжетлар уларнинг характериға ўз ижобий таъсирини ўтказеди. Уйғунлашув болалар онги теран, фикри ўсувчан бўлишини таъминлаш билан бир қаторда ўзлигиға содиқлик, ўзликни англай билароқ замонавий бўлиш масъулиятини юклайди. Мумтоз адабиётдаги образлар, дидактик моҳият ҳамда халқ оғзаки ижодининг шаклий анъаналари болалар адабиёти намуналарида акс этиши уларни ҳам янги поғонаға олиб чиқади. Зеро, Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, “мозийға қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир”⁷⁴.

XX аср ўзбек болалар адабиёти тарихида шу типдаги мажозий-ҳажвий образларнинг кўплаб намуналари яратилган. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Қўнғизой билан Сичқонвой”, Қудрат Ҳикматнинг “Илон шоҳ ҳақида эртак”, Шукур Саъдулланинг “Оч бўри, шўх кўзи ва қирчанғи”, Адхам Раҳматнинг “Қалдирғоч, илон ва бешиктебратар ҳақида эртак”, Пўлат Мўминнинг “Қовоқвой ва Чаноквой”, “Суктой-конфетвой” каби халқ оғзаки ижоди анъаналари негизида яратилган қатор асарларида сатирик образларнинг намуналарини учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти эртак тарзида яратилгани ҳам улардаги фольклор анъаналаридан фойдаланилганига исбот бўла олади.

3.Одилованинг “Ўзбек болалар шеъриятида сатира ва юмор (60–70 йиллар)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўша давр шеъриятидаги сатирик ва юмористик рух, асосан, болалар табиатидаги кир-чир юриш, одобсизлик каби енгил нуқсонлар билан боғлаб тасвирлангани ва бундай талқин аслида ҳам ҳаётий асосға эға экани ҳақида фикр юритилади⁷⁵. Айни чоғда, ўша давр болалар шеъриятининг даражаси ва тарихий-ижтимоий муҳит бундан ортиқча талабларға жавоб беришға қодир эмас эди.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, маънавий-маърифий ҳаётдаги ошкоралик бадий адабиётда, жумладан, болалар адабиётида ҳам янғича фикрлашни майдонға келтирди. Болалар шеъриятида илк бор ижтимоийлашув, яъни бевосита ижтимоий тузумға муносабат, унинг том маънода инсон эркини кишанлашиға қарши исённинг мажозий тарзда намоён бўлиши айни шу давр маҳсулидир. Бу давр болалар шеъриятининг етакчи намояндаларидан бири Анвар Обиджоннинг “Кумуш уй” туркумидаги бир қатор шеърлари фикримиз исботидир. Чунки “аслида Кумуш уй”нинг ўзи ҳам Ватан рамзи. Зеро, ипак курти қурган эшиги-деразаси йўқ кумуш уй аслида халқимизни етмиш йил тентиратган келажаги қоронғи, ҳаёлий социалистик тузум тимсоли”⁷⁶.

Ушбу фикрни яна давом эттирадиган бўлсак, совет халқи қурган усти ялтироқ, ичи қалтироқ “кумуш уй” уни худди ипак курти синғари бутун дунёдан ажратиб қўйди. Бунда танланган рангнинг кумуш эканлиги ҳам эътиборға молик. Шоир ушбу қисқагина мажозий шеърда халқимизнинг шўро даври истибдодидаги ҳаётини пардаларға ўраган ҳолда тасвирлайди.

⁷⁴Abdulla Qodiriy. O'tkan kunlar. – Toshkent: Universitet, 2018. – 9-b.

⁷⁵Адылова З. Юмор и сатира в узбекской детской поэзии (60–70 годы): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С. 17.

⁷⁶Баракаев Р. Жонажоним, шеърят. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 39-б.

Маълумки, баҳорда ипак қурти капалакка айланиб, уруғ қўйиб, пиллани тешиб чиқади. Ушбу сатирик шеър, бир жихатдан, шоирнинг ижтимоий муҳитга муносабатини рамзий йўсинда акс эттирса, иккинчи томондан, умидворлик туйғуси ёш китобхон қалбига ҳам кўчиб ўтади. Мазкур шеърларда ҳам мажозий-ҳажвий образлар яратишнинг ўзига хос, янги хусусиятларини кўриш мумкин. Мажоз хусусиятларини улкан қудуққа қиёслаш мумкин, унинг тубида қандай сирлар яширинганини билиш эса ўқувчидан зукколик талаб қилади. Ҳажвий элементларнинг қўшимча сифатида киритилиши, аччиқ кулги шеърнинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилган.

Шоирнинг “Яйловни соғинган қўй” номли шеъри ҳам “истибдод занжирлари остида эзилган, қорни тўқ бўлса-да, кадри йўқ, боши эгиклар тимсоли”.

– *Ишлар қалай, десам, қўй*

Жавоб берди

Суриб ўй.

– *Камчилик йўқ*

Озиқдан.

Безор бўлдим

Қозиқдан...

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 24-б.)

Ушбу мажозий шеър ҳам сатирик, ҳам мажозий моҳият касб этади. Озуқа-емишдан камчилиги бўлмаса-да, бўйнидаги арқони қозиққа маҳкам боғлаб қўйилган. Бир умр қозиқ атрофида айланиб яшашга маҳкум қилинган қўй ҳам шўро замонидаги эркисиз одамлар тимсоли. Шоир ўйланиб, эҳтиёткорона жавоб бераётган жонивор образини яратар экан, шеърда норозиликнинг дастлабки учқунлари алангага айланиб, арқонни куйдириши ва қозиқни эритиб боришига ишонч руҳи яширин тарзда акс этади.

Мажозийликнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда шоир ўз сўзини “қоғозга ўраб айтади”, очик айтилмагани учун ҳам унинг кадри баландроқ. Шу жихатидан у жумбоққа яқин туради. Жумбоқ эса ўзининг сирли эканлиги билан ҳар доим китобхонларни ўзига жалб қилиб келган. Мажозий образда ҳар бир китобхон ўзи ўйлаган тимсолни кўради. Мажозийлик умумий маъно остида турфа хиллик касб этар экан, унда индивидуаллик сифатларини ҳам топиш мумкин.

Ўзбек болалар шеърлятида, асосан, шўро тузумини мадҳ этиш роли устуворлик қилган XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида жамиятга салбий муносабатнинг дастлабки намуналари бўлмиш юқоридаги каби шеърлар ижодкорларнинг ёш авлод маънавиятини шакллантириш, уларни мустақил фикрли ва эркин инсонлар қилиб тарбиялашга янгича муносабатлар мисоли сифатида эътиборга сазовордир. Шу даврдан бошлаб болалар шеърлятида жамият тараққиёти учун ижтимоий муаммоларни қаламга олиш, уларни тузатишга ҳаракат қилиш руҳидаги асарларни битиш тенденцияси кучайди.

Ҳ.Имонбердиевнинг “Алла” шеърида тушларида кенг самони тўлдириб чарх ураётган, ушбу тоғу тош, осмоннинг ҳукмдори эканлиги туйғуси қалбини ҳеч қачон тарк этмайдиган Бургут рамзий образи яратилди. Унинг полапони

эса Анвар Обиджоннинг юқоридаги шеърларининг мантикий якунидек таассурот қолдиради⁷⁷. Чунки “Кумуш уй”даги Ипак курти ва “Яйловни соғинган кўй”даги кўй образлари забунликда яшашга кўниккан катта авлод вакиллари бўлса, Бургутнинг полапони улар қалбидаги сезилар-сезилмас норозилик учқунларидан пайдо бўлаётган, гўёки оловда куйиб кул бўлган Қақнус ўрнида пайдо бўлган янги авлод вакилидир. Бу шеърларда гарчи сатирик рух очик-ойдин намоён бўлмаса-да, барчасининг моҳиятидасатирик рух мужассам. Уларда жараёнлар, муносабатлар аччиқ танқид остига олинади. Муаллифжамиятда бундай нуқсонларга ўрин йўқ эканлигини аламли кулги воситасида китобхонларга етказиб беради.

Бу даврдаги сатирик рух нисбатан яққол намоён бўлган шеърлардан бири Анвар Обиджоннинг “Елпиғичга ёзилган шеър”идир.

*Бор-йўғи
Сендайларнисақлашар
Омон,
Чунки кўзгай олмайсан
Бўрон.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 73-б.)

Келтирилган мисраларда шоир рамзий йўсинда шўро давридаги иродасиз, қорин ва мансаб ташвишидан ўзга ғами йўқ, елпиғич янглиғ хоҳлаган кўйга солиш мумкин бўлган маънавий ногирон кимсалар қиёфасини яратади. Бундай тоифадаги кимсалар бўрон кўзғамагани учун ҳам уларни омон сақлайдилар, улар фақат елпишга ярайдилар, холос. Шоир мана шу ғоя учун муносиб детал топа билган ва унинг атрофида жараёнларни бойитиб борган. Ихчам бўлган шеърда мазмуннинг ўта бойлиги унинг бадиий қийматини юксакларга кўтариб берган.

Тарих гувоҳлик бериши мумкинки, бўрон кўтарганлар ҳеч бир замон омонда бўлмаганлар. Уларни тинимсиз таъқиб қилишган, босим ўтказишган. Елпиғич характерли инсонлар бўлса доим омонда бўлган. Бу борада дунёнинг ахлокий интерпретация (талқини), яъни адабиётнинг яхшилиқ ва ёмонлик масалаларига бевосита муносабатини тарихан кўриб чиққан академик Д.С.Лихачевнинг қарашлари эътиборга молик: “Ўрта асрлар адабиёти мутлақ яхшилиқни билган ҳолда ундаги ёмонлик ва зулм нисбийдир. Шунинг учун ҳам илоҳий куч зулм ўтказиш у ёқда турсин, турсин, ҳатто ножўя хатти-ҳаракат ҳам қила олмайди. Агар бу ишни қилган такдирда ҳам у муқаддас бўла олмас эди... Аммо ўрта аср адабиётида ҳар бир золим кескин ўзгариши ва илоҳийлашиши мумкин”⁷⁸.

Айтиш мумкинки, мажозий-ҳажвий образлар Анвар Обиджоннинг том маънодаги кашфиётидир. Шоир бу билан XX асрнинг 80-йиллари ўзбек болалар шеърлятига янги рух бахш этди, уни бадииятнинг янги, янада юксакроқ поғоналарига кўтарди. Зукко адабиётшунос олим А.Расуловнинг: “Анвар Обиджон борлиққа – мавжудоту махлуқотга; ой, қуёш, юлдузларга;

⁷⁷ Имонбердиев Ҳ. Ғаройибкент хангомалари. – Тошкент: Чўлпон: 1994. – 21–22-б.

⁷⁸ Бела Г. Литература в зеркале критики. Советский писатель. – Москва: нашриёти, 1986. – С. 8.

узлуксиз ғимир-ғимир ҳаракатга боланинг маъсум кўзи билан боқди. Пишиқ, умри узоқ асарлар яратди. Болалар адабиёти пирлари қаторидан ўз диди, тили, услуби билан жой олди”⁷⁹, деган эътирофи жуда ўринлидир.

XX асрнинг саксонинчи йилларига келиб, болалар шеърлятида ҳажвий образ яратишда **шартлиликка асосланган** мажозийликка катта эътибор берилди. Фош қилиш санъати, асосан, мажозий талқин асосида амалга оширилди. Ижодкор бунда фош этиш билан бирга ўз муносабатларини ҳам шеърга сингдириб кетади. Зеро “бу давр адабиётида мажозий шеърлар, мажозий характерлар нисбатан кўп яратилганининг биринчи сабаби ёш китобхонларнинг табиати, феъл-атворидаги қизиқувчанлик, борлиқ нарсаларга ҳодисаларига бўлган иштиёқ бўлса, иккинчиси – давр, шароит омили билан боғланади. Маълумки, инсон эрки чекланган, тўғри сўзни тўғридан тўғри, очик айтиш мушкул бўлган, мумкин бўлмаган даврларда бадиий адабиёт кўпроқ мажозийлик касб этади”⁸⁰.

Шу боис ҳам истиқлол даври болалар шеърлятида мажозий характердаги ҳажвий образлар яратишда Т.Адашбоев, А.Обиджон, Қ.Ўтаев, Ҳ.Имонбердиев каби адиблар самарали ижод қилдилар.

Т.Адашбоев ижодини монографик йўсинда тадқиқ қилган Б.Ашуровнинг таъкидлашича, шоир “шеърлярида ялқов, баҳоначи болалар образига ҳам сезиларли ўрин ажратилган. Шоир бир вақтнинг ўзида меҳрибон ва талабчан мураббий сифатида ҳам намоён бўладиган бундай шеърлярида енгил кулги, ҳажв воситасида мактабда яхши ўқимайдиган, сабабини сўрасангиз, турли баҳоналар қиладиган болаларни чимдиб олади, тағматнда яхши ўқийдиган, аълочилар сафига киришга ундайди, баҳона қанчалик кулгили, ишонарли бўлмасин, оқибати хунук эканлиги хусусида ёш китобхоннинг ўзини хулоса қилишга чақиради. Ёшболанинг ота-онаси ёки акаси билан суҳбати тарзидаги диалогик нутқ услубига асосланган “Баҳо етишмаяпти”, “Эргаш билмайди”, “Яхши кўриб”, “Иложи йўқ” шеърляри шу жиҳатдан эътиборга сазовор”⁸¹.

Ижодкорнинг “Мақтанчоқ чумоли”, “Чақимчининг жазоси” каби шеърлярида мақтанчоқлик ва чақимчилик иллатлари мажозий образлар воситасида сатирик кулги остига олинади. “Мақтанчоқ чумоли” шеърлярида ўқарикдан ини кўчган чумолиларнинг беш-ўнтаси сувга оқади. Уларнинг барчаси бирдек кўрқоқ чумолилару, лекин улардан бири амаллаб тошга ёпишади, сўнгра тол чивикқа осилиб кирғоққа чиқиб олади. Шоир чумолининг шу пайтдаги ночор аҳволини ихчам мисраларга жойлайди:

*Бир чумоли,
Шу пайт, қаранг,
Чиқиб олди
Тошга аранг.
Кўл-оёғи
Қалтирайди.*

⁷⁹ Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 194-б.

⁸⁰ Ражабов Д. 80-йиллар ўзбек болалар шеърлятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 17-б.

⁸¹ Ашуров Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати. – Тошкент: Фан, 2009. – 121-б.

*Товонини
Салтирайди.*

(“Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, 12-б.)

Шу тариқа шеърда чумолининг кўрқоқлиги фош қилингандан сўнг у бир амаллаб қирғоққа чиқиб олиб, энди бошқаларга кўмак бериш ўрнига мақтанчоқлик қилиши фош қилувчи кулги остига олинади:

*Бошқаларга
Мақтанди хўп.
–Орамизда
Кўрқоқлар кўп,
Ўрнак олса,
Бўлар мандан.
Сузиб ўтдим Океандан.*

Шоирнинг поэтик маҳорати шундаки, чумолининг ҳажвий қиёфасини яратишда унинг табиатига хос бўлган кўрқоқлик ва мақтанчоқлик иллатларини ортиқча изоҳлаб ўтирмасдан, хатти-ҳаракатларига мос тасвирни беради. Шеърнинг структурал-композицион қурилиши ҳам пухта-пишиқ. Ҳар бир сатр тўрт бўғиндан таркиб топган бўлиб, “мандан – океандан”, “хўп-кўп” каби тўқ қофиялар ҳисобига бадий мукамаллик касб этади. Бундан ташқари, айрим инсонлар ўзларининг кичик зафарларидан ҳам ўта қувониб, мағрурланиб кетадилар ва буни “океандан сузиб ўтиш”га қиёслаб бошлайдилар. Шоир ўз-ўзига тўғри баҳо бериш, ҳамжиҳатлик ва камтаринликни тарғиб қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Т.Адашбоев ижодида сатирик шеърлар кам учрайди. Юқорида таҳлилга тортилган шеърларини ҳисобга олмаганда, шоир ҳажвий шеъриятининг асосий қисмини юмористик характердаги шеърлар ташкил этадики, бу шоирнинг кулги ва ҳазилга мойил феъл-атвори билан ҳам боғлиқ. Ижодкор болаларни кўп кузатади, уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатларида учрайдиган қувноқликларни мисраларига теради. Бу борада профессор С.Матчонов шоир портретига чизгиларида С.Барноевнинг куйидаги таърифини ўринли келтиради: “Ўзбек болалар шеъриятида беғубор кулги танқис. Беғубор дейишимнинг сабаби, кўп шеърларда “қитмирлик” билан, масала шаклига, топишмоқ шаклига ўраб бериладиган ҳазил-кулгулар ҳам йўқ эмас. Болалар ёрқин табассумли кулгуни ёқтиради.

Бу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, Турсунбой Адашбоев шеърларида ҳам юмор, ҳам гўзал табиатга мафтун қилиш, ҳам бола бўлиб оламини кўриш бор. Энг муҳими, у шеъриятимизга болаларнинг беғубор ўйларини, кузатишларини, эркалашларни олиб кирди. Кичкинтойлар Турсунбойнинг шеърларида эркаланиб, янгиланиб ҳаракат қилади”⁸².

Сўнгги давр болалар мажозий ҳажвий шеъриятида фақат маърифий-ахлоқий мазмун эмас, балки ижтимоий мазмуннинг салмоғи ҳам ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бадий тафаккурдаги эврилишлар билан

⁸² Матжон С. Икки эл ардоғида. Турсунбой Адашбоев портретига чизгилар. – Тошкент: Мусика, 2009. – 34-б.

боғлиқ бу ҳолат, ўз навбатида, болалар шоирларининг давр билан ҳамнафас ҳолда ўз олдиларига катта мақсадларни қўяётганларидан ҳам далолат беради. Бу жараён болалар адабиётини янги поғонага олиб чиқади. Бу ҳол Қ.Ўтаев ва Анвар Обиджон ижодида, айниқса, яққол намоён бўлади.

Қ.Ўтаевнинг “Бегемотнинг томоғи”, “Ғийбатчилар ва сеҳргарлар”, “Чаласавод демасин”, “Асов от”, “Ваҳма қуш” каби бир туркум шеърлари шу жиҳатдан характерлидир. Қ.Ўтаевнинг қаҳрамонлари анча зукко, лекин бироз очофат. Уларнинг зукколиги хатти-ҳаракатларидаги уддабуронликда кўзга ташланса, очофатлиги ўз нафсини назорат қила олмаслиги ва ҳали жиддийлашиб кетмагани билан ифодаланади.

“Бегемотнинг томоғи” шеърда очофатлик иллатлари ҳажв тифига олинади. Томоғи оғриб филнинг қабулига келган бегемотнинг овига хартумини тикиб текширган филнинг очофатлигини касалликнинг бош сабаби қилиб кўрсатади:

*Нафс ҳатто
Унутиб жонни.
Тескари ютибсиз
Типратиконни.*

(“Ширинсўз”, 21-б.)

Шоир Бегемотнинг очофатлигини фош қилишда реал детал – типратиканни тескари ютгани ҳақидаги хабар орқали заҳарханда кулги ҳосил қилади. Очофатлик, еб тўймаслик ҳақида муайян тушунчага эга бўлган ўқувчи бундай иллатлардан ҳазар қилиши табиийдир. Шеърнинг тарбиявий моҳияти, бадиий-эстетик қиммати ҳам шунинг билан белгиланади. Типратикан тимсолининг тўғри танлангани муаллифнинг бадиий маҳоратидан дарак беради. Бу билан очофатлик иллати танқиди авж нуктага олиб чиқилади. Қолаверса, асар шаклий хусусиятлари билан ҳам болаларни чарчатмайди. Ўйноқи сатрлар, оҳанг равонлиги билан болаларнинг ёдида тез қолади.

“Аравага қўшилган от” шеърда эса дўстлик мотивлари илгари сурилган. Дўст танлашдаги хатолик оғир оқибатларга олиб келиши аравага қўшилган от тимсолида ифода этилади. Масалада адашган от охир-оқибат тутқунга айланади. Шеърда арава образи бефарқ, устига қанча юк ортса ҳам лоқайдлик билан борини отнинг елкасига ташлаб, оғирлигини унга юкловчиларнинг мажозий тимсоли бўлиб, бировлар ҳисобига кун кечирувчи кимсаларнинг ҳажвий қиёфаси сифатида намоён бўлади. Шоир болаларни ана шундай инсон бўлиб қолмасликка ўргатади. Болалар адабиётида мажознинг ўрни ҳам аҳамиятли. Кичик ёшли ўқирманлар улкан моҳият ташувчи шеърларни ўқир экан, уларнинг туб мазмунига етиб бора олмаслиги ҳам мумкин. Айнан мана шу жиҳат– мажозий-ҳажвий образлар қаламга олинган шеърлар фақат болалар учун эмас, балки катта ёшли инсонлар учун ҳам ёзилишига ишора қилиб келмоқда. Шу жиҳатдан улар умумадабиётга дахлдордир.

“Асов от” шеърдаги жилов детали ҳам нозик поэтик мазмунни ифодалайди. Шоир шеърда бир вақтлар уюрларда кишнаб, қувнаб юрган озод асов отнинг ўз тўпидан айрилиб, маҳкумга айланган ҳолатини қуйидагича тасвирлайди:

*Тайёр доим сомон, ўт
Қорнинг тўқу устинг бут.
Кўринишдан қайғунг йўқ,
Заррача ҳис-туйғунг йўқ.
Тобе бўлиб бировга
Кўниккансан жиловга.*

(“Ширин сўз”, 28-б.)

Ҳар иккала шеърдаги от образи ҳам ҳажвий мазмун касб этган. Чунки уларнинг бирови дўст танлашда адашиб эрксизликка маҳкум, иккинчиси жиловга тобе бўлиб ҳис-туйғудан маҳрум бўлган. Шу тариқа улар тутқунликка кўниккан кишиларнинг ҳажвий тимсоллари сифатида намоён бўладилар. Улар ўз тинчини ўйлаб боқимандалик кайфиятига кўниккан, лекин ҳис-туйғудан маҳрум, ўз эркини бой берган кишиларнинг аччиқ қисматини эсга солади. Ҳар иккала шеър чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлиб, кенг маънода шўро даврида халқнинг озодликка, эрка, мустақилликка интилишини акс эттириши билан юксак бадиий-эстетик қимматга эга. Эрдан маҳрум бўлган от озодлик учун курашмайди. Унинг шароитга кўникиши муаллифда аччиқ алам ҳиссини уйғотади ва “заррача ҳис-туйғунг йўқ” дея маънавий қашшоқ инсонларга қарата сўз қотади. Мазкур шеър инсонларни озодлик, эрк учун курашга чорлайди. Эрксизликка кўникиш, курашмасликдан оғири йўқ эканлигини англатади.

Қ.Ўтаевнинг бошқа кўплаб шеърларида ҳам фақат болалар шеъриятига эмас, балки умумшеъриятга хос бўлган долзарб муаммолар қаламга олинганини таъкидлаш зарур. Чунки уларда болаларга хос бўлган камчиликлардан тортиб жамиятда учровчи катта-катта нуқсонларни ҳам учратиш мумкин.

Кундалик ҳаётга фаол муносабат билдириш орқали танқид тиғини ижтимоий-маънавий иллатларга қаратиш хусусияти А.Обиджоннинг мажозий шеърларида устуворлик қилади. Шоирнинг илк ижодига мансуб “Баҳромнинг ҳикоялари” тўпламига кирган бир туркум шеърлар шу хилдаги ҳажвий роли билан ажралиб туради. Муҳими шундаки, шўро империяси ўз исканжасига олиб турган даврда ҳам шоир эрк ва ҳақсизлик, миллий ғурур ва боқимандалик ҳақида талай мажозий асарлар яратди.

Шоирнинг “Оббо каламуш-эй”, “Текинхўр”, “Эчки эчки-да”, “Йиртқич”, “Бўрининг доктор бўлгани ҳақида эртак” каби шеър ва эртаклари бадиий жиҳатдан содда, самимий, ихчам бўлиши билан бир қаторда, поэтик жиҳатдан етуқлиги, ижтимоий мазмуннинг салмоқдорлиги билан диққатга сазовор. Мисраларнинг ниҳоятда ихчамлиги, мазмунан соддалиги, болалар тасаввурига мос бўлган деталлардан фойдаланилиши мазкур шеърларнинг поэтик мукамаллигини белгиловчи асосий хусусиятлардандир. Бундан ташқари, мазкур шеърлар ўзида умумшеъриятга хос бўлган нозик мазмунни ҳам ташийдики, уларни фақат болалар учун аталган шеърлар дейиш нотўғри бўлади. “Оббо каламуш-эй” шеърига шу жиҳатдан назар ташлайлик:

*Каламушвой,
Каламуш.*

*Саводинг сал
Чаламиш.
Ёз десалар
“Темир” деб
Сен ёзибсан
“Кемир!” деб.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 20-б.)

Юқоридаги тасвирлардан шоир мажоз яратишда чаласаводлик иллатларининг бадий-эстетик ва ижтимоий мазмунини тўла кўрсатиб берувчи характерли деталларни топа олгани яққол намоён бўлади. Бу деталлар каламушнинг асл табиатига хос бўлиб, ҳам саводсизлик иллатларининг зарарли оқибатларини, ҳам каламушларнинг (каламушсифат одамларнинг) яшаш тарзини, ҳаётий тамойилларини ифодалаши билан ажралиб туради. Шоир ушбу поэтик мазмунни “темир” ва “кемир” сўзлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган қарама-қарши манзаралар орқали баён этади.

Шеърда бошқа ижодкор ёзганларида учрамайдиган мулоқот жараёни мужассам. Умуман, А.Обиджоннинг кўпгина шеърлари ана шу мулоқот хусусияти билан ўзига хос саналади. Яна бир нозик маъно ҳам шеърда яширинганки, у чаласаводликдан ҳам жиддийроқ очофатлик, нафснинг тўймаслиги билан боғлиқ. Жамиятда шундай каламушлар борки, улар “кемирувчи” ҳисобланиб, уларга “темир” деб ёзиш буюрилса ҳам, ўз ишини қилаверадилар – “кемир” деб ёзаверадилар. Шеърнинг туб моҳиятида асли шу тушунчалар ётади. Шоир бу йўл билан ана шундай инсонларни танқид қилади. Болаларни уларга ўхшамасликка ўргатади.

Бундан ташқари, асар болаларга “К” ҳарфи талаффузини ўргатишда ҳам қўл келади. Демак, унинг таълимий мақсади ҳам мавжуд. Шундай экан, ушбу шеър ўзида жамлаган мазмун ҳамда олдига қўйган вазифаси ўлароқ у умумшеърят, умумадабиёт мулки ҳисобланади.

Анвар Обиджон шеъридаги индивидуал қирралар ҳақида фикр юритар экан, адабиётшунос С.Матжонов шундай деб ёзади. “Шоир каламушнинг айтилган сўзни бошқача ёзишига гўё унинг чаласаводлигини сабаб қилиб кўрсатади. Лекин зийрак китобхон каламушнинг “темир” ўрнига “кемир” сўзини ёзишидан фаҳмлайдики, у чаласавод эмас, балки ўзининг ҳаётий принципини баён қиляпти. Маъно жиҳатдан бир-биридан тамом йироқ бўлган сўзлар зиммасига асосий ғоянинг юклатилиши, қофиядош сўзлардаги фавқулодда ҳамоҳанглик шеърнинг ғоявий-бадий таъсирчанлигига, узоқ муддат хотирамизда муҳрланиб қолишига ёрдам беради”⁸³.

Унга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, шеърнинг бадий-эстетик қимматини фақат каламушнинг ёхуд каламушсифат одамларнинг ўз ҳаётий принципини баён қилиши билан чеклаб қўймаслик керак. Бу ўринда шоир тасвирининг болалар тасаввурига мослигини ҳам унутмаслик лозим. Унда танланган детал ва услубнинг раволиги болалар уни ёд олишлари ва раво ўқишлари учун зарур.

⁸³ Матжонов С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 114–115-б.

Айрим кишиларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланадиган текинхўрлик иллати ҳақида болаларда муайян тасаввур-тушунча бўлиши табиий. Шунинг назарда тутилган шоир “Текинхўр” шеърида бировлар ҳисобига кун кўрувчи кишиларни чумчуқ ҳажвий образи орқали бадиий гавдалантиради. “Оббо каламуш-эй” шеърида каламушнинг кемирувчанлик хусусияти “темир” ва “кемир” сўзларининг контрасти асосида очилган бўлса, “Текинхўр”да қумурсқа билан чумчуқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали чумчуқнинг сатирик қиёфаси яратилади:

*Қумурсқавой
Топиб увоқ,
Терга ботиб
Тортди узоқ.
Чумчуқ келиб
Секингина,
Ютди-қўйди
Текингина.*

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 20-б.)

Адабиётшунос Қ.Қаҳрамоновнинг қайд этишича, “Анвар Обиджоннинг “Текинхўр” номли шеърининг асосий ғояси текинхўрликни фош қилиш. Шоир нуқтаи назарида текинхўр бировларнинг ҳалол меҳнати, пешона тери билан яратилган нарсаларни осонгина ўзлаштириб, ўзиники қилиб олади. Мана шу ҳаётий фалсафанинг бадиий талқинида болалар дунёси ўз аксини топган. Маълумки, болалар чумолини ҳам, чумчуқни ҳам деярли ҳар куни кўриб-билиб юради. Бироқ уларга хос бўлган хусусиятларни шоир талқинидагидек ажрата олмасликлари мумкин. Сарлавҳа танлашда ижодкорнинг устамонлигини шеърни сарлавҳасиз тасаввур қилганда мазмун тўла ангишилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Муаллиф талқинидаги соддалик, конкретлилик, воқеабандлик, топқирлик ҳаётдаги характерларни болалар учун реаллаштиради”⁸⁴.

Дарҳақиқат, Анвар Обиджон сатирик образлар яратишда воқеабандлик ва кўргазмалиликка катта эътибор беради. Ундаги воқеаларнинг, манзара-ю тасвирларнинг конкретлиги китобхон тасаввурларини тиниклаштиради. Бу ҳол ижодкор адабий-эстетик ҳамда фалсафий концепциясининг болалар онгига тез сингишига олиб келади. Энг муҳими, зийрак китобхон текинхўрлик иллати ҳақида муайян хулосалар чиқаради.

Бу борада болалар адабиётининг тадқиқотчиларидан бири Р.Баракаев эътироф этганинидек, “Истиқлол даври ўзбек болалар шеърлятидаги ҳажвий-юмористик ва мажозий шеърят тараққиётида бугунги болалар адабиётимизнинг том маънодаги етакчи намоёндаси Анвар Обиджон асарлари алоҳида ўрин тутди. Шоир “Булбулнинг чўпчаклари”, “Кумуш уй”, “Турундаги гаплар”, “Ғалати мактублар”, “Ажойибхона”, “Игналарим чиройли”, “Менинг коллекциям”, “Ширин сўйлар жажживойлар”,

⁸⁴ Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 44–45-б.

“Каламушлар кемаси” каби туркумларига кирган кўплаб шеърларида ҳажв ва мажознинг ажойиб намуналарини яратади”⁸⁵.

Тадқиқотчининг фикрича, бу шеърлар ҳоҳ турли жонзотлар тилидан мажозий йўлда, ҳоҳ болакайларнинг ўзига хос ширин тилларида, баъзан китобхонларни ўйлатиб қўядиган, кечаги куннинг ғам-андухли манзараларини кўз олдига келтириб, эрк, истиқлол туйғуларини мажоз пардаси остида тасвирлаши билан характерлидир. Мунаққид ушбу нуқтаи назардан бир туркум шеърларни таҳлилга тортиб, уларда мажозий образлар қатига яширинган ижтимоий мазмун “...истибдод тиғи остида бўйни эгилган, лекин доимо эрк ҳис-туйғулари қалбини тарк этмаган халқимиз тимсоли рамзларга ўралган ҳолда...” ифодаланишига эътиборини қаратади. “Кумуш уй” туркумидаги “Яйловни соғинган қўй”, “Ака-ука”, “Учинчи полапон”, “Янтоқ ҳақида қўшиқ”, “Елпиғичга ёзилган шеър” каби қатор шеърлар таҳлилга тортилар экан, уларда зоҳиран мажозий образларнинг сатирик қиёфаси тасвирланаётгандек туюлса-да, аслида шўро даврида халқимиз бошига балойи азим бўлган тутқунлик психологияси фош қилинаётганлигини ишонарли далиллайди. Бу ҳажвнинг яна бир характери – ижтимоий умумлашмалар чиқариши билан изоҳланади:

“Эҳтимол, ёш китобхон бу имо-ишораларни тўла тушунмас, бироқ масал кўринишидаги (рамзлар, тимсолларга асосланган) асарлар шуниси билан ҳам характерлики, улардан ҳар бир китобхон ўзига керакли нарсани уқиб олади. Барча ёшдаги китобхонларга мўлжалланган бундай асарлар шу боисдан ҳам мазмунан кўп қатламли бўлади”⁸⁶.

“Булбулнинг чўпчаклари” туркумидаги “Ажойиб хонага марҳамат” шеърига жон бахш этиб турадиган ҳолат ҳам ҳар бир жонзотнинг ташқи кўринишига мувофиқ ўхшатиш билан тасвирланишида акс этишига ҳам олим томонидан муносабат билдирилади.

Ҳақиқатан ҳам, шеърни ўқиган ҳар бир китобхон, мунаққид таҳлил этганидек, Бегемотнинг бурниқумғонга, Жирафанинг бўйни нарвонга, Бақанинг бужмайган башараси қалампир еган, оғзида тиши йўқ кампирга, Ҳакканинг ташқи кўриниши тўнининг ола-булалигига, хўтикнинг фаросатсизлиги ўт билан гулнинг фарқига бормайдиган жонзотга ўхшатилиши; Жиблажибоннинг кийим-боши ранго-ранг, ўткир тумшуғи зарангдай “қаттиқ, Шоқол шернинг қадам товушидан кўзини панага уриб кетиб, қоплон эса тирноғини чархлаш билан ўз қиёфасини фош этиш манзаралари тасвири ва уларнинг ташқи қиёфасидаги теша тегмаган ўхшатишлар воситасида табиий акс эттирилгани боис кичик китобхоннинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади”⁸⁷.

Фақат бўғин эмас. Шоир ушбу тасвирлар орқали мазкур мажозий образларнинг халқ оғзаки ижодида узоқ даврлар мобайнида шаклланган ва болаларга яхши таниш бўлган сатирик қиёфасини сақлаган ҳолда уларга

⁸⁵ Баракаев Р. Жонажоним, шеърият. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 37–38-б.

⁸⁶ Баракаев Р. Жонажоним, шеърият. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 43-б.

⁸⁷ Баракаев Р. Жонажоним, шеърият. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 39-б.

янгича поэтик мазмун ва маъно бахш этаётгани билан ҳам қимматлидир. Жумладан, каламуш, чумчук, чумоли, ўргимчак, бўри, эчки ва бошқа кўплаб мажозий-ҳажвий образлар халқ оғзаки ижодига хос бўлган мотивлар асосида яратилмоқда. Бўри – ёвузлик, очкўзлик, Каламуш – ташмачилик, Чумчук – айёрлик ва текинхўрлик, Чумоли – меҳнаткаш, баъзан мақтанчоқлик тимсоли сифатида тасвирланганлигини кузатиш мумкин. Бу ижодий анъана икки асосга эга бўлиб, биринчидан, кичкинтойлар ҳайвонот оламига, умуман, турли жонзотларга ўта қизиқувчанлик билан қарасалар, иккинчидан, инсонларга хос иллатлар ўша жонзотларнинг феъл-атворларига ўхшатилиши туфайли кичик китобхоннинг ундан ўзига тегишли хулоса чиқариши қулай бўлади. Қолаверса, ушбу ўхшашликлар болаларнинг ўз кузатувларида, хоҳ жонли ёки бошқа тарзда бўлсин, ўз тасдиғини топган бўлади. Масалан, болалар чумолининг тинимсиз меҳнат қилишини кун давомида кузатади ва шеърлардаги бадийлик ҳаёт ҳақиқатини тўсиб қўймайди.

Қ.Ўтаевнинг ҳажвий шеърларида ҳам юқорида таҳлилга тортилган шеърларга муайян ҳамоҳанглик, уйғунлик мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, “Чумолилар” шеърида Т.Адашбоевнинг “Мақтанчоқ чумоли” шеърига мазмунан ҳамоҳанглик сезилса, “Тан олиш” шеърида А.Обиджоннинг “Оббо каламуш-эй” шеъри концепциясига уйғунликни кўрамиз. Т.Адашбоев шеърида сувда оқиб бораётган чумоли толчивиққа илашиб чиқиб, океандан сузиб ўтдим, деб мақтанса, Қ.Ўтаев шеърида тарвузнинг бир палласида оқиб бораётган юзлаб чумолилар бизнинг кемамизни бўрон ҳам ағдаролмайди, деб мақтанишади. Шеърда танланган деталлар ҳам ўқувчида енгил кулги уйғотади. “Тан олиш” шеърида куйидагича тасвирга дуч келамиз:

*Жажжи болам, исмингни айт,
Деса бобо Каламуш,
Соқовланиб жавоб берар:
– Исмин менинг Галамус.*

(“Ширинсўз”, 38-б.)

Кўринадикки, А.Обиджон шеърида Каламуш “кемир” деб ёзиб, ўзининг ҳажвий қиёфасини намоён қилаётган бўлса, Қ.Ўтаев талқинида болаларча соқовланиб, исмини нотўғри айтиш тасвири орқали ғаламислик илллати фош қилинмоқда. Бу икки сўз талаффузидаги ўхшашлик айнан болалар нутқи орқали кашф қилинмоқда.

Шоирнинг “Эчки эчки-да” шеърида эса сатанглик даъво қилган эчкининг ҳажвий қиёфаси ўзига хос кулги воситасида очилади. Асарда сап-сарик костюмда, гулдор кўйлак, кўк чорик кийиб башанглик қилган эчки куйидагича тасвирланади:

*Туя уни танимай
Деди: “сиз кимсиз?”
Сатанг эчки уялиб
Туради... Шимсиз.*

(“Ширинсўз”, 21-б.)

Анвар Обиджоннинг халқ оғзаки ижоди руҳида яратилган “Бўрининг доктор бўлгани ҳақида эртак” асарида йиртқич бўрининг ўрмонга доктор бўлиши ва ундан кейинги фаолияти заҳарханда кулги билан фош этилади. Сохта “доктор” олдига касал бўлиб келган қуён ва тўнғизни даволайман дейди-ю лекин аслида ейишни кўзлайди. Бироқ унинг бу “қобилияти”ни сезибқолган қуён билан тўнғизча жуфтакни ростлаб қолишади. Шу пайт келган тулки эса унга ем бўлади. Бўри беморни қабул қилиш дафтарига қуйидагиларни ёзиб қўяди:

Тулки келди нотетик.

Аҳволи оғир экан,

Чора топмадик...

Едик!

(“Баҳромнинг ҳикоялари”, 25-б.)

Бўрининг олдига иштаҳаси йўқлигидан шикоят қилиб шер ташриф буюради. Бўри унга хушомад қилиб витамин зарурлигини, витамин эса семиз ҳайвон гўштида бўлишини айтади. Бу гапни эшитган шер узоқ ўйлаб ўтирмасдан қуйидагича қарорга келади:

Қўлдан берсам имконни,

Сўнг юрарман армонда.

Сендай семиз ҳайвонни

Топиш мушкул ўрмонда.

Қолдирмайин мен ҳам

Табибларнинг сўзини

Тотмоқчиман ҳозироқ

Витаминнинг тузини.

Шу тариқа йиртқич бўри шерга “витамин” бўлиб кетади, ҳайвонлар ўзларига беозор қуённи доктор қилиб сайлайдилар.

Ҳажвий образнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар

Кулги сатира ва юморда ҳам ўзининг ҳаётий асосларига эга. Комик нарсалар бадиий асарда кулги ёрдами билан юмористик характерда ифодаланиши ёки уларнинг характери, мазмун-моҳиятига қараб сатирик тусда берилиши мумкин. Реал ҳаётдаги комикликнинг кўринишлари, унинг даражаланиш шакллари, моҳияти сатира ва юмор характери ҳамда хилларини белгилайди.

Сатирада ҳам, юморда ҳам кулги кўзғайдиган омил шакл билан мазмундаги зиддият туфайли бўлади. Зеро “...кулгили нарсанинг асосида ғоя билан шакл ёки шакл билан ғоя ўртасидаги номувофиклик, зиддият ётади”⁸⁸. Ушбу мазмун шеърдаги шакл ва мазмунга алоқадор бўлмай, жамиятдаги моҳиятни тақозо этади. Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида олиб қаралганида,

⁸⁸ Белинский В.Г. Собр. соч. в 3-х. т. – Москва: 1948. Т. – С. 238.

ўз ҳолича кулги уйғотмайди. Ўтган фаслда таҳлил этилган шеърлар бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Сўнгги давр болалар шеърлятида қувноқ юмор воситасида мажозий образ яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Сатирик образ яратишдаги каби юмористик образ яратишда ҳам мажоздан, поэтик кўчимлардан унумли фойдаланишга эътибор кучайди. Бироқ сатирик образ яратишда, кўриб ўтилганидек, кўпроқ эртак, ҳикоят ва ривоятларда сатирик тимсол даражасига кўтарилган бўри, тулки, каламуш, қарға, чумчуқ каби ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар образидан фойдаланилса, юмористик образ яратишда турли хил жониворлардан ташқари дов-дарахтлар, ўсимликлар олами, ҳар хил предмет, турли ҳодиса ва муносабатларга ҳам мурожаат қилинади. Уларнинг мажозийлашган юмористик қиёфасини яратишда поэтик кўчим, мажозий ва рамзий тасвирларга кўп эътибор қаратилади. Айниқса, А.Обиджон, Д.Ражаб, А.Акбар, Р.Назар, У.Шукуров каби шоирларнинг бу борадаги изланишлари характерлидир.

Анвар Обиджоннинг “Жуда қизик воқеа” номли шеърй тўплами бошдан охир шу типдаги юмористик шеърлардан ташкил топган. Шоирнинг ўзи ҳам китобнинг дебочасидаги: “Муаллифдан” қисмида “...болаларнинг дунёси, она табиат нафаси, турли буюм ва жонзотларнинг сирли олами ҳақида иложи борича қувноқроқ тарзда сўз юритишга қаракат қилдим”,⁸⁹ деб ёзади. Тўпламдаги “Хабар сотувчи” шеърини ўқигандаёқ бу ҳолни яққол ҳис этиш мумкин. Мазкур шеър халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонларидаги шаҳар кезиб турли-туман молларни сотиб юрувчи атторлар кўшиқлари усулида ёзилган бўлиб, қувноқ юморга бойдир.

Янги гаплар сотаман,

Эски гаплар ҳам.

Болажонлар кеп қолинг,

Қолди жуда кам.

(“Жуда қизик воқеа”, 41-б.)

Шу тариқа қувноқлик билан бошланган шеърда турли-туман ҳайвонлару паррандалар, жониворлар ҳақидаги “эски-янги гап”лар “арзон баҳо”га сотилиши таъсирчан манзараларда тасвирланади. Бунда “янги гап”ни кепаксиз унга, эскисини пуч ёнғоқ ва совунга “алмашиши”дан тортиб, каптарнинг тушида бургутни еб қўйишигача, тулкийвойнинг битта хўрозни тутиб келиб бўрига ҳиринглаши-ю, ҳазилни унча хуш кўрмайдиган бўрининг аввал хўрозни, кейин тулкининг ўзини ейишигача, уч йил бир синфда ўқиган эшакнинг айиқни “саводсиз” деб ҳақорат қилишигача, хуллас, кўплаб мажозий образларнинг хилма-хил юмористик руҳ билан йўғрилган қиёфаларини кўрамиз. Шоир қисқа сатрларда ҳар бир мажозий образнинг ўзига хос характерини қувноқ кулги воситасида яратишга эриша олган. Шеърда халқ оғзаки ижоди анъаналаридан унумли фойдаланилиши асарнинг яшовчанлигини таъминлаган. Жумладан, қуён образини яратар экан, шоир

⁸⁹ Обиджон А. Жуда қизик воқеа. – Тошкент: Чўлпон, 1987. – 3-б.

унинг халқ орасида кўрқоқ сифатида шаклланган тимсолини фольклор оҳангларига мос шаклда куйидагича тасвирлайди:

Куён терисини ёпиниб юриб.

Ҳушдан кетди, кўзгуда

Ўз аксин кўриб.

(“Жуда қизиқ воқеа”, 32-б.)

Мазкур шеърӣ тўплам бир нечта туркумни ўз ичига олган. “Далалардан – болаларга” деб номланган биринчи туркум ўсимликлар олами ҳақидаги юмористик шеърлардан ташкил топган. Туркумдабуғдой, пахта, сабзи, тарвуз, узум, ўрик, шолғом, анжир, пиёз, қалампир, ҳандалак каби кўплаб полиз маҳсулотлари ва мева-чевалар ҳақидаги шеърлар жамланган. Туркум номидаги далалар сўзи шеърлар давомида ўзини оқлайди. Унинг болаларча содда сўзлар билан қофияланиб, оҳангдорлик ҳосил қилиши ҳам аҳамиятли.

Маълумки, ўзбек болалар шеърӣ тарихида мазкур шаклда кўплаб шеърлар яратилган. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Табиат алифбеси” туркумига кирувчи дов-дарахтлар, ўсимликлар, мева-сабзавотлар, табиат ҳодисалари ҳақидаги шеърлари бунинг ёрқин мисолидир. Шоир бу типдаги шеърларида ҳар бир ўсимлик ёки мева-чева, дов-дарахтларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ранги, таъми, тузилиши, шакли тасвири орқали катта бадиӣ-эстетик ва маърифӣ маъно чиқаради.

“Болаларнинг отахон шоири Қуддус Муҳаммадий, – деб ёзган эди бу ҳақда академик М.Қўшжонов, – табиат ҳодисаларини тасвирлаганда ўзининг умум анъаналарига содиқ. У табиатдаги предмет ва ҳайвонлардан ҳам болаларнинг онг савиясига мос маъно ахтаради. Табиат ҳодисаларининг сирини болалар онги ва савиясига мос равишда ифода қилиш йўлини топади. Бу ерда ҳам Қуддус Муҳаммадийга халқ оғзаки ижоди оҳанги ва мезони қўл келади”⁹⁰.

Атрофимиздаги олам тасвиридан болалар табиатига оид маъно чиқариш, муҳими, поэтик мазмунни кичкинтойлар қалбига ниҳоятда яқин бўлган халқ оҳанглари усулида яратиш Қуддус Муҳаммадий ижодий анъаналарини муваффақият билан давом эттирган Анвар Обиджон ижодига ҳам хосдир.

Анвар Обиджоннинг поэтик маҳорати шундаки, Қуддус Муҳаммадий яратиб кетган ҳар бир образга қайта қўл урар экан, унинг янги, оригинал, қувноқ юморга бой бўлган янгича қиёфасини қисқа, ихчам, поэтик кўчимларга бой мажозий образ даражасига кўтара олади. Шоир ижоди юзасидан олиб борган тадқиқот ишида З.Маматалимов томонидан Анвар Обиджоннинг ҳажвий асарлари озиқланиб турадиган асосий манбалар шартли равишда уч тармоққа ажратиб тасниф қилинади:

1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди анъаналари.
2. Ёзма адабиёт анъаналари.
3. Фарғона аскиячилиқ мактаби анъаналари.

“Мешполвоннинг жанглари”, “Қоринботир” дostonларининг тил хусусиятлари, сюжет қурилиши, сажли ифодалар, топишмоқ, тез айтиш, халқ

⁹⁰ Қуддус Муҳаммадий. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 23-24-б.

мақолларининг муайян поэтик вазифа учун хосланиши ёхуд тасвирда муболаға, жонлантириш каби воситалар етакчилик қилиши Анвар Обиджон шеъриятида халқ оғзаки поэтик ижодининг ўрни нақадар салмоқли эканлигидан далолат беради”⁹¹. Масалан, “Сабзи” шеърида унинг поэтик образи қуйидагича намоён бўлади.

*Юпқагина
Пўстим бор,
Далада кўп
Дўстим бор.
Топишмоқда
Ёзиқман.
Ўша “Олтин
Қозиқ”ман.
Ётсам
Ерга қапишиб,
Думгинамдан
Тортишиб,
Ташиладилар ўрага.
Салом
Паловтўрага!*

(“Жуда қизиқ воқеа”, 8-б.)

Шоир сабзи образини китобхонлар тасаввурида жонлантиришда ўзига хос тасвир усуллари билан, қофия санъатидан унумли фойдаланади. Халқ топишмоғини эслатиш билан унинг кўринишини болалар ёдига туширса, “пўстим”, “дўстим”, каби қофиялар орқали бадииятнинг таъсирчанлиги ва қувноқлигига эришади. Айниқса, шеърнинг “Ётсам ерга қапишиб, думгинамдан тортишиб” каби мисралари юмористик кулги ҳосил қилса, “Салом Паловтўрага!” мисралари уни реал ҳаётга яқинлаштиради, болалар руҳиятига ўзига хослик олиб киради. Қолаверса, топишмоқда ёзиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб, жавобини барча болалар билган ўша “Олтин қозиқ” айтиб ўтилади ва бу шеърга ўзига хос безак бўлади. Мазкур шеърда ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналари билан уйғунликни кўриш мумкин.

“Тарвуз” шеърида: “Роса қорин қўйдим мен”, дея тарвузнинг юмалоқлиги юмор билан ифодаланса, “Шолғом” шеърида редиска ҳали ёш бўлгани учун шошиб баҳордаёқ пишар, деб хабар берган шолғом “Мен шошмайман, беғамман. Шунинг учун Шолғомман”, дея қувноқ қаҳ-қаҳа ҳосил қилади. Умуман, сабзавотларнинг хусусиятлари уларнинг ташқи кўринишларига мос тарзда очиқ берилади.

Шоир ҳар бир шеърида мева-чева, полиз маҳсулотларининг поэтик вариантини яратар экан, улар портрети, табиатига хос бўлган ташбеҳлардан, образли тасвирлардан моҳирлик билан фойдаланади. Уларни хос хусусиятлари билан бир чизиқда олиб боришга ҳаракат қилади. Чунончи,

⁹¹Маматалимов З. Анвар Обиджон шеърятининг бадиий-маърифий хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 21-б.

“Анжир” шеърида унинг гулламай мева тугишини таърифлар экан, “Тиллоранг ликопчадир”, деган оригинал ўхшатиш санъати орқали меванинг бадиийлашган образини китобхон кўз ўнгида намоён қилади:

Вўддаймайман

Сипоман.

Кўп дардларга

Шифоман.

(“Жуда қизик воқеа”, 9-б.)

Ушбу мисралардаги юмористик оҳанг (“Вўддаймайман, сипоман”) анжирнинг етакчи хусусияти (“кўп дардларга шифоман”)ни очишга хизмат қилади. Анжирнинг сиполиги, унинг ўддаймаслиги болалар учун ажойиб топилма бўлади.

Шоир юмористик оҳанг ва кулгини ҳар бир образнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб яратади. Масалан, “Қалампир” шеърида қалампирнинг характер хусусияти рангининг қизиллиги ва аччиқлигига урғу қаратилиши орқали юмористик образ даражасига кўтарилади. Шеърда ўзининг “эски касали асаби чатоқроқ” эканини айтган қалампирнинг юмористик портрети қуйидагича чизилади:

Чиқса бирдан аччигим

Тутиб юрак санчигим,

Япроқларим

Гезарар

Бурним дарров

Қизарар.

(“Жуда қизик воқеа”, 11-б.)

Шеърдаги образнинг бошдан оёқ мажозийлашиши, унинг жаҳлдор инсонлар табиатига хос хислатлар билан тасвирланиши ёш китобхон тасаввурида, бир томондан, қалампирнинг поэтиклашган юмористик образини намоён қилса, иккинчи томондан, ўзлари ҳаётда кўриб-билиб юрган баъзи жаҳлдор, асабий одамларни кўз ўнгига келтиради. Бинобарин, шеърдаги қалампир образининг шу тариқа поэтиклаштирилиши китобхоннинг кулгисига сабаб бўлиб, завқини келтириш билан бирга шеъриятга, бадиий ижодга бўлган меҳр-муҳаббатини ҳам ошириб, эстетик дидининг шаклланишига хизмат қилади. Шоир болаларни қалампирнинг янги-янги хусусиятлари билан таништиришда жонлантириш санъатини унумли қўллайди, табиатидаги аччиқликни унинг жаҳлдорлиги билан уйғунлаштиради.

“Пиёз” шеърида ҳам шундай хусусиятни кўриш мумкин. Шеърда поэтиклашган сабзавот ерга бекиниб олса ҳам уни топиб олиб чопишлари, бундай бедодликдан пиёз йиғламаса ҳам, ошпазларнинг ўзлари роса йиғлашларидан хайронлиги кулгили тарзда баён қилинади. Мазкур поэтиклашган манзара пиёзнинг аччиқлигини билган болаларнинг қувноқ қаҳқаҳасига сабаб бўлади, айни чоқда, нафақат сабзавотга, балки уни тўғраётиб кўз ёшларини тия олмаётган ошпазларга ҳам маълум муносабат ҳосил қилади. Шоир юмористик образлар яратишда турли хил ташбеҳлардан

моҳирлик билан фойдаланади. Унинг шеърлари оралаб сайр қилар экансиз, сабзавотлар, мевалар, умуман, ўсимлик дунёси чиндан ҳам гапира олармикин деб ўйлаб қоласиз, ҳатто шеърдаги жонлантириш санъати ҳаётга кўчгандек бўлади.

“Анор” шеърида поэтик образларни ҳатто меванинг оқ пардали хоналари мисолида жонлантирилганида ҳам кўриш мумкин:

*Ҳар донаси бир аскар.
Бир қалъада
Минг лашкар.
Ётадилар
панада –
Оқ пардали
Хонада.*

(“Жуда қизик воқеа”, 17-б.)

“Кунгабоқар” шеърида:

*Кулча юзим Ойтовоқ,
Ойтовоқмас, мойтовоқ.
Мойтовоқда
Пистача,
Роса тўққиз юзтача.*

(“Жуда қизик воқеа”, 20–21-б.)

дея ташбиҳ санъатидан фойдаланади. Бунда шоирнинг топишмоқмонанд поэтик топилмаларини кузатиш мумкин.

Т.Адашбоевнинг шоир маҳоратига оид айни мулоҳазалари ҳам шунга дахлдордир: “Миршариф бекорчи” шеъри ана шундай масхаралама асосида ёзилган бўлиб, унда масхара қилишдан бошқа иши йўқ ишёқмас боланинг образи ёрқин ифодаланган. Бу шеърда одатдаги фольклор сюжетларидан фарқли ўлароқ танқид бевосита масхаралама айтилаётган объектга қаратилган:

*Фарҳод чўмилар,
Сувга кўмилар.
Тилини чиқариб,
Эрмаклар Миршариф.
“Фарҳод – пароход
Фарҳод – пароход”.
Тер тўкиб шаррос
Сув ташир Парвоз.
Тилини чиқариб,
Эрмаклар Миошариф.
“Парвоз – паровоз,
Парвоз паровоз”⁹².*

Тўпламдаги бошқа туркумларда ҳам шундай маҳорат билан яратилган юмористик шеърлар кўп учрайди. Шеърларни туркумларга саралашда ҳам

⁹² Адашбоев Т. Уч бўталоқ ва сирли қовоқ. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – 26-б.

шоирнинг усталиги кўзга ташланади. Жумладан, “Ажойибхона”, “Кулчалар”, “Сиз эшитмаган қўшиқлар” каби туркумлардаги шеърлар шу жиҳатдан характерлидир. Шоир бу шеърӣй туркумларда турли хил ҳайвонлар, жониворлар, кийим-кечак, предметларни жонлантириб, уларнинг мажозӣй образини яратади. Муаллиф маҳорати ҳар бир образни унинг ўзига хос хусусияти, белгиси, ранги, таъми, тузилиши ёки бошқа жиҳатларини зукколик билан топилган бадий деталлар, савол-жавоблар, диалогик нутқ воситасида яратишида намоён бўлади. Бу ҳол болалар учун шеърда қаламга олинганнарсалар предметлар образини қиёслаш орқали тез тасаввур қилиш имконини беради. Дастлабки мисраларданок болалар шеърнинг сарлавҳаси бўлмаган тақдирда ҳам гап нима ҳақида бораётганини аниқ топа оладилар, унинг янги характер-хусусиятларини ўзлари учун кашф этадилар. Масалан, “Зўравонлик” шеърда сифатлашларнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин. Унда очкўз, сурбет каналар ювош ола Сигирга қуйидагича дўқ уриб хат ёзишади:

Шартимиз бор.

Кўнмасанг,

Кўрсатамиз кунингни.

Биз қонингни сўрган пайт,

Ўйнамай тур думингни!

(“Жуда қизик воқеа”, 35-б.)

Ушбу ўйноқи ва қувноқ сатрлардан болаларнинг сурбет каналар ҳақидаги тасаввурлари кенгайиши баробаридасигирларнинг ўзларига жуда таниш бўлган дум ўйнатишларига доир янги поэтик мазмун билан танишадилар. Сигирнинг думини у ён-бу ён уриб силкитиб туриш одати янгича маъно, яъни мажозӣй мазмун билан бойитилган. Болаларнинг жониворларга бўлган муносабатида ҳам мазкур жараён янги бурилиш ясайди. Энди улар сигирларга бироз ачиниш кўзи билан қарай бошлайди. Жониворнинг танасини сўриб ётган каналарга нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлади. Ушбу образларни рамзий тимсоллар ўлароқ таҳлилга тортиш ҳам мумкин. Кичкинтойлар бунда катта ҳаётда “қон сўрувчи, текинхўр” бўлмасликка даъват қилинади. Уларга юмшоқ кўнгил инсонларни асрашдан ҳам сабоқ берилади.

3.Маматалимовшоир ижодига хос ҳажвий шеърларнинг бадий-эстетик хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, ҳажвий қаҳрамонлар фақат кулги ҳосил қилиш учунгинаэмас, балки қуйидаги дидактик мақсадларни кўзлаб яратилишини ҳам таъкидлайди:

“болалар характеридаги ёлғончилик, қизғанчиқлик, очкўзлик,мақтанчоқлик, чақимчилик, худбинлик каби иллатларни бартараф этиш;

илмсизлик, қолоқлик қораланиб, ёш китобхонни билим сирлари, фан-техника ютуқларидан бохабар бўлишга чақириш;

мажозӣй характер касб этувчи қаҳрамонлар иштирокидаги сюжет курилмаси орқали халқимизнинг шонли тарихини улуғлаш;

болаликнинг беғубор олами, борлиқни бола хаёли ёрдамида идрок этиш орқали ҳис этилган ҳайратни ифода этиш;

баркамол авлод, уларнинг жисмоний, рухий-маънавий, ақлий салоҳият жиҳатидан бошқа миллатга мансуб тенгдошларидан асло қолишмаслигини тараннум этиш ва ҳ.к.

Умуман олганда, комизм Анвар Обиджон шеърятининг ўзига хослигини кўрсатувчи, ўқувчини оҳанрабодай ўзига тортиб турувчи асосий унсурлардан бири. Шоир хилма-хил усуллар ёрдамида комик ҳолат яратар экан, энг аввало, кулгининг болани овутиб, ўйнатувчи, сўнг мулоҳазага чорлаб, ўйлатувчи кучидан жуда унумли фойдаланганига амин бўламиз”⁹³.

“Бошма-бош” шеърида эса ўзларига таниш бўлган “Шара-бара” манзарасини эчки мажозий образи орқали кўришлари болаларда ўзгача бир завқ ҳосил қилади. Улар ҳаётдаги “Шара-бара”да эътибор бермаган юмористик ҳолатлар мазкур шеърда нозик идрок этилганидан ҳайратга тушишади. Бунинг асосий сабаби эчкининг “Шара-бара”чи сифатида танланганлигидир. Агар эчкининг ўрнига бошқа ҳайвон образи танланганда шеър бу даражада муваффақиятли чиқмаслиги мумкин эди. Бу жиҳат ҳам шоирнинг ютуғи сифатида таҳсинга сазовор:

*Бўйнин чўзиб қичқирганча
“Шара, бара-а!” кўча кезар
эчки эшак аравада.*

*Дер:
– Болалар,
Зор эмасман
Чой пулига.*

Пуфакларни алмашаман кўк сулига.

(“Жуда қизиқ воқеа”, 36-б.)

Эчкининг бўйнини чўзиб “Шара, бара-а!” деб қичқириши жуда топиб қўлланган поэтик тасвирдир. Бу ўринда жонлантириш орқали жониворнинг юмористик образи яратилиши баробарида китобхоннинг кўз ўнгига эчкининг бўйнини чўзиб “ба-а” деб маъраши ҳам келадики, бу ҳол тасвирнинг маънодорлигини таъминлашга хизмат қилади, шеърнинг бадиий эстетик қимматини оширади. Зеро, шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари ўта жиддий вазиятни кулгили ва айни чоқда, ҳаққоний ва тагдор қилиб тасвирлашида намоён бўлади. Шу боисдан ҳам “Анвар Обиджоннинг ижтимоий характердаги шеърлари кўп қатламлилиги билан яққол ажралиб туради. Уларни болалар ҳам, катталар ҳам қизиқиб ўқийдилар ва маънавий маъноларни ўз мушоҳадалари доирасида дилга сингдирадилар. Шоир “Парварда”, “Йиртқич” каби шеърларида кичкинтойларнинг дунёни англашга интилиш жараёнларидаги катталар билан тўқнашуви, ота-оналар ва болаларнинг баъзан бир-бирларини тўғри тушунмаслиги боис содир бўлувчи турли англашилмовчилик оқибатида келиб чиқадиган драматик ҳолатларни кулгили тарзда кўрсатади”.

⁹³Маматалимов З. Анвар Обиджон шеърятининг бадиий-маърифий хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 24-25-б.

Дилшод Ражабнинг бир туркум шеърларида ҳам Анвар Обиджон шеъриятига хос бўлган анъана, хусусан, айрим образларнинг давом эттирилганини кузатиш мумкин. Анвар Обиджон ўз шеърларида Қуддус Муҳаммадийнинг поэтик анъанасини давом эттириб, уни жанр ва шаклига кўра муайян даражада янгилаган ва юмористик оҳанг билан бойитган бўлса, Дилшод Ражаб ҳам мазкур анъаналарнинг янги-янги қирраларини кашф этади. Бугунги кунда шоирнинг шеърлари болалар учун ўқишли, янгиликларга бой бўлиб турибди. Шу жиҳатдан “Ҳазилкашлар даврасида” шеърӣ дастаси характерлидир.

Анвар Обиджон шеърларида уч йил бир синфда ўқиган эшак айикни “саводсиз” деб ҳақорат қилиб кулги уйғотса, Дилшод Ражабнинг “Эшак” шеърӣда китобхон қаҳрамон характеринингянги қирралари билан таништирилади.

*Кўрдим ярим дунёни
Айтсамсизгаростинман
Ўқимаган бўлсам-да,
Эмасман хор, бетайин.
Обрўйимиз ҳеч қайга
Менсиз бормас хўжайин⁹⁴.*

Анвар Обиджон шеърӣда эшак фаросатсиз қилиб тасвирланган бўлса, Дилшод Ражаб асарида унинг фаросатсизлиги устига мақтанчоқлиги ҳам кўшилади ва шу тариқа юмористик кулгининг таъсири янада куюқлаштирилади. Бу билан обрў деган янги сўз болалар луғат бойлигига кириб боради ва шеърда бор имкониятлари билан бўй кўрсатади. Обрў орттириш қай йўсинда бўлиши кераклиги ҳақида болаларга илк тасаввурларни тақдим этади.

“Жасур пиёз” шеърӣда ҳам шундай оҳангдорликни кўриш мумкин. Анвар Обиджоннинг юқорида таҳлил этилган “Пиёз” шеърӣда сабзавотни тўғраган ошпазлар йиғлаган бўлсалар, Дилшод Ражаб талқинида унга нисбатан “зўравон”ликлар янада кучайтирилиб, бўрттирилади:

*Аввал шилдилар пўстин,
Сўнг кесдилар майдалаб.
Ачишди ширин жони
Лекин жим турди чидаб.
Ўзлари беролмай бардош,
Тўкишди кўзлардан ёш.*

(“Энди зерикмайман”, 48-б.)

Этибор берилса, шеърнинг ҳар бир мисрасида пиёз тўғраш жараёнидаги хатти-ҳаракатлар тасвири (“пўстини шилмоқ”, “майдалаб емоқ”, “ширин жонига ачиши”, азобловчиларнинг ўзлари чидаёлмайдўз ёш тўкишлари) поэтиклашиб, қийноқларга мардонавор дош берган варакибларини йиғлатган пиёзнинг бадийӣ образи яратилади. Болалар адабиётӣда пиёз образи билан

⁹⁴ Isomiddinov Z., Rajabov D. Endi zerikmayman. – Toshkent: Yulduzcha, 1991. – 53-b. (кейинги мисоллар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

ёнма-ён келувчи ҳаракат йиғи эканлигини бир қанча мисолларда кўриш мумкин. Лекин ушбу унсурлар барча шоирлар ижодида турлича жилваланади.

Дилшод Ражаб табиатан юмористик шоир. У қисқа сатрларда кутилмаган, фавқулодда топқирлик билан нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини очади. Жумладан, “Хирмон” шеърида ҳам “Жасур пиёз” шеъридаги каби меҳнат жараёнийб поэтиклаштириб ўзига хос бадий манзара яратади. Бунда хирмон ҳозирлашда ишлатиладиган кетмон, ўроқ, хаскаш, паншахакаби меҳнат куруллари ўз вазифасига мос равишда кўрсатилиб, меҳнат жараёни қувноқ, сўз ўйинларига бой тарзда акс эттирилади. Шеърда тасвирланишича, Кетмон ой буғдойни экиб, парвариш қилади. Буғдой пишиб етилгач, ўроқ уни ўриб олади. Хаскаш ўрилган буғдойни тўплаб хирмон қилади. Худди шу пайт паншаха пайдо бўлади. Шоир китобхон тасаввурида ушбу манзарани қайта жонлантириб, унга янгича маъно юклайди:

*Хаскаш тўплади барин,
Хўп ҳам бўлди ҳайдалиб
Ўроқда йўқ... Паншаха
Ҳозир бўлди қайдандир.
Оғримаганда бели
У оч-юпун қолғурнинг!
Шунча хирмонни, келиб
Зумда элга совурди.*

(“Энди зерикмайман”, 50-б.)

Шоир халқ кўшиқларида тасвирланган буғдой янчиш жараёнини халқ кўшиқ ва мақоллари (“Хўп ҳам бўлди ҳайдалиб” – “Хўп ҳайда” кўшиғига, “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир”)нинг мазмунига мос равишда янги маъно билан бойитади. Шоир маҳорати туфайли кетмон, ўроқ, хаскашлар меҳнаткаш, паншаха эса тайёрга айёр кишилар образи тарзида кўрсатилиб, шеърнинг бадий-эстетик қимматини оширади. Қолаверса, шеърда қўлланилган ифодалар билан халқ оғзаки ижодига қилинган мурожаатлар унинг анъаналар билан уйғунлигини таъминлаган.

Дилшод Ражабнинг “Поезднинг боласи”, “Кўрсичқоннинг маломати”, “Тўйда”, “Чилдирма”, “Ариқча”, “Кўзгу”, “Телефоннинг радиога лукмаси”, “Паншаханинг эътирози” шеърлари, шунингдек, “Учқунбекнинг саволлари”, “Фикратжоннинг фикрича”, “Шикоят дафтари” туркумларига кирувчи кўплаб ҳажвий шеърлари ҳам шоирнинг поэтик топқирлигидан далолат беради. Шоир асарларидаги ёзги таътилда шаҳарга томошага тушиб трамвайга чиққан ва холасига: “Маза қилиб поезднинг боласига миндим”, деб мақтанган Сайфи ҳам; ўзини кўрсичқон деб атаганларидан ранжиб: “Мен инсондан аввалроқ кашф этганман метрони”, дея даъво қилаётган кўрсичқон ҳам; “Беш панжа ҳам баробар”, деб эътироз билдираётган паншаха ҳамсамимий юмор билан йўғрилган қувноқ қаҳрамонлардир. Уларнинг барчасида гўзал кашфиётлар, болалик оламининг беғубор чизгиларини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Дилшод Ражаб шеърларида шунчаки сўз ўйинидан кулги ҳосил қилинмайди, балки ҳар бир шеърфавқулодда теран поэтик мазмунга бой бўлади. Масалан, “Тўйда” шеърида:

*Ош калтакка чидаёлмай,
Дод-вой солар ногора.
Парво қилса одамлар,
Ўйин билан овора.*

(“Энди зерикмайман”, 41-б.)

Ноғоранинг овозини дод-войга ўхшатган ижодкор, бу дод-войнинг сабаби сифатида уни калтаклашаётганини келтиради.

Ёки “Чилдирма” шеърида:

*Қичқириб айтар гапи
Фақат “бак-бак-умбанг”
Шуни ҳам айтмас, уни
Тарсакилаб турмасанг*

(“Энди зерикмайман”, 44-б.)

Чилдирма бу ерда кулоғидан тортмагунча бир ишга ярамайдиган болақайларга ишора қилиб келади.

“Телефоннинг радиога лукмаси” шеърида эса:

*Тўғри, айтилмоғи шарт
Дардлар кўндир юракда.
Лекин фақат жаврамай
Тингламоқ ҳам керак-да.*

(“Энди зерикмайман”, 53-б.)

Радионинг тинимсиз гапириши тинглаш маданиятини яхши ўзлаштирган телефонга оғир ботгандек унга насиҳат қила бошлади. Жонлантириш санъатидан моҳирона фойдаланган ижодкор болаларга мазкур шеъри орқали тинглаш маданиятидан ҳам сабоқ беради.

“Шоирнинг “Ўғрининг қисмати” эртагидан маълум бўлишича, сичқон ўғрилиги учун зиндонга ташланади ва коронғида яшаганидан кўзлари нуридан жудо бўлиб, кўрсичқонга айланади. Тоғда – юксакда ўсишига қарамай рангининг сариклигига дўлананинг ёлғизлиги сабаб. Мени ёлғизлик ғами эзади деб ҳасрат қилади у. Бундан ёлғизлик – азоб деган ҳаётий хулоса ҳам келиб чиқади. Шоирнинг поэтик асослашига кўра, ботқоқнинг оёқостилиги унинг пасткашлигидан, чунки замин мард бўлиб, қадам қўйганни елкасига кўтаргани ҳолда, ботқоқ юзига оёқ босганни қаърига тортиб кетади.

Бундай шеърлар ўқувчига эстетик завқ бағишлабгина қолмай, маърифий сабоқ ҳам беради”⁹⁵.

Мисоллардан англашилиб турганидек, шоир предметларнинг шунчаки топиб чизилган ташқи белгиларигагина эътибор бермасдан, балки ушбу белгилар тасвирининг моҳиятига инсон феъл-атвори билан боғлиқ теран бадиий мазмунни ҳам жойлай олади.

Ҳажвий-мажозий болалар шеъриятида поэтик мазмун такомили

⁹⁵ Баракаев Р., Очилов Э. Бадиий тасвир маҳорати. – Тошкент: Muharrir, 2019. – 38–39-б.

Болалар адабиётининг ўзига хос табиати, унинг маърифий, бадиий эстетик қиммати доимо ижодкорларнинг ҳам, танқидчиларнинг ҳам диққат марказида бўлибкелган. Айниқса, ҳажвий-мажозий шеърят ўзининг кўп қатламлилиги, тагдор мазмун касб этиши билан китобхонларни ўзига жалб қилса, танқидчилар ҳам бундай асарларни таҳлилга тортиб, улардан китобхон уқа олмаган мазмунни синчи нигоҳи билан кашф этганлар. С.Ирисхўжаеванинг таъкидлашича, “Мавзу муҳимлиги, яхши мақсаднинг ўзи чинакам бадиий асар учун етарли эмас. Ана шунга қўшилган ҳолда фикрнинг болалар диди, дунёкарашига мос ҳолда ифодаланиши, бунинг устига инсонийҳис-туйғулар асосида жозибали бўлиши ҳам талаб этилади”⁹⁶. Мана шу жиҳатлари билан болалар шеъриятида ҳажвий-мажозий образлар алоҳида аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида уюштирилган “Мустақиллик даври болалар адабиёти: таҳлил ва талқинлар” номли давра суҳбатида ҳам бу масала юзасидан турли фикр-мулоҳазалар айтилди. Жумладан, давра иштирокчиси, профессор С.Матчонов болалар адабиётининг тарбиявий хусусиятларига тўхталиб, бу ҳол турли даврларда турлича изохланиб, даврдаги етакчи ғояларга хизмат қилиб келганини таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, XX аср бошларида Ҳамза, Авлониё каби мутафаккирлар асарлари моҳиятида маърифатпарварлик ғоялари намоён бўлган бўлса, шўро даврида кўпроқ давр мафкураси ташвиқ қилинган. Истиқлол даврига келибгина яратилаётган қаҳрамонлар “...фақат аъло хулқи ва ўқиши билангина эмас, балки оламни англаш йўлидаги интилишлари, ҳаёт ва табиатга фаол муносабати билан ҳам ажралиб туради”⁹⁷.

Истиқлол даврида яратилган образлар ўзларининг болаларча тасаввури билан дунёни англашга, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни идрок этишга уринадилар. Шу жараёнда уларнинг ҳаётга ва табиатга муносабати шаклланиб боради.

Давра иштирокчиларидан яна бири Қ.Қаҳрамонов эса бугунги глобаллашув даврида болалар адабиётига фақат тарбия воситаси сифатида ёндашиб бўлмаслигини, балки ундан болаларнинг ўзига хос руҳий оламини ҳам излаш зарурлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Болалар адабиёти ҳам, аввало, санъат ҳодисаси сифатида инсонни бадиий кашф этиши зарур. Унинг тасвир объекти инсондир. Демак, болалик кашф этолмаган асар ҳар қандай тарбиявий мақсадни кўзламасин, ўз мақсадига эриша олмайди”⁹⁸.

Шоир ва мунаққид Д.Ражабов “Бадиият – маърифатдир” мақоласида болалар адабиётининг тарбиявий хусусияти ва бадиийлиги тўғрисида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён этади: “Баъзан, айниқса, болалар адабиёти ҳақида гап кетганда, бу адабиёт тарбиявий, маърифий бўлиши керакми ё

⁹⁶ Ирисхўжаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Тошкент: Фан, 1978. – 13-б.

⁹⁷ Mustaqillik davri o'zbek bolalar adabiyoti: tahlil va talqinlar (davra suhbat) / O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – Toshkent, 2005. 19-avgust.

⁹⁸ Mustaqillik davri o'zbek bolalar adabiyoti: tahlil va talqinlar (davra suhbat) / O'zbekiston adabiyoti va san'ati. – Toshkent, 2005. 19-avgust.

бадий бўлиши керакми қабилдаги савол қўйилади. Болалар адабиётининг тарбиявийлиги, маърифийлигини асло бадийликдан айрича тушунмаслик, талқин этмаслик керак. Илҳом ва истеъдод билан битилган ҳар қандай теран бадий асар – тарбиявий ва маърифийдир. Чунки у инсоннинг кўнглини тарбиялайди, руҳини камолот сари ундайди”⁹⁹.

Шуни таъкидлаш керакки, давра иштирокчилари ўз мулоҳазаларида болалар адабиёти маърифийми ёки бадий бўлиши керакми деган масалани ўртага ташлашмаган. Хусусан, Қ.Қаҳрамоновнинг юқорида келтирилган фикрларида болаларнинг руҳий оламини бадий кашф қилиш ҳақида гап кетади. Ваҳоланки, болалар адабиётининг муайян намуналари, асосан, тарбиявий мақсадларда яратилиши кўпчиликка сир эмас. Демак, болаларнинг руҳий оламида тарбиянинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Хусусан, болалар шеърларида илм-маърифатни тарғиб қилувчи алифбо, ҳарфлар, тиниш белгилари, ҳуснихат каби мавзуларда яратилган кўплаб шеърлар бунинг исботидир. Бу каби ижод намуналари ўзининг маърифий хусусияти билан ҳам ажралиб туради.

Мумтоз адабиётимизда ҳам Анбар Отиннинг “Қизил ва қоралар жанги” асарида ҳарфлар ўртасидаги муносабатлар тасвири орқали маърифий дидактик ғоялар илгари сурилганди. XX аср болалар шеърларида бундай шеърлар кўплаб яратилди. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Дум”, “Тугмача”, “Темирлар ўйини”, Султон Жўранинг “Тиниш белгиларининг мажлиси”, Пўлат Мўминнинг “Салимжон – нимжон”, “Парпининг ҳарфи” каби кўплаб шеърлари ҳам маърифий, ҳам бадий-эстетик қиммати билан бирдек аҳамиятлидир. Бу икки хусусиятнинг бир асарга жо бўлиши муаллифнинг маҳорати юксаклигидан далолат бериб турибди.

Адабиётшунос О.Шарафиддинов Пўлат Мўмин шеърларининг тарбиявий ва амалий аҳамияти ҳақида характерли мисолни келтириб, қуйидагиларни қайдэтган эди: “Бу фикрнинг исботи сифатида китобхонлардан шоирга кўплаб келиб турадиган мактубларнинг биридан парча келтирайлик. Уни андижонлик ўқитувчи йўллаган: “Худди шу сиз айтган гап мен ўқитаётган 7-синф ўқувчилари орасида ҳам топилади. Кўпчилик болалар янги дафтарга ўтишлари билан уларнинг ёзувлари бузилиб, қинғир-қийшиқ ёзадиган бўлиб қолишади. “Парфининг ҳарфи” шеърингизни дарсда ишлаб чиқдим. Ўқувчилар уни ўқиб ҳам хурсанд бўлишди, ҳам кулишди. Кўпчилик болалар энди қоидали ва чиройли ёзишга ҳаракат қилишяпти”. Бу – Пўлат Мўминнинг битта шеъри ва унинг таъсири ҳақидаги гап. Шоирнинг бошқа шеърларини жам қилиб, уларнинг таъсир кучини тасаввур қилсак, Пўлат Мўмин ёшларни тарбиялашига катта ҳисса қўшаётганига амин бўламиз”¹⁰⁰.

О.Шарафиддиновнинг ушбу фикрларидан болалар адабиётининг чинакам бадий мукамал намуналарида ҳам маърифий-дидактик, ҳам бадий-эстетик

⁹⁹Rajabov D. Badiyat – ma’rifatdir / O‘zbekiston adabiyoti va san’ati. – Toshkent, 2005. 9-sentabr.

¹⁰⁰ Шарафиддинов О. Ўзбек болалар адабиёти. Мақолалар, адабий портретлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1978. – 150-б.

киммати бирдай аҳамиятга эга бўлиши кераклиги ойдинлашади. Нафақат кераклиги, балки унинг таъсир кучи амалда ҳам кўринаётганини мактуб орқали билиб олишимиз мумкин. Сатира ва юмор эса ушбу таъсир қувватини оширувчи энг асосий қуроллардан биридир. Болалар адабиётида сатира ва юмор асосий ўринлардан бирини эгаллашининг боиси ҳам шундадир. Айниқса, сўнгги давр болалар шеъриятини кузатганда, сатира ва юмор асарнинг ҳам бадий мукамаллигини таъминлашга, ҳам тарбиявий таъсир кучини оширишга бирдай хизмат қилаётганлигини кўриш мумкин. Қолаверса, ундаги мавзу кўламининг кенглиги, ҳар бир инсон ўзи учун алоҳида хулосалар чиқаришга имкон берилиши шеър, умуман, асарнинг бадий қимматини юксакларга кўтариб беради.

Истиқлол даври ўзбек болалар шеъриятида Т.Адашбоевнинг “Алғов-далғов аралаш”, Ҳ.Имонбердиевнинг “Ҳарфлар жанги” каби асарлари шу жиҳатдан эътиборга сазовордир.

Т.Адашбоев шеърида лирик қаҳрамон “Алифбе”дан ўрин олиб, ўз бурчини ҳалол ўтаб келаётган ҳар бир ҳарф, тиниш белгилар адашиб кетишса нима бўларди, деган ваҳимали тасаввурларга берилади. Шеърда “А” ҳарфи билан боғлиқ воқеа шундай тасвирланади:

*Агарда “А” адашса,
Андижон, Асакани,
Арини
Атардик не деб қани?*

(“Уч бўталок ва сирли қовок”, 33-б.)

Шоир дастлаб ҳарфларнинг аҳамиятини тушунтиришда уларнинг йўқ бўлиб қолишидан фойдаланади. Шеърда шу тариқа “Б”, “В”, “Г”, “К”, “И”, “Қ” каби кўплаб ҳарфлар билан боғлиқ шеърий тасаввурлар ҳикоя қилинади. Шоирнинг маҳорати шундаки, ҳар бир шеърдаги шу хилдаги адашишлар оқибатида қувноқ кулги юзага келади. Асар болаларни таълим олишга чорлайди ва шу жиҳати билан маърифий характер касб этади.

Шеър болаларнинг тасаввур дунёсини кенгайтиради. Болалар унда тасвирланаётган ҳарфларнинг алғов-далғов ҳолатини тасаввур қилишар экан, қувноқ юмordan, бой поэтик мазмундан эстетик завқ, дидактик мазмундан маърифий сабоқ олишади. Негаки, шоир шеърда ҳар бир ҳарф хусусиятини тасвирлар экан, албатта, болаларнинг дунёқараши, маърифий эҳтиёжларини ҳам назарда тутди. Ҳарфларнинг ташқи қиёфасини ҳам унинг хусусиятларига мос тарзда чизиб беради. Масалан, “К” ҳарфи тасвирида болаларнинг кундалик ўқув фаолиятини қуйидагича тавирланади:

*Китоб билан кундалик,
Керак бизга ҳар қуни.
Календарда аниқдир.
Келгуси ой якуни,*

(“Уч бўталок ва сирли қовок”, 33-б.)

“О” ҳарфи ҳақида эса у иштирок этган сўзлар кетма-кетлиги келтирилиб, талқинидан қуйидагича маърифий-дидактик хулоса чиқарилади:

*Очигин айтсам, оина,
Осмону ойдан тортиб,
“О”ҳарфин қадри ортиқ
Опам ва онажоним
Она тили, этилган тортиқ.*

(“Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, 34-б.).

Шеърнинг якуний қисми ўзига хос юмористик оҳангга эга. Унда ҳарфларнинг маърифий қиймати баланд нуқталарда кўрсатилиб, ҳарфлар иштирокидаги сўзлар билан унинг керак эканлиги уқтирилади. Китобхон шеърдаги:

*Ўттиз беш ҳарф агарда
Бўлмай қолса башарти.
Китобдаги шеър, ҳикоя
Айтинг қандай яшарди?*

(“Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, 33-б.)

деган хулосани ўқир экан, уларнинг руҳиятида ўзига хос ҳолатлар рўй бериши аниқ. Энг аввало, уларнинг ҳаёлига дафъатан: “Ростдан ҳам ҳарфлар бўлмай қолса нима бўларди?” деган саволнинг келиши табиий. Кейинги руҳий ҳолатдан эса болаларда: “Бундай бўлиши мумкин эмас”, деган хулоса шаклланади. Шеърдан ҳосил бўладиган мана шу икки номуносиват руҳий ҳолат уларнинг қувноқ табассумига сабаб бўлади, шеърнинг тарбиявий, эстетик қимматини оширади. Ҳали ўқишни билмаган ёки энди ўрганишни бошлаган болалар учун ҳам янги бир чақириқ бўлиб хизмат қилади. Энди улар тезроқ ҳарфлар билан танишишга интиладилар. Бу эса шеърга янги бир маърифий мазмун ҳам юклайди.

Ҳ.Имонбердиевнинг “Ҳарфлар жанги” шеърида ҳам шунга ўхшаш манзарани кузатиш мумкин. Шеърда тасвирланишича, тинч-аҳил яшаётган ўттиз беш ҳарфнинг орасига кутилмаганда нифоқ тушади. Бунинг асосий сабаби эса ҳарфлар музқаймоқ учун навбатга туришганда “У” ойим билан унинг ўғли “У”чанинг орасига “Р”бекнинг бемаврид сукилишидир. Шоир ушбу вазиятни жонлантириб қувноқ юмор билан қуйидагича мажозий тарзда тасвирлайди. Шеърда “У”ой:

*“Р”га “уят-э”, – деди
Шу он “Р”: – Уятингни
Бор, пишириб е, – деди¹⁰¹.*

Шоир ҳарфларнинг ушбу можароли манзарасини тасвирлар экан, диологик нутқ воситасида болаларнинг кундалиқ ҳаётида ҳар куни дуч келадиган, эҳтимол, ўзи ҳам фаол иштирок этадиган жонли, таниш жараённи ҳарфлар ёрдамида суратлантириб қувноқ кулги яратади. Бунда ҳар бир ҳарфнинг жанжалга муносабати уларнинг шаклига мос ҳолатлари билан кулгили тарзда жонлантирилиши болаларнинг завқини оширади. Катта “У” ва кичик “у” ҳарфи “У” ва “У”ча дея таъриф берилиши болалар учун қизиқарли бўлади. Қолаверса, шаклий жиҳатлар мазмун планини тўлдириб, “у” ва “р”

¹⁰¹ Imonberdiyev H. Harflar jangi. – Toshkent: Cho‘lpon. – 19-b.

харфлари кетма-кетлигидан “ур” сўзининг ҳосил бўлиши ҳам можарога ишора қилиб келади. Бундан ташқари, ҳарфларнинг ҳаракатларга бирлашиб кетиши ҳам яхши тасвир бўлиб келган. Жумладан:

*“Ф” қўлини белига
Тираганча лол турар.
“П” аста пусиб бориб
Ўзин панага урар.*

Ушбу шеърда ҳарфларнинг ҳаракатлари уларнинг ташқи кўринишларига мосланганини кўришимиз мумкин. “Ф” ҳарфи чиндан ҳам қўлларини белига тираб тургандек кўринишга эга. Ёки:

*Оғзини очганча “О”
Дея олди: Оббо...
– Вазиятни юмшатсам,
дер юмшатиш белгиси.
– Ўзингни эпла, – деб
“К” яширмади кулгисин.*

Шоир ҳарфлар жанги, уларнинг ўзаро можаролари орқали болаларга ўзларининг кундалик ҳаётидаги тўполонлар, уриш-жанжаллар манзарасини шундай усталик билан кулгили чизадик, натижада шеърдаги образлар ҳарфлар экани ҳам бир зум унутилади. Улар гўёки чиндан баҳсга киришиб кетгандек тасаввур уйғотади, чунки барчаси жонли, табиий тасвирланади. Шеърда ҳарфлар жангининг барҳам топиши ҳамғаройиб, ҳаммаърифий ўсинда ўзечимини топа олган. Баҳс якунида ҳарфларнинг дўстлари ҳисобланган тиниш белгилари аралашади. Бу ҳам шоирнинг поэтик топқирлигидан дарак беради. Ҳарфлар жанги авжига чиққанда етиб келган уларга яқин бўлган тиниш белгилари бунга қуйидагича чек қўяди:

*– Нима гап, не тўполон?
Сўроқ белгиси ҳайрон.
Найнов Ундов ҳам тергаб
Бақирди: – Бу қандай гап?!
Вергул деди: – Тинчинг сал...
Охир келиб Нуқтабек
Тўполонга қўйди чек.*

Ҳар иккала шеърда ҳам шоирлар анъанавий образлар (ҳарфлар, тиниш белгилари) орқалиянги чапоэтик мазмун билан бойитилган оригинал юмористик асар яратолганлар. Жумладан, Т.Адашбоев шеърида асосий эътибор ҳар бир ҳарф таърифида шу ҳарф билан бошланадиган сўзларни кўплаб қўллаш ва уларнинг йўқолиб қолишидан келиб чиқиши мумкин бўлган алғов-далғовга қаратилса, Ҳ.Имонбердиев асарида ҳар бир ҳарфнинг ташқи белгисига асосланилган тасвир (масалан, “Ф” ҳарфи икки қўлини белига тираб турган аёлга, “О” ҳарфи очилиб қолган оғизга ўхшатилиши) ва улар вазифасидан келиб чиқадиган ҳолат (сўроқ белгисидаги сўраш, ундов белгисидаги ҳис-ҳаяжон, буйруқ, вергулдаги ярим тўхташ – “тинчинг сал”, нуқтадаги ҳаракат, воқеанинг тугаши) шеърдаги кулгили, ҳажвий ҳолатни

келтириб чиқаради. Китобхон учун ҳам асар бадиияти, қизиқарлилиги ва ўқимишлилигини кучайтиради. Бу шеърларда аввалгилардек ҳажв тифи зоҳиран болаларга эмас, балки ҳарфларнинг ўзига қаратилмоқда. Шу боис панд-насихат ўрнига рамзий-мажозийлик, юмористик рух устуворлик қилади. Айни чоқда, шеърнинг фақат маърифий аҳамиятига эмас, балки эстетик томонига ҳам кўп эътибор қаратилади. Шеърларда болаларга хос тасаввур, образлилик, манзара яратиш, ҳарф ва тиниш белгиларининг шаклига мос сўз ва қофиялардан, аллитерация усулларининг маҳорат билан қўлланиши уларнинг юксак бадиийлигини таъминлайди. Натижада уларнинг тасаввур олами гўзал бўёқларда чизилган лавҳалар билан бойитилади. Кичик китобхонлар ҳарфларнинг беҳуда жанжалларидан ўзларига керакли хулосаларни чиқарадилар. Атрофдаги барча нарсага жонли мавжудотга қарагандек муносабатда бўла бошлайдилар.

Маълумки, Ҳ.Имонбердиев яратган қаҳрамонлар сиртдан қараганда жиндай айёр, ширинликка ўч, хаёлпараст, озгина эътиборсизлик қилсангиз, чап бериб чув тушириб кетадиган устумон, қувноқ болалардир. Лекин ушбу хусусиятлари кўпинча уларнинг ўзларига панд бериб, беозор кулгига сабаб бўлади. Жумладан, “Бир кунлик мўъжиза” шеъри шундай хаёлпараст болаларнинг фантазияси асосига қурилган. Катта бир шаҳарда мўъжиза рўй бериб, ҳамма мумкин эмас деган сўзни унутади. Бу эса шеърнинг ёқимтой қаҳрамонига жуда қўл келади. Тергайдиган, тақиқлайдиган одам-да йўқ. Хоҳлаганча ухлайди, эрта-ю кеч тўп тепади, ҳеч ким “бўлди, бас, мумкин эмас”, демайди.

Шоир ота-она, ўқитувчилар, умуман олганда, жами катталарнинг болаларни тергашда энг кўп ишлатадиган “мумкин эмас” деган танбеҳини поэтиклаштириб, шу асосда болалик дунёсининг ҳажвий қирраларини очиб беради. Болаларнинг устумонлигини ўзларига кўзгу орқали кўрсатиб беради. Бундаги ҳажвий руҳга болалар ниҳоятда ўч бўлган музқаймоқ детали воситасида эришилади.

—Ойи, ейман музқаймоқ!

Ойим-чи, йўқ демайди.

Ойиси йўқ демагач, болакай, албатта, тўйиб музқаймоқ ейди. Натижада иситмаси кўтарилиб кетиб, дорилар ҳам фойда бермай қолади. Шеърнинг якуни эса жуда ғаройиб:

Ойша дер: – Укол керак!

Йўқ деёлмайман, афсус!¹⁰²

Якунда “мумкин эмас”ни болакай ўзи ҳам ишлата олмаслиги орқали оқибат ясалади. Бунда ўзи фойдаланган нарса болакайнинг ўзига қарши ишлай бошлайди ва пушаймонлик ҳосил қилади.

“Хўп-хўп” шеърида ҳам шоир топқирлик билан айрим болалар нуткида ишлатиладиган “Хўп-хўп”ни ҳажвий образ даражасига кўтариб, уларнинг табиатини фош қилади. Лирик қаҳрамон катталар нима иш буюрса, “хўп-хўп”

¹⁰² Imonberdiyev X. Lofchilar-aldoqchilar. – Toshkent: Cho‘lpon, 1991. – 52-b. (кейинги мисоллар саҳифаси кавс ичида кўрсатилади)

дейди, лекин ўз билганидан қолмайди. Бу ҳам болалар характериға хос нуқсонлардан бири ҳисобланади. Онаси унга “дазмол иссиқ, ўйнама” деса дарров “хўп” тайёр. Лекин ўша заҳотиёқ унинг сири очилиб қолади.

“Норга торт бер”, деса ҳам хўп дейди-ю ҳаммасини ўзи пакқос туширади. Отаси “икки” баҳоларни қачон тузатасан, деган танбеҳига ҳам “хўп” деган жавобни эшитади. Хуллас, бу мазмундаги шеър якунида боланинг ёлғон ваъдалари фош бўлади. Шоир бу манзарани диалог асосида куйидагича кулгили тасвирлайди:

– Сени ўша “хўп”ларинг
Бутунлай этди хароб.
Синфда қолар бўлдинг,
“Икки”ларинг жуда кўп.
Чиқиб кетди оғзимдан
Беихтиёр: “хўп”.

(“Эндизерикмайман”, 64-б.)

Бундай типдаги шеърларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гап кетганда бир масалага диққат қаратиш зарур. Шоир шу хилдаги барча шеърларида ўқувчига панд-насиҳат қилмайди, ошкора сезилиб турадиган маърифий-дидактик ғояларни яланғоч шаклда ифода этмайди. Аксинча, болаларнинг кундалик турмушига хос оддий воқеа-ҳодисани бадиий образ даражасига кўтариб, унга юмористик руҳ ва кулги бахш этади. Ана шу юмористик руҳ ва кулги шеърнинг ҳар жиҳатдан бадиий қувватини оширади. Шакл ва мазмун жиҳатдан уйғун ва бир бадиий мақсадга хизмат қилаётган асарлар ўзининг тарбиявий, маърифий ва эстетик вазифасини аъло даражада бажара олади.

Ҳ.Имонбердиевнинг “Ўқ”, “Таъмсиз олмалар” каби шеърлари ёш китобхонда она табиатга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришбаробарида ёвузликка нисбатан нафрат туйғусини кучайтиришга хизмат қилади. Бу орқали боланинг “мен”ида эзгуликка талпиниш, ҳамиша эзгуликка хизмат қилиш ҳисси улғая бошлайди. Қолаверса, болалар ўзларининг руҳиятини ўзлари тарбиялайдилар, жониворларга озор бермаслик, кимнингдир қўлида “ўқ” бўлиб қолмасликни ўрганадилар.

Истеъдодли мунаққид Иброҳим Ғафуров XX асрнинг 80йилларида ёзган “Сўз тўлқинлари” номли мақоласида Анвар Обиджоннинг адабиёт майдонига кириб келаётган жараёни, айниқса, ижодига хос кулгини “жозибали ва нурли” деган сифатлар билан тавсиф этади: “Анвар Обиджоннинг шеърлари ҳам, кичкина ҳикоячалари ҳам ўткир фикрларга, топилмаларга, кутилмаган образларга, жозибали ва нурли кулгига бойлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортган, адабиётимизга хур фикрли бир ижодкор кириб келаётганлигидан дарак берганди”¹⁰³. Дарҳақиқат, бу “ёруғ фикрли ижодкор” ўз адабий асарлари билан кенг китобхонлар оммасининг қалбидан ўрин эгаллади. Зеро, ёш китобхонларнинг маънавий дунёсини бойитишда, эстетик

¹⁰³Ғафур Ғулом. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. –193-б.

дидини шакллантиришда Анвар Обиджон ижодининг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу фикрда муболаға йўқ.

Шоирнинг “Жуда қизиқ воқеа” китобига кирган туркум шеърлари ўзининг ихчамлиги, бадий мукамаллиги, юморга бойлиги билан ажралиб туради. Шоир “Кулчалар” туркумидаги дебоचा вазифасини ўтовчи “Кезаман, ёзаман...” шеърида рамзий тарзда таъкидлаганидек, болалар ҳаётида учраб турадиган, бир қарашда назарга тушмайдиган, лекин аслида болалик оламини, унинг туйғуларини, ҳаёт тарзини, воқеликка бўлган муносабатларини нозиклик билан илғаганини ва энг муҳими, уни ёш китобхон дидини ўстирадиган тарзда қувноқ оҳангларда тасвирлаётганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, бу каби асарлар болалар учунгина ёзилган эмас, балки улар ўзининг кўп қатламлилиги билан умумадабиётга ҳам дахлдор ҳисобланади. Бир қарашда болалар учун яратилгандек кўринган асарлардаги мазмун тагдорлиги, ижтимоий масалалар танқиди унинг катта ёшлилар учун ҳам ўқишли бўлишини таъминлаб беради. Бу хусусиятлар, айниқса, Анвар Обиджон ижодида яққол кўзга ташланади. Болалар учун кулгили вазиятни шакллантирувчи шеърлар замирида жамиятдаги қусурлар, муаммолар танқид қилинган бўлади.

Шоир оддийгина ҳодисадан ҳам поэтик мазмун топа олади. Масалан, кичкинтойларга “кимнинг қизисан?” деб савол берсалар, “отамнинг қизиман”, деб жавоб беришади. Фамилиясини сўрасангиз, болаларча соддалик билан отасининг касби билан боғлаб жавоб беришади. Шоир шу каби ҳодисаларни кузатиб, худди кўшиқ куйлагандай ўйноқи сатрларга тизади. Оҳанг равллиги ва қофияларнинг янгилиги (Жамила – фамилиям) ижодкорнинг юксак бадий маҳорат эгаси эканидан дарак беради. Бу каби шеърлар болалар хотирасида тез сақланиб қолади.

“Отасининг қизи” шеърида Жамилахондан фамилиясини сўраганда, у шундай жавоб беради:

Ўйланибдер Жамила.

– Боғбонқизи –

Фамилиям.

(“Жуда қизиқ воқеа”, 46-б.)

Анвар Обиджон шеърлари ҳар қандай нутқни бадий гўзал шаклга сола билиши билан ҳам аҳамиятли. “Эгизаклар” шеърида шоир эгизакларнинг бири-бири билан ўхшашлиги орқали болаларнинг ўзаро муносабатларини куйидагича янги талқинда кашф этади:

– Ўйнамайман сен билан,

Уришдинг-ку мен билан.

– Адаштирама, Одина.

Мен – Зухрамас,

Фотима.

(“Жудақизиқ воқеа”, 54-б.)

Ушбу шеърда ўйнай туриб аразлашиб қолган қизалоқларнинг табиий ҳолати ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Одатда аразлашиб қолган болалар: “Бор, сен билан ўйнамайман”, деб гина қилади. Шоир болаларга хос

ушбу ҳолатни ёрқин гавдалантирган. Айни чоқда, Фотиманинг ҳозиржавоблик билан “Мен Зухрамас, Фотима”, деб жавоб бериши шеърдаги юмористик руҳни кучайтиради. Чунки эгизаклар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайдилар ва айрим уддабурон болалар бу ўхшашликдан ҳам устомонлик билан фойдаланиб қоладилар.

Анвар Обиджон фақат болаларнинг характериini очишга қаратилган шеърларидагина эмас, балки предметлар, нарса-ҳодисаларнинг образини яратган шеърларида ҳам ўз маҳоратини тўқис намоён этади. Улардаги тасвирларнинг яққоллиги, қўлланган қофиялардаги оригиналлик, айтилмоқчи бўлган бош мақсаднинг аниқ баён қилиниши асарнинг бадиий қийматини оширади. Уларда болаларга хос бўлган хусусиятлар нарса-буюмларга чиройли ва яққол кўчиб ўтади.

Шоир ҳар бир предметнинг ўзига хос хусусиятини тасвирлаш орқали унинг бошқалардан фарқланиб турувчи бадиий образини яратади. Ушбу топилма – индивидуал хусусият шеърга ҳажвий руҳ ва кулги бахш этади. Шу жиҳатдан, айниқса, “Сиз эшитмаган қўшиқлар” туркумига кирувчи асарлари характерли. Шеърлардаги предметлар хусусиятлари топишмоқсимон қилиб келтирилади. Болакай жумбоқ шеърлар орқали асар якунига қизиқиб боради. Лекин жавоб уларни узоқ куттирмайди. Тасвирларнинг аниқлиги болаларни жавобга тез олиб боради.

Шоир юқорида номи келтирилган туркумда предметлар, парранда-ю даррандалар, нарса ва ҳодисаларни тасвирлар экан, ҳар хил жуфт ва тақлидий сўзлардан моҳирлик билан фойдаланиб, болаларнинг тилларига мос равишда қўллайди.

“Чирманда қўшиғи” шеърида эса “Бак-бака-бум” сўзларининг ҳар бир мисрадан сўнг такрорланиши орқали шеърнинг маънодорлиги ва мусиқийлиги таъминланган. Халқ оғзаки ижодида учровчи болалар лапарларига хос оҳанг ўйноқилиги ҳам ўқувчини ўзига жалб қилади:

*Менга тушар шапалоқ,
Бак-бака-бум.
Сиз отасиз шаталоқ,
Бак-бака-бум.*

(“Жуда қизиқ воқеа”, 95-б.)

Биринчи тўртликда чирманданинг портрети ўз кўринишига жуда мос равишда чизилмоқда. Шоирнинг маҳорати шундаки, ҳар бир мисрадан кейин такрорланиб келаётган “Бак-бака-бум” тақлидий сўзларига ҳар бир мисрага мос бўлган маъно оттенкаларини юклай олган. Масалан, “бўйнимда мис маржоним” мисрасидан кейин келаётган тақлидий сўз шу мисрадаги мазмунга мос маънони ифодаласа, “Менга тушар шапалоқ”дан кейин келаётган “Бак-бака-бум” аввалгисининг айнан ўзи бўлишига қарамай, кейинги мисрага мос янгича қувноқ бир маъно ифодалайди. Бу ҳол шеърнинг поэтик мазмунини кучайтиради; унинг образ қўламини кенгайтириб, бадиий мукамаллигини таъмин этади.

Худди шунга ўхшаш хусусият “Милтиқча қўшиғи”, “Шиппак қўшиғи”, “Ручка”, “Шамол”, “Ирмоқ қўшиғи” каби шеърларида ҳам ёрқин намоён

бўлади. Жонсиз предметларга тасаввурий жон киритиш, уларни гапиртириш орқали шоир ижодида ўзига хос услуб яратилган. Қолаверса, бу шеърларнинг куй, муסיқийлик билан уйғунлиги алоҳида эътирофга сазовор. Болалар оҳанг кенгликларида сайр этароқ бу шеърларни хотирасида сақлаб қолади. Уларга танланган сарлавҳаларда ҳам қўшиқ иштирок этиши сўз санъати ва куй-қўшиқ уйғунлигига ишора қилади.

Бу шеърлар китобхоннинг ҳам маърифий, ҳам эстетик дидини тарбиялашда катта рол ўйнайди, уларнинг тасаввурини кенгайтиради, предметларга, нарса-ҳодисаларга жонли назар ташлашга ўргатади. Энг муҳими, тақлидий сўзлар образнинг жонли, қувноқ сифатларини беихтиёр кучайтиради.

“Зоология дарсида” шеърида эса сўз ўйинидан муваффақиятли фойдаланилади. Унда “судралиб юрувчилар синфига кирувчилар номлари” ҳақидаги саволга:

Судралиб юрувчилар –“икки”чи ўқувчилар деб жавоб қайтарилиши билан қолоқ ўқувчиларни судралиб юрувчилар синфига кирувчи жониворларга қиёслаш, тенглаштириш орқали ҳажвий образ яратилади. Бу ҳам тарбиявийликнинг ўзига хос тури бўлиб, уялтириш орқали қолоқ ўқувчиларни аълочилар сафига қўшилишга ундашни англатади.

Бу тасвир усули Т.Адашбоевнинг “Ким полвон?” шеърига ўхшаб кетиши муайян маънода анъанавийликдан ҳам дарак беради. “Ким полвон?” шеърида “Синфимизда энг кучли ким?” деган саволга дастлаб курашчи, кейин штанга кўтарувчи синфдошлари исмини айтиб жавоб қайтарилади. Кучли сўзини болалар, табиийки, ҳар хил идрок этадилар. Шеърдан кўзда тутилган мақсад эса охирги бандга жамланган:

– “Акрам энг зўр”, – дер қизлар,
Болалар солди гуррос.
– Синфимизни ёлғиз ўзи
Ортга тортар, бу рост!
– Бу рост!

(“Ким полвон”, 53-б.)

Шеърда ғаройиб қиёс усули қўлланган. Одатда, “Ким кучли?” деганда, жисмонан кучлилиқ кўзда тутилади. Шоир ушбу табиийликдан нотабиийлик келтириб чиқаради, саводсизлиги билан бутун синфни орқага тортаётган Акрамни “энг кучли” дейиш билан ҳажвий образ яратади, енгилгина “чимдиб олиш” билан болани ўзидаги ушбу нуқсонни тузатишга ундайди. Бу нотабиийлик ҳам тарбиявийлик, уялтириш йўли билан тузатишнинг бир тури саналади.

Кузатишлардан маълум бўлаётирки, ҳажвий шеърларнинг болалар маънавий оламини бойитишдан ташқари маърифий аҳамияти ҳам жуда катта. Бунда, айниқса, алифбо, ҳарфлар ва тиниш белгиларининг образи иштирокида ёзилган ҳажвий шеърлар жуда катта тарбиявий роль ўйнайди. Болаларни саводхонлик ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилади. Бу тоифа шеърлар боланинг дунёкарашига, поэтик тафаккур тарзига таъсир ўтказади; ҳар бир

ишга назокат билан ёндашишни ўргатади. Ўрни келганда танқидни “чимдиб олиш” орқали кулгили йўсинда етказиб бериш мумкинлигини ҳам англатади.

Биобарин, болаларга мўлжалланган ҳажвий шеърларнинг маърифий қиммати фақат саводхонлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлмай, айтиб чоғда, уларда экологик тарбияни шакллантиришда ҳам намоён бўлади. Шунингдек, табиатга, ундаги нарса-ҳодисаларга, жонзотларга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияловчи шеърларнинг маърифий аҳамияти ҳам катта бўлади. Бундай шеърлар бугунги кунда болалар учун кўплаб яратилмоқда. Чунки сўнгги пайтларда болаларни давр имкониятларидан келиб чиқиб, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, унга нисбатан сиз деб мурожаат қилишларини ўргатишда адабиёт ҳам яхши восита бўла олади.

Ҳажвий-мажозий шеърият ўзининг кўчма маъно касб этиши, бу кўчма маъно ҳар бир китобхоннинг тасаввури орқали ифодаланиши билан индивидуаллик касб этади. Бу унинг бадиий-эстетик қимматини ошириб беради. Мажозийлик болалар тафаккурига эртақлар ва улардаги образлар билан кириб борган. Эртақларда энг кўп қўлланувчи образ тури ҳам бу мажозий образлар ҳисобланади. Улар учун яхши таниш бўлган бу тушунчалар янги қиёфада уларнинг мутолаа майдонида пайдо бўлади.

Ўзбек болалар адабиётининг бир қатор истеъдодли вакиллари хусусида мулоҳазалар билдирган профессор А.Расулов бу ижодкорларнинг қаҳрамонлари доираси, жанрлар, шакллар ҳам кенгайганига, уларнинг асарларида “инсон, ҳайвонот, дов-дарахт, тоғ-тош” яхлит бир бутунликда акс эттирилганига эътиборини қаратади. Айтиб чоғда: “Болалар адабиётида жанрлар, шакллар ранг-баранглиги ортди”¹, деб ёзади у. Юқорида таҳлилга тортилган шеърий асарларда адабиётшунос олим айтган ана шу жиҳатлар кўзга яққол ташланди.

Болалар учун яратилган мажозий-ҳажвий шеърият болаларнинг илм-маърифатга бўлган муҳаббатини оширади, ўзлари ва атрофдагиларга, ота-она ва ўқитувчиларига бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқишга ундайди. Бу хилдаги шеърлар болаларнинг адабий-эстетик дидини шакллантириб, хунукликнинг суратини чизиш орқали гўзалликни ҳис қилиш руҳида тарбиялайди. Сўнгги даврда яратилаётган кўплаб туркум шеърлар болаларни табиат ва турли-туман нарса-ҳодисалар, жонзотлар оламига олиб киради, уларда меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади. Шеър матнида келтирилаётган арифметик рақамлар, мақоллар, сўз воситасида ясалаётган шакллар, топишмоқ шеърлар кичкинтойларнинг билим савиясини, топқирлигини ошириш билан бирга, сўздаги эстетик гўзалликни ҳис қилишга ўргатади, янги олам билан таништиради ҳамда уларнинг хусусиятларини аниқ ёдда сақлаб қолишга хизмат қилади. Албатта, бу каби шеърлар болаларга таълим олиш жараёнида ёрдамчи бўлади, қандай вазифа бажаришини шеър ёдлаш орқали ўзлаштиради.

Истиқлол даври шеъриятида шаклий-услубий изланишлар ўзининг ижобий самарасини берди. Бундай натижалар шеърий асарга композицион-структурал ёндашув сари йўл очди. Мазмун-моҳиятни инкор этмаган ҳолда шаклий изланишларга йўл очиш болалар адабиётида янги босқични бошлаб берди.

“XX аср ўзбек болалар шеърияти минг йиллик бой меросимиз чашмаларидан сув ичган, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, сифат жиҳатдан янгилана борган, устозларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирган ҳолда, уни янгича тафаккур, янгича поэтик мазмун билан бойита олган шеъриятдир”¹⁰⁴.

Дарҳақиқат, Т.Адашбоев, С.Барноев, Р.Толипов, Қ.Ўтаев, А.Обиджон, А.Кўчимов, Ҳ.Имонбердиев, А.Акбар, Д.Ражаб, З.Исомиддинов, К.Турдиева каби кўплаб истеъдодли шоирлар томонидан яратилган асарлар болалар шеъриятини янги поғонага кўтаришга хизмат қилди. Уларнинг ёзганларида халқ оғзаки ижоди ва мумтоз анъаналар уйғунлигинамоён бўлган ҳолда янгиланган образлар, шаклий ва мазмуний изланишларни ҳам кўриш мумкин.

Боб бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сатира ва юмор адабиёт ва санъатнинг ажралмас таркибий қисми сифатида айрим кишилар феъл-атворидаги хунуклик тасвири орқали маънавий поклик, ахлоқий гўзалликни улуғлайди. Шу тариқа маънавий-маърифий, адабий-эстетик тарбия қуроли вазифасини бажаради.

2. Ўтган давр мобайнида яратилган болалар ҳажвий шеърияти мавжуд ижодий анъана ва принципларнинг қонуний давоми сифатида ўзида анъаналарнинг замонавийлик мезонлари асосида янги тажрибалар билан уйғунлашганини кўрсатади. Шунинг учун ҳақиқатда ҳажвий-юмористик образ яратишда шартлилик ва мажозийлик тамойилларидан фойдаланиш масалалари ҳам алоҳида йўналиш сифатида таҳлилга тортилди. Ҳажвий-юмористик кулги яратиш восита ва усуллари ижодкор бадиий маҳорати билан чамбарчас боғлиқ эканлигига диққат қаратилди.

3. Ҳозирги болалар ҳажвийшеъриятида қуйидаги икки йўналиш устуворлик қилиши аниқланди:

– биринчи йўналишни бевосита болаларнинг юмористик образи яратилган шеърлар ташкил этади. Бу типдаги ижод намуналарида болалар табиатида учраб турадиган айрим шўхлик ва ўйинқароқликлар, дангасалик ва тўполончилик одатлари кувноқ қаҳ-қаҳа билан фош этилишини кузатиш мумкин. Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб каби шоирлар яратган ҳажвий-юмористик образлар бунинг ёрқин далилидир;

– иккинчи йўналишни мажозий шеърлар ташкил этади. Бухилдаги намуналарда дов-дарахтлар, нарсалар-ҳодисалар, ҳайвонлар, жониворлар, паррандаю даррандаларнинг мажозий характердаги юмористик образлари яратилганини кузатиш мумкин. Бу образлар фақат ташқи шакл-шамойили билангина эмас, балки поэтик мазмунига кўра ҳам мукаммал юмористик образлар даражасига кўтарилгандир. Буйўналишдаги образларни яратишда мавжуд ижодий анъана ва ворисийлик катта аҳамият касб этади.

2. Кузатишлардан маълум бўлаётирки, сўнгги давр болалар шеъриятида ҳажвий образ яратишда қуйидагича уч хил усулдан кенг фойдаланилмоқда:

– болаларнинг характерида учраб турадиган чақимчилик, ғийбатчилик, дангасалик, ёлғончилик каби иллатларнинг бевосита ҳажв қилиниши;

¹⁰⁴ Rasulov A. Betakror o'zlik. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2009. – 186-b.

– болаларнинг ҳажвий образини яратиш баробарида ҳаётдаги муҳим ижтимоий-маънавий, ахлоқий муаммолар, иллатлар ҳажвий йўсинда фош этилиши, шу орқали кичик китобхонда уларнинг яшаш фалсафасига фаол муносабат ҳосил қилиниши;

– болаларнинг маънавий-ахлоқий олами билан боғлиқ нуқсонларни очишда мажозий образ ва деталлардан, шартли тасвирдан кенг фойдаланилиши. Натижада турли-туман ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар образлари орқали айрим болалар феъл-атворидаги муҳим ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни келтириб чиқарган сабаблар илдизини очиб беришга диққат қаратилмоқда. Бундай самарали ижодий изланишлар болалар шоирларининг кундалик ҳаёт ҳодисалари, инсон шахси ва руҳиятига чуқурроқ кириб боришда муҳим ижодий ютуқларга эришаётганидан далолат беради.

5. Болалар ҳажвий шеъриятида жаҳон болалар шеъриятидаги энг яхши анъаналар давом эттирилиши туфайли яратилаётган ҳажвий-юмористик образлар поэтик кашфиёт даражасига кўтарилди. Улар зиммасига ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ маълум “ижтимоий юк” ортилди. Натижада инсонларнинг табиатга, жониворларга бўлган шафқатсизларча муносабати акс этган шеърлардаги ҳажвий-юмористик образларнинг характер-хусусиятлари инкишофида турли мажозийлашган шартли поэтик деталлар, бадий тасвир воситалари, ўхшатишлар, сўзларни кўчма маънода қўллаш, жонлантиришлар орқали ўзининг юксак бадий ифодасини топди.

6. Бу давр болалар шеъриятида фольклор унсурлари ва қувноқ кулгидан самарали фойдаланиш натижасида:

а) болалар табиатида учраб турадиган баъзи бир қусурларни беғараз, қувноқ кулги остига олиш ва уларни тузатишга хайрихоҳлик билдириш;

б) турли-туман табиат ҳодисалари, ҳайвонлар, жониворлар, паррандалар, ўсимлик ва сабзавотларнинг мажозийлашган юмористик образлари воситасида ҳаёт билан чуқурроқ таништиришга ҳаракат қилиниши болалар ҳажвий шеъриятининг бадий-эстетик қимматини муайян даражада оширишга замин яратилди.

ТЎРТИНЧИ БОБ.
ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲАЖВИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТАРБИЯВИЙ
ҚИММАТИ

**Болалар ҳажвий шеъриятида миллий-маданий ва ижтимоий-
маърифий ғоялар ифодаси**

Ҳажвий шеърият дейилганда фақат кулги уйғотадиган ёки табассум улашадиган енгил шеъриятни тушунмаслик керак, албатта. Айниқса, у болалар учун ёзилган бўлса, ҳажв зиммасига маълум вазифалар қўйилиши керак бўлади. Кейинги йилларда болалар адабиёти ва болалар китобхонлиги тушунчаларига нисбатан қўйилган “саёз”лик тамғаси айнан шу вазифалар бажарилмагани сабабли юзага келган бўлиши мумкин. Ҳажвий шеъриятнинг вазифалари ҳажвдан келиб чиқади. Ҳажв аслида фожиа, у шундай бир танқидки, ўша фожиани даволашга қаратилган аччиқ малҳам. “Ҳажвий асар танқидий ва кулги уйғотадиган бадиий асар ҳисобланиб, мазмуни ва шаклига

кўра сатирик ва юмористик руҳда бўлади”¹⁰⁵. Болалар учун яратилган бадиий адабиёт намуналарини ҳам мазмун ва шаклига кўра иккига бўлиш мумкин:

- а) сатирик руҳда яратилган болалар шеърляти намуналари;
- б) юмористик руҳда яратилган болалар шеърляти намуналари.

Сатирада аёвсиз танқид бўлгани учун ҳам бу болалар адабиётида кам учрайди. Шоир болалар тарбияси, хулқидаги айрим нуқсонларни бошқа жисмлар, ҳайвонларга кўчириш орқали енгил кулги воситасида уларнитанқид қилади. Аслида, драматик турга мансуб комедия жанрининг асосида ҳам танқид-фожиалар устидан кулиш, уларни кескин қоралаш ётади. Лекин бунини жамият ҳар замонда ҳам тушунавермаган, шу сабабли ҳам кулги воситаси адабиётдаги энг нозик, шунингдек, энг ўткир ва элита қурол ҳисобланади. Бу воситанинг моҳиятини катта адабиётда ҳам тушуниш мушкул, аксрият ҳолларда асл мазмун англамайди. Болаларга унинг аслиятини етказиб бериш икки қарра мураккаб, чунки бола психикаси, руҳияти ҳали ёш. У кўрган ва эшитган нарсасига ишонади. Кесатик, пичинг каби сўзлашув воситасидаги танқидларни ҳам яхши англамайди, иборалар, тасвирий ифодаларнинг ҳам бош мазмунини сўзма-сўз қабул қилади. Асардаги ҳажвнинг бош моҳиятида кимнингдир устидан кулиш эмас, балки унга ўхшаб қолмаслик, ўша ҳолатни ёки одатни тарқ этиш кераклиги каби даъватлар ётганини тўла етказиб бера олиш, асар якунида ҳулоса тарзида тўғри ҳукм бериш шоирнинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Аниқки, бу мазмунни ифода этишда муаллиф бир қанча тасвир воситаларидан фойдаланади, сўз ўйинлари қилади. Сатира ва юморда қўлланилган тасвир воситалари ҳақида мактаб дарсликларида ҳам маълумотлар учрайди. Аммо болалар адабиёти, хусусан, ҳозирги болалар шеърлятида миллий-маданий ва ижтимоий-маърифий тажрибалар қай даражада деган саволлар, тажрибалардаги камчиликлар, шаклий изланишлар, мазмун янгиланишлари – барча-барчаси бугунги кунда тадқиқ этилиши талаб этилаётган алоҳида мавзу.

Сўнгги пайтларда болалар учун баракали ижод қилиб келаётган Муаззам Иброҳимова ижодида ҳажв унсурлари, уни ифодалашда қўлланилган тасвир воситаларида бирмунча шаклий ва мазмуний изланишлар кўзга ташланади. Хусусан, шоира ижодида мавзу янгиланишлари ҳам бор. Масалан, “Қулоқсиз қулоқча” номли шеърга профилактик шеър мақомининг берилиши ундаги мазмунни аниқроқ тушунишга ёрдам беради ва мазмунан янгиллигини исботлайди. Қолаверса, шоира ижодида жонлантириш, интоқ, сифатлаш, муболаға сингари тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиладики, уларнинг барчаси мазмунни очиқ беришга хизмат қилади.

*Қирчиллама қиш бува
Довдиратди барчани.
Ўзма қулоқ – чап қулоқ
Шоширди чап қўлчани.*

(“Қулоқсиз қулоқча”, 45-б.)

¹⁰⁵ Ahmedov S., Qo'chqorov B., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. I qism. Toshkent: Ma'naviyat, 2017. –105-b.

(жонлантириш)

–Ҳой, ечсанг-чи қалпоқни
Пишиб кетдим остида.
Бўлди, етар!
Юрмайман
Энди қалин пўстинда.

(“Қулоқсиз қулоқча”, 45-б.)

Шу ўринда, ижодкорнинг бадиий мақсади тасвирий воситаларнинг сонига аҳамият бериб, мақсадни унутиб қўймаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Воситалар доим асосга хизмат қилиши керак, улар биринчи даражали бўлмайди. Ҳар бир тасвирий восита муайян маъно-мазмунни ифодалашга ёрдам беради. Шеърдаги “қулоқсиз” сўзи аслида кўчма маънодаги сўз эканлигига ишорани сарлавҳа орқали кўриладиган бўлса, қулоқсиз қулоқчанинг кичик саргузашти, унинг қўлга буйруғи ва якуний хулоса дидактик характерга эга. Шеърнинг тарбиявий аҳамияти бир қанча тасвирий воситалар кўмагида амалга ошган. Қулоқни жонлантириш орқали унга “қулоқсиз” дея сифат берилиши билан асарнинг эстетик қиммати ошган бўлса, нутқ берилиб, болаларнинг тасаввурини кенгайтириш, воқеаларни кўз олдида яққолгавдалантириш мумкин.

Визуализация энг тезкор, тафаккур ва тасаввурга бевосита таъсир қилувчи тушунча ҳисобланади. Ижодкор ўзи қўллаган тасвир воситалари орқали болалардаги мазкур жараёнга таъсир ўтказган. “Визуализация жуда болаларбоп саналади, чунки у болаларнинг шусиз ҳам ўта фаол тасаввуридан фойдаланади ва уни ижобий ўзанга йўналтиради. Гап имтиҳон топшириш ҳақида кетадими ёки янги дўст орттириш ҳақидами – фарқи йўқ, бу техника ҳайратланарли натижалар беради. Болаларда тасаввур жуда кучли, шу сабабли визуализация ғоясини улар енгил қабул қиладилар”¹⁰⁶.

Болалар ташқи ахборотларнинг катта қисмини кўзлари орқали қабул қиладилар. Шеърда жонлантириш тасвирий воситасидан айнан шу мақсадда фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Қолаверса, боланинг тенгқурларидан ташқари, кўчма образлар, мажоз ва рамзлар мисолида ўзидаги камчиликларни кўриши, англаши дидактик мақсадларга хизмат қилади. Ҳажвий асарларда қўлланилган сифатлаш тасвирий воситаси ҳам қатор мақсадлар ижросига қаратилади. Сифатлаш боланинг нутқини ўстиради, сўз бойлигини оширади, ёзма ва оғзаки саводхонликни шакллантиради. Айниқса, юқоридаги шеърда қўлланилган “қирчиллама қиш” сингари ўйноқи сифатлашлар болалар учун янада қизиқарлидир. Шу ўринда, шоир қирчиллама қиш бобо дея “қирчиллама”, “қиш” ва “бобо” сўзларини биргаликда қўллаш орқали қирчиллама сўзининг турли маъноларни билдиришига ҳам ишора қилиб кетади. Бу ўринда “қирчиллама” ва “бобо” сўзлари ёнма-ён келганда, услубий ғализликдек туюлиши мумкин. Бунда қирчиллама сўзининг бош маъноси (“Қирчиллама 1 Куч-қувватга тўлган, етилган. Қирчиллама йигит. Ҳу, ана

¹⁰⁶ Kexo J., Fisher N. Ong quadrati – bolalar xizmatida. – Toshkent: Davr Press, 2017. –38–39-b.

олдинроқда ёши элликдан ошганига қарамай, ҳалиям қирчиллама йигитдай дароз бўйини тик тутиб, Тўламат мўйлов кетяпти. С.Анорбоев, Оксой. ...қирчиллама ёшнинг беш-ўн йили шунга сарф бўлди. М.Қўшжонов, Дийдор”¹⁰⁷)дан бироз силжиш бўлиб, болага сўзнинг иккинчи маъносини ҳам ўргатади. Икки сўзнинг орасига тушган қиш сўзи эса “масала”нинг бошқа томонини очиб беради, яъни болани сўзнинг навбатдаги маъноси билан таништиради:

“2 кўчма авжига чиққан, кучайган, қаҳрига олган, қаттиқ (совук ёки қиш ҳақида). Шундай қирчиллама совукда чўлга келиш зарурмиди? Й.Муқимов, Матонатли кишилар. Қирчиллама қиш палласи уни қишлоққа олиб бориш ҳам қийин эди. О.Ҳусанов, чўлда... қиш бўлганда ҳам қирчиллама кунда... туғилган. Ш.Холмирзаев, Сайланма”¹⁰⁸.

Шу каби хусусиятлар шеърятнинг маърифий-дидактик ва бадий-эстетик қимматини оширади. Шеърда жонлантириш, ўхшатиш ва интоқ каби тасвирий воситалар имкониятларидан унумли фойдаланилган:

*–Изгирунда тобланган
Коптоқтушдиэсимга.
Мана, уни бермовдим
Роналдога, Мессига.*

(“Қулоқсиз қулоқча”, 46-б.)

Муаззам Иброҳимова ижодида кўзга ташланадиган яна бир нарсаси – ижодкорнинг сўзга ботирлиги. У ҳажвий мавзуда ёзадими ёки дидактик характерли шеър бўлсин, неологизмлар, қисман шеърга ёт бўлган сўзлардан фойдаланишга қўрқмайди, чўчимайди. Шоира сўз масъулиятини ҳис қилади, албатта. Қўрқмасдан замонавий сўзлар, компьютер соҳасига оид атамалар ёки юқоридаги шеърда келтирилганидек, Роналдо, Месси каби шеър мазмунига оид сўзларни қўллайди. Булар болаларни қизиқтиради, ўзига тортади. Ижодкорда баёнчилик бор. Ижодида баён услубидан фойдалангани сабаб ҳам шеърлар бироз чўзилиб кетади. Болалар психологиясига кўра, улар тез зерикиб қоладилар. Болалар учун асар ёзаётган қалам соҳиби зиммасида улкан масъулият бўлади. Болани табиийлик билан кулдириш жуда қийин, у сохталикни дарров сезади. Лекин ундаги хайратни сўзларда ифодалаш учун шеър минг чиғирикдан ўтиши керак бўлади.

Муаллифнинг бошқа шеърларини таҳлилга тортсак:

*Ёнгоқполвон арзанда,
тишчаларда чақилса,
Ҳайрон бўлманг, тишчалар
“вой, дод” дея бақирса...*

(“Тишчалар”, 23-б.)

Енгилгина кулги уйғотадиган шеърнинг шу мисраларини ўқиган болакайларда тишчаларга нисбатан раҳм-шафқат ҳисси уйғониши аниқ. Зеро,

¹⁰⁷ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. – Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. –301–302-b.

¹⁰⁸ O‘zbek tilining izohli lug‘ati. – Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. –301–302-b.

бу раҳм-шафқат, аввало, уларнинг ўзига, ўз саломатлигига қаратилган бўлади. Буни болалар оппоқ, кичикаъзоларига нисбатан меҳрибончилик деб тушунишлари ёрдамида энди тишларида ёнғоқ чакмайдиган бўладилар. Уларга раҳм қиладилар, “вой, дод” деб бақиришларини истамай қоладилар.

Болалар адабиёти зиммасига юклатилган дидактик вазифага айнан кулги сўқмоқларидан бориш яхши самара беради. Мазкур шеър ҳам болалар шеърлятидаги ижтимоий-маърифий тажрибалар ифодаси ўлароқ майдонга келган. Ижодкорнинг шакл устида ҳам кўпроқ изланиб, такрорлардан камроқ фойдаланиши, пухта асар дунёга келишини таъминлаган. Масалан:

Майли, менинг дўстларим

Қолиб кетди тепада.

Қидирсангиз топасиз,

Ювилмаган мевадан.

(“Ичбуруғ”, 18-б.)

Ушбу шеърда ҳам юқорида таъкидланганидек, жонлантириш, интоқ, сифатлаш кабитасвирий санъатлар қўлланилган ва якунда ҳукм берилган. Бу ҳукм пандона сифатида жаранглайди. Ижодкор тўғридан-тўғри “меваларни ювиб е” деб айтмайди. Ювилмаган мевадан касаллик микробларини топиш мумкинлигини эслатиб, уқтирадики, меваларни ювиб ейиш керак. Унчалик катта бўлмаган дидактик характерли мазкур шеърдан болалар ўзларига зарур хулосаларни чиқариб оладилар.

“Дидактика” – юнонча “дидактикос”, яъни “ибратли” деган сўздан олинган. Демак, “дидактик адабиёт” деганда насихат, ўғит, ибрат руҳидаги асарлар тушунилади. Бу Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бўлган. Шарқ сўз санъатида панд-насихат руҳи устунроқ, очиғи, у шуниси билан Ғарб адабиётидан фарқ қиладди ҳам. Х асрдаёқ буюк Абу Али ибн Сино Шарқ кўпроқ панд-насихат йўли билан, Ғарб эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбиялашга мойиллигини махсус қайд этиб ўтган эди¹⁰⁹.

Кўринадикки, болалар тарбиясида адабиётнинг кучидан – дидактик кимматидан фойдаланиш самарали. Асарнинг дидактик, маърифий ғоялар ташиши эса унга ижодкорнинг қанчалар теран мазмун юклай олишига, маҳоратига боғлиқ бўлади. Инсонда адабиётга муҳаббатни шакллантиришдаги илк восита сифатида болалар адабиётига эътибор бериш, унинг аҳамиятини чуқур англаб етишга муносабатдан, уни тадқиқ қилишдан бошланади.

Муаззам Иброҳимованинг асл касби шифокор бўлганлиги учун ҳам болалар соғлиги ҳақида қайғуради. Болаларнинг тишчаларини асраш, қулоқларини эҳтиёт қилиш ёки ювилмаган меваларни еб, касал бўлиб қолмаслигини хоҳлайди. Ўз хайрихоҳлигини шеърлари орқали етказиб беришга ҳаракат қиладди. Ижодкорнинг насрий асарлари ҳам бугунги кун болалар адабиётида ўқишли бўлиб турганлигини шу орқали эътироф этиш мумкин.

¹⁰⁹ Olim S., Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. I qism – Toshkent: G'afur G'ulomnomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2014. – 71–72-b.

Муаллиф шеърларида жонлантириш асосида болаларга панд-насихатлар қилади, тарбиялайди. Интоқ санъати билан гўзал эстетик шеърлар яратади. Сифатлаш орқали маърифий ғояларни сингдиради ва билим беришмақсадини кўзлайди. Юқорида қайд этилганидек, касби нуқтаи назаридан муаллифни болаларнинг саломатлиги масаласиқизиқтиради. Шу боисшеърларидаги образлар – тишлар, инсон танасининг аъзолари ва ҳоказо. У образлардан сўз масъулиятини ҳис қилган ҳолда фойдаланади. Янгиликка интилади, бу йўлда тажрибалар қилишдан тап тортмайди. Шоира болалар олдидаги асл вазифаларини теран англайди. Уларга нима тортиқ қилмоқчи эканлигини англаган ҳолда ишга киришади.

Болалар шеърляти йўналишида ижод қилувчи шоирлар кўпчиликини ташкил этмайди. Айниқса, ёш ижодкорлар сафида улар бармоқ билан санокли. Мана шу омил ҳам болалар учун ижод қилиш қанчалик машаққатли эканидан далолат бериб турибди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди томонидансараланган ёш ижодкорларнинг шеърй, насрий китоблари “Биринчи китобим” рукнида 10–20 минг нусхада чоп этиб келинади. Бир неча йиллар давомида чоп этилаётган тўпламлар орасида болалар шеърляти йўналишида атиги 3 та китоб нашр қилинган. Булар: Зулфира Нўмонованинг “Осмоннинг фанори” (муҳаррир Т.Адашбоев), Азамат Худойберганов ва Дилноза Тиллабоеванинг “Уялчанг чувалчанг”(муҳаррирлар Турсунбой Адашбоев, Захро Ҳасанова) ҳамда Наима Анварова, Мўтабар Ҳасанова ва Моҳидил Абдуллаеваларнинг “Раққос япроқлар” (муҳаррир Дилшод Ражаб) шеърй китобларидир. Бугунги давр болалар шеърляти ва унинг давоми дея эътироф этилган ушбу китоблардан ўрин олган, шунингдек, юқоридаги каби мақсадларга хизмат қилувчи ҳажв элементлари, улардаги шаклий ва мазмуний изланишларни таҳлилга тортиш ўринли. Зеро, бугунги болалар адабиётининг ёш вакиллари томонидан ёш китобхонларга қандай асарлар тақдим этилаётгани, образлар ва шаклий изланишлар қай ҳолда тадқиқ этилиши ҳар томонлама қизиқ. Номлари келтирилган тўпламлардан жой олган шеърларнинг ҳавжий хусусиятлари, улардаги ҳажвий образларда янгилаиш кузатиладими каби саволларга таҳлиллар орқали жавоб топиш мумкин бўлади.

Зулфира Нўмонова қаламига мансуб “Осмоннинг фанори” номли китоб 2015 йил чоп этилган. Китобга танланган ном болаларни осмондаги ойнинг яна бир хусусияти билан таништиради: энди ой осмоннинг фанори, тунларни ёритувчи чироқ ўлароқ уларнинг кўз олдида гавдаланади. Фанор сўзининг мумтоз қўлланиши ҳам болаларга янгича тасаввурлар беради. Оғзаки нутқда уни “фанар” тарзида ишлатувчи кичкинтойлар энди сўзни тўғри қўллай бошлайдилар. Шу номли ва бошқа шеърларда муаллифнинг шаклий изланишлари яққол кўзга ташланади. У қўллайдиган оддий ва содда “ширмойга – чайган”, “бунчалар – ғунчалаб”, “даврани – айланиб” сингари янги қофиялар ана ўша шаклий изланишларнинг илк кўриниши сифатида намоён бўлади. Фалсафадаги шакл ва мазмун бирлигини инобатга олган ҳолда мазмуний янгилаишларни ҳам таҳлилга тортиш ва болалар шеърлятида миллий-маданий ва ижтимоий-маърифий тажрибалар ифодаси бугунги ёшлар

ижодида қай даражада эканлигини аниқлаш адабиёт учун муҳим масала саналади.

Тўпламдаги илк шеърда болакай кўкдаги оймомони ширмой нонга ўхшатиб, у юзини ёғдуга, нурга чайганини айтади. Болакайнинг сўзларига жавобан унинг бувиси нур ойнинг борлиғи ва у осмоннинг фанори, дея таъкидлайди:

– *Сўзинг тўғри, болажон,
Нур ахир унинг бори.
Чунки ёруғ оламнинг
Осмоннинг фанори.*

(“Осмоннинг фанори”, 4-б.)

Ёриткичдан ҳам айнан тунда фойдаланар эканмиз, демак, ой чиндан ҳам осмоннинг фанари саналади. Зулфира ижодида болани ҳазил билан кулдирадиган шеърлар кам. Ҳажв элементлари кам учраса-да, “Осмоннинг фанори” шеърини ўқиган китобхон муаллифнинг топқирлиги сабаб ҳам кулиб кўяди. “Фанор” сўзи бир қарашда янги сўздек туюлади, аммо у қадим замонлардан халқимиз фойдаланиб келган турмуш ашёси. Шундай экан, ушбу шеърда миллий-маданий тажриба ифодасини кўришимиз мумкин бўлади. Ёш қаламкашлар ижоди камчиликлардан холи эмас, албатта. “Ёруғ оламнинг” бирикмасида “ёруғ” сўзи ўрнига ҳам ой зулматда фанар вазифасини ўташини инobatга олган ҳолда бошқа сифатлашдан фойдаланиш ўринли бўларди. Юқоридаги 2-, 3-мисраларда ҳам эга етишмаётгандек, мазмун шаклланиши мумкин, лекин шаклан тўлмаган. Аммо 4-мисра *Ос-мон-нинг фа-но-ри* шеър техникаси жиҳатдан 6 бўғинни ташкил қилади ва қолган мисралар 7 бўғиндан иборат. Бир қарашда хатодек туюлган ушбу мисрани “Осимоннинг фанори” тарзида ўқиш ҳам мумкин ва бу билан мумтоз адабиётимиздаги хижоларга мурожаат бўлади. Зулфира Нўмонованинг ижодида шу каби хусусиятлар талайгина. Демак, буни болалар адабиётидаги янги нафас деб баҳолаш мумкин. Навоийни тушунмаймиз, дея ўзимиздан узоқлаштириб қўйганимиз рост. Энди болаларга мумтоз адабиётни, хусусан, Навоийни ўргатишда дастлабки қадамларни мана шундай шаклий изланишлардан бошлаш анча фойдали бўлади.

Китобдан ўрин олган навбатдаги “Сой билан суҳбат” шеъри диалогик усулда ёзилган. Шеърда ҳажв элементлари йўқ, лекин сўз ўйинлари унга шўхчанлик бахш этган. Оҳанги билан сойнинг оқишини ёдга солади. Шеърда болакай сойга шундай мурожаат қилади:

Тентаккинам, Тентаксой.

Шеърда жонлантириш, интоқ, сифатлаш каби тасвир воситаларидан фойдаланилган. Қолаверса, асосдош сўзларни қўллаш орқали шеърнинг оҳангдорлиги, жарангдорлиги таъминланган. Соё номи билан сифатнинг асоси бир хиллиги ва кичкинтой тилидан унга эркалаш қўшимчалари билан мурожаат қилиниши болалар тили софлигини таъминлаб берган.

Муаллиф ўз шеърлари билан болалар ҳаёлотини бойитишга, янги сўзлар ўргатишга уринади. Кўп ҳам ўйноқилик қилавермайди, болани кулдирмайди,

кўпинча тасаввурига куч беради. Унинг “Баҳор” шеърдан олинган куйидаги мисраларни ютуқ сифатида баҳолаш мумкин:

*Офтобнинг зар нуридан
Сойлар қилар жилва, ноз.*

(“Осмоннинг фанори”, 6-б.)

Чиройли тасвир. Бунда жонлантириш ва сифатлашнинг ифода имкониятлари бўй кўрсатган. Қуёш нурининг сойда жилваланаётган ҳолати ноз қилишга ўхшатишмоқда. Ариқда оқиб келаётган сувни сузук дея тасвирлаш мумтоз адабиётимизда бор. Айнан мана шу хусусиятлари билан ҳам ижодкор ёзганлари мумтоз адабиёт билан ўхшашликка эга. Аммо сойда қуёш нури жилваланиши нозга ўхшатишгани ўзгача жараён. Гўёки ноз бир жилваки, товланади демоқчи шоир. Офтобнинг нурлари сойга тушиши ривожлантирувчи ҳаракат вазифасини ўтамоқда. Ноз жилва қилиши учун офтобнинг зар нурлари керак бўлади, бу ерда гўзал бир жараён бор. Лекин шоирнинг ёзганлари бир томондан шакл жиҳатдан болалар учун, аммо мазмунан умумадабиёт тегишлига ўхшайди. Ана шу хусусиятлари билан Зулфиранинг шеърлари болалар адабиётидаги мазмун янгиланишларининг учкунларига мисол бўла олади.

Тўпладан ўрин олган навбатдаги “Япроқча” номли шеър бироз заифроқ. “Ақл бовар қилмайди” бирикмасининг ўрни алмашиб, “бовар қилмайди ақл” тарзида қофия талаби билан келтирилади. Якун пухта эмас, англашилган мазмунда ҳам равонлик йўқ. Аммо “ғунчалаб – бунчалар” сингари оригинал қофиялар кишини қувонтиради. Шоирнинг ҳамон изланишда эканлигини эслатиб туради. Одатда, болалар учун осон қофиялардан фойдаланиб шеър ёзадилар. Йўқ, айти дамда болалар техника-технология замонида яшаб туриб ўрганаётганлари олдида бироз қийин қофиялар ҳеч нарса эмас. Энди уларга мураккаброқ тушунчаларни ҳам ўргатиш керак ва бу йўлда адабиёт қарвонбоши бўлиши лозим. Соддароқ, осонроқ дея уларни жиддий асарларни ҳазм қила олмайдиган “дангаса” қилиб қўйиш асло ярамайди. Шундай экан, мана шу катта ишлар ёш ижодкорларнинг жажжи қадамларидан бошлангани ҳам анча дуруст. Шаклий изланишлар мазмуний ривожланишларга замин яратишига умид қилиш мумкин.

“Ёмғир” шеърда ҳам тасвир чиройли. Зулфира шундай гўзал тасвирлар бита олади. Моҳир рассомдек жараёнларни китобхон олдида тизиб кўяди. Ёмғирни болаларга мусаввир каби чизиб беради ижодкор. Шеър момақалдироқнинг ўжарлиги тутиб қолгани билан бошланади. У бутун дунёга овозасини таратади ва жаҳли чиқаётгани хабарини чаққон чақмоқ етказади:

*Хабарни етказиб чаққон чақмоқжон,
Очди кўкнинг сирли даврозасини.*

(“Осмоннинг фанори”, 8-б.)

Мана шу ўринда момақалдироқ ва чақмоқнинг айричалиги ҳам бериб кетилади. Бу икки сўз орасида нозик фарқ борки, уни сўзларда ифода этсак, чақмоқ чақади, момақалдироқ гумбурлайди. Чақмоққа “чаққон” дея сифат берилиши ҳам оҳангдорликка таъсир қилган. Боланинг нутқида тез айтишлар қанчалик аҳамиятли бўлса, шу сингари ўйноқи сўзлар тизмаси ҳам зарур

саналади. Осмон эшикларининг чакмоқ томонидан очилиши болалар учун кизиқарли. Бунда тасвир ҳам, мантиқ ҳам мавжуд. Шеър ҳажвий эмас, аммо кайфият улаша олади. Якун ҳам ўринли, тугал: томчилар бир-бирини қувиб тушиб, борликни ғубордан ювиб ташлагани билан хотималанади. Шеърдан бола қандай хулоса олиши мумкин? Шеър дидактик характерда, аммо ижодкор уни биров парда ортига яширади. Уни бола тушунмаслиги мумкин, лекин катта ёшли инсон англаб олади. Яъни жаҳл билан бошланган жараён, жаҳл қилиш, табиийки, яхшиликдан эмас, якунда яхшилик билан тугамоқда. Момақалдироқнинг жаҳли чиққанлиги сабаб чакмоқ осмон дарвозаларини очган эди, шу туфайли борлик, замин бағри тоза бўлди, томчилар уни ювиб ўтдилар. Бундан кўринадики, биз яхшиликдан эмас деб ўйлаган ҳар нарсанинг ҳам охири ёмонлик билан тугайвермайди. “Ҳар ишда бир хайр бор”, деган дидактик қараш пинҳон этилган шеърда. Ана шуни болалар тўғри англаб етишлари керак.

“Шодлик саси” – бутун шеър. У тонгги гўзал умид куйи билан бошланади:

Қуёш тонгнинг остонасида

Умид билан эшигин қоқар...

(“Осмоннинг фанори”, 9-б.)

Деразадан эса оппоқ либосли кун жилмайиб боқади. Демак, кун, тонг битта уйда яшар экан-да, ўйлай бошлайди бола. Кейинги пайтларда болада фантастик, болаларча улкан тасаввурни шакллантириш адабиётда кам учрайди, бунга иккинчи даражали масала сифатида қараш авж олди. Лекин бола тасаввури билан бола, уни бойитиш лозим. Қандай? Шу сингари шеърлар, уларнинг таҳлиллари орқали. Шеърдаги қуйидаги мисралар ҳам ғоят аҳамиятли:

Гуллар юзин ювганда шабнам,

Қуёш кўрар ўзининг аксин.

(“Осмоннинг фанори”, 9-б.)

Ҳар тонг гуллар юзини шабнам ювиб қўяди ва бу ўзида ойна ҳосил қилади. Унда қуёшнинг заррин нурлари товланишини кузатиш мумкин. Қуёш шабнамда бутунлигича кўринмайди. Зеро, қуёшнинг шабнамга нисбатан анча катта эканлигини бола ҳам билади, аслида. Шундай экан, бу мисралар орқали нима дейилмоқда? Нимага ишора қилинмоқда? Қуёш, албатта, рамз. У бутунлик, унинг зарралари эса касрат рамзи. Улар қўп бўлиши мумкин, лекин қуёш битта. Мана шу зарралар шабнамда қуёш ўлароқ акс этапти. Демак, ҳар бир заррада қуёш акс этади. Зарралар йиғилиб, қуёш бўлади. Қуёш ҳар бир заррасида ўзини кўради ва бу ўзлик учун шабнам восита бўлиб келади.

Шабнамни бу ерда шаҳодат оламига қиёслаш ҳам мумкин. Чунки зарраларнинг қандай эканлиги уларнинг шаҳодатда қандай эканликлари билан боғланади. Шундай экан, шабнам ўткинчи дунё тимсоли. Ўткинчи бўлиш билан бир қаторда у кўзгу ҳамки, агар Қуёш зарраларга назар ташламоқчи бўларкан, уларнинг бу оламдаги қилган гуноҳу савоблари – амалларига эътибор қаратади. Болалар бу мазмунни тушунмаслиги, тўлалигича англамаслиги мумкин. Лекин буни дарсларда таҳлил қилиш орқали

шакллантириш имкони мавжуд. Мана шундай чуқур мазмун касб этувчи, шаклан қисқа бўлган болаларбоп асарларга бугун эҳтиёж катта.

Бутунни қисм орқали ифодалаш, заррада борлиқни кўриш тасаввуфий маъно касб этади. Жаҳонга машҳур ва мактаб дарсликлари орқали таниш бўлган “Кичкина шахзода”, “Қутбдаги гунафша” асарлари ёки жаид боболаримиз болалар учун ёзган “Ўқув китоб(и)”даги ҳикоялар ўзларида катта мазмунни яширмаганми? Болалар адабиётида айнан мана шундай теранлик касб этиши керак эмасми? Айниқса, бугун. Болаларга осонлик, мураккаблиқни енгишни шакл ёрдамида таъминлаш мумкин. Аммо мазмун-моҳият чуқур бўлиши шарт, тагдор ва теранлиги билан боланинг ёдида қолиши керак. Бола кичиклигида у шеърларнинг моҳиятини англамас. Улғайгач эса, хотирасига муҳрланганмисрлар мазмуниничуқурроқ англаб этади. Юқорида таъкидланганидек, болалар адабиёти намуналарида мумтоз адабиётга, жумладан, тасаввуфга хос хусусиятлар акс этиши бу жуда катта ютуқ. Аслида, адабиёт шундай бўлиши ҳам керак, айниқса бугун болалар адабиёти деярли фожага айланиб қолган бир пайтда. Сабаби бугун умумадабиётда ҳам бир қанча намуналар борки, уларда тасаввуфий мазмунни кўриш мумкин. Шу жиҳатдан болалар шеърлятига ҳам мана шу хусусиятнинг кириб келиши анчайин зафарли қадам бўлади. “Шодлик саси” шеъри тамоман овозга курилган. Унда овоз элементлари кўп учрайди: булбулнинг сайраши, япроқлар шивири, тонгнинг ракси... Бу шеърни сарлавҳа (сас)дан келиб чиқиб таҳлил қилишга ёрдам беради. Сабаби шеър таҳлилида унинг номи алоҳида аҳамият касб этади.

Муаллифнинг “Капалак” шеъри ҳам бутунича гўзал. Жажжи болакайнинг капалақни тутмаслик учун майли, дея орзусини ҳам курбон қила олиши катта жасорат. Шоира капалак кўкда беғубор орзудайин парвоз қилаётганини айтади. “Бола” – лирик қаҳрамон тилидан айтилган якун улкан тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эга:

*О, капалак қалбимга
Эзгу ҳислар солдинг сен.
Майли, мен тутолмаган
Орзу бўлиб қолгин сен.*

(“Осмоннинг фанори”, 10-б.)

Юзаки маънода жониворларга озор бермасликни ўргатаётган бу шеърнинг тағзамирида орзулар ётибди. Бола орзуларини ҳам кўйиб юбориш эвазига капалақни озод қилмоқда. Яна таъкидланмоқдаки, капалак бола қалбига эзгу ҳислар солган ва бу эзгулик уни кўйиб юборишга ундамоқда. Болага гўзал ўйлар бахш эта оладиган шу каби асарларнинг кўпайиши эстетик аҳамият касб этади.

Навбатдаги “Туш” номли шеър болалар адабиётида кенг қўлланилган мотивни ўз ичига олган. Ўзида фантастиканинг илк кўринишларини қамраб олган мазкур мавзудаги шеърларнинг барчасида сюжет бир хил:

*Тентаксойнинг кўксига
Ойдан осдим туморча.*

(“Осмоннинг фанори”, 11-б.)

Шеърдан олинган икки мисра жонли. Агар “осдим” сўзи ўрнига “тақдим” сўзи ишлатилса дурустроқ эди. Аммо мавзу жуда эски, ҳатто лойқаланиб ҳам улгурган. Чунки болалар адабиётида ижод қилувчи шоир борки, унинг ижодида “Туш” номли шеър бор. Ундаги образлар, саргузаштлар ҳам ўхшаш. Бирхилликдан қочган яхши, зеро, шоирнинг ўша мавзуда айтадиган янги ва рост сўзи бўлмаса.

“Барг” номли шеър ҳам диққатга сазовор:

*Ювади юзларини
Оппоқ тонг дурларида.
Ва артар астагина
Қуёшнинг нурларида.*

(“Осмоннинг фанори”, 12-б.)

Япроқнинг ушбу ҳаракатларига бир эътибор берайлик: у юзини шудринг билан ювиб, кейин қуёш нурларида артиб оларкан. Қандай чиройли тасвир. Ҳақиқатан ҳам, тонгда япроқларга шудринг тушади. Болалар ҳам тонгда юзларини ювишлари керак. Кичик китобхон буни ўзининг ҳаракатлари билан таққослаб, тушуниб етади. Сўнг япроққа қуёш нури тушиб шудринг ҳам аста йўқолади – юзини артиб олади бу япроқчалар. Нозик ўхшатиш ва болалар учун яхши ўрнак. Чунки япроқлар ҳам юзларини ювишни ўзлари учун бир табиат қонуни сифатида баҳолай оладилар.

“Ботир хўроз” шеъри эса болаларга ҳажвия орқали тарбия беради. Болани мақтанмасликка ўргатади. Мақтанчоқликнинг оқибати уятли бўлишига ишора қилади. Шеърда жонлантириш, сифатлаш, нутқ бериш каби тасвир воситаларидан фойдаланилган ҳамда уларнинг барчаси кулги орқали таъсир кўрсатиш мақсадига қаратилган. Образ сифатида танланган “ботир” хўроз дастлаб товуқларга обдан мақтаниб олади:

*Ҳурмат қилишар мени
Дон ейман товоқларда...
Билсангиз ота-онам,
Бўлишган хўп билимдон.
Дарс берган ўрдак, гозга,
Таълим олган куркахон...*

(“Осмоннинг фанори”, 13-б.)

Даврани – айланиб, кучук – учиб сингари оригинал қофиялар асарнинг шаклий қимматини оширган. Якунда “ботир” хўроз ҳаммага мақтаниб турган бир пайтда кучук келиб қолди ва унинг “ботир”лигини ҳамма билди-қўйди:

*У мақтаниб турган пайт,
Келиб қолди бир кучук.
Товуқларга қарамай
Дарахтга қочди учиб.*

(“Осмоннинг фанори”, 13-б.)

Халқимизда бекорга “Мақтанма ғоз – ҳунаринг оз” дебайтилмаган. Шеърдан бола сўз ва амал мутаносиб бўлиши кераклигини ўрганади. Ўқувчига беҳудага мақтанмаслик, айниқса, у ёлғон бўлса, охири вой бўлишини ўргатади. Бу шеърни ўқиган турли ёшдаги инсонлар ўзларига керакли

хулосалар чиқариши мумкин. Масалан, ота-оналар фарзанд тарбиясида сўз билан эмас, амаллари билан “тапириш”ни ўрганадилар. Яна ҳеч қачон инсон ота-онаси, яқинлари номи билан мақтанмаслиги кераклиги ҳақида ҳам яхши насихат бор шеърда. Болалар тарбиясига хос бўлган яхши хислатларни ёмон хулқ-атворлари билан зидлантириб тасвирлаш самара беради. Айниқса, бу зидлик яхшилиқнинг аҳамиятини ошириб кўрсатиши билан муҳим. Шу сабаб ҳам шоир, ёзувчилар ижодида “бу яхши, шундай яхши бўлиш керак” деган насихатомуз сўзлардан кўра, унинг зиддини кўрсатиб, “одобни одобсиздан ўрган” қабилидаги мисраларни кўп учратамиз ва бу тўғри йўналиш.

Навбатдаги шеър “Қиш” деб номланган. Унда ҳам эътиборга сазовор мисралар йўқ эмас, шу билан биргаликда камчиликлар ҳам. Бир банд бироз таҳрирталаб ва сийқаси чиққан:

*Соф, зангори осмондан
Паға-паға ёғар қор.
Ҳар парчаси мўъжиза
Гўёки бир сеҳр бор.*

(“Осмоннинг фанори”, 14-б.)

Зулфиранинг шеърларида айнан 2- ва 4-сатрлар қофиядош бўлиб келади. Бу унинг ижодига хос умумий хусусият саналади. Кейинги бандда ижодкор далалар оқ рўмол ўрагани ва ойнада аёз чизган суратларга лирик қаҳрамон лол қолганини айтади. Бу ҳам у қадар янги мисралар эмас. Чунки кўплаб ижодкорлар қишни қаламга олар экан, албатта, шу каби тасвирларни келтириб ўтади. Шеър қиш ҳақида айтилмаган, теша тегмаган мисраларга мухтожлик сезади. Кейинги икки мисра ҳам анча заиф:

*Ҳатто бутун борлиқ ҳам
Тип-тиниқ ва безубор.*

(“Осмоннинг фанори”, 14-б.)

Шеър техникасини маромига етказиш учун “ҳам, тип-тиниқ” деб бўғин талаби билан сўзларни келтириш ярамайди. Айниқса, бола учун берилаётган ҳар қандай маҳсулот янги бўлиши, ундаги мазмун таранг тортилиши керак. Шаклни ростлайман дея мазмунга сушт кетиш муаллифнинг бадий маҳорат жиҳатдан бироз оқсаётганини англатади. Адабиётда сўз бош “маҳсулот” экан, уни исроф қилмаслик лозим.

*Кийиб олиб музқўйлак
Кўз-кўз қилар сой, анҳор.*

(“Осмоннинг фанори”, 14-б.)

Бу қолган мисраларга нисбатан анча дуруст: тасвир бор, жараён ҳам йўқ эмас. Музнинг ялтираши кўз-кўз қилишга кўчиб, жонлантирилган. Сойнинг музқўйлак кийиши ва уни кўз-кўз қилиши китобхон кўз олдида яққол аксланадиган жараён. Якунда болаларга хос ташвиш дўнгтепада сирпаниш эканлиги айтилади. Дўнгтепани жой номи (топоним) деб олганда маъно англашилади. Шеърда жонлантириш, сифатлаш каби тасвирий воситаларга мурожаат қилинган.

“Қалтис ўйин” шеъри дидактик характерда дейиш мумкин. Шеърда қора булутларнинг тонгдан бошлаб тўполон қилаётгани тасвирланади:

*Тонгда қора булутлар
Ўйнашар беркинмачоқ.
Калла солиб бир-бирин
Қилишар бурнин пачоқ.*

(“Осмоннинг фанори”, 15-б.)

Жонлантириш Зулфира ижодида етакчи ўрин тутди, қолаверса, у мажоздан ҳам унумли фойдаланади. Яъни унинг ёзганларида масалга хос хусусиятлар акс этади. Маълумки, “масал – мажозий характерга эга бўлиб, насрий ёки шеърий шаклда ёзилади. Унинг асосий қаҳрамонлари турли ҳайвонлар, нарс-буюмлардан иборат. Булар рамзий-мажозий маънода қўлланиб, инсонлар феъл-атворидаги турли хусусиятларга ишора тарзида келади. Масалнинг асосий хусусияти шундаки, у тўлиқ маънода тарбиявий мақсадга йўналтирилади”¹¹⁰.

Зулфиранинг шеърлари мажозий-рамзий характердалиги ва уларнинг аксарияти тарбиявий аҳамият касб этгани учун ҳам уни масалга яқин деб айтиш мумкин. У ёзган шеърларда қаҳрамонлар, асосан, болалар эмас, балки табиат ҳодисалари, дарахтлар, япроқлар ёки нарс-буюмлар. Мана шу хусусияти уни “табиат куйчиси” дейишга асос бўлади. Шеър давомида қалтис ўйин табиат ҳодисаларига кўчиб боради. Якунда эса Қуёшнинг насиҳати янграйди ва у булутларга қарата шундай дейди:

*Йигласангиз ёмғирга
Тўлиб кетар ҳамма ёқ.
Деҳқонларни ранжитманг,
Ерни қилиб қатқалоқ.*

(“Осмоннинг фанори”, 15-б.)

Ҳамма ёқ ёмғирга тўлиб кетишида биров ғализлик мавжуд. Лекин шаклий хатоликларга қарамай, мазмун тарбиявий аҳамият касб этади. Яъни деҳқонларни ранжитмаслик, уларнинг меҳнатини қадрлаш, халал бермаслик зарур. Мана шу жойда болалар адабиёти ва шеърлятидаги миллий-маданий тажрибалар ифодаси юзага чиқа бошлайди. Тарбия асосида миллий-маданий тажрибалар ётиши ёдга олинади. Меҳнатнинг қадрига етиш жоизлиги тасвирлар орқали уқтирилади, шунингдек, уришиш ёмон оқибатларга олиб келиши ўргатилади.

“Кунгабоқар” номли шеърда болалар ҳавас қилиш кераклигини ўрганишади. Эмишки, кунгабоқарга “ўзлари маржон тишли бўлса ҳам жўхорилар ҳавас қилишар экан”. Ҳатто уларнинг кўнгли узун сочли бўлсалар ҳам тўлмаётган эмиш. Ҳавас қилишнинг чегараси бўлмайди, инсонда гўзалликка, яхшиликка эҳтиёж бор ва уни қондиришда ҳавас муҳим ўрин тутди. Яхши тасвир, аммо биринчи банд таҳрирталаб, кунгабоқарга қарата “йўқ сира каму кўстинг” дейиш тушунарсиз. Кам-кўстларига қарамай, болалар адабиётига янги бир саҳифа очишга интилаётган ушбу ижод намуналари

¹¹⁰Ahmedov S., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. –Toshkent: Sharq, 2015. –42-b.

тахлилга тортилиши, болалар “истеъмоли”га арзирлими ёки йўқлиги кенг муҳокама қилиниши лозим, албатта.

Сўз ҳажвий характерга эга “Гол” номли шеър ҳақида. Саккиз мисрадан иборат шеърда қувноқлик таранг даражада дейиш мумкин. Унда Жавлоннинг пешонаси дўнг-ғурра экани айтилиб, у кўм-кўк ғўрага ўхшатилади. Якунда сабаби ойдинлашиб, у тушида футбол ўйнаб, боши билан гол ургани келтирилади. Лекин шеърда ҳажв ўзининг юқорида айтиб ўтилган катта вазифаларини бажармаган. Шунчаки кайфият улашувчи юмористик шеър сифатида баҳолаш мумкин. Албатта, ҳажвий характердаги шеърлардан ҳар доим ҳам мазмун қидириш ва у дидактик ёки бошқа мақсадларга хизмат қилмаса, уни кераксизга чиқариш катта хато. Болалар учун ёзилган шеърларда кулги маълум воқеаларни эслатиш мақсадида ҳам қўлланилиши мумкин. Болалар адабиёти маълум вазифаларни бажариши керак, аммо бу шунга мажбур қабилида жарангловчи ишэмас.

“Ниначи” шеърида муаллиф ёки лирик қаҳрамон ҳашаротга “Нега бунақа отинг?” деб савол беради. Кейинги бандда Ниначининг жавоби келтирилган мисралар қуйидагича:

*Табиатга ва боғга
Саломинг етказмоққа.*

(“Осмоннинг фанори”, 18-б.)

Лекин бу жавоб эмас ёки Ниначи жавоб бермай кетиб қолган. Аслида, бу ўринда жараён бузилган. Лирик қаҳрамон тилидан табиатга ва боққа салом ҳам йўлланмаган. Ахир, табиатга ва боққа салом етказиши сабаб унинг исми Ниначи бўлишида мантиқ йўқ.

“Қалдирғоч” номли шеърга келсак, муаллиф қалдирғочни қош-кўзлари тим-қора, қалби оқ дея таърифлаб, зидлантириш воситасидан фойдаланмоқчи бўлади. Лекин тасвир шеърга тўлиқ сингдирилмаган.

“Дуторнинг жазоси” шеъри кичик китобхонда енгил кулги уйғотади. Унда дутор рамзий характерга эга бўлиб, “қулоқсиз” – гап уқмас болалар рамзи. Яъни Жўра чалмоқчи бўлиб, дуторни қўлга олар экан, овозлари тиринглаб дутор ҳеч гап уқмайди. Шунда Жўранинг жаҳли чиқиб, гуноҳкорнинг қулоғини бошлаб бурайди. Муаллиф рамз топишда адашмаган, бу биринчи ютуқ сифатида баҳоланиши керак. Яъни созланиши учун, албатта, чолғу асбобларининг “қулоғи буралади” ва қулоқсиз болалар ҳам “созланиши” учун қулоқлари тортиб қўйилиши керакки, болалар бу шеърдан гуноҳкор барибир жазо олишини тушунишади. Шу маънода шеърда кулги воситасида болаларга тарбия беришга ҳаракатни кўриш мумкин.

“Туя” номли шеър ҳажвий эмас, унда болаларга туя ҳақида шеърий тарзда маълумот берилади десак ҳам бўлади. Муаллиф туяни сифатлар экан, унинг ўркачини икки адирга ўхшатади, бардош унга йўлдош эканлигини айтади:

*Бардош эрур йўлдошинг,
Сен билан доим бирга.*

(“Осмоннинг фанори”, 21-б.)

Йўлдош сўзида “доим биргалик” тушунчаси мавжуд ва буни икки марта айтиш шарт эмас.

*“Янтоқ керак бўлганда,
Бўйларингни чўзасан”,* – деб якунланган шеър фольклор билан боғланиб кетади.

“Хархаша” номли шеър болалар учун ёзилган *“Дада, сиз олиб берган Қўзичоқ ҳеч юрмайди”* деб бошланувчиқўшиқни эслатиб юборади. Чунки унда Мубина опасига хархаша қилиб, у олиб берган қўғирчоқ музқаймоқ емаётганини айтади ва унинг тишини шифокорга кўрсатиш керак дейди. Шеър шу билан якунланади.

*Қиш ҳам охирлаб қолди
Ўлкадан меҳмон каби.*

(“Осмоннинг фанори”, 22-б.)

“Қишнинг сўнгги кунлари” шеърининг илк мисралари шундай. Меҳмон каби охирлаш хато. Ўхшатишда ўхшатиш ва ўхшатилмиш орасида маълум бир ўхшашлик бўлиши керак. Ўлкадан меҳмон каби қишнинг охирлаши мантиққа тўғри келмайди.

*Бобомнинг соқолидай,
Осилган сумалаклар.
Кутишиб олишмоқда
Баҳоройни қарсаклаб.*

(“Осмоннинг фанори”, 23-б.)

Мана шу мисраларда жараён бор. Баҳорни кексаларнинг соқолидай осилган сумалаклар кунлар исигани учун қарс-қарс этиб ерга тушиб, қарсаклаб кутиб олишмоқда экан. Фақат учинчи ва тўртинчи қаторлардаги оҳанг бузилишларига биров диққат қилиш керак. Бундан ташқари, ўхшатишлар шеърнинг эстетик қимматини тушириб қўймаслиги, аксинча, уни баландроқ кўтаришга хизмат қилиши лозим.

“Узунсоч мажнунтол” шеърида жонлантириш санъатидан унумли фойдаланилган. Муаллиф унда мажнунтол узун сочларини ёйиб олиб, сувнинг тўлқинларида тарабини айтади:

*–Болажоним, асли у
Ёйиб олиб барини.
Сувнинг тўлқинларида
Тарайди сочларини.*

(“Осмоннинг фанори”, 25-б.)

“Ёнғоқ” шеърида “мағзи – ҳазил” сингари шаклий изланишлар – тирик қофиялар китобхонни хурсанд қилса, “Варрак” шеъридаги якун чиройли. У болаларни юксак орзулар қилишга ўргатади:

*Қанотларига илиб,
Орзуларим дуридан.
Олиб чиқади кўкка
Камалакнинг нурида.*

(“Осмоннинг фанори”, 26-б.)

“Шошқалоқ майса” шеъри болаларни шошилмай иш кўришга чорлайди. Унда шошқалоқ майсанинг саргузашти баён қилинади. Изғирин келиб, майсанинг ҳолига вой бўлгани айтилади.

“Бузоқча” номли шеърда бузоқчанинг майсалар билан қикирлаб юриши мантиқсиз. Тўпламга киритилган сўнгги шеър “Ёмғирвой” деб номланади. Шеърда жонлантириш, инток, сифатлаш каби бадиий тасвир воситаларидан зарур даражада фойдаланилган.

Зулфира Нўмонова ижодида ҳажвий шеърлар кам. Муаллиф кўпроқ болалар ҳаёлотини билан ишлайди. Кўп ўйноқчилик қилмайди, кичкинтойларга ниманидир ўргатишга ҳаракат қилади. Табиат тасвири билан болалар тасаввурисарҳадларини кенгайтиришга уринади.

Болалар адабиёти мазмун янгиланишига муҳтож. Бунга Зулфиранинг ижоди ҳам мисол бўла олади.

Болалар ҳажвий шеърини – ғоявий-маърифий ва этик-эстетик тарбия қуроли

Адабиёт сўзининг келиб чиқишини одоб сўзи билан боғлашлари бежиз эмас. Маъно – маънавият сўзлари сингари, адабиёт сўзининг ўзагида ҳам одоб сўзи ётиши рад этиб бўлмас ҳақиқат. У қай йўл билан бўлмасин, (баъзан одобсизликни тасвирлаш билан) инсонни тарбиялайди. Унинг ҳаёт йўллари ёритади. Болалар шеърини ҳам айнан шундай хусусиятга эга. Тарбиялаш вазифаси. Дидни шакллантириш бурчи адабиёт олдида қадим замонлардан қўйилган. Адабиёт кучли қурол эканини биз тошга ўйиб ёзилган битиклардаги даъватларда ҳам кўришимиз мумкин. Фақат бу қуролдан тўғри йўлда фойдаланиш керак бўлади. Болалар ҳажвий шеъринида ҳам болаларга тутилаётган маънавий озуқага маълум маънода ижтимоий, тарбиявий юк бериш лозим. Шу ўринда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бундан бир неча ўн йиллар аввал айтган қуйидаги гаплари ҳамон долзарблигича қолмоқда: “Чиройли лоф-қофдан хунук ҳақиқат яхши: анча ўсган, ютуқларга эга бўлган болалар адабиётининг даражаси, савияси унинг олдида турган талаблар, вазифалар даражасидан хийлагина паст. Адабиётимизнинг ҳозирги даражасини кўзда тутганда бу нарса жуда билинади. Бунга энг биринчи сабаб шуки, болалар адабиёти шу кунгача ҳам адабиёт жамоатчилигининг диққат марказидан четда бўлиб келди”¹¹¹.

Болалар ҳажвий шеърини ғоявий-маърифий ва этик-эстетик тарбия қуроли сифатида бугун ўз вазифаларини қай даражада уदдаламоқда, деган савол Абдулла Қаҳҳор жон қойитган пайтда қанчалик муҳим бўлган бўлса, бугун ҳам шунчалик долзарб. Диққат марказидан четда бўлган болалар адабиётида, айнан болалар шеъринида бугун яратилаётган асарлар абадиётга дахлдорлиги жиҳатдан ғоявий-маърифий ва этик-эстетик вазифасини

¹¹¹ Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: нашриёти, нашр йили. – ...-б.

бажариши шарт. Бу тушунчаларнинг барчаси тарбияга бориб тақалади. Болани тарбия қилишда унинг ёши, психик хусусиятларидан келиб чиқиш шарт бўлганидек, адабиёт воситасида тарбиялашда ҳам юқоридаги хусусиятларни инобатга олиш долзарб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам болалар адабиётида ижод қилувчи адиблар, шоиру ёзувчилар сўзга икки карра масъулдирлар. Тарихга назар ташласак, дидактик адабиёт намуналарининг шеърий усуллар билан ёзилган гўзал намуналари кўп учрайди. Шеър ўзида насрга нисбатан хосликни жамлагани учун ҳам дидактика билан бирлашиб катта кучга айланган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тарбия сўзига “1. Таълим, ахлоқ-одоб ва шу кабиларни ўргатиб, сингдириб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш. 2. Инсонда иш-хунар, одоб-ахлоқ ва шу кабиларни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшаши учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуи ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилат кабиларнинг ўзи¹¹²” тарзида таъриф берилиши унинг маърифий-ғоявий эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Педагогик тадқиқотларга кўра, инсонни тарбиялаш бир умрлик ва масъулиятли жараён. Бу жараёндаги илк босқич болалик даврига бориб тақалади. Болалар адабиётининг аҳамияти ҳам айнан шунда. Илк босқич – пойдевор демак. Унинг бир умр қандай давом этиши пойдевор қандай шаклланишига бориб тақалади. Зеро, Мирзо Абдулқодир Бедил таъкидлаганидек:

*Биринчи гиштни мўрт қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийишқидир девор.*

Болалар тарбиясининг меъморлари кураётган бинолар пойдевори шу жиҳатдан мустаҳкам бўлиши керак. Уларни тинимсиз таҳлилга тортиб, лозим бўлса, болалар учун ижод қилувчи шоир-ёзувчиларга болалар адабиётининг вазифаларни эслатиш керак.

Бугунги кунда болалар адабиётининг энг яхши намуналари дея эътироф этилаётган ёш ижодкорлар тўпламларидан бири Азамат Худойберганов ва Дилноза Тиллабоеванинг “Уялчанг чувалчанг” номли шеърий тўпламидир. Тўпламга Азамат Худойбергановнинг шеъри номи танлаб олинган. Ижодкор бир неча йиллар болаларнинг адабий-бадий безакли “Ғунча” журналида фаолият олиб борган, баракали ижод қилиб келаётган шоир ҳисобланади. Унинг ёзганлари анча ўқишли, қалами тинган. Ёзганларида болаларга хос ҳажв унсурларидан унумли фойдаланади. Шеърларида бадий тасвир воситалари турлича, шунингдек, мавзу кўлами ҳам анча кенг. Турли мавзулар ва турли йўналишларда шеърий тажрибалар олиб боради. Мисралар қатига бир қанча ғояларни яширишга интилади ва ундан юзага чиқадиган мазмун анча теран. Нафақат болалар, балки катта ёшли инсонлар ҳам ўқиб, ўзларига маълум хулосалар олиши мумкин. Азаматнинг шеърларида ҳажв бош унсур. У ҳажвдан турли мақсадларда фойдаланади.

¹¹² O‘zbek tilining izohli lug‘ati.. – Toshkent: O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2006. – 678-b.

“Тулкивойнинг ҳасрати” шеърида шоир сўз ўйини қилади ва бу орқали китобхонда енгил кулги уйғотади. Муаллиф шеърларида ҳажв даражаланиб боради. Дастлабки босқичда у шунчаки ўзининг сўз танлаш маҳорати-ю тилдаги сўзларнинг жилваси, шаклдош сўзлар, турли ибораларни қўллаб, кулги яратади. Мазкур шеър шоир ижодидаги ҳажвнинг биринчи даражасига мисол бўла олади:

*Бунча ширин оҳ, оҳ, оҳ,
Бу хўрознинг овози.
Яқинроқдан тинглашга
Қўймайди, афсус, този.
Ўзим айёр дейману,
Гоҳо думим берар панд.
Алаимдан шу сабаб,
Ейман доим хўрозқанд¹¹³.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 4-б.)

Хўроз ва хўрозқанд сўзлари орқали қилинган ўйин болаларни кувонтиради, қизиқтиради. Ҳақиқатан ҳам, тулки алаимдан хўрозқанд ейиши ва ҳақиқий хўрозни ея олмагани кулги уйғотади. Шеърда жонлантириш, интоқ, сифатлаш каби бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган. Қофиялар оригинал бўлмаса-да, боланинг хотирасида осон қолади. Ўқувчи шу сингари шеърларни тез ёд олади. Муаллифнинг бошқа шеърларида ҳам ҳайвонлар образи етакчилик қилади.

“Чумчукнинг эътирози” шеъри боғбон чолнинг кўшниси уни сахий, бой, хотамтой эканлигини айтиб мақтагани билан бошланади. Охирида чумчук нега шундай сахий одам биздан узумларни қизғанади, деяътироз билдиради. Муаллифнинг шеърга сарлавҳа танлаш маҳорати дуруст. У болаларни қизиқтира оладиган ном танлайди. Сарлавҳаларни ўқиган китобхон Тулкивойнинг дарди нима эканлигига, Чумчук нега эътироз қилаётганига қизиқади, уни ўқийди. Танланган номлар гўёки бир жумбоқ бўлса, шеърларда унга жавоб топилади ва ҳаммаси ойдинлашади. Тулкивойнинг аламига эргашиб, “Туякуш ҳасрати” келади. У Тулкидан фарқли равишда озиқ ғамида эмас, балки бошқа масалада ғам чекади. Бир пайтлар ҳамма қушлар ичида энг дадил, баланд жуссали қуш бўлганини айтиб шундай дейди:

*Ҳозир эса ҳаммаси
Туюлади гўё туш.
Ўрним олган “самолёт”
Деган янги чиққан қуш.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 7-б.)

Азаматнинг кулгидаги асосий қуроли ҳам сўзнинг ўзи. Кимдир воқеаларни айтиб кулдирса, яна кимдир ҳолат билан кулги уйғотади. Азамат бу ерда ҳам сўзга таянади. Албатта, самолёт деган янги қуш чиқиб, туякушнинг ўрнини эгаллагани болага қизиқарли бўлиб туюлади. Шеър охирида самолёт юқорида учганлиги боис ўзи пастда юрганини айтади. Чунки

¹¹³Xudoyberganov A., Tillaboyeva D. Uyalchang chuvalchang. –Toshkent: Navro‘z, 2019. –4-b.

у ҳам осмонда юрса иккаласи уришиб кетиши мумкин экан! Умуман, яхши топилма. Болаларга бериладиган билимнинг қизиқарли ва уйдирмалар асосидаги сабабларини яратиш ҳам маҳорат. Шунда болалар самолёт ҳам қуш эканлигини – уча олишини ўйлаб, унинг бошқа жонли қушлардан фарқи ҳақида ўйлай бошлайди. Мазкур шеър анъанавийлик билан замонавийлик уйғунлигида яратилган. Болалар қушлар ҳақида умумий тасаввурларга эга бўлсалар-да, самолётнинг ҳам қуш эканлигини уларга эслатиб қўяди.

Шоир шеърларидаги бош қаҳрамонлар фақат жониворлар эмас, муаллиф сабзавотлар, мевалардан ҳам образ сифатида фойдаланади. Азаматнинг шеърларида мазкур образлар жонлантирилади: сўзлайди, ҳасрат қилади, эътироз билдиради, қўшиқ ҳам куйлайди. Хусусан, унинг “Сабзи қўшиғи”да сабзавотнинг қўшиқчи эканини кўрамиз. Унинг замирида яхши ғоя ётади. Сабзи истеъмол қилиш болаларнинг бўйини ўстириши ҳаммага аён. Шеърда Қуён уни кўп еб қўйганлиги ва негадир қулоғи ўсиб кетганлиги Сабзининг тилидан айтилади. Шоир мана шу жойда гўзал боғлиқлик ясаб, шеърни устозларга маслаҳат билан якунлайди:

*“Қулоқсиз” болаларга
Мени қилинг тавсия.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 4-б.)

Шоир “қулоқсиз” болаларгасабзи рамзий образивоситасида тарбияли бўлишига ишора қиляпти. Уни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Ким учундир у китоб, яна кимдир яхши насиҳат дейди. Бошқалар эса яхши ўрнак дея баҳолаши мумкин. Бу умумий маънода қулоқсиз болаларни ижобий томонга ўзгартирувчи объект ёки субъект бўлиши мумкин. Албатта, бу адабиёт ва айнан ҳажвий шеър ҳам бўлиши мумкин. Мана шу даража Азамат ижодидаги иккинчи даража, яъни ҳажвиядан шоир биринчи даражадан биров юқорилаб, ғоявий-маърифий мақсадларда фойдалана бошлайди. Қолаверса, буни ижодкор бевосита очиқ-ойдин айтмайди, балки ишора қилади. Ҳамма уни ҳар хил тушуниши мумкин. Муаллиф ўқувчи ўзи мустақил қарор чиқаришини хоҳлайди ва буни болалар адабиётида муаллиф ва китобхон мулоқоти сифатида баҳоласак бўлади.

Азамат Худойберганов ижодида мавзу кўлами кенгайиб боради: жониворлар, сабзавотлар, болажонлар. “Илтимос” номли шеър ҳам ҳажвий характерда. Бош қаҳрамон синфдоши Раънони обдан мақтай бошлайди. У синфда энг аълочи, энг одобли эканлигини айтади. Шеър равон ўқилади, баёнчилик унчалик кўзга ташланмаган ва охирида кулги саҳнага чиқади:

*Алгебрадан, биласан,
Тушунмайман мен қурғур.
Дафтарингни эртага
Кўчиришга бериб тур...*

(“Уялчанг чувалчанг”, 5-б.)

Шеърга танланган ном оригинал, унинг мазмуни кейинчалик ойдинлашади. Юқорида айтилганидек, дастлаб у жумбоқ тарзида қолади. Энг муҳими, асар шу каби кўчирмачи болакайларга кўзгу тутати. Ажаб эмаски, синфда шундай шеърлар ўқилса, уларда яхши бир натижа бўлар. Юзлари

кизариб, келаси сафар вазифаларни ўзлари бажариб келса. Қолаверса, болалар бирор манфаат учун тилёғламалик қилмасликни ҳам ўрганишади. Шу тарзда шеърнинг номи нега “Илтимос” эканлиги ҳам ойдинлашади.

Китобдан жой олган “Пиёз” шеъри ҳам ҳажвий характерда. Унда Пиёз бекасининг раҳмдиллигини, ҳатто ҳар гал уни қўлига олганда кўзларига ёш олишини айтади. Яхши топилма:

*Бекам жуда раҳмдил,
Дердим эмас бағритош.
Мени қачон арчсалар,
Кўзига оларди ёш.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 6-б.)

Аммо негадир бекаси қизиб турган товага ташламоқчи бўлгани Пиёзни хавотирга солади. Жонлантиришнинг гўзал намунаси. Ҳар икки бандда ҳам ҳажв элементлари бор. Шеър болаларга этик-эстетик тарбия беради, уларни раҳмдилликка ўргатади. Бир қарашда якунланмагандек туюлган шеърда, аслида, хулоса маълум. У таъсирчанликка хизмат қилади.

Азаматнинг шеърларида шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланади, у болалар шеърини учун анъанавий бўлган 7 бўғинли шеърлардан воз кечиб, янги тажрибаларни ҳам қўллаб кўради. “Ўзи шунақа бўлади” номли шеърда айнан шу хусусиятларни кўришимиз мумкин. Унда бош қаҳрамон – сазан балиқ ҳеч кимда йўқ либосни киймоқчи бўлади. Қисқичбақа янгасидан қарз олиб, кумуш тангали либос кияди. Шеърга қуйидагича якунланади:

*Ўзгартириб энди
Ҳаёт тарзини.
Қочиб юрар,
Тўламасдан қарзини.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 8-б.)

Бу шоирнинг ҳажвий шеърларидаги учинчи даража. Унда шоир хулоса ҳам бермайди, бир қарашда шу ишни маъқуллаётгандек кўринади ҳам. Аслида ундай эмас. Тасвирда нозик бир хитоб борки, шоир бундай ёндашув орқали шундай бўлмаслик кераклигига ишора қилади. Қисқичбақа янга дея жониворлардаги қариндошликни очиб берувчи сўзларнинг ишлатилиши ва бунинг мантиқан тўғри эканлиги ҳам китобхонни қувонтиради. Сазан балиқ ва қисқичбақа ўртасидаги “қариндошлик” болалар учун қизиқарли. Мантикий хатоликка ҳам йўл қўйилмаган.

“Ўрмондаги беллашув”, “Полизда байрам” шеърлари орқали ижодкорда эртак-дostonлар ёзишга ижодий қувват борлигини кўрамиз. Улардаги халқ дostonларига ўхшаш шаклий унсурлар ва мазмунан мантиқлилик адабиёт майдонига янги бир забардаст болалар шоири кириб келаётганидан дарак беради. “Полизда байрам” шеъридаги “қуриб – турп” сингари оригинал қофиялар билан бирга “ошқовоқнинг ўмбалок ошиб келиши”, “карам қават-қават тўн кийиб, қўли кўксида тургани” каби жонли ҳаракатлар болалар учун мароқли.

Юқорида ҳажвий шеърларни ғоявий-маърифий ва этик-эстетик тарбия курули сифатида келтирдик. Муаллиф ижодида яна бир эътиборли жиҳат

шуки, у шеърлари билан болаларни турли фан доирасида саёҳатларга олиб чиқади. “Антиқа жавоб” номли шеър ҳам ҳажвий шеър саналади. Унда ўқувчиларга саккизни иккига бўлганда неча ҳосил бўлиши ҳақида савол ўртага ташланади. Саволга Сардор исмли ўқувчидан антиқа жавоб олинади:

*Ўртасидан бўлсак – уч,
Ён томондан бўлсак – нол.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 13-б.)

Саккизни иккига бўлишни математик тилда тушуниб тўрт деб жавоб бериш мумкин. Лекин болаларча ўйлаб, саккиз сонини иккига бўлиб қўйиш ва ундан уч ҳамда нол сонларини ҳосил қилиш янгича тасаввур, болаларча соф кулги асоси бўлади. Ижодкорнинг топқирлиги унинг болаларча ўйлай билганида. Зеро, “болалар учун китоб ёзадиган киши ғоят уста санъаткор, катта тажрибали педагог, тилнинг заршуноси бўлмоғи керак”.

“Лайлак” шеъри ҳақида ҳам ҳажвий характерли дейиш мумкин. У Азамат ижодидаги биринчи даражали ҳажвий шеърларга мансуб. Лайлакнинг бозорга тушиб, қўйлак олгани ва шимга келганда омади чопмай, муносибини топа олмагани шеърда баён қилиб берилади:

*Лекин шимга келганда
Омади ҳеч чопмади.
Ўзига мос бирорта
Лойигини топмади.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 11-б.)

Албатта, шеърдаги мазмун Лайлакнинг оёқлари узун бўлиши билан боғлиқ. Азаматнинг шеърларида сабаб ва оқибат муносабати ғайриоддий. Масалан, оқибат – шеърда лайлак ўзига шим топа олмагани, сабаб эса – юқорида айтилганидек, унинг оёқлари узунлигидир. Лекин шоир буни шеърда айтиб ўтирмайди. Буни болаларнинг ўзлари идрок этишларини истайди ва китобхонга кузатувчилик мақомини беради. Болакай шеърдан бир дақиқа узоқлашдими унинг сабаблари ёки оқибатларидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

“Хонқизи” шеъридаги тезкорлик, услубнинг янгилиги ўқувчига ёқади. Диалогик суҳбат билан кечган шеърда болалар хонқизининг нима сабабдан боққа шошиб боришига сабабни билиб оладилар. Шеърдаги қуйидаги икки мисра болаларни дўстликка, бирдамликка чорлайди:

*– Богда сени кутар ким?
– Аҳил-иноқ дўстларим.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 13-б.)

Китобнинг номи учун танлаб олинган “Уялчанг чувалчанг” шеърида чувалчанглар нима учун ер остида яшаши ҳақидаги фикрга болалардан бири – Темуржон топқирлик билан жавоб беради:

*Уялишса керак-да,
Ариқдаги балиқдан.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 14-б.)

Сўз ўйинлари шеърнинг оҳангдорлигини ошириб берган, “уялчанг – чувалчанг”, “арик – балиқ” сингари сўзларнинг келиши бола нутқини

ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Китоб номининг оригинал экани ва бунинг сабаби, яъни чувалчанг уятчан эканига сабаб борлиги мантиқийликни таъминлаган.

Ҳажвий шеърлар ҳақида гапирилганда алоҳида эътибор берилиши керак бўлган ижод намунаси бу – “Қовун” шеъри:

*Аввал бошда сўйдилар,
Маза қилиб тўйдилар.
Тўйгач энди, мазаси
Унчамас, деб қўйдилар.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 14-б.)

Бу тамоман болалар учун ёзилган шеър эмас. Ижодкор унда инсонга, жамиятга хос бўлган нуқсонни танқид қилмоқда. Шаклий хусусиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, қисқа, лўнда ва зарбаси бор шеър. “Тўрт сатр – бу зўр сатр” деганда қанчалар ҳақ эди шоир, аслида. Яхши шоир ўзини тўрт сатрда кўрсатур дейилган эди ўша шеърнинг давомида. Демак, мана шу тўрт сатр учун Азаматни яхши шоир деб мақтаб қўйиш мумкин. Иши битгандан кейин унчамас, деб қўйиш одати, афсуски, бугун жамиятимизда кўп учрамоқда. Шоир айнан шу муаммони қаламга олади ва уни қовун образи билан баён қилади. Мазкур шеърда ҳажв ўз вазифасини аниқ бажара олган деб айтиш мумкин. Албатта, шеърни болалар ҳам ўқишлари мумкин. Аммо уни катта авлод вакиллари кўпроқ тушунади, ҳаётий вазиятларда таққослай олади. Муаллиф рамз танлашда адашмайди ва бу унинг ютуқларидан бири.

“Бодрингнинг турпга хати” шеърида дўстлик тараннум этилган. Бир полизда ўсган икки дўст пишиб етилгач, айрилишларига тўғри келади. Йўллари айро тушган бодринг турпга хат ёзади. Уни қуйидагича якунлайди:

*Хатим тамом, алвидо,
Васиятим – излама.
Чунки мени эртага
Қилишмоқчи тузлама...*

(“Уялчанг чувалчанг”, 15-б.)

Енгил кулги қўзғайдиган ажойиб шеър. Болалар қизиқиб ўқиш билан бирга тез ёдда сақлаб қоладилар. Қофиялар ўйноқилиги, оҳангнинг жозибадорлиги бунда бош мезон бўлиб хизмат қилади.

“Мақтанчоқнинг аҳволи” шеъри дидактик характерда. Унда ҳам кулги бор. Шеърда пашша қалдирғоч билан учишда пойга ўйнамоқчи бўлади. Ўша пайтда қалдирғоч уни илиб кетади:

*Мақтанчоқнинг аҳволи
Гўёки ўхшаб тушга.
Улгурмай ҳам қолди у,
Битта қанот қоқишга.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 16-б.)

Ортиқча шарҳлар, изоҳларсиз тарбиявий аҳамияти катта бўлган шеър. Мақтанчоқлик болалар орасида кенг тарқалган “касаллик”. Уни “даволай олиш” эса ҳар бир “шифокор”нинг ҳам қўлидан келавермайди. Шоир ҳам шеъри орқали шу вазифани бажаришга уриниб кўради.

Тўпламдан ўрин олган “Саримсоқпиез”, “Компьютер сичқони” саргузаштлари ҳам ҳажвий шеърларга яхши мисол бўла олади. Саримсоқпиез ўзининг ҳиди сабаб дўстларига ёқмаётганини айтади, атир сотиб олиб, энди у билан ҳаммаси яхши бўлишини таъкидлайди. Бунда ўқувчи ўзи учун кўплаб хулосалар чиқариши мумкин. Масалан, дўст орттириш учун ҳам яхши инсон бўлиш керак. Саримсоқнинг ҳиди унинг ёмон томони деб олинса, кейинги яна бир ишора: баъзан ички дунёсини билмай туриб, четга чиқариб қўйиш нотўғри эканлиги билан ифодаланади. Бошқа бир томондан қаралганда, шеърдаги эстетик тарбия ҳам кишини хурсанд қилади.

“Компьютер сичқони” эса мушукдан қочмоқчи бўлганда думи унга ҳалақит беришини айтади. У компьютерсичқони бўлса ҳам мушукдан қочиши кераклиги яхши сўз ўйини ҳосил қилган. Бу болаларда сўзлар билан боғлиқ ўхшашликлар занжирини яратади. Шоир эса улардаги нозик ўхшашликларни аниқлаб, болаларга тутаверади.

“Баҳона” шеърида ҳам жамиятимиздаги қусурлардан бири қаламга олинган:

*Эчкивойни тўхтатиб,
Миршаббоши шоқол дер:
Нега Шердан берухсат
Қўйиб олдинг соқол, дер.
Нима қилсак сен нодон
Эсли-ҳушли бўласан.
Шу ишингга эртага
Бизга тушлик бўласан.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 20-б.)

Шеърнинг номи баҳона эканлиги инобатга олинса, ундаги мазмун тиниқлашади. Жамиятимизда бугунги кунда бу каби баҳоналар жуда кўп учрайди. Шоир ушбу масалани кўркмай танқид қилади. Шу ўринда “Донишманд Сизиф” асаридаги “Талқин адо қилди Сизифни” дея ўкинч билан айтилган хитобни бироз ўзгартириб, “баҳоналар адо қилди Сизифни” дейиш ҳам мумкин бўлади. Сизиф бу ерда рамз, албатта. Болаларнинг баҳоналари ҳам доим тайёр туради. Шу сабаб баҳоналарга арзимас дея сифат берилади. У сабабнинг эгизаги, аслида. Фақат бироз салбий бўёқдорликка эга. Шу жиҳатдан шеър катталар ва болалар учун ҳам тарбиявий аҳамият касб этади. Соқол мавзуси учун айнан эчкининг танлангани ҳам мантиқан тўғри, болалар буни аниқ тасаввур қила оладилар.

Шоир “Олма” номли шеърда омонимларни қўллаш орқали ҳажв қилади, ўқувчиларни кулдиради:

*Мени “олма” дейишса,
Ўтирманглар олмасдан.*

(“Уялчанг чувалчанг”, 20-б.)

Шаклдош сўзларни қўллаш орқали болалар учун қизиқ воқеалар юзага келтирилади.

“Тулки” шеърида ҳам фирибгарлар тузоғига осон тушиб қолаётган содда инсонлар қисмати кулги воситасида очиб берилади. Унда тулки бошқа

жониворлар ўзлари содда бўлса, менда нима айб дея савол қўяди. Бугун минглаб инсонлар соддалиги туфайли “тулкилар” тузоғига тушиб қолаётгани сир эмас. Мана шу жараёни шоир болаларга хос юмор билан қизиқарли тарзда ифодалайди. Мазкур шеърда жонлантириш, интоқ каби санъатлар қўлланилган.

Азамат Худойбергановнинг тўпламидан топишмоқлар ҳам ўрин олган. Шоир уларни ҳам туркумларга ажратади: “Полиз топишмоқлари” деб атайди. Унинг асосий қаҳрамонлари ва ечимлари полиздаги сабзавотлар. Бу жумбоқлар болаларнинг онгини ўстиришга хизмат қилади.

Шоирнинг “Қувноқ математик шеърлар”и ҳам аҳамиятли. Уларни ҳисоб шеърлар дейиш ҳам мумкин. Бу орқали мактаб ёшидаги болалар математика фанини қизиқарли тарзда ўрганишлари мумкин бўлади.

Юқоридаги фикрлар Азамат Худойберганов ижодига эмас, ижодининг бир қисмига – унинг “Уялчанг чувалчанг” тўпламига киритилган шеърларга тааллуқли. Шоир шеърларида суҳбат усули таъсирчанликни оширишга хизмат қилган. Асосан ҳажвий шеърлар ёзадиган ижодкор улар орқали болаларга тарбия беришга, нимадир ўргатишга, танқид орқали нуқсонларни тузатишга – сўз аталмиш мўжизанинг сирли томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Унинг шеърларида оҳангдорлик, ўйноқчилик етакчи ўрин тутди. Ҳажв, асосан, шеър якунида сахнага чиқади. Азаматнинг ижоди китобхонни ҳам, танқидчини ҳам хурсанд қилади. Китобхон яхши, ўқишли асар тутгани учун ундан миннатдор бўлса, синчи бугун болалар адабиётининг муносиб давомчилари борлигига умид боғлайди.

Инсоннинг китобга бўлган муносабати унинг болалигидан шаклланади. Боланинг қўнғлига кириб бора оладиган, у чин деб қабул қиладиган шеър ёза билиш, айниқса, улғайган ижодкорлардан катта масъулият талаб этади. Ана шу жиҳатдан ҳам бу ғоят мураккаб вазифа. Болалар адабиёти бугунги кунда ғоявий-маърифий ва ахлоқий-эстетик тарбия қуроли сифатида ўз вазифаларини бажаришда давом этяптими деган саволга жавоб олишнинг биргина йўли бугун яратилаётган асарларни кенг таҳлил қилишдир.

Навбатдаги таҳлилга тортилаётган асар 2019 йилда “Биринчи китобим” лойиҳаси асосида чоп этилган “Раққос япроқлар” китоби. Ундан уч нафар ёш ижодкор: Наима Анварова, Мўтабар Ҳасанова, Моҳидил Абдуллаевлар ижод намуналари ўрин олган. Дастлаб сўз ижодкор Наима Анварова китобидан ўрин олган “Макка ва ҳакка” тўплами ҳақида. Шоира шеърларидаги самимийлик, болаларча соддалик инсонни ўзига тартади. Тўпламга киритилган “Ёмғир” шеърида ҳажвийлик таранг даражада. Унда устоз болаларга ёмғир нима дея савол беради. Ҳошим деган топқир ўқувчининг:

Ёмғирми, булутлардан

*Оқаётган тер*¹¹⁴, (“Макка ва ҳакка”, 50-б.)

дея қизиқарли тарзда жавоб бериши, албатта, болаларча кулги уйғотади. Ушбу шеърда ҳажвия болаларга тарбия бермаслиги, янги билим ўргатмаслиги

¹¹⁴ Anvarova N. Makka va hakka. – Toshkent: Navro‘z, 2019. – 50-b. (Кейинги шеърлар саҳифаси қавс ичида бериб кетилди)

мумкин, лекин сўз ўйинларига, гапга усталикка чорлаши,шубҳасиз. Бундан ташқари, мазкур шеър болалар тасаввур оламини ҳам бойитади.

Болалар адабиётининг ғоявий-маърифийхусусиятларини ўзида жамлай олган шеърлардан бири “Ўхшашлик” деб номланган.

*Кўзгуда ўз аксини
Кўриб мушук итга дер:
– Анави шерни қара,
Бери келса бизни ер.
– Ёнидаги бўримми?
Тишини қайраяпти.
Жониворлар ўзини
Танимай сайраяпти.*

(“Макка ва ҳакка”, 55-б.)

Танланган сарлавҳа шеърга муносиб. Мушук кўзгудаги ўз аксини танимай шер деб ўйлаётган бир вақтда ёнидаги ит ҳам ўзининг ким эканлигини билмай бўри деб тасаввур қиляпти. Ушбу шеър енгил кулги қўзғатади. Қолаверса, болаларни ўзига кўп юқори баҳо бермасликка, ўзлигини танишга ўргатади.

“Хўрозқанд” шеърида эса шоир китобхонда эстетик завқ уйғотади, сўз ўйинлари орқали ҳажвни юзага келтиради. Унда ака укасига бир-икки чақа бериб, хўрозқанд олиб келишни буюради. Ширинлик олиб келинганига қувониб турган акага уканинг берган жавоби эса қуйидагича:

*– Қанд олдим, дейди
Ҳовлиқиб бироз.
Лекин бу пулга
Келмади хўроз.*

(“Макка ва ҳакка”, 50-б.)

“Сичқонлар орзуси” шеърида ҳам сичқонларнинг орзуси равон ва кулги воситасида баён этилади. Унга кўра, филлар сичқонлар уларнинг қулоғига киришидан кўрқишади. Якунда эса сичқонларнинг орзуси айтилади:

*Қани шундай хаёлни
Мушук зоти ўйласа.*

(“Макка ва ҳакка”, 59-б.)

“Ҳийла” шеъри болаларнинг қувноқ айёрлиги ҳақида бўлса, “Қарз”да болакай дўстидан қарзга беш баҳо сўрайди. Китобнинг номи сифатида танланган “Макка ва ҳакка” шеъри мазмунан Азаматнинг пашша ва қалдирғочнинг мусобақасини эслатиб юборади. Унда маккажўхори ўзидан кетар даражада мақтаниб турган бир пайтда ҳакка уни паққос туширади. Мақтанчоқ шу тариқа ўз жазосини олади:

*Кўп мақтанма, макка,
Дея бир ҳакка.
Қанча дони бўлса
Еб олди якка.*

(“Макка ва ҳакка”, 52-б.)

Шу ўринда шеърдаги оҳанг ўйноқилиги ҳам болаларни ўзига жалб этишини таъкидлаш жоиз.

“Балиқ” номли шеърда ёдда қоладиган мисраларни учратмайсиз. Шеърдабалиққа хос хусусиятлар саналади. У сувнинг фарзанди экани айтилиб, жони қил устида туриши билан якунланади.

“Меҳмон келса” шеърида болакайнинг ширин ташвишига мурожаат қилинади. Уйга меҳмон келганда хонтахталар тўлиши ва ширин конфетлар болани ўзига мафтун қилиши айтилади. Якунда эса болакайнинг ҳасрати янграйди:

*Меҳмонга-чи ҳайронсан,
Олинг десак турар жим.
Эҳ нимага шу гапни
Менга айтмайди ҳеч ким.*

(“Макка ва ҳакка”, 53-б.)

Наиманинг шеърларида шаклдан воз кечиш мавжуд. У кўп шеърларида қолипларга бўйсунмайди. Лекин у бор ижодий қувватидан ҳам фойдаланмайди. Шеърларида баёнчилик устунлик қилади. Унинг шеърларига сарлавҳалар танлаш маҳоратини “Истак”, “Ўрнак” каби шеърларда кўриш мумкин. Аммо Наима Анварованинг айрим шеърларида ҳазиллар қиёмига етмаган, ҳажв чин кулгига айланмай қолган. “Қалтис ўйин”, “Шеърнинг таклифи” каби шеърлар шулар жумласидандир. Уларни пишитиш, мазмун ва воситани тўғри танлай билиш ижодкор ёзган асарларининг муваффақияти бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Китобдаги кейинги тўплам ижодкор Мўтабар Ҳасанованинг “Ойна тутар сойга ой” номли болаларга аталган шеърлар тўпламидир. Мўтабар Ҳасанова шеърларида Ойга жуда кўп тўхталган. Китобнинг номида ҳам ой иштирок этганидан буни билиш қийин эмас. Тўплам номи “Ойна тутар ойга сой” тарзида бўлганида жараён жонли бўларди, назаримизда. Чунки ойнинг юзи сойда аксланади. Аслида, бу ерда ойна тутаётган образ ой эмас, сой бўлиши керак. Ахир, ойда сой кўриниши ғализ. Сойда ой кўринади. Шу боис сой ойга кўзгу тутиши керак. Китобга ном танланганда, аввало шоирнинг ўзи, муҳаррирлар, қолаверса, мана шу ишга масъуллар бу юкни тўғри ҳис қилиши зарур. Мўтабар Ҳасанова кўп ҳажвий мавзуларга қўл урмаган. Унда болалар нигоҳи билан ўлчанадиган мавзулардан биров каттароқ мавзуларни кўриш мумкин. Шу жиҳатдан, уни ўсмирлар адабиёти деб аташ ўринли бўлади. Унинг китобига киритилган ҳажвий шеърлар ҳам санокли, деярли йўқ.

“Шудринг” шеъри якунига эътибор берайлик:

*Жуда қизиқ, бу томчи
Бунча ёрқин бўлмаса.
Турар эди кечгача
Агар офтоб кулмаса¹¹⁵.*

¹¹⁵Hasanova M. Oyna tutar soyga oy. –Toshkent: Navro‘z, 2019. –63-b. Кейинги шеърлар саҳифаси қавс ичида бериб кетилди.

Болаларга шеър ёзаётган, умуман, болалар учун маҳсулот тутаётган муаллиф жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Ушбу шеърда шудрингнинг яшаб қолиши учун куёшнинг кулиши керак эмас эди, деган хулосани бериш ўринсиз. “Агар офтоб чиқмаса” дейиш ҳам мумкин, албатта, шаклий талабларни инобатга олган ҳолда. Кимнингдир яшаб қолиши учун кимдир кулиши тарзидаги фикрни болага тутишдан олдин ўйлаб кўриш керак.

“Баҳона” шеърида болаларнинг дангасалиги, билим олишга эринчоқлиги танқид остига олинади. Ҳисоб дарсига ҳеч ҳафсаласи йўқ болакай танаффус бошланиб, дарс тугаб қолмаганида, масалани, албатта ечган бўлардим, дея афсус қилади. Афсуски, баҳоналар ҳар доим мавжуд. Болалардаги дангасаликни муаллиф шу кўринишда очиб беради ва хулосани уларнинг ўзига қолдиради:

*Жуда узоқ ўйладим,
Дарсни бузди танаффус.
Чалинмаса қўнғироқ,
Ечардим аттанг, афсус.*

(“Ойна тутар сойга ой”, 66-б.)

“Чумоли ва кўлмак” шеърида орзулар тасвири гўзал берилган. Унда чумоли шундай орзу қилади:

*Улоқча бўлиб
Қолсам шу ондан,
Бир сакрашда ўтардим
Манов уммондан.*

(“Ойна тутар сойга ой”, 66-б.)

Чумоли бу ерда рамз, албатта. Кўлмак ҳам. Кўлмак чумоли учун уммон бўлиб кўринмоқда. Болаларнинг барчаси чумоли каби орзулар қилишади, уларнинг истаклари чегара билмайди. Шоир ушбу ижод намунаси орқали шунга ишора қилади. Шеър болаларни орзу қилишга ўргатади, аммо унда ҳам маълум чегаралар борлиги ҳажв орқали очиб берилади. Мазкур шеър чумоли ҳеч қачон улоқ бўлолмаслигини, лекин шунга қарамай “манов уммон”дан ўтиши мумкинлигини эслатади. Яъни, орзуларни мақсадга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилиш керак бўлади.

“Ой меҳмонда” шеърида эса кўлда бақалар базми жамшид бошлаб қолишади. Базм ва унда бақаларнинг куйлаши сабабини билмоқчи бўлган куён уларни пойласа, Ой ҳамма ёкқа нурдан кўрпа ёйиб, кўлга меҳмонга келган бўлади. Бунда ҳам тасвир чиройли чизилган:

*Сойга оқ кўрпа ёйиб,
Нур таратиб ҳар ёнга —
Тугилган кунмикин ё
Ой келибди меҳмонга.*

(“Ойна тутар сойга ой”, 70-б.)

Шеърдаги тасвир юқорида тилга олинган “Ойна тутар сойга ой” шеъридаги тасвирга ўхшайди. Лекин икки тасвир орасида муайян фарқлар ҳам йўқ эмас. Бироқ тасвирларнинг такрор қўлланиши ўқувчини зериктириши, уни ўзига жалб қилмай қўйишини унутмаслик керак. Энг асосийси, бу

иждокорнинг бой тасвир манбасига эга эмаслигини ҳам кўрсатиб қўяди. “Ватан”, “Ўзбекистон” номли шеърлар иждокор ҳали тўла иждодий қувватга эга эмаслигини билдиради.

Китобдаги учинчи тўплам – “Раққос япроқлар”. Китобнинг номи бизни япроқларнинг янги хусусияти билан таништиради. Демак, япроқлар рақс тушар экан-да, дея ўйлай бошлайди болакайлар. Моҳидил Абдуллаева ижоди билан болаларга тарбия беришга, уларни китобхонликка чорлашга ҳаракат қилади. Бунда болалар адабиётига хос дидактик-маърифий хусусиятларни кўришимиз мумкин. Тўпламнинг илк шеъри “Меҳр”да ҳам болаларни китобхонликка даъват қилмоқчи бўлган иждокор “Сарик девни миниб”ни ўқиган Умиджон билан боғлиқ китоб мўъжизасини кашф этиб, уни китобга ўқишга чорлаган нарсаси меҳр эканлигини айтади:

*Англаб етди лек у ҳис,
На мўъжиза, на сеҳр.
Чорлаганди Умидни
Китобга бўлган меҳр¹¹⁶.*

Аммо шеър шакл жиҳатдан таҳрирталаб.

“Беш” номли шеърнинг дастлабки икки банди эътиборга лойиқ, аммо охириги бандга деярли ҳеч қандай мазмун юклатилмаган. Шундай экан, уни Беш баҳонинг:

*Аълочи болаларнинг
Кундалигин безайман*

(“Раққос япроқлар”, 76-б.)

– деган мағрур сўзлари билан тугатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Зоминга йўл” шеърини қуруқ таассурот деб баҳолаш мумкин. Бу болалар учун аталган шеърми ёки шоирнинг таассуротлари, билиш қийин. Аммо бунда Зоминга боришни орзу қилган қизнинг синглиси каби битта қандга орзусини алмашмаслиги айтилади.

“Хўроз” шеърида ҳажв бор. Болакай тушлик вақтида дастурхонга ўтириб, таом ҳидидан хурсанд бўлади ва ойисидан бу ниманинг гўшти эканлигини сўрайди. Бабақ хўрознинг гўшти эканини билган болакай шундай жавоб қайтаради:

*– Ие, нега бизларга
Айтмадингиз олдиндан.
Энди хўроз ҳар сафар
Қичқирса-я қорнимдан.*

(“Раққос япроқлар”, 78-б.)

Болаларга хос кулги. Аммо шоир болалар учун қалам тебратар экан, унинг эстетик томонларига ҳам эътибор бериши керак. Зеро, юқорида таъкидланганидек, болалар учун шеър ёзадиган иждокор сўзнинг заршуноси бўлиши зарур. Чунки у ёзаётган ҳар нарсаси келажакка дахлдор.

¹¹⁶Abdullayeva M. Raqqos yaproqlar. – Toshkent: Navro‘z, 2019. –76-b. Кейинги шеърлар шеърлар саҳифаси қавс ичида бериб кетилди.

Бошқа бир шеърда “Шоколад – бир ўпичнинг баҳоси” дея уни “талашларидан”– ўпишларидан безор бўлган болакайнинг уддабуронлиги, тадбиркорлиги яхши топилма. Шеърда болаларга хос юмор акс этган.

Болалар адабиётининг дидактик-маърифий хусусияти ҳақида гапирилганда “Эртаклар” номли шеър алоҳида аҳамият касб этади. “Бор экану, йўқ экан” деб бошланган шеър эртакларнинг анъанавий бошланмасига ишора қилади. Халқ оғзаки ижодида учрайдиган эртак намуналаридан бошланган саёҳат болалар учун яратилган мультфильмлар оламига кўчади. Уларнинг ҳам ўзагида эртаклар ётиши ёдга олинади:

*Бу гал ҳам қизик эртак
Айтар Қундуз амаким.
Аълохонда кўрдимми
Ака-ука Гриммни?
Айтмайман Кайни ўқиб
Роса йиғлаганимни,*

(“Раққос япроқлар”, 79-б.)

деб муаллиф кўз ёшини тўкканини ошкор қилади. Бу ерда эътиборга молик жиҳат шундаки, шоир исмлар танлашда ҳам ўйланади, изланади. Мавзуга мос исм топишга ҳаракат қилади. Ака-ука Гримм асарларини ўқиётган қизалоқнинг исми Аълохон эканлиги бунга яхши далил бўла олади. Бундан ташқари, ижодкор китобхон билан саволлари орқали мулоқот қилади, суҳбатлашади. Юқорида ака-ука Гриммни Аълохонда кўрганмидим, деб савол бериш орқали ўқувчини бир уйғотиб олади ижодкор. Ўзини кузатишга мажбур қилади.

*Антуанга қандайин
Мактуб юбориш мумкин?
Кичкина шаҳзодани
Тушимда кўрдим бугун,*

(“Раққос япроқлар”, 79-б.)

дея якунига етади шеър. Маълумки, Антуан де Сент Экзюпери “Кичкина шаҳзода” асарининг муаллифи. У асар якунида кимда ким Кичкина шаҳзодани кўрса, унга мактуб йўллашини илтимос қилади. Ижодкор мазкур сюжетдан фойдаланиб, Кичкина шаҳзодани тушида кўрганини айтади ва болажонлардан энди Антуанга қандай қилиб мактуб ёзиш мумкинлигини сўрайди. Дидактик жиҳатдан аҳамиятли шеър. Буни фақат болалар эмас, барча ёши катталар ҳам таассуротлар билан ўқийди. Ундаги шоир яширган, жавоби китобларда бўладиган жумбоқларни топади. Аммо шеърдаги икки мисра шакл талаби билан олиб келинган ва асарга ёпишмаган:

*Дарди борларга даво,
Эртаклар – буюк ҳаким.*

(“Раққос япроқлар”, 79-б.)

Бу шунчаки қофия талаби холос. Ижодкор “амаким” сўзига қофия тарзида “ҳаким” сўзини қўллаган. Бу эса асарнинг пишиқлигини таъминламаган. Эртакларнинг дардларга даво бўлувчи табиблиги биров мантиқ талабини бузади.

“Самовий жанг” шеъри орқали ҳам шоир болаларга тарбия беради: уруш-жанжал кўп ёмон эканлигини уқтиради. Унда дастлаб булутлар қовоқ уйиб Ердан аразлайди. Сўнгра чакмоқ ҳам бор кучини кўрсатиб, мактана бошлайди. Фарзандларининг ҳолатидан ранжиб қолган она табиат афсус қила бошлайди ва “Беролмабман тарбия” дея ўксиниб кўяди. Бўрон эса четда жимгина томоша қачон тугашини кузатиб туради, момақалдироқ осмон узра “умбалоқ оша” бошлайди. Шу пайт жанжалга бардош беролмаган осмон бирдан йиғлаб юборади ва тўполончиларга қарата: Қуёш йўлини тўсманг, деб буюради. Шу билан самовий жанг якунига етиб, офтоб яна кула бошлайди. Охирда эса:

*“Бир дамлик бўлса ҳамки
Уруш-жанжал кўп ёмон”*

(“Раққос япроқлар”, 79-б.)

эканлиги уқтирилади. Шеърда жонлантириш тасвирий воситасидан унумли фойдаланилган. Болаларга хос ўйинқароқлик ва тўполончилик хусусияти осмон жисмлари, табиат ҳодисаларига кўчади. Болаларнинг “умбалоқ ошиш” ўйини ёрдамида чакмоқ янада очилади. Аслида, адабиёт шундай бир куч: у кулдиради, йиғлатади ва шу орқали тарбия беради.

Навбатдаги “Совға” номли шеърда ҳам яхши тасвирлар, ҳажвий мисраларни учратиш мумкин. Унда айтилишича, табиатнинг кайфияти жуда ёмон. Қаҳрамон уйқудан кечроқ уйғонган Қуёшга салом беради. Воқеалар ривожига шумтака шабода сокинликни унутиб кўйгани айтилади.

*Қорни ёрилиб кетди
Оппоққина булутнинг:
Заминга меҳмон бўлди
Саможоннинг кўзёши.
Ёмғир синай бошлади
Ўрик гули бардошин.*

(“Раққос япроқлар”, 80-б.)

Булутнинг қорни ёрилиб кетгани ҳам ҳажвий, ҳам яхши топилма. Осмоннинг кўзёшлари ерга меҳмон бўлиб тушгани ҳам оригинал. Ёмғир томчилари ўрик гулининг бардошини синай бошлаши эса жараён. Бу билан ижодкор илк баҳор кунлари ёмғири ёғиши ва унинг ўрик гулларини тўкиб юборишини айтмоқчи. Шу сабабли ҳам ёмғир томчилари ўрик гули бардошини синамоқда, томчилар қанчага чидай оларкан дейди. Якунда эса ёмғир томчилари ҳаёт эканлиги, улар сабаб майсалар олға дея ўсишга тайёр турганлиги, ўт-ўланлар вадов-дарахтлар учун осмондан тушган совғалиги айтилади. Умуман, шеърда мазмун ва шакл бир-бирини тўлдирган.

“Бобом ва бувим” номли шеърда болакай бобосига эркалик қилиб, уларнинг сочларига оппоқ киров қўнганини айтади ва:

*Бобо, нега қорнингиз
Коптогимга ўхшайди?*

(“Раққос япроқлар”, 81-б.)

– деб сўрайди. Болага хос савол кулги уйғотади. Аммо куйидаги икки мисрани эстетик жиҳатдан ўйлаб кўриш лозим:

Соқолингиз тез ўсар,

Меники ҳеч ўсмайди.

(“Раққос япроқлар”, 81-б.)

Биз болалар шеърятни ҳажвнинг аҳамиятини исботлашга, у маълум вазифаларни бажаришига далиллар келтиришга уринар эканмиз, фикримизга “Ньютон” номли шеър исбот бўла олади. Унда Отабекнинг саргузашти баён қилинади. Боғда кўм-кўк довуччалар пишган. Болалар ундан маза қилиб ейишмоқда. Ушбу ҳолатни муаллиф шундай чизади:

*Пастки шохлар айрилди,
Пишмаган ўриклардан.
Жуда берилиб кетиб
Тош отдик шўрликларга.
Адо бўлди мевалар
Тўлмай туриб ёшига...*

(“Раққос япроқлар”, 82-б.)

Шу пайтда битта тош қаҳрамонимиз Отабекнинг бошига қайтиб тушгани айтилади. Сўнгра қаҳрамонимизнинг онаси бошига олма тушгач, Ньютоннинг олим бўлганини айтиб беради. Болакай тасаввурида энди акаси ҳам аниқ олим бўлиши гавдаланади. Олим бўлишнинг осон йўлини топган бу болакай, укасига қарата шундай дейди:

*Укам, анов тошни ол
Томга чиққин-чи, қани.
Ўзим пастда тураман
Тошни ташла бошимга.
Мен ҳам олим бўламан
Тўлмасдан ўн ёшимга.*

(“Раққос япроқлар”, 82-б.)

Олим бўлишни шунчалар осон деб ҳисобловчилар бугун кўплаб топилади. Илм машаққатли йўл. Унинг заҳматлари шунчаки, бир тош бошга тушгани билан ўлчанмайди. Ньютон ҳам олма сабабли олим бўлган эмас. Олма бошига тушгани орқали тортишиш қонунига ишора қилган. Энди Ньютон бўлиб, қайтадан тортишиш қонунини кашф этиш имконсиз. Муаллиф болаларча тасаввур, беғубор кулги билан аслида олим бўлиш қанчалар қийин эканлигини айтмоқчи. Олимликни касб этмоқ ҳар бир инсоннинг ҳам қўлидан келмайди. Демак, ушбу шеър – танқид, даъват. Бу образ сеҳрли қалпоқчаданилмли бўлишда фойдаланмоқчи бўлган Ҳошимжоннинг дўсти, холос. Аммо ижодкор якунда яхши хулоса беради. Уни чиройли тугаллайди ва бунинг барчасини ҳазилга йўяди. Аммо шеър ўқувчиларни ўйлантириб қўяди, кулдириб “куйдиради”:

*Деб ҳазил қилсам, дўстим
Кулар кўзда ёш билан.
Қандай олим бўласан,
Ишламаган бош билан?*

(“Раққос япроқлар”, 82-б.)

Бугунги болалар адабиёти айнан шундай маърифий-дидактик мазмундаги шеърларга муҳтож. Бу эҳтиёжни қондирувчилар эса болалар учун қалам тебратаётган ёш ижодкорлардир.

“Қорболанинг деганлари” номли шеър ҳам ҳажвий характерда. Аммо ундан бошқа мазмунни қидириш керак эмас. Шеърда қорбола уни оппоқ қордан яшашганини, қўллари шох-шаббадан эканлигини, бошига илма-тешик челақ кийдирилганини айтади. Шеър тугашида эса қорболанинг асл мақсади, яъни кўркуви ўртага чиқади:

*Қўрқаман бир нарсадан:
Қуёнчани кўрдингми?
У келмасин, гар келса
Еб қўяди бурнимни.*

(“Раққос япроқлар”, 84-б.)

“Беркинмачоқ” шеъри болаларнинг тасаввур оламини бойитади. Унда қуёш билан ой неча йиллардан буён бекинмачоқ ўйнаши ва бир-бирини топа олмаётгани ифодаланади. Шеър ҳажвий характерда эмас, у болаларнинг дунёқарашини кенгайтириб, хотирасига гўзал тасвирларни муҳрлайди. Аммо жараён тугалланмаган.

“Бодринг дейди” номли шеърда жонлантиришнинг гўзал намунаси қўлланилган. Унда бодринг дўсти бақлажонни доим эркалатиб, -жон қўшиб айтишлари-ю ўзига нисбатан бундай ҳурмат йўқлигидан хафа бўлади ва шундай дейди:

*Бақлажон яхши бола,
Доим бўлсин соғ-тетик.
Мен эса унинг дўсти
Сабзавотов Бодрингбек.*

(“Раққос япроқлар”, 85-б.)

Жонлантириш тасвирий воситасининг ўзига хослиги шундаки, ушбу шеърда инсонларга, уларнинг исм-фамилияларига қўшиладиган -ов, -бек каби эркалаш, ҳурмат маъносини билдирувчи қўшимчалар сабзавот номига қўшилган ва уни чин маънода жонлантирган. Бақлажон сўзидаги “жон”га тақлидан Бодринг ҳам ўзига ҳурмат талаб қилади ва бу болалар ҳаётида учраб турадиган ҳолатлардан бири.

“Иккичи” номи билан аталган ҳажвий шеър эса болаларга хос қизғанчиқлик одати соясида уларни билим олишга, аълочи бўлишга чорловчи бир маёқ бўлиб хизмат қилади. Унда ўқувчи бугун “икки” олгани, энди иккичи бўлиб қолгани ва Омонни иккичи деб чизғичини бермаганидан афсус қилиши тасвираланади. Болаларда шундай хусусият бор: ростан ҳам улар иккичи болаларга ҳеч нарсасини беришмайди. Шеърдаги шу мотивнинг ўзи болаларни аълочи бўлишга чорлайди.

*Кундаликни ойимга
Ҳеч кўрсатгим келмайди.
Энди Омон ҳам менга
Ўчирғичин бермайди,*

(“Раққос япроқлар”, 86-б.)

дея якунланади шеър. Хулоса болаларнинг ўзига ташланади. Болаларнинг шумликлари очиб берилишида кулги асосий ўрин тутди. Болалар бир қарашда буни билмасликлари, бош маъносини тушунмасликлари мумкин, лекин кейинчалик, албатта, англайдилар. Болаларга хос яхши маънодаги шу каби қизғанчиқликнинг адабиётда акс этиши самарали.

Тўпламдан жой олган “Раҳмат” номли шеър ҳам дидактик мазмун касб этган. Кулги воситасида очиб берилган раҳмат йиғиш жараёни болаларга катталарга салом бериш кераклигини ўргатади. Унда йўлда амакисига салом берган болакайга қарата амаки “Отанга раҳмат” дейди. Буни эшитиб турган жиян эса энди тинмасдан йўл бўйи ҳаммага салом беради ва уйга келганда:

...дадажон, сизга

Кўп раҳмат олиб келдим,— дейди.

(“Раққос япроқлар”, 87-б.)

Болакай дадасига раҳмат олиб келиш учун биринчи қадамни қўйган экан, келажақда у кейинги қадамларини ҳам қўяди, албатта. Болаларга одоб-ахлоқни ўргатадиган катта мактаб бу адабиёт экан, унинг кучидан болалартарбиясида қай даражада фойдаланилаётгани жуда муҳим масала эканлигини унутмаслик лозим.

Моҳидилнинг “Музқаймоқ”, “Тасанно”, “Ёз билан суҳбат”, “Пўписа” сингари ичи бўш шеърлари ҳам йўқ эмас — “Тасанно” шеърдан бўлак. Масалан:

Ухламайди юлдузлар,

Туни билан уйгоқдир.

Чунки улар осмонга

Илинган шамчироқдир.

(“Раққос япроқлар”, 88-б.)

Тўпламга киритилган “Танаффус” шеъри ҳам ҳажвий, аммо дидактик-маърифий руҳда эмас. Унда болалар энг зўр дарс қайси эканлиги ҳақида тортишиб қоладилар. Кимдир табиат, кимдир жисмоний тарбия дейди. Шеърни қуйидаги мисралар якунлаб беради:

Энди ўзим айтаман,

Бунақаси кетмайди.

Бу фанларнинг ҳеч бири

Танаффусга етмайди.

(“Раққос япроқлар”, 88-б.)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳажвий шеър юқоридаги мазмунни ўзига сингдирган бўлиши шарт эмас. Бундай қоида йўқ. Аммо болалар шеърияти шунчаки кулдирадиган, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган адабиёт эмаслигини кўрсатиш учун ҳам шоиру ёзувчиларимиз ҳажв унсури орқали болалар шеъриятининг дидактик-маърифий, эстетик мақсадларга хизмат қилишини билдирувчи асарлар яратган ва бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Моҳидил Абдуллаева ижодида учровчи қаҳрамонлар анчагина уддабурон — бир ўпичнинг баҳоси шоколад дея олган болакайдан тортиб, ўзини ҳурмат қилишни бошлаб юборган Сабзавотов Бодрингбек, бекор Омонга чизғичимни

бермаган эканман дея қайғуриб турган миттивой ва бошқаларда буни кўриш мумкин. Ижодкорда шакл ва мазмун мутаносиблигини таъминлашга бўлган интилиш сезилади, лекин бу шеърларда тўла таъминланмагани ҳам эътиборни тортади. Умуман олганда, барча ижодкорлар болаларга аталган шеърлари орқали уларнинг қалби томон қадамлар ташлашда давом этмоқдалар.

Ўзбек болалар ҳажвий шеърятининг маърифий-дидактик ва бадий-эстетик қиммати аслида қай даражада бўлиши кераклиги барчага маълум. Юқорида бугунги кунда болалар шеърятининг мазкур қийматлардаги қиммати қай даражада эканлиги таҳлиллар мисолида кўриб чиқилди. Болалар ҳажвий шеъряти ўзининг миллий-маданий ва ижтимоий-маърифий тажриба ифодаси билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Аммо бугун болалар учун ижод қилаётган шоирларда мавзу кўлами анча тор. Такрорлар бисёр ва қуруқ шеърлар кўп учрамоқда. Шунга қарамай, болалар ҳажвий шеъряти ғоявий-маърифий ва этик-эстетик тарбия қуроли сифатида аҳамиятини йўқотмай келаётганига улар исбот бўла олади.

Боб якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маърифий-дидактик ва бадий-эстетик рух устуворлигида яратилган болалар ҳажвий шеъряти кичкинтойларнинг кундалик ҳаётида фаол қўлланадиган ҳарф ва товушлар, рақамлар жонлантирилиши, турли ўйинларва шакллардан кенг фойдаланилиши билан болалар тасаввурини бойитиш, нутқи ва талаффузини яхшилашга мустаҳкам замин яратади.

2. Болаларга бағишланган ҳажвий-юмористик шеърларда кичкинтойлар феъл-атворидаги майда-чуйда иллатлардан кўра ижтимоий тараққиётдаги янгилашлар билан боғлиқ маънавий-ахлоқий муаммоларга кўпроқ эътибор берилиши ва айти шу хусусиятлар эстетик тамойилга айланиб, истиқлол даври ўзбек болалар адабиётининг янгича тараққиёт тенденцияларини юзага келтираётганини кўрсатади.

3. Истиқлол даври ёшлар шеъряти намуналаридаги шаклий ва мазмуний изланишлар маърифий-дидактик, адабий-эстетик қарашларнинг янгилашшэҳтиёжи натижаси ўлароқ янги маъно касб этиб бормоқда. Буэса болалар ҳажвий шеърятининг келажагига умид ва ишонч уйғотади.

ХУЛОСА

Ўзбек болалар шеърлятида ҳажвийлик муаммосини ўрганиш орқали куйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Ўзбек болалар ҳажвий шеърляти ҳам умумшеърлятга хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг асосини ҳажвий юмористик тасвир устуворлиги ташкил этади. Бироқ болалар шеърлятидаги ҳажв ўз табиатига кўра катталарга аталган ҳажвийшеърлардан фарқли ўлароқ иллатларни таг-томири билан суғуриб ташлашмас, балки тарбиявий мақсадларни кўзлаш, аччиқ-заҳарханда ёки қувноқ кулги воситасида қайта тарбиялашдан иборатдир.

2. Ўзбек болалар ҳажвий шеърляти асосини ташкил этувчи комизм тағмаёноли қатламга эга бўлиб, ижтимоий ва эстетик вазифаларни бажаришга, ёш китобхонларни гўзаллик ва нафосат оламини ҳис қилувчи нозик қалб эгалари қилиб тарбиялаш билан бирга ёшлиқданоқ дунёқарашининг замонга мос тарздашаклланиши, жамият ўзгаришларигаўз муносабатларини фаол билдирадиган интеллектуал салоҳият ва эстетик дид эгалари қилиб тарбиялашга йўналтирилганлиги билан муҳимдир.

3. Ўзбек болалар ҳажвий шеърлятининг мавзу кўлами, поэтик олами, жанр хусусиятлари ҳамда адабий-эстетик моҳиятини ўрганишунини тадрижий тақомилига кўра тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради. Зеро, ҳар бир даврнинг ўзига хос поэтик тимсол ва образлари, ифода йўсинлари бўлади. Шунга кўра, болалар ҳажвий шеърлятининг тадрижий тақомили учта катта давр: жади́дчилик, шўро даври ва истиқлол даврикесимида ўрганилди. Бунда ҳар бир даврнинг муштарак ва хос хусусиятлари аниқланди.

4. Жади́дчилик даври болалар шеърлятида яратилган сатирик ва юмористик шеърлар маърифий-дидактик характерда бўлиб, унинг асосий сабаби А.Авлоний ва Ҳ.Ҳ.Ниёзий дарсликларига киритилгани билан изоҳланади. Уларда ўша давр болалари табиатига хос саводсизлик,

бошбошдоқлик, ёлғончилик, бекорчилик,ўғрилиқ қилишдек иллатлар фош қилингани, илм олишга чақириқ ва панд-насихат характери билан ажралиб туради.

5. Шўро даври болалар ҳажвий шеърляти учун ниҳоятда мураккаб давр ҳисобланади. Бир жиҳатдан бу даврда болалар учун махсус ижод қиладиган профессионал адиб ва шоирлар етишиб чикди. Уларда болалик оламига хос нуқсон ва камчиликлар рангин бўёқларда тасвирлана бошлади. Болалар табиатидаучрайдиган ярамас одатлар ҳажвий кулги фонида ўз аксини топди. Айни пайтда давр мафкураси таъсирида яратилган ҳажвияларда синфий ёндашув элементлари ҳам кўзга ташлана борди. Бундай шеърлар шўро даври ҳукмронлигини ўзида мужассамлаштиргани билан ўзига хос тарихдир.

6. Болалар учун яратилган ҳажвий асарлар мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижодининг илғор анъаналарини ўзида жамлаши, уларни ривожлантириб бориши натижасида бугунги кун болалари ўтмиш тажрибасини ўзида жамлаган, замон талабларига жавоб бера оладиган асарлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Ҳажвий асарлар кичик китобхонлартасаввур оламининг кенгайишига замин яратса,улардаги дидактик сюжетлар покланишга даъват қилиши билан диққатни тортади. Ушбу уйғунлашув болалар онги теран, фикри ўсувчан бўлишини таъминлашибилан бир қаторда,кичкинтойларзиммасига эътиқодига содиқлик, ўзликни англай билиш масъулиятини юклайди. Мумтоз адабиётдаги пандномаларнинг дидактик моҳияти ҳамда халқ оғзаки ижоди, шунингдек, жаҳон болалар адабиёти анъаналари болалар адабиёти намуналарини янги ва юксак поғонага олиб чикди.

7. Болалар учун яратилган асарларнинг аксариятида ҳажв объектини улар характерида учрайдиган нуқсонлар, тасаввурларига оид ўзига хос чизгилар, ҳаракатларидаги ўзига хосликлар ташкил қилади. Уларда ижтимоий умумлашмалар чиқариш хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай асарлар кўп қатламли ҳисобланади. Кўп қатламлилиқ мазмунан чуқурлиги боис барча ёшдаги китобхонлар ўқиши учун мўлжалланган бўлиб, ўқилиши ва ёдда қолиши осон. Уларда, асосан, болалар характеридаги нуқсонлар фонида жамиятдаги иллатлар танқид остига олинадива бош маъно яширин бўлиб, тагдор мазмун касб этади.

8. Истиқлол даври болалар шеърлятида реал ҳаётда учрайдиган айрим иллатлар жонсиз нарсалар, табиат ҳодисаларига кўчиб ўтиши кузатилади. М.Аъзам, Т.Адашбоев, А.Обиджон, Д.Ражаб, А.Акбар, К.Турдиеваларнинг шу типдаги шеърларида реал ҳаёт манзаралари билан поэтик кўчимлар ўзаро уйғунлашиб, бетакрор бадий топилмалар яратилди.

9. Болалар феъл-атворидаги иллатларни фош этишда уларнинг маънавий-руҳий дунёсига тегишли ва болалар адабиётининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ ўзини-ўзи фош этиш ҳамда кулгига қўйиш санъатидан фойдаланилиши болалар ҳажвий шеърлятининг таъсирчанлигини таъминлайдиган омиллардандир.

10. Болаларнинг ҳажвий-юмористик образини яратишда шоирларнинг ўзлари тасвирлаётган манзара-ҳолатга гўё “бетараф” туриб,холис кузатувчи

сифатида қаҳрамон хатти-ҳаракатлари тасвири воситасида кулги ҳосил қилиши ўқувчини ўйлашга, фикр юритишга ундайди, мантиқий ва танқидий фикрлашга ўргатади.

11. Болалар шеъриятида қўлланган ихчам диалогик нутқ, пухта композиция, халқона қофия – буларнинг барчаси ҳажвий образлар яратишда самарали натижалар бериши шубҳасиз. Ҳажвий шеъриятдаги шаклий мукамаллик ҳамда мазмунан тагдорлик мазкур асарлар бадий-эстетик қимматини белгилайди. Аксинча, тасвирда шартлилиikka етарли эътибор бермаслик, кулги ҳосил қилаётган жараёнларнинг сунъийлиги ҳажвий-юмористик образларнинг ҳаётийлигига путур етказади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
3. Озод Ватан саодати. – Тошкент: Адиб, 2013. – 56 б.
4. Абдуллаева Р. Эртақлар устида ишлаш// Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – № 9. – Б. 23.
5. Адабиёт назарияси. Икки томлик. ИИ том. – Тошкент: Фан, 1979. – 254 б.
6. Адашбоев Т., Ражабов Д. Сатрлардан таралган меҳр. – Тошкент: Турон замон зиё, 2017. – 146 б.
7. Алишер Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 228 б.
8. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.
9. Ахмедова Ш. Юмор жилolari. – Тошкент: Фан, 1998. – 49 б.
10. Ахмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. ИИ қисм. Тошкент: – Шарқ, 2015. – 176 б.
11. Ахмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 160 б.
12. Ашуров Б. Турсунбой Адашбоевнинг поэтик маҳорати. – Тошкент: Фан, 2009. – 140 б.
13. Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 2004. – 214 б.
14. Баракаев Р. Жонажоним, шеърят. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 88 б.
15. Баракаев Р., Ашуров Б. Турсунбой Адашбоев феноменига бир назар. Тошкент: Академнашр, 2017. – 160 б.

16. Баракаев Р., Очилов Э. Бадиий тасвир маҳорати. – Тошкент: Мухаррир, 2019. – 112 б.
17. Бегак Б. Дети смеются. – Москва: Детская литература, 1979. – 140 б.
18. Бегак Б. Дети смеются. – Москва: Детская литература, 1979. – 223 с.
19. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – 365 б.
20. Белинский В.Г. Собр. соч. в 3-х т. – Москва: “Букинист”, 1948. – 364с.
21. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
22. Бобоев Т., Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 560 б.
23. Болалар адабиёти ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 1991. – 268 б.
24. Болалар олами. (Ўзбек совет болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами). 1-қисм. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 112 б.
25. Болалар олами (Ўзбек совет болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами). 2-қисм. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.
26. Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К.2. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 224 б.
27. Болалар олами: Ўзбек болалар адабиёти ҳақида мақолалар тўплами. К.1. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 218 б.
28. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998. – 95 б.
29. Ғаниев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998. – 112 б.
30. Детская литература. – Москва: Просвещение, 1978. – 496 с.
31. Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 218 б.
32. Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: 1975. – 218 б.
33. Жаҳонгиров Ҳ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 122 б.
34. Жумабоев М. Болалар адабиёти. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011. – 224 б.
35. Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: 1994. – 213 б.
36. Жумабоев М. Ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти. Қўлланма. – Тошкент: нашриёти, 1996. – 243 б.
37. Жумабоев М., Сувонов А. Болалар адабиёти. Қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 269 б.
38. Жўраев М. Рақамларда яширинган олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 22 б.
39. Жўраева Г. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш маҳорати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 112 б.
40. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.
41. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 204 б.

42. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 117 б.
43. Иброҳимова З. Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2005. – 36 б.
44. Иброҳимова З. Қувноқликка яширинган изтироблар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2005. – 32 б.
45. Имомов Б. Пулат Мўмин. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 141 б.
46. Ирисхўжаева С. Болалар адабиётида дидактика. – Тошкент: Фан. 1977. – 47 б.
47. Ирисхўжаева С. Кичкинтойлар олами. – Тошкент: Ёш гвардия. 1982. – 263 б.
48. Ирисхўжаева С. Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон. 1977–78 б.
49. Исомиддинов З., Ражабов Д. Энди зерикмайман. – Тошкент: Юлдузча, 1991. – 35 б.
50. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 548 б.
51. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – 360 б.
52. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2008. – 536 б.
53. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б. ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
54. Кехо Ж., Фишер Н. Онг қудрати – болалар хизматида. – Тошкент: Давр Пресс, 2017. – 96 б.
55. Кобулов Н. Кичкинтойларнинг катта шоири (Султон Жўра). – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – 126 б.
56. Мамажонов З. Мумтоз шеърининг санъатларининг назарий таснифи (ўхшатиш асосидаги санъатлар). – Тошкент: Академнашр, 2016. – 274 б.
57. Маршак С.Я. Право на взаимность. – Москва: Сов. Россия, 1973. – 123 с.
58. Матжон С., Қурбониезов М. Болалар адабиёти (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 135 б.
59. Матжон С. Икки эл ардоғида. Турсунбой Адашбоев портретига чизгилар. – Тошкент: Мусиқа, 2009. – 44 б.
60. Матжонов С. Болалик олами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 96 б.
61. Матжонов С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 176 б.
62. Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – 115 б.
63. Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиётининг тараққиётида фольклорнинг роли. – Тошкент: Фан, 1986. – 108 б.
64. Олим С., Аҳмедов С., Қўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. II қисм – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2014. – 192 б.
65. Познанский Н.Ф. Белинский о воспитании. Учпедгиз. – Москва: 1949. – 116 с.

66. Ражабов Д. Бадиият – маърифатдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2005.9 сентябрь.
67. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 119 б.
68. Рахимов Н. Ўзбек совет сатираси тарихидан. – Тошкент:ЎзФА нашриёти, 1962. – 128б.
69. Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1978.–115 б.
70. Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. –Тошкент: Мусиқа, 2010. – 215б.
71. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. –Тошкент: 1985. – 129 б.
72. Суюмов А., Кичкинтойлар адабиёти. – Тошкент: 1962.– 175б.
73. Суюмов А., Жумабоев М. Болалар адабиёти. Қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.– 224 б.
74. Тўхлиев Б., Шермуродов Т., Исаева Ш. Адабиёт (мажмуа). Академик лицейларнинг ИИИ босқич ўқувчилари учун дарслик. – Тошкент: Баёз, 2015. –125 б.
75. Ўзбек болалар адабиёти анталогияси. Икки жилдлик. 1–2-жилд.– Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 256 б.
76. Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён. –Тошкент: Фан, 1989. – 128 б.
77. Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки. – Тошкент: Фан, 1978. – 165 б.
78. Ўзбек болалар адабиёти. Мақолалар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1969.– 135 б.
79. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмийнашриёти, 2006. – 546 б.
80. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 2006.8 декабрь.
81. Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 231 б.
82. Қуддус Муҳаммадий. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – 126 б.
83. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018. – 213 б.
84. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007. – 269 б.
85. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 218 б.
86. Қўшжонов М. Қуддус Муҳаммадий. Қудрат Ҳикмат. – Тошкент: 1969. – 227 б.
87. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 263 б.
88. Худойберганов А. Уялчанг чувалчанг. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 124 б.
89. Хўжаева Р. Қуддус Муҳаммадий. – Тошкент: Фан, 1980. – 75 б.
90. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан,2007. – 196 б.

91. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 299 б.
92. Ҳамроев К. Шукур Холмирзаев ҳикояларида композиция. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – 79 б.
93. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 240 б.
94. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 186 б.
95. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳлилуғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 368 б.
96. Шарипов М. Шукур Саъдулла. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 86 б.
97. Шарофиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 119 б.
98. Шермухамедов П. Ижод дарди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 127 б.
99. Шермухамедов П. Истеъдод сеҳри. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 129 б.
100. Шермухамедов П. Она сутидек покиза. – Тошкент: Ёш гвардия, 1975. – 213 б.
101. Шермухамедов П., Турсунов Ж., Сафаров О., Эгамов Х. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 142 б.
102. Эгамов Х. Болалар дунёси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 126 б.
103. Эгамов Х. Дидактика ва услуб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 152 б.

БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

104. Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: “Академнасхр”, 2017. – 160 б.
105. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Шарқ, 1999 йил. – 23 б.
106. Анварова Н. Макка ва ҳакка. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 50 б.
107. Анварова Н., Ҳасанова М., Абдуллаева М. Раққос япроқлар. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 163 б.
108. Аҳмедов И., Жумабоев М. ва б. Болалар адабиёти. Хрестоматия. – Тошкент: наприйети, 1993. – 451 б.
109. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 183 б.
110. Имонбердиев Х. Ғаройибкент ҳангомалари. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 125 б.
111. Имонбердиев Х. Лофчилар-алдоқчилар. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 116 б.
112. Имонбердиев Х. Ҳарфлар жанги. – Тошкент: Чўлпон. 1994. – 109 б.

113. Матжонов С. Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи. – 114 б.
114. Матжонов С. Тириклик суви. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 87 б.
115. Муродов М. Олтин сандиқ очилди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1994. – 210 б.
116. Нўмонова З. Осмоннинг фанори. – Тошкент: Академнашр. 2015. – 214 б.
117. Обиджон А. Жуда қизиқ воқеа. – Тошкент: Чўлпон, 1987. – 231 б.
118. Обиджон А. Мешполвон жангга отланди. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – 216 б.
119. Рустам Назар. Рангли фаввора. У. Шукуров. Болари ва чумоли. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 129 б.
120. Ҳасанова М. Ойна тутар сойга ой. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 89 б.
121. Ҳовли тўла болалар. Шеърлар ва эртаклар. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 148 б.
122. Адашбоев Т. Топишмоқли алифбе. – Тошкент: Чўлпон, 1997. – 32 б.
123. Адашбоев Т. Латифбойнинг лофлари. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 176 б.
124. Адашбоев Т. Орзуларим – кўш қанотим. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 192 б.
125. Адашбоев Т. Осмондаги дарвоза. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 208 б.
126. Акбар А. Уйқучининг тушлари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 240 б.
127. Акбар А. Ғаройиб автобус. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 103 б.
128. Аъзам М. Сайланма. – Тошкент: Чўлпон, 2005. – 332 б.
129. Имонбердиев Ҳ. Бир кунлик мўъжиза. – Тошкент: Чўлпон, 1999. – 192 б.
130. Кичкинтойлар учун байрамлар китоби. – Тошкент: Чўлпон, 2014. – 200 б.
131. Муҳаммадий Қ. Танланган асарлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1971. – 127 б.
132. Назар Р. Ердаги куёш. Сайланма. – Хоразм, 2008. – 144 б.
133. Обиджон А. Она ер. – Тошкент: Ёш гвардия, 1974. – 36 б.
134. Обиджон А. Баҳромнинг ҳикоялари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – 31 б.
135. Обиджон А. Масхарабоз бола. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 128 б.
136. Обиджон А. Жуда қизиқ воқеа. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – 221 б.
137. Обиджон А. Ўқ ўтмас болақай. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 256 б.
138. Обиджон А. Ўғирланган паҳлавон. – Тошкент: Чўлпон, 2006. – 136 б.
139. Обиджон А. Танланган шеърлар. (1-китоб) – Тошкент: Шарқ, 2006. – 360 б.
140. Обиджон А. Танланган шеърлар. (2-китоб) – Тошкент: Шарқ, 2014. – 350 б.
141. Обиджон А. Онамнинг мамлакати. – Тошкент: Чўлпон, 2013. – 20 б.

142. Обиджон А. Жажжи-жажжи кулчалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2013. – 103 б.
143. Обиджон А. Атрофимиздаги қизиқчилар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 180 б.
144. Обиджон А. Ажинаси бор йўллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 432 б.
145. Обиджон А. Қувноқ-қувноқ болалар. – Тошкент: Чўлпон, 2019. – 486 б.
146. Орипов А. Танланган шеърлар. (4 жилдлик) 1-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. – 374 б.
147. Ражаб Д. Поезднинг боласи. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – 48б.
148. Ражаб Д. Ўқи, ёдла, ёз, бўя, болажон. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 2001. – 16 б.
149. РажабовД. Бахши бола – яхши бола. – Тошкент: Ўқитувчи, 2016. – 144 б.
150. Турдиева К. Алифбо оламига қувноқ саёҳат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 34 б.
151. Ғулом Ғафур. Фарзандларимга. – Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 237 б.
152. Ҳикмат Қ. Менинг юрагим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 175 б.

Мундарижа

Кириш

БИРИНЧИ БОБ.

XX–XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Болалар шеъриятида ҳажвиянинг ўрни ва бадиияти

Болалар ҳажвий шеърияти поэтикаси ва тадрижий тақомили

Ҳажвия – болалар руҳиятидаги нуқсонларни фож қилиш санъати
сифатида

ИККИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНИНГ ФАЛСАФИЙ- ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

Болалар шеъриятида шакл ва мазмун уйғунлиги

Болалар шеъриятида янгилаш ва рамзийликнинг концептуал асослари

Болалар шеъриятида ҳажвиянинг жанр имкониятлари.....

УЧИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА МАЖОЗИЙ-ҲАЖВИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Ҳажвий образ яратиш усуллари

Ҳажвий образнинг мажозий талқинидаги ўзига хосликлар

Ҳажвий-мажозий болалар шеъриятида поэтик мазмун тақомили...

ТЎРТИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲАЖВИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ҚИММАТИ

Болалар ҳажвий шеъриятида миллий-маданий ва ижтимоий-маърифий
ғоялар ифодаси.....

Болалар ҳажвий шеърияти – ғоявий-маърифий ва этик-эстетик тарбия
қуроли.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ГУЛНОЗА ЖУРАЕВА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВИЯ
(XX–XXI аср материаллари асосида)**

Монография